

Р.Ишмухамедов, М.Юлдашев

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

таълим тизими ходимлари, методистлар,
ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар
учун ўқув қўлланма



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ**

Равшан Ишмухамедов, Максуджон Юлдашев

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**(таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар,
тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма)**



Тошкент – 2013

УДК: 372.862(075)

ББК 74.202.4

И 96

Р.Ишмухамедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма) -Т.: 2013. -279 б.

УДК: 372.862(075)

ISBN 978-9943-23-075-0

ББК 74.202.4

Тақризчилар: Н.Рахмонкулова – педагогика фанлари доктори,
М.Мирсалиева – педагогика фанлари номзоди

Ушбу ўқув қўлланма педагогик тажрибадан ўтказилган «Директорнинг иш китоби» (2007), «Таълимда инновацион технологиялар» (2008) ва «Тарбияда инновацион технологиялар (2010)» китобларининг давоми бўлиб, унда таълим ва тарбия жараёнида қўлланиладиган инновацион технологияларнинг асосий моҳияти очиб берилган ҳамда ушбу китобларда ёритилган баъзи бир интерактив методлар ва педагогик технологиялар қайтадан кўриб чиқилиб, такомиллаштирилган ҳолатда баён этилган.

Ўқув қўлланмада инновацион педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари, ҳозирги кунда таълим ва тарбия жараёнига қўйилаётган талаблар, инновацион ёндашувлар, инновацион таълим ва тарбия жараёнининг мазмуни, таълим муассасалари ҳамда ўқувчилар гуруҳларида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар ва тарбиявий ишларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Унда махсус тренинглар ўтказиш услубиёти ҳамда таълим-тарбия технологиялари баён қилинган.

Ўқув қўлланма олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими талабалари, умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда таълим-тарбия муассасаларининг ходимларини малакалариши ошириш институтлари ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, ундан ушбу йўналишга қизиққан барча кишилар фойдаланишлари мумкин.



Таълимни тарбиядан, тарбияни эса, таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим.

Ислом Каримов

Кириш

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади инсон ва унинг манфаатлари, унинг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш ҳамда баркамол авлодни вояга етказишга қаратилгандир. Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга киритгандан кейинги қисқа вақт ичида босиб ўтган тараққиёт йўли асрларга арзигулик мазмун ва моҳият касб этмоқда.

Маълумки, тараққиётни ҳаракатга келтиришда ва турмушда рўй бераётган жараёнларга ўз таъсирини ўтказишда жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий янгилашинининг муҳим субъекти бўлган ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш муҳим масаласи аҳамиятга эга.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётини зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди.

Маълумки, узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимида ортикча такрорийликка чек қўйиб, аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий – техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Инновацион педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир педагог-ўқитувчи ўз касбий тайёргарлигини, педагогик маҳоратини ривожлантириб боришини талаб этади.

Узлуксиз таълим чуқур, ҳар тарафлама асосли таълим-тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, услуб, восита, усул ва йўналишларининг мукамал уйғунлигидан иборатдир. Узлуксиз таълим сифатини турли компонентлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян услублар ва усулларни таълим жараёнига оқилона татбиқ этилишини таъминлайди.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб ўқувчининг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида **мустақил ишлаш** самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига кизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир. Жаҳон педагогик тажрибаси, замонавий педагогик технологияларнинг ўқувчиларни фанларга кизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Таълимнинг бугунги **вазифаси** ўқувчиларни кун сайин такомиллашиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида **мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан** иборатдир. «Бунинг учун, уларга узлуксиз равишда **мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш** зарур.

Ўзбекистон Республикаси демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётган бир пайтда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожини асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимининг амал қилишига эришишдир.

Республикада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислохотларни амалга оширишни кўзда тутаяди. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шакллардаги муассасаларида таълим жараёнини илғор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги ва замонавий услубиёт билан таъминлаш лозим. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Таълим муассасаси ўсиб келаётган шахсни ўқитиш жараёнида уларга таълим олиш шароитларини яратаяди. Ўқувчиларнинг билимга бўлган эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг йўналтирилган бўлиши ўқитувчи масъулиятини янада оширади.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол услубларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қондаларини биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини педагогик ва ахборот технологиялар, интерфаол услублар билан қуроллантириш ҳамда олган билимларини ўқув-тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш лозим.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни ўзида жамлаган ушбу ўқув қўлланмада келтирилган амалий тавсияларнинг ўзига хос хусусияти

шундаки, унда таълим ва тарбияда инновация «Нима?» саволи орқали эмас, «Қандай?» саволи орқали ёритилганлигидадир.

Ўқув қўлланманинг **мақсади** таълим ва тарбия муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар, мураббийлар, гуруҳ раҳбарлари ва малака ошириш тингловчиларига инновацион педагогик технологиялар тўғрисида умумий тушунча бериш, уларни таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, тайёрлаш, ўтказиш ва таҳлил қилишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш услубиёти билан таништириш, шунингдек амалиётда қўллай олишларига замин яратишга йўналтирилган.

Қўлланма ўқувчиларни ўқитиш жараёнида тренинглар, очик мунозаралар ўтказишда, яқка тартибда, жуфтликда, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлашни ташкил қилишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни педагогик жараёнга тайёрлаш бўйича услубий тавсиялар ва маслаҳатларни қамраб олган. Шу билан бир қаторда, қўлланмада ўқитувчилар учун таълим ва тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув-тарбиявий машғулотларни ўтказиш услубияти бўйича намуналар, дарсга кириш ва уни таҳлил қилиш техникаси ҳамда таълим муассасаларида ўтказиладиган турли тарбиявий машғулотлар орқали миллий маросим ва тадбирларни ўтказиш услубиёти келтирилган. Таълим муассасаларида ўқитиладиган «Педагогик технологиялар» курсларида фойдаланиш имкониятини берадиган тақдимот материаллари берилган.

Қўлланмада келтирилган инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулот ўтказиш услубиётини ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзи ўқитаётган фани ва предметининг мазмуни, мақсади, мавжуд шароити, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириши ёки шу технологиялар асосида ўзларининг муаллифлик технологияларини яратишлари ва улардан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланмада фойдаланилган «ўқувчи»да олий таълим муассасаси талабаси, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ва малака ошириш тингловчилари тушунилса, «тарбиячи» атамаси орқали эса таълим муассасалари тарбиячиси, ўқитувчиси, гуруҳ раҳбари, мураббийси, ташкилотчиси ва шу каби тарбия жараёни билан боғлиқ ходимлар тушунилади.

Қўлланманинг шакли ва мазмуни бўйича барча фикр-мулоҳазаларни муаллифлар миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

*Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ булса ҳам
иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг
вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур*

Абдулла Авлоний

І БОБ.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- Инновацион технологиялар тушунчаси..... 9 бет
- Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда технологик хаританинг ахамияти..... 13бет
- Ўқув жараёнида интерфаол услубларни ва педагогик технологияларини қўллаш методикаси..... 17 бет
- Таълимда интерфаол услубларни қўллаш методикаси..... 53 бет
- Ўйинли технологиялар..... 70 бет
- Дарсга кириш, кузатиш ва таҳлил этиш техникаси..... 76 бет



Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали шахснинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишини кўзда тутди. Шахс узлуксиз таълимда ва кадрлар тайёрлашда таълим хизматларининг истеъмолчиси ҳамда ишлаб чиқарувчиси сифатида намоён бўлади.

Республикада шахсга ўз ижодий салоҳиятини амалга ошириш учун мутахассислик таълим дастурини танлаш ҳукуқи берилган. Умумий ўрта таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ амалга оширилади. Ушбу ҳужжатларда таълим тизими учун белгиланган вазифалардан бири юқори савияда ўқитишни таъминлаш ва малакали кадрларни замонавий касб-ҳунар таълим дастурлари асосида тайёрлашдир. *Таълим муассасаси ўқитувчисининг фаолияти шахсни тарбиялаш жараёнида таълим-тарбия олиш шaroитларини яратиш, унинг эҳтиёжларини қондириш ва қобилиятларини очиш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.* Таълим муассасаси ўқитувчисининг малакаси махсус ва педагогик фанлар билан ёритиладиган икки қиррага эга бўлиши лозим ва у доимо: «Нима учун ўқитиш керак?», «Қандай ўқитиш керак?» деган саволларга жавоб топиши зарур. Бу жавоблар педагогика фанининг асосий қоидалари ва қонуниятларига мос ҳолда талқин қилиниши, шунингдек, таълим хусусиятлари эътиборга олинган билимларга асосланган бўлиши лозим. Педагогиканинг муҳим муаммоларидан бири ўқитувчининг мутахассислиги ва фаолиятининг асосини ташкил этиш шарт бўлган педагогик жараён назариясини ишлаб чиқишдир.

Педагоглар мутахассислик бўйича мавжуд билимларидан ташқари ўқув жараёнига кадам кўяр эканлар, педагогик ва психологик билимлар, технология ва ўқитиш методикаларига доир зарур билимларни эгаллаган бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам, педагогларнинг малакасини оширишда:

- ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;
- ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, гуманитар билимларни англашга йўналтирилган янги касбий гафаккурни шакллантириш;
- ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;
- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларига яқинлаштирилган услублар тизими сифатидаги ўқитиш технологиясини эгаллаш масалалари асосий деб белгиланади.

Асосий мақсад. Республикаимизнинг таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог кадрларга замонавий педагогик технологияларни ўргатиш,

педагогика ва психология фанларига оид билимларини янада мустаҳкамлаш ва олган билимларини ўқув-тарбия жараёнига қўллай олишга ўргатиш, шунингдек, уларга педагогик маҳорат сирларини очиб беришдан иборат.

Замонавий ўқитувчиларнинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар. Ўқитувчилар ўзлари ўқитаётган ўқувчиларининг руҳиятларига мос равишда мулоқотда бўла олиш, замонавий педагогик технологияларни эгаллаш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллай олиши керак. Улар замонавий педагогик технологияларнинг ўқув-тарбия жараёнидаги ўрни, улардан фойдаланиш, шунингдек, усул, метод ва технология тушунчаларининг фарқлай олишлари, «Ақлий ҳужум», «Тармоқлар» (Кластер) «Ассесмент» методлари, «Бумеранг», «Скарабей», «Чархпалак», «Резюме» «Кейс-стади» ва шу каби технологиялар ҳақидаги билимларга эга бўлишлари ва улардан ўқув-тарбия жараёнида фойдалана олишлари лозим.

Асосий тушунчалар. Шахс, услубиёт, услуб, усул, технология, педагогик технология, инновация, педагогик инноватика, педагогик инновация, интерфаол таълим, интерфаол услублар, педагогик маҳорат, муаллифлик технологияси, эвристик таълим, педагогик деонтология, педагогик квалиметрия, андрагогика ва б.

1. «ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ»ЛАР ТУШУНЧАСИ



Шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинганлиги маълум. Бундай усул ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ишлаш, ижодий изланиш, ташаббус кўрсатиш қобилиятларини ривожлантиришга катта имкон бермаслиги аниқ.

Эндиликда фан, техника ва инновацион технологияларнинг ривожланиши натижасида ўқув-тарбия жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Таълим тизимида замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар эгалланаётган билимларни ўқувчилар томонидан ўзлари кидириб топишлари, мустақил ўрганиб, уларни таҳлил қилишлари, ўз билимларини баҳолашлари, тўғри хулосалар чиқаришга қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига, шунингдек, эркин фикрлаб синф(курс)дошлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш ва ҳаракат қилишларига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи марказий иштирокчига айланади.

Педагог-олимларнинг кўп йиллар давомида таълим тизимида:

Нега ўқитамиз?

Нимани ўқитамиз?

Қандай ўқитамиз?

саволларига жавоб излаш билан бир қаторда

Қандай қилиб самарали ва натижалли ўқитиши мумкин? - деган саволга ҳам жавоб кидирдилар.

Бу эса, олим ва амалиётчиларни ўқув жараёнини *технологиялаштиришга*, яъни ўқитишни ишлаб чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин, деган фикрга олиб келди.

Бундай фикрнинг туғилиши *педагогика фанида янги педагогик технология йўналишини* юзага келтирди.

Бугунги кунда таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганлигининг асосий сабаби қўйидагилардир:

Биринчидан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, педагогик технологиялардан фойдаланиш шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради.

Иккинчидан, педагогик технологиялар ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, педагогик технология ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Туртинчидан, педагогик технология янги воситалар ва ахборот технологияларнинг усулларини қўллашга асосланганлиги сабабли уларнинг қўлланилиши «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга оширишни таъминлайди.

Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса, ўқувчидан кўпроқ мустақил ишлаш, ижод қилиш ва ирода каби сифатларни талаб этади.

Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши шахс табиатидан келиб чиққан ҳолда ўқувчини ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганига боғлиқ.

Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтан назарларини асослашга имконият яратади.

Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштирадиган ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир бўлган, зарур қарорлар қабул қиладиган, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари, яъни интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба ўқувчиларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновация (инглизча *innovation*) – янгилик киритиш, янгиланиш, ниманидир ўзгартириш демакдир.

Инновацион педагогик технологиялар таълим тизими, педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритишни авглатиб, бу жараённи амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол («**Inter**» - бу ўзаро, «**act**» - ҳаракат қилмоқ) – ўзаро ҳаракат қилиш (ёки ким биландир суҳбатда, мулоқотда бўлиш)ни англатади.

Интерфаол таълимнинг моҳияти – ўқувчиларни бир-бирларидан ўрганишларига йўналтирилган таълим эканлиги.

Интерфаол таълим, интерфаол услублар мунтазам мулоқотга асосланган услублар тизими бўлиб, ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ва фаол иштирокидаги таълим ва услублар тизими ҳисобланади. Бошқача айтганда, **ўқитишнинг интерфаол** услублари – билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман ўқувчиларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади. Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга:

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;
- ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигининг таъминланиши;
- ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;
- педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти мунтазам ташкил этилиши киради.

Педагогик технология масалаларини ва муаммоларини ўрганаётган баъзи ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг фикрича, *педагогик технология* – фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ўқитишнинг техник воситалари, шу жумладан, компьютерлардир. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг **асосий негизи** ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага аниқ кетма-кетлик асосида тизимли, ҳамкорликда эришишлари танлаган технологияларига боғлиқ. Ўқитиш жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси орқали:

- ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олиши;
- ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олиши;
- ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб, таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олиши;
- ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олиши;
- ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олиши ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси мавжуд. Ҳар хил фан ўқитувчилари қўлида технологиялар турлича кўринишга эга бўлади. Бу ерда педагогнинг шахсий сифатлари, ўқувчиларнинг ўзига хосликлари, инсон ва техник ашёлар, ўқув жараёни учун яратилган шароитлар, синфдаги

психологик муҳит ва кайфият муҳим аҳамият касб этади. Бир хил технологияни қўллаётган ўқитувчи эришган натижалар бир хил бўлмаслиги мумкин, лекин улар бир-бирига яқин бўлади. Демак, технология шахс томонидан ўзлаштирилади ва бунда шахс асосий аниқловчи ролни ўйнайди, шундай экан, *технология – бу инсоннинг амалий фаолиятидир.*

Бугунги кунда анъанавий таълимни замонавийлаштириш йўлида биргина технологияга асосланган ўқитиш учрамайди. Одатда, ўқитишда бир неча технологияларнинг элементлари бирданига қўлланилади, чунки педагогик технология - бу ўқув жараёнини тўлиқлигича эгалловчи **лойиха, яхлитлилик, натижа**, яъни ўқув жараёнини инсон ва техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқ мақсад, натижага йўналтирилган жараёндир.

Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит педагогик жараён бўлиб, ўқувчининг эҳтиёжидан ва техник имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, услуб, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

Технология – ишлаб чиқариш жараёни, педагогик технология эса – яхлит педагогик жараёндир. **Педагогик технологиянинг асосий белгилари:** лойиҳалаштириш, амалга ошириш, кафолатли натижа. Педагогик технологиянинг **тўб моҳияти** – кафолатланган натижага йўналганлиги. Ҳар бир технология, шу жумладан, педагогик технология ҳам ўзининг **мезонларига** эга: концептуаллик, тизимлилик, самарадорлик, бошқарувчанлик, қайта тикланувчанлик. Педагогик технологияни ўқув жараёнида умумпедагогик, хусусий-методик, модулли йўналишларда **қўллаш даражалари** аниқланган. Ҳар қандай технология бирон бир ғояни, илмий фикр ёки назарияни ҳаётга татбиқ этиб, уни амалга оширишга йўналтирилган. Шу боис педагогик технология фан ва амалиёт оралиғидаги ўринни эгаллайди.

Шундай экан, у ёки бу технологияни амалиётга ёки ўқув жараёнига қўллашдан аввал унинг барча хусусиятлари ва имкониятларини (нимага йўналтирилган, қандай мақсадларда фойдаланилган, қандай педагогик концепцияга мос келади, муайян бир шароитда қандай вазифаларни ечишга ёрдам беради ва ҳ.к.) ўрганиб чиқиб, кейин уни қўллаш керак.

Ўқитувчи ва ўқувчининг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган бўлиб, бунда ишлатиладиган технология ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ табиати, ва шароитга қараб танланади. Масалан, натижага эришиш учун балки компьютер билан ишлаш лозимдир, балки фильм (ёки таркатма материал,

чизма ва плакат, ахборот технологияси, турли адабиётлар) керак бўлар. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи ва ўқувчиларга боғлиқ.

Шу билан бирга ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, энг асосийси, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжини, шунингдек, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак. Шундагина зарур кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқача айтганда, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчини жараённинг марказига олиб чиқиш керак.



2. ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШДА ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун ўқитувчи бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиши керак. Бунинг учун у дарснинг технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Технологик харитани тузиш осон иш эмас, чунки бу иш учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услуб ва усулларни билиши керак. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Дарснинг технологик харитасини қандай кўриниш (ёки шакл)да тузиш, ўқитувчининг тажрибаси, кўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Ҳозирги кунда ўқув жараёнини лойиҳалаштириш бўйича таълим муассасаларида бир неча шакл, мазмундаги технологик хариталар мавжуд. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузилиши ўқитувчини дарс учун кенгайтирилган конспект ёзишдан халос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг барча қирралари ўз аксини топади. Биз кўп йиллик тажрибага, изланишлар, тадқиқотлар, синовлар ва уларнинг натижаларига асосланган ҳолда ўқув жараёнини лойиҳалаштириш технологик харитасининг бир неча кўринишини тавсия этамиз.

Мисол тарикасида қуйида ижтимоий фанларга тегишли бўлган «Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги» мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик харитасини ҳавола қиламиз.

Мавзу:	<i>Таълим тизимида ёшлар тарбияси ва «Юксак маънавият-енгилмас куч» асаридан келиб чиқадиган вазифаларда «Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги» масалалари (2 соат).</i>
Мақсад ва вазифалар	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарининг бош ғояси, асосий маъно-мазмунни ҳақида тушунча бериш. Ёшларда асарнинг мазмуни бўйича керакли билимларни шакллантириш. уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиявий таъсир кўрсатиш, маънавият, маънавий баркамоллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.
Ўқув материалли мазмуни	«Юксак маънавият-енгилмас куч» асарининг бош ғояси, асосий маъно-мазмунни. Асарнинг ёшларни маънавий бой, аклан етук қилиб тарбиялашдаги оламшумул аҳамияти. Асар боблари ва фаслларининг мазмуни. «Маънавий баркамоллик», «соғлом авлод» тушунчалари ва асосий белгилари. Президентнинг эркин фикро, озод шахс, баркамол инсон ҳақидаги фикрлари. Баркамол инсоннинг баркамоллик омиллари. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги: моддий баҳрамандлик, маънавий етуклик, баркамоллик, шукроналик. Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминловчи ҳамда унга хизмат қилувчи фазилатлар.
Ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси	Шакл: интерфаол машғулот: суҳбат-маъруза, якка тартибда, жуфтликда, кичик гуруҳ, гуруҳ, жамоа бўлиб ишлаш. Метод: «Ақлий ҳужум», оғзаки баён, тушунтириш, матн билан ишлаш, савол-жавоб, мустақил иш, «Чархпалак» технологияси элементи, қисман-изланиш методи, фикр алмашуви Восита: аудио-визуал техника, мустақил ишларнинг таркатма материаллари, китоблар, видеолавҳа, мавзу бўйича слайдлар, таркатма материаллар, магнитли доска, рангли қоғоз ва маркер, фломастерлар. Усул: жадвал, диаграмма, машқлар. Назорат: кузатиш, назорат саволлари, назорат машқлари. Баҳолаш: рағбатлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, балл тизими.
Қутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Мавзу асосида тулақонли маълумот бериб, ўқувчилар билимини оширади. Асарнинг бош ғояси, асосий маъно-мазмунни бўйича тушунча беради. Машғулотда қўлланилган турли методлар, мустақил ишга таалукли таркатма материаллар асосида мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини оширади. Тингловчи: Мавзу бўйича янги билимлар эгалланади. Асарнинг асосий ғояси ва мазмуни бўйича маънавий-ахлоқий фазилатлар шаклланади, маънавий баркамоллик тушунчаси кенгайди. Асарнинг бош ғояси, маъно-мазмунини тушуниб олади.
Келгуси режалар	Ўқитувчи: Навбатдаги суҳбат учун машғулот материалларини қайтадан кўриб чиқиш, машғулотни таҳлил қилиш, мавзуни кўшимча маълумотлар билан бойитиш, машғулот методикаси ва техникасига ўзгартириш киритиш, «Музей педагогикаси» тамойиллари асосида кейинги машғулотни ўтказишга тайёргарлик кўриш. Тингловчи: «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарини яна бир магуруҳба ўқиб, бош ғоя, асосий маъно-мазмунини конспект қилиш, суҳбат-мунозарага тайёргарлик кўриш. Асар мазмуни асосида фото-лавҳа, мақола, эссе тайёрлаш.

Ўқитувчи ўқитаётган фанининг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузган технологик харитаси, унга фан (ёки предмет)ни яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашишга, тушунишига (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик харита ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга ва шу орқали ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имконият беради.

Ўқув жараёнининг асосий фигураси ҳисобланган ўқувчини шахс сифатида ҳурмат қилган ҳолда дарс мавзуси бўйича технологик хаританинг тузилиши (ўқувчи дарсга кирганда ўз партаси устида бугунги дарснинг мазмуни, унинг қандай ўтиши ва у ўқувчи сифатида қандай фаолият турларида, амалий ишларда иштирок этиши, қандай баҳоланиши тўғрисидаги маълумотларни кўриши) эса унинг ўқув предмети ва дарсга мотивациясини оширади.

Куйида ўқувчилар учун тузилган шундай технологик хариталардан бирини эътиборингизга тавсия қиламиз. Агар Сизни ушбу шаклдаги технологик харита қизиқтирган бўлса, ўз фаолиятингизда қўллаб кўришингиз мумкин, лекин ҳозирги кунда амалиётда (республикамиз таълим тизимида) бундай технологик харита камдан-кам учрайди.

УСЛУБЛАР: ўқув материали қандай ўзлаштирилади ва бунинг учун қандай услублар қўлланилади

ВОСИТАЛАР: қандай ёрдамчи материаллардан фойдаланилади

МАЗМУН

1. Мавзу ва унинг қисқача мазмуни
2. Таянч сўзлар
3. Янги тушунчалар

МАҚСАД:

1. Нимани тушунтираман?
2. Ўқувчига бу нима учун керак?
3. Ўқувчи амалиётда қўллай оладими?

КЎНИКМА

1. Нимага ўрганади?
2. Қандай кўникма ва малака ҳосил бўлади?
3. Нима шаклланади?

БИЛИМЛАР НАЗОРАТИ: назорат тури ва унинг қўлланилиши

ЯКУНИЙ БАҲО: ўқувчи баҳони нима учун олган, минимал ва максимал баҳолаб тизими

Келтирилган тавсиялардан фойдаланувчилар ўқув жараёнини танкил этиш учун ҳавола этилган технологик хариталарни худди шу тартибда фойдаланишлари шарт эмас. Ҳар бир ўқитувчи берилган тавсиялар асосида уларнинг умумий шаклини олган ҳолда ўзларининг дарслари учун технологик хариталарини яратишлари мумкин.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда, ўқитувчи ва ўқувчиларни белгиланган мақсад сари аниқ натижага эришишларидаги фаолиятларини тизимлаштиришда, ўқувчилар томонидан ўқув материалининг мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга эришишларида, ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида амалга ошириладиган ишлар кетма-кетлигини белгилашда **технологик харита** яхлит ўқув жараёнини акс эттирувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Ҳозирги замон таълим тизимидаги амалий тажриба шуни кўрсатадики, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган дарс, албатта, ўқитувчи ва ўқувчига дарсни кизикарли бўлиши, шуниндек ижобий натижага эришишларига имконият яратади ҳамда дарснинг самарадорлигини оширади.

1-§. Ўқув жараёнида педагогик технологиялар ва интерфаол услубларни қўллаш

Ўқув жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий услубларнинг қўлланилиши ўқувчиларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни ҳис қилиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини, шунингдек педагогга нисбатан ҳурматини кучайтиради.

Бундай вазифаларни амалга оширишда интерфаол услублар ва педагогик технологиялар жуда қўл келишини таълим муассасаларида тадқиқотчилар томонидан ўтказилаётган педагогик тажрибалар натижалари тасдиқламоқда. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ўз соҳалари бўйича олиб бераётган машғулотларида инновацион технологияларни ўз ўрнида қўллашни билишлари ўта зарур.

Ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда кўпроқ самарага эга бўлиш учун ўтмиш алломаларимизнинг ғоя ва қарашларидан фойдаланган ҳолда инновацион ва ахборот технологияларни қўллаш зарур. Биз ушбу тўпلامда улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз ва уларни ўтказиш тартиби ҳақида кўрсатма берамиз. Ушбу методик қўлланмада келтирилган замонавий методлар, ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглар ўқувчи-талабаларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ушбу методик қўлланмадан фойдаланувчилар ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳавола этилган педагогик технология ва интерактив услубларни худди шу тартибда, ўтказишлари шарт эмас. Ҳар қайси ўқитувчи бу тавсияларнинг умумий шаклини олган ҳолда ўзларининг дарс технологияларини яратишлари, берилган педагогик технология ва интерактив методларнинг тўлиқ ёки уларнинг баъзи бир босқичлари, элементларини ишлатишлари мумкин.

Ҳозирги кунда инновацион технологиялар, интерфаол услубларнинг сони жуда қўпайиб кетган. Улар жуда хилма-хилдир. Биз уларнинг таълим муассасаларида кенг тарқалганлари, ўқитиладиган аниқ фан ва предметларда қўлланилиши мумкин бўлган баъзи педагогик технологиялар, интерфаол услублардан фойдаланиш методикасини келтирамиз. Юқорида баён

қилинган, дастурда келтирилган ўқув машғулоти ва тарбия жараёнида қўлланиладиган интерфаол услублар ва педагогик технологиялардан ташқариларининг ҳам ёзма баённомасини тавсия этамиз.

Эслатма: ўқитиш жараёнининг самарали ва натижалли бўлишини таъминлашга йўналтирилган ҳудудда келтирилган интерфаол услублар ва ўқитиш технологияларининг бир қисми ушбу услубий қўлланма муаллифларидан бири Р.Ишмухамедов томонидан кўп йиллар мобайнида яратилган бўлиб, ҳозирги кунда улар республикамизнинг барча умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ва факультетларида кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда ҳамда ижобий натижалар бермоқда.

1. Таълим технологиялари

1.1. Зинама-зина



Технологиянинг тавсифи. Ушбу машғулоти ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича яққа ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ҳоғирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўнланган фикрларни умумлаштириши олиши ва уларни ёзма, расм, чизма кўришишида ифодали олишига ўргатади. Бу технология ўқувчилар билан бир гуруҳ ичида яққа ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

Технологиянинг мақсади. Ўқувчиларни эркин, мустақил ва мангикий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллаш олишига ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: маъруза (имконият ва шароит бўлса), семинар, амалий ва лаборатория машғулотида яққа тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказиш ҳамда назорат дарсларида қўлланилиши мумкин.

Машғулотида қўлланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматли қоғозларда тайёрланган (мавзуни ажратилган кичик мавзучалар сонига мос) чан томонига кичик мавзулар ёзилган таркатма материаллар, фломастер(ёки рангли қалам)лар.

Машгулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи машгулот бошлангунга қадар ўқув материални бир неча кичик мавзуларга бўлиб олади (масалан, 2 ёки 3 та, 4 ёки 5 та ...);
- ўқитувчи ўқувчиларни мавзулар сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани маъқул);
- ўқитувчи ўқувчиларни машгулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништиради. Ҳар бир гуруҳга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу ёзуви бўлган варақлар тарқатилади;
- ўқитувчи гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойга жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;
- гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзунинг ёзма (ёки расм, ёки чизма) кўринишида ифода этадилар. Бунда гуруҳ аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўларок маълумот беришлари керак бўлади;
- тарқатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материал, албатта, аудитория (синф) доскасига мантиқан тағма-тағ (зина шаклида) илинади;
- ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машгулотни якунлайди (тақдимот вақтида бошқа гуруҳ аъзолари ҳам тақдимот қилинган мазмунга ўзларининг фикрларини билдиришлари мумкин).

Изоҳ: ўқув машгулотининг бундай ташкил этилиши ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни эслашга, уларни ёзма (ёки расм, чизма кўринишида) баён этишга, фикрларни умумлаштиришга ўргатади.

Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан:

Мавзу: Темперамент хусусиятлари. Ҳар бир темперамент хақида билганла -рингизни илмий, назарий, амалий тарзда расмларда ёки ёзма шаклда ифода этинг, психолог олимлар фикрлари билан тўлдириш ва б.

Мавзу:	Темперамент хусусиятлари
---------------	---------------------------------

Холерик	
---------	--

Сангвиник	
-----------	--

Меланхолик	
------------	--

Флегматик	
-----------	--

Мавзу. Йил фасллари.

Гуруҳларга топширик: йил фаслларига ёзма характеристика бериш, шу фаслда туғилган инсонларнинг характерларини баён этиш, фаслларнинг ўзига хос хусусиятини расмлар ёки рамзий белгилар билан ифода этиш, фасллардаги байрамлар, буюк шахслар ҳақида маълумот бериш ва б.

Мавзу:	Йил фасллари
--------	--------------

Баҳор фасли	
-------------	--

Ёз фасли	
----------	--

Куз фасли	
-----------	--

Қиш фасли	
-----------	--

Мавзулар:

1. Сўз туркумлари (от, сифат, феъл, сон, олмош).
2. Абдулла Қодирӣ (хаёти, ижоди, асарлари, адабий мероси ва аҳамияти).

1.2. Чархпалак



Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология ўқувчиларни ўтилган мавзуларни ёдга олиш, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб бериш ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Технологиянинг мақсади: ўқувчиларни дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яққа ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустақамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни


машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида якка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: тарқатма материаллар, рангли калам (ёки фломастер)лар.

Изоҳ: режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсади (текшириш, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос тайёрланган тарқатма материаллар (агар якка тартибда ўтказиш мўлжалланган бўлса, гуруҳ ўқувчилари сонига, агар кичик гуруҳларда ўтказиш белгиланган бўлса, у ҳолда гуруҳлар сонига қараб тарқатма материаллар тайёрланади).

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқувчиларни (шароитга қараб) гуруҳларга ажратилади;
- ўқувчиларни машғулотни ўтказишга қўйилган талаблар ва қоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади;
- ўқитувчи белгиланган вақт ичида тарқатма материаллардаги вазифалар гуруҳ аъзолари томонидан якка тартибда мустиқил равишда бажарилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзи ишлаган тарқатма материалнинг ўнг бурчагига гуруҳ рақамини ёзади, чап бурчагига эса ўзининг бирон-бир рамзий белгисини чизиб қўяди;
- вазифа бажарилган тарқатма материаллар бошқа гуруҳларга «чархпалак айланмаси» йўналишида алмаштирилади;



- бошқа гуруҳ аъзоларининг якка тартибда бажарилган вазифалар варақалари якка тартибда янги гуруҳ аъзолари томонидан ўрганилади ва ўзгартиришлар киритилади;
- жамоалар томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган материаллар яна юқорида эслатилган йўналиш бўйича гуруҳлараро алмаштирилади (ушбу жараён гуруҳлар сонига қараб давом эттирилади);
- материалларни охириги алмашишдан сўнг ҳар бир гуруҳ ва ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлдирган материалларини (гуруҳ рақами ва ўзлари қўйган рамзий белгилари асосида) танлаб оладилар;
- ҳар бир гуруҳ аъзоларининг ўзлари белгиланган жавобларига бошқа гуруҳ аъзоларининг тузатишларини такқослайдилар ва таҳлил қиладилар;

• ўқитувчи тарқатма материалда берилган вазифаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда тўғри жавобларни белгилайди ёки (шароитга қараб) тарқатма материалдаги вазифалар экранда ёритилиб, экран орқали тўғри жавоблар ўқиб эшиттирилади

• ҳар бир ўқувчи тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар фарқларини аниқлайдилар, керакли бални тўплайдилар ва ўзларини баҳолайдилар.

Изоҳ: тарқатма материалда ўқувчилар белгиланган тўғри жавоблар билан ўқитувчи ҳамкорлигида аниқланган тўғри жавобларнинг фарқи 0,55 фоиздан юқори бўлса, ўқувчи ушбу ўқув материалини ўзлаштирган, ундан кам бўлса ўзлаштира олмаганлигини билдиради. Масалан, вазифалар сони 30 та бўлиб, жавобларнинг 17-20 таси тўғри белгиланган бўлса, ўқувчи ушбу вазифани бажарган ва ўқув материалини ўзлаштира олган, агар ундан кам бўлса ўзлаштира олмаган ҳисобланади. Шу билан бирга, жавобларнинг 21-24 таси тўғри белгиланган бўлса ўқувчининг материалларни ўзлаштирганлик даражаси «яхши», 25-30 таси тўғри бўлса «аъло» баҳо деб ҳисобланади.

• ўқувчилар ўз баҳолари ёки балларини белгилаб олишгач, ўқитувчи вазифа бажарилган қоғозларни йиғиб олади ва баҳо (баллар)ни гуруҳ журналига кўчириб қўяди.

«Чархпалак» технологиясидан фойдаланган ҳолда мангулот ўтказиш учун талаба (ёки ўқувчи)ларга қуйидагича вазифа бериш мумкин. Вазифа учун зарур бўлган тарқатма материални иловада келтирамыз.

Мавзу: Йил фасллари

Вазифа. Фаслларга оид кўринишларни белгиланг ва уларга характеристика беринг.

№	Фасллар	Киш	Ёш	Ёз	Куз
1.	Салқин шамол эса бошлайди.				*
2.	Кунлар исиб кетади.			*	
3.	Дарахт ва буталарнинг барглари сариқ ва қизғиш тусга киради.				*
4.	Қор ёғади.	*			
5.	Барглар бирин-кетин ерга тўкилади.				*
6.	Дарахтларда қуртаклар очилади.		*		
7.	Далаларда қурт-қумурсқалар инларига кириб кетадилар.				*
8.	Тез-тез ёмғир ёғади.				*
9.	Қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар.				*

- 8-9 та тўғри жавоб – аъло ўзлаштирган
 6-7 та тўғри жавоб – яхши ўзлаштирган
 4-5 та тўғри жавоб – коникарли ўзлаштирган
 4 дан паст жавоб коникарсиз ўзлаштирган

Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан:

Мавзу: Ўзбек халқ мақол ва маталлари

Вазифа. Берилган мақол ва маталларнинг мазмунини аниқланг ва белгиланг

№	Мақол ва маталлар	Худбинлик хақида	Мехнат хақида	Тарбия хақида	Ватан хақида	Илм олиш хақида	Дўстлик хақида
1.	Ўзим деган ўзаксиз кетар.	+					
2.	Дўст деб сирингни айтма, дўстингнида дўсти бор.						+
3.	Ер ҳайдасанг куз хайда, куз хайдамасанг, юз хайда.		+				
4.	Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас.				+		
5.	Билаги зўр бирни йикар, билими зўр мингни.					+	
6.	Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар.		+				
7.	Куш уясида кўргангани қилади			+			
8.	Булбул чаманни севар, одам Ватанни.				+		
9.	Айрилмагин элингдан, қувват кетар белингдан.				+		
10.	Ўрганиш – бир хунар, Ўргатиш – икки хунар.					+	
11.	Устоз билимли – шогирд илмли.					+	
12.	Ҳар гулга ўз бутаси азиз.				+		

7-8 тўғри жавоб – «коникарли»,

9-10 тўғри жавоб – «яхши»

11-12 тўғри жавоб – «аъло»

Мавзу: Компьютер қурилмалари

Вазифа. Берилган мазмунга қараб қурилмалар номини аниқланг ва белгиланг

№	Вазифаси	Система блоки	Монитор	Клавиатура	Принтер	Сичконча	Сканер	Модем	Овоз кучайтиргич
1.	Компьютер ишини бошқаришни таъминлайдиган асосий қисм	+							
2.	Овоз ва товушларни кучайтирувчи ёки пасайтирувчи қурилма								+
3.	Компьютерга ҳар хил белгиларни киритишни таъминловчи қурилма			+					
4.	Қоғоздаги маълумотни компьютерга тасвирий равишда киритади						+		
5.	Маълумотларни қоғозга чиқарувчи қурилма				+				
6.	Маълумотни киритишни енгиллаштирувчи манипулятор					+			
7.	Компьютерда матн ва график маълумотларни тасвирлаш (кўриш) қурилмаси		+						
8.	Телефон тармоғи орқали бошқа компьютер билан маълумот алмашиш ва тармоққа уланишни таъминлайди.							+	

7 - 8 тўғри жавоб – «аъло»

5 - 6 тўғри жавоб – «яхши»

3 - 4 тўғри жавоб – «қониқарли»

Мавзу: Балиқларнинг хилма-хиллиги

Вазифа: Балиқ номларига қараб турларини аниқланг ва белгиланг.





№	Балиқ турлари	Тогайли балиқлар	Суяк тоғайли балиқлар туркуми	Суякли балиқлар	Панжа қанотлилар
1	Бакра				
2	Скат балиқ				
3	Горбуша				
4	Денгиз тулкиси				
5	Қора балиқ				
6	Хумбош				
7	Гулмой (форель)				
8	Белуга				
9	Мўйлов балиқ				
10	Тикандум скат				
11	Латимерия				

4-7 гача тўғри жавоб учун - «3»










7-9 гача тўғри жавоб учун - «4»

9-11 гача тўғри жавоб учун - «5»

Вазифа. Қуйидаги эмбемалар қайси автомобиль фирмаларига тегишли эканини аниқланг.

Эмблема	«Шевролет»	«БМВ»	«ДЭУ»	«Мерседес-Бенц»	«ВАЗ» (Жигули, Лада)	«Тойота»	«Опел»	«Кадиллак»	«Ауди»
									
									
									
									
									
									
									
									
									

Вазифа жавоблари. Қуйидаги эмблемалар қайси автомобиль фирмаларига тегишли эканини аниқланг (тўғри жавоб).

Эмблема	«Шевролет»	«БМВ»	«ДЭУ»	«Мерседес-Бенц»	«ВАЗ» (Жигули, Лада)	«Тойота»	«Опел»	«Кадиллак»	«Ауди»
							●		
						●			
								●	
				●					
									●
	●								
					●				
			●						
		●							

Баҳолаш мезонлари:

8-9 та тўғри жавоб учун «аъло» баҳо;

6-7 та тўғри жавоб учун «яхши» баҳо;

4-5 та тўғри жавоб учун «қоникарли» баҳо қўйилади.

1.3. Бумеранг -1



Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология ўқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган.

Технологиянинг мақсади. Ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни ўқувчилар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари, бир-бирларига ўқилган ахборотларни тўлиқ етказиш ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ўқув жараёни мобайнида ҳар бир ўқувчи томонидан ўз баҳо (ёки балл)ларини эгаллашга имконият яратиш.

Технологиянинг қўлланиши. Амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда яқка тартибда, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланилиши мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар. Ўқувчи дарс жараёнида мустақил ўқишлари, ўрганишлари ва ўзлаштириб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича қисқа матнлар, суратлар, маълумотлар).

Машғулотни ўтказиш тартиби. Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

- ўқув материали мавзусини нечта қисқа матнларга бўлинишига қараб ўқувчилар кичик гуруҳларга ажратилади (гуруҳлар сони тарқатиладиган матнлар сонига тенг бўлиши керак);


- ўқувчилар дарснинг мақсади ва тартиби билан таништирилади;

- ўқувчиларга ўрганиладиган мавзу мазмунига тегишли кинолавҳа кўрсатилади: ўқувчиларда шу кинолавҳа асосида машғулотнинг мавзуси ва мазмунини келтириб чиқаришлари сўралади;

- сўнгра ўқувчиларнинг ҳар бирига мустақил ўрганишлари учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади;


- берилган матнлар ўқувчилар томонидан яқка тартибда мустақил ўрганилади;

ГУРУҲ БЎЛИБ ИШЛАШ



- ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади;

ГУРУҲ БЎЛИБ ИШЛАШ



- янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар;

- берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб ўтказадилар;

- янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳлар жойига қайтадилар;

- дарснинг қолган жараёнида ўқувчилар билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда «гуруҳ ҳисобчиси» тайинланади;

- ўқувчилар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи (ёки оппонент гуруҳи) ўқувчиларга гуруҳларга тарқатилган матнлар мазмунидан келиб чиқиб саволлар билан муносабат этадилар, оғзаки сўров ўтказилади;

- саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳларни тўплаган умумий баллари аниқланади;

- ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади;

- гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади («гуруҳ ҳисобчилари» берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар);

- гуруҳ аъзолари томонидан тўплаган умумий баллар йиғиндиси аниқланади;

- гуруҳлар тўплаган умумий баллар гуруҳ аъзолари ўртасида тенг тақсимланади;


Изоҳ: ўқитувчи дарсни шу тартибда тугатиши ёки ўқув материални ўқувчилар томонидан яқка тартибда қандай ўзлаштирилганини яна бир бор ўз-ўзига баҳо бериш тартибида назорат қилиш учун «Чархпалак» технологиясида ишлатилган жадвалдан фойдаланган ҳолда ўқилган ва ўзлаштирилган матнлар асосида тайёрланган тарқатма материалларни ўқувчиларга тарқатиб, ўз билимларини текшириб олишларига имконият яратиши мумкин.

- ўқитувчи ўқувчилар тўплаган балларини синф журналига кўчиради, дарс (машгулот)ни якунлайди, уйга вазифа беради.

«Бумеранг»-I технологиясини ўтказишнинг кема-кетлик тартиби ва дарснинг ҳар бир босқичида қўлланилган методлар жадвали

Фаолият турлари	Методлар
Видеоролик орқали машғулот мавзусини аниқлаш	Аудио-визуал иш
Мавзу бўйича ўқув саволлари билан таништириш	Оғзаки баён қилиш, тушунтириш
Талабалар тарқатма материаллардан ўқув саволлари мазмуни билан танишиши, якка тартибда ўқиб ўрганиши	Якка тартибда матн билан ишлаш
Янги гуруҳлар ташкил этиш, гуруҳ аъзоларини ўқув материали мазмуни билан таништириш, ахборот алмашиш	Гуруҳларда ишлаш, гапириб бериш, ички назорат
Ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув материали мазмунини ўзлаштирилганликларини текшириш	Оғзаки назорат, савол- жавоб
Талабалар билимини баҳолаш	Баҳолаш, баллик тизим
Гуруҳлар томонидан ўқув материали мазмунидан келиб чиқиб биттадан савол тузиш	Гуруҳларда ишлаш, савол тузиш
Гуруҳлар ўртасида савол-жавоб мулоқотини ўтказиш	Мулоқот
Ўқув материали мазмунини талабалар томонидан эгалланганлик даражасини аниқлаш, мини тест ўтказиш, натижа олиш	Якка тартибда, жадвал асосида
Машғулотни якунлаш, мавзу мазмуни бўйича фикр алмашиш	Қисман таҳлил

1.4. Бумеранг -2



Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий гушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва ёндашувга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга мўлжалланган бўлиб, оғзаки ва ёзма иш шаклида амалга оширилиши мумкин. Технология машғулот мобайнида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариш, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиш ва мос балларни тўплаш имкониятини беради.

«Бумеранг-2» технологияси ўқувчиларга танқидий фикрлаш, уларда мантиқни шакллантиришга имконият яратади, шунингдек уларнинг хотирасини мустаҳкамлаб, ғояларини, фикрларини, далилларини ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур технология ўқувчиларга таълим билан бир қаторда тарбиявий ёндашувдаги:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- хушмуомалалилик;
- хушфёъллик;
- кўникувчанлик;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- фаоллик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини баҳолаш каби қатор сифатларини ҳам шакллантириш имкониятини беради.

Технологиядаги асосий гушунчалар:

Очиқ саволлар – бундай саволлар муомала қилиш ва ўзаро сўзлашувни давом эттиришга имкон беради, шу билан бирга уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

Ёпиқ саволлар – бундай саволлар олдиндан «ҳа» ёки «йўқ» туридаги тўғри ва очиқ жавобларни беришни кўзда тутаяди.

Кўндаланг сўроқ – ўқувчилар бир-бирига гуруҳлаб берувчи қисқа саволлар қаторидан иборат бўлиб, ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни, оғмонентлар эгаллаган ҳолатини аниқлаш, шунингдек муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Кўндаланг сўрок пайтида ўзаро мунозарага киришиш мумкин бўлмай, балки фақат саволлар берилишига рухсат берилади.

Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан. Ушбу технологияни қўллаган ўқитувчилар ўз ўқув предметлари мавзуси ёки эркин мавзу асосида қуйидаги мазмундаги матнлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ташкил этишган. Масалан:

1. **Мавзу:** «Гуллар ва уларнинг тарихи, ҳаётдаги аҳамияти»

Тарқатма материаллар:

1-гуруҳга – Гуллар қачондан бери ўстирилади?

2-гуруҳга – Айрим халқларда гулларнинг аҳамияти.

3-гуруҳга – Атиргулларнинг рамзий маъноси ҳақида?

4-гуруҳга – Мисрликлар учун нилуфар гули нима маънони англатади?

2. **Мавзу:** «Шарқона муомала одоби»

Тарқатма материаллар:

1-гуруҳга – Устозларни хурматлаш баёни

2-гуруҳга – Қариндош-уруғлар ўртасидаги муомала одоби

3-гуруҳга – Қўни-қўшнилари ўртасидаги муомала одоби

4-гуруҳга – Дўстлар ўртасидаги муомала одоби

5-гуруҳга – Ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги муомала одоби.

3. **Мавзу:** «Ҳарбий қўшинларда тарбия услублари»

Тарқатма материаллар:

1-гуруҳга – Ишонтириш услуби

2-гуруҳга – Рағбатлантириш услуби

3-гуруҳга – Услубларнинг синфлари

4-гуруҳга – Намуна услуби

5-гуруҳга – Жазолаш услуби.



1.5. Учга тўрт («3 x 4»)

Технологиянинг тавсифи. Ушбу машғулот ўқувчиларни аниқ бир муаммони (ёки бирор мавзуни) яқка ҳолда (ёки кичик жамоа бўлиб) фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан керагини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо (ёки мавзу) юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатади.

Бу технология ўқувчилар билан аввал якка ҳолда, сўнгра уларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади.

Технологиянинг мақсади: ўқувчиларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга; жамоа бўлиб ишлашга, изланишга; фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга; жамоага ўз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида якка тартибда (ёки кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда) ўтказиш ҳамда гуруҳ аъзоларини бир неча магуруҳба жойларини ўзгартириб берилган вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматдаги қоғоз варақлари (гуруҳ сонига қараб), фломастер (ёки рангли қалам).

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи ўқувчиларнинг умумий сонига қараб, 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (кичик гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани мақсадга мувофиқ);

- ўқитувчи ўқувчиларни машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби билан таништиради ва ҳар бир кичик гуруҳга қозғонинг юқори қисмида ёзуви бўлган варақларни тарқатади (масалан, «Экология – бу...», «Маросим – бу...», «Иқтисодий инкироз – бу...» ва б.);

- ўқитувчи кичик гуруҳларга таркатма материалда ёзилган асосий фикрнинг давомини фақат учта фикр, яъни учта сўз ёки сўзлар бирикмаси ёки учта гап билан давом эттиришлари мумкинлигини уқтиради ва буни амалга ошириш учун аниқ вақт белгилайди;

- гуруҳ аъзолари биргаликда таркатма материалда берилган фикрни ёзиб давом эттирадилар;

- вазифа бажарилгач, гуруҳ аъзолари ўринларидан туриб соат мили йўналиши бўйича жойларини ўзгартирадилар, яъни 1-гуруҳ 2-гуруҳнинг, 2-гуруҳ 3-гуруҳнинг, 3-гуруҳ эса 4-гуруҳнинг, 4-гуруҳ 1-гуруҳнинг (бошқа кичик гуруҳлар бўлса, шу тарика) ўрнига ўтадилар;

- янги жойга келган гуруҳ аъзолари шу ерда қолдирилган таркатма материалдаги фикрлар билан танишиб, унга яна янги учтадан ўз фикрларини ёзиб қўядилар;

- гуруҳ аъзолари яна юқоридаги каби жойларини ўзгартирадилар, шу тарика кичик гуруҳлар ўз жойларига қайтиб келгушларига қадар жойларини алмаштириб, таркатма материалларга ўз фикрларини қўшиб борадилар;

- ўз жойларига қайтиб келган кичик гуруҳлар таркатма материалда тўплаган барча фикрларни диққат билан ўқиб, уларни умумлаштирган ҳолда битта яхлит таъриф ёки қонда ҳолатига келтирадилар;

- ҳар бир кичик гуруҳнинг муаллифлик таърифлари ёки қондаларини гуруҳ аъзоларидан бири тақдимот қилади;

- ўқитувчи кичик гуруҳлар томонидан берилган таърифлар ёки қондаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди, сўнгра машғулотни якунлайди.

Изоҳ: Гуруҳлар тақдимотидан сўнг улар берган таъриф ёки қоидалар асосида кичик гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси якка тартибда ўзининг муаллифлик таърифи ва қоидадини келтириб чиқариб тақдимот қилиши ҳам мумкин.

Кичик гуруҳлар сони 4 та бўлгани мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда кичик гуруҳлар ўз жойларини фақат 3 марта алмаштирадилар ва бу билан ўқув жараёнини зерикарли ўтишининг олди олинади. Агар кичик гуруҳлар сони 4 тадан кўп бўлса, у ҳолда уларни икки пототка бўлиб, кичик гуруҳ аъзоларининг алмашинувини ҳар бир пототқ ўртасида алоҳида, тақдимотни эса биргаликда ўтказиш мумкин.

Агар аудитория (ёки синф) кичик гуруҳларнинг жойларини алмаштиришга мосланмаган (ёки алмаштиришга ноқулайликлар) бўлса, у ҳолда ўқувчиларни жойларини алмаштириш ўрнига гуруҳларга тарқатилган материалларни алмаштириш орқали, улар дастлабки олинган гуруҳларга қайтиб келгунга қадар алмаштирилиб, ўқувчилар фикрлари тўпланади. Улардан умумий таъриф (ёки қоида) келтириб чиқарилади ва тақдимот қилинади.

Ўқитувчилар иш тажрибасидан. Ушбу технологияни қўллаган ўқитувчилар ўз ўқув предметлари мавзуси (ёки эркин мавзу) асосида тарқатма варақларнинг юқори қисмига гуруҳлар томонидан давом эттирилиши ёки фикрлар билан тўлдрилиши керак бўлган қуйидаги мазмунда асосий тушунча ёки фикр ёзилган матнлардан фойдаланган ҳолда ўқув - тарбия жараёнини ташкил этиб, керакли натижага эришганлар. «Педагогик технология – бу...», «Очик дарс – ...», «Иқтисод – ...», «Экология – ...», «Малака ошириш – ...», «Касб ўрганиш – ...», «Ҳамширалик касби – ...», «Мухандис – ...», «Алишер Навоий...»

1.6. Резюме

Технологиянинг тавсифи. Бу технология мураккаб, кўп тармокли, мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот бериледи. Айни пайтда уларнинг алоҳида элементлари муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонларни, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Технологиянинг мақсади: ўқувчиларни эркин, мураккаб, танқидий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуби ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммосининг ечимини топишга, керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир этишга, уни маъқуллашга, шунингдек, берилган муаммони ечиш ҳамда мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: маъруза дарсларида (имконият ва шароит бўлса), семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида якка (ёки

кичик гуруҳларга ажратилган) тартибда ўтказиш, шунингдек, уйга вазифа беришда ҳам қўллаш мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: А-3 форматдаги қоғозларида (гуруҳ сонига қараб) тайёрланган таркатма материаллар, фломастер ёки рангли қаламлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи ўқувчиларнинг сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

- ўқитувчи ўқувчиларни машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби билан таништиради ва ҳар бир кичик гуруҳга қоғознинг юқори қисмида ёзуви бўлган, яъни асосий муаммо, ундан ажратилган ўқув муаммолари ва уларни ечиш йўллари белгиланган, хулоса ёзма баён қилинадиган варақларни таркатади;

- ҳар бир гуруҳ аъзолари узларига тушган варақлардаги муаммоларнинг афзаллиги ва камчиликларини аниқлаб, ўз фикрларини фломастер ёрдамида ёзма баён этадилар. Ёзма баён этилган фикрлар асосида ушбу муаммони ечимини топиб, энг мақбул вариант сифатида умумий хулоса чиқарадилар;

- кичик гуруҳ аъзоларидан бири тайёрланган материални жамоа номидан тақдимот этади. Гуруҳнинг ёзма баён этган фикрлари ўқиб эшиттирилади, лекин хулоса қисми билан таништирилмайди;

- ўқитувчи бошқа кичик гуруҳлардан тақдимот этган гуруҳнинг хулосасини сўраб, улар фикрини аниқлайди, гуруҳлар фикридан сўнг тақдимот гуруҳи ўз хулосаси билан таништиради;


- ўқитувчи гуруҳлар томонидан берилган фикрларга ёки хулосаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди, сўнгра машғулотни якунлайди.

Илова (мисол тарқасида)

Ўқувчилар билимини назорат қилиш

Ёзма		Оғзаки		Тест		Масофали	
Афзал.	Камчил.	Афзал.	Камчил.	Афзал.	Камчил.	Афзал.	Камчил.
Хулоса:							

Ўқитувчилар иш тажрибасидан:



Бадий асарни ўрганиш

Асарни ўқиб...		...фильмини кўриб...		Ўқиганлардан эшитиб...		Театрда кўриб...	
Афзал.	Камчил.	Афзал.	Камчил.	Афзал.	Камчил.	Афзал.	Камчил.
Хулоса:							

1.7. Муаммо



Технологиянинг мақсади: ўқувчиларга ўқув предметининг мавзусидан келиб чиққан турли муаммолни масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишга ўргатиш, уларда муаммонини моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларни шакллантириш, муаммони ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва муаммонинг ечилишида мос усулларни тўғри танлашга ўргатиш, муаммони келиб чиқиш сабабларини ва муаммони ечишдаги хатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатиш.

Машғулоти ўтказиш тартиби:

Ўқитувчи ўқувчиларни гуруҳларга ажратиб, уларни мос ўринларига жойлаштиригандан сўнг, машғулоти ўтказиш тартиб қоидалари ва талабларини тушунтиради, яъни у машғулотнинг босқичли бўлишини ва ҳар бир босқич ўқувчилардан максимум диққат-эътибор талаб қилишини, машғулот давомида улар якка, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишланларини айтади. Бундай кайфият ўқувчиларга берилган топшириқларни бажаришга тайёр бўлишларига эрдан беради ва бажаришга қизиқиш уйғотади. Машғулоти ўтказиш тартиб-қоидалари ва талаблари тушунтирилгач, машғулот бошланади.

- ўқувчилар томонидан машғулоти учун тайёрланган кинолавҳани диққат билан томоша қилиб, унда ёритилган муаммони аниқлашга ҳаракат қилиш, хотирада сақлаб қолиш ёки дафтарларига белгилаб қўйиш (агар кинофильм кўрсатишнинг имконияти бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқув предметининг мавзуси бўйича плакат, расм, афиша ёки бирор муаммо баён қилинган матн, китобдаги ўқув материалидан фойдаланиши мумкин);

- ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан ушбу лавҳадан (расмдан, матидан, ҳаётий воқеадан) биргаликда аниқланган муаммоларни вақтдан ёки А-3 форматдаги қоғозга фломастер билан ёзиб чиқариш;

- берилган аниқ вақт тугагач, тайёрланган ишни гуруҳ вакили томонидан ўқиб эшиттирилади;

- ўқитувчи гуруҳлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозларни алмаштирган ҳолда гуруҳларга тарқатади;

- тарқатилган қоғозларда гуруҳлар томонидан ёзилган муаммолардан ҳар бир гуруҳ аъзоси (ёки ҳар бир гуруҳ) ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;

• ўқитувчи томонидан тарқатилган куйндаги чизмага ҳар бир гуруҳ аъзоси (ёки гуруҳ) танлаб олган муаммосини ёзиб, мустақил равишда таҳлил этади.

Изоҳ: танланган муаммолар ўқув материали асосида белгиланади.

Масалан:

Муаммонинг тури	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечишда Сизнинг ҳаракатларингиз	Муаммони ечишда учрайдиган гўсиқлар
Тоза ичимлик сувининг камлиги	Сувни тоза сақлашга эътиборнинг камлиги...	Ёндашув ва сувни сақлашга оид тадбирлар ўтказиш ва б.	Тарғибот ва таш виқотчи кадрларнинг маҳоратини пастлиги

• якка тартибдаги (ёки гуруҳдаги иш) фаолият тугагандан сўнг ҳар бир ўқувчи бажарган таҳлилий ишини барчага ўқиб эшиттиради;

• муаммолар ва уларнинг ечими бўйича жамоавий фикр алмашилади;

• ҳимоядан сўнг ўқитувчи машғулотга яқун ясайди. Кичик гуруҳларга кизиқарли ишлари учун миннатдорчилик билдиради.

Бундай технология билан ўтказилган машғулот натижасида ўқувчилар қайсидир муаммони ечишдан аввал унинг сабабини аниқланиши кераклигини, кейин эса уларга зарур бўлган услуб ва усулларни танлаши ҳамда ўз ҳаракатларини аниқ белгилаб олишлари кераклигини билиб оладилар.

1.8. Лабиринт-1



Технологиянинг мақсади: ўқувчиларнинг ўқув ва ҳаётӣ фаолиятларида учрайдиган турли ҳолат ва вазиятлардан ўз обрўларини сақлаган ҳолда чиқиш, вазиятни тўғри баҳолаш ва тезлик билан керакли ечимини топиш кўникмаларини шакллантириш, шу борадаги малакаларини оширишга кўмаклашиш, уларнинг фикрлаш қобилияти ва нутқӣ фаолиятини ўстириш ҳамда мулоқот қилиш маданиятини шакллантириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: ўқитувчи машғулот бошланиши олдидан ўқувчилар учун стуллардан доира шаклида жой тайёрлайди (доира шаклидаги жойнинг ўртасига сават (ёки тувак)даги гулдастани кўйиш мақсадга мувофиқ). Жойнинг бундай жиҳозланиши машғулот кизиқарли ва жонли ўтишига ёрдам беради. Имкони бўлса, бундай машғулот очик ҳавода,

яъни табиат кўйнида, яшил майсалар устида доира шаклида бемалол жойлашган ҳолда ўтказилса янада самарали ва ижобий натижалли бўлади.

Ўқитувчи машғулот бошланиши билан ўқувчиларни шу даврдан жой эгаллашларини сўрайди.

Сўнгра ўқувчиларнинг фаолияти ранг-баранг ва ҳамиша ҳар турли қизик воқеалар, ҳодисалар, вазиятларга бой эканлиги ҳақидаги қисқача суҳбат билан машғулотни бошлайди. Мисол тариқасида ўқитувчи, ўқувчилар фаолиятида учраган ёки учрайдиган вазиятлардан бири тўғрисида гапириб беради ва шу вазиятдан чиқиш йўлини сўрайди (ёки ўқитувчи вазиятни айтиб, унинг учта ечимини ҳам айтади ва ўқувчилардан учта тўғри вариантдан биттасини танлашларини ва нима учун шу вариантни танлаганликларини тушунтириб беришларини сўрайди. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларни хоҳишларига кўра, уч кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади ва уларга ҳар бир кичик гуруҳ аъзолари ўз иш тажрибаларидан келиб чиккан ҳолда, ўқув ва тарбиявий жараёнларда ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятида учрайдиган ёки учраган бирон-бир муаммоли вазиятларни эслашлари, улардан энг қизикарли, энг муаммолисини танлаб, уларнинг ечимини (вазият, муаммонинг ечими уч вариантдан тест ёки аниқ бир жавобдан иборат бўлиши мумкин) ҳам топиб кўйиш топширигини беради.

Ўқитувчи ёрдамида ҳар бир кичик гуруҳ навбати билан ўзлари тайёрлаган вазият ёки муаммоларни бошқаларга оғзаки баён этадилар. Кичик гуруҳлар томонидан айтилган вазият ёки муаммонинг ечимини топиш учун ўқитувчи уларга аниқ вақт белгилаб беради. Берилган вақт ичида кичик гуруҳ аъзолари вазият ёки муаммо ечимини топишга ҳаракат қиладилар, вақт тугагач гуруҳларнинг жавоблари тингланади. Масалан, аввал бир кичик гуруҳ танлаган вазият ёки муаммо яна бир магуруҳба эсга туширилади ва қолган кичик гуруҳлар навбати билан ушбу вазият ва муаммога ўз ечимларини айтадилар. Барча кичик гуруҳлар ўзлари танлаган жавобларини айтиб бўлишгач, вазият ёки муаммони ўртага ташлаган кичик гуруҳнинг ўзи тўғри ечим ҳақида фикр билдиради, ўқитувчи ҳам шу вазият ёки муаммога нисабатан ўз фикрини билдиради ва барча кичик гуруҳ томонидан билдирилган фикрларни умумлаштиради. Сўнгра, иккинчи гуруҳ ўртага ташлаган вазият ёки муаммонинг муҳокамасига ўтилади, шу каби даврадаги гуруҳлар томонидан ўртага ташланган барча вазият ёки муаммолар муҳокамаси ўтказилади.

Машғулот охирида ўқитувчи ўқувчилар ва гуруҳлар ишига баҳо беради ва вазият ёки муаммоларни ечимини топишда нималарга кўпроқ эътиборни қаратиш кераклиги тўғрисида тавсиялар беради ва машғулотни якунлайди.

Изоҳ: ушбу технологияни ўқув жараёнида ташкил этиладиган дарс (амалий ёки лаборатория) машғулотларида ҳам қўллаш мумкин. Масалан, ўқув предмети бўйича ўзлаштирилган мавзулар ёки бўлимлардан ўқувчи ҳаётий фаолиятларида учрайдиган муаммоли вазиятлар, шунингдек, дарсда ўтилаётган мавзулар ичидаги муаммоларнинг ечимини топиш бўйича фикрларни аниқлашда ушбу технологиянинг қўлланиши ўқувчилар томонидан

эгалланган билим, кўникма ва малакаларини янада чуқурроқ мустаҳкамлашларига, уларни амалиётда қўллашларида ечимини тўғри топишларига ёрдам беради.



1.9. Лабиринт-2 («Кейс-стади» асосида)

Ушбу вариантнинг мақсад, вазифалари, ўқувчиларни ўқув хонасида, ёки табиат қўйнида жойлашишлари 1-вариантдаги каби бўлиши мумкин, ammo ўтказилиш тартиби бошқача ташкил этилади: бу вариантда ўқувчилар турли вазиятларни топиб, уларни барчага маълум қилиб кейин кичик гуруҳларда унинг ечимини топмайдилар, балки бу вариантда кўпроқ ҳаётий воқеа, вазият, тасодиф ва ҳодисаларни «Кейс-стади» методи, яъни аниқ вазият, ҳодисага асосланган ўқитиш методи («Кейс-стади» инглизча «case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўқитиш) асосида ташкил этилади. Ўқувчилар доира шаклидаги стулларга жойлашиб олишгач, ўқитувчи уларнинг ҳар бирига (якка тартибда ўқиб ўрганишлари учун) аниқ, ҳаётий вазиятлар асосида тузилган «кейс» материални тарқатади. Ўқувчилар тарқатилган материални аввал якка тартибда ўқиб, таҳлил этиб, ечимини топишга ҳаракат қиладилар, сўнгра ўз жойларида 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этиб, биргаликда вазиятдан чиқиш йўлини қидирадилар, гуруҳлардаги муҳокама тугагач, ҳар бир гуруҳ ўз ечими билан қолганларни таништиради сўнгра ҳамма жамоа бўлиб бир тўхтамага келишга ҳаракат қилишади, ўқитувчи бу вариантда фикрларни йўналтирувчи, умумлаштирувчи ролини бажаради. Машғулот охирида ўқитувчи якка тартибдаги, кичик гуруҳлар ва жамоа шаклидаги ишларга ўз муносабатини билдириб, машғулотни якунлайди.

Изоҳ: «кейс» тарқатма материал сифатида ёзма равишда тузилган бўлиши мумкин ёки (имконияти бўлса) экран орқали аниқ бир ҳаётий воқеа, вазиятни томоша қилиб, кўрилган лавҳа мазмунидан келиб чиқиб кичик гуруҳлар аввал кейс тузиб кейин унинг муҳокамасига ўтишлари мумкин.

Ўқитувчилар иш тажрибасидан: (мисол тариқасида «кейс варианты»)

1. Ҳаётий вазият (олий таълим муассасаларидаги):

Ҳамкасби бўлмиш ёш ўқитувчилардан бирининг дарсини кузатиб чиккан Саттор Маҳмудович ярим соатдан бери: – «Бу қанақа маъруза бўлди? Талабалар ўқитувчиларидан кўп гапирса! Маъруза машғулотини ўтказиш структураси йўқ ... унинг устига режа умуман ёдингиздан чиқиб кетди?» – дея қуюниб гапирарди.

Саттор Маҳмудович кекса, лекин катта педагогик тажриба, малакага эга бўлган ўқитувчилардан бири. У 40 йиллик педагогик фаолиятга эга бўлганини ҳисобга олиб, унга университетда ўқитиш услубиёти бўйича фахрий эксперт вазифаси юклатилган эди. Шу сабабли ҳар куни Саттор Маҳмудович ўз ҳамкасбларининг дарсларини кузатиб танқидий фикрлар ва қимматли тавсиялар берарди.

Мана бугун ҳам, куз кунларининг бирида у киши «Сиёсатшунослик» кафедрасининг ёш ўқитувчиларидан бири – Ботирнинг дарсини кузатиб чиққан эди. Ботир ўтган ёз давомида инновацион технологиялар, интерфаол услублар ва кейс услубига бағишланган ўқув семинар-тренингларида бўлиб, янги ўқув йилининг биринчи семестридан иш фаолияти ва ўқитиш услубиётини бутунлай ўзгартиришга қарор қилган ҳолда янги ўқув йилини бошлаган эди. Бундай янгича ёндашув ва услубиётга киритилган ўзгартириш, фахрий экспертнинг ғазабини келтирган эди.

- Нимага, ёшлар, ҳар доим янгидан велосипед яратмоқчи бўлишадими-я?

Ахир «маъруза» ва «семинар»ни самарали ташкил қилиш, ўтказишнинг йиллар давомида синондан ўтган шакллари бор-ку. Маъруза маърузага, семинар эса семинарга ўхшаши керак-да. Маърузада билим бериш, семинар машғулотларида эса талабалардан сўраш керак. Сизга буни аспирантурада ўргатишган-ку.

- Лекин бу янги услублар самаралироқ ва қизиқарлироқ, - дея эътироз билдирмоқчи бўлди Ботир.

- Шу пайтгача бўлган анъана ва таърибларга ҳурматсизлик қилиш керак эмас. Биз бир умр шундай ўқитиб келганмиз. Бундан ташқари... ишчи дастур, иш режа каби меъёрий ҳужжатлар бор. Саттор Маҳмудович бир қўли билан катта кўзойнакни бурнини устига қўндириб, иккинчи қўли билан папкадан иш режасини олди-да: «Мана шу иш режаси асосида Сиз бугун ўқув материалнинг бешта саволини ёритишингиз лозим эди.» - деди. Сизчи, бутун бир жуфтлик мобайнида талабаларнинг баҳс-мунозарасини эшитиб, факат баъзи-баъзида уларнинг баҳсларига қўшилиб турдингиз. Шу ҳам маърузами?

- Лекин талабалар қўшимча адабиётлардан ўзлари ҳам ўқиб олишлари мумкин, асосийси, уларда мавзуга, муаммога нисбатан қизиқиш уйғотиш ва мустақил изланишга ўргатиш керак. Бу борада инновацион педагогик технология ва интерфаол услубларига етадигани йўқ. Ботир шундай дегиси келди-ю, лекин экспертнинг гапини бўлгиси келмади.

Эксперт Саттор Маҳмудович хали ҳам ўз фикрини баён этар, ёш новатор Ботир эса қўлини иягига тираганича ўйланиб қолди: Менга бу ғалвалар нимага керак? Ҳамкасбларим барибир мени тушунишмайди, яна бир ёқда Саттор Маҳмудович бор... Балки ҳаммага ўхшаб ишлаганим маъқулдир?....

Сизнинг фикрингиз?..

2. Ҳаётини вазият (умумий ўрта таълим мактабларидаги):

Собиржон ажойиб, камтарин йигит. Мактабда фаол, жамоагчи, аълочи. Шеърлари ва ҳикоялари, нафақат, туман, балки вилоят газети ва

журналларида эълон қилиб борилмоқда. Бу йил 9-синфни тугатяпти. Ўртоқлари аллақачон касб-хунар коллежи ва академик лицейларга хужжатларини топширишди. У эса ҳайрон: «Нима қилсам экан?»

Ёшлигида отаси оғир бестоб бўлиб, бевакт оламдан ўтганида, «Катта бўлганимда, албатта, шифокор бўламан!» деб ўйлаганди. Аммо оиласида моддий етишмовчилик кўп бўлганлиги сабабли онаси ўғлини ишга жойлаштириб қўймоқчилигини айтди.

Мақтаб директори Карим Турсунович 9-синф битирувчиларига шаҳодатнома топшириш маросимида Собиржонга: «Ўғлим Собиржон, бизнинг сендан умидимиз катта. Сен, албатта академик лицейга ўқишга кириб, сўнг олий даргоҳларда тахсилни давом эттиришинг керак. Келажакда ажойиб шоир бўлишингга ишонаман», – дея катта ишонч билан қўлига шаҳодатнома ва тавсияномани топширди.

Собиржон қайси йўлни танлашни билмайди. 2 кун ичида бу масала ҳал қилиниши лозим...

Сиз унга тўғри йўлни кўрсата оласизми?

1.10. ФСМУ (фикр, сабаб, мисол, умумлаш гириш)



Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида ўқувчиларнинг ўқув машғулоти хамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида ёки ўқув режаси асосида биров-бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. Чунки бу технология ўқувчиларни, тингловчиларни ҳам ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчилар томонидан ўқув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Технологиянинг мақсади. Ушбу технология ўқувчиларни тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки виқор агувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

✓ ўқитувчи ҳар бир ўқувчига ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва яқка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қилади. Бу ерда:

Ф – фикрингизни баён этинг;

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;

М – кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;

У – фикрингизни умумлаштиринг.

✓ ўқитувчи ўқувчилар билан баҳс мавзуси (ёки муаммо)ни белгилаб олади;

✓ якка тартибдаги иш тугагач, ўқувчилар кичик гуруҳларга ажратилади ва ўқитувчи кичик гуруҳларга ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;

✓ кичик гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси берилган таркатма материалларда якка тартибда ёзилган фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт босқич бўйича ёзишларини таклиф этилади;

✓ ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида химоя қилишларини сўрайди;

✓ машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан якунланади.

***Изоҳ:** илмий-тадқиқот ишларининг мавзусини танлаш, муаллифларнинг ёзган мақола, қўлланма, дарслик, услубий тавсияларига тақриз ёзишда ҳам ушбу технология структурасидан фойдаланиш мумкин.*

Таркатма материалнинг тахминий нусхаси

Вазифа. «Педагогик технология ўзини оқлайди!» мавзуси бўйича фикрларингизни баён этинг:

Фикр – _____

Сабаб – _____

Мисол – _____

Умумлаштириш – _____

Ўқитувчилар иш тажрибасидан:

Мавзу: **Компьютер – инсон эҳтиёжи маҳсули!**

Фикр – _____

Сабаб – _____

Мисол – _____

Умумлаштириш – _____

1.11. Мулоқот



Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология ўқувчиларнинг дарс жараёнида мустақил фикрлашига, ўз фикрларини эркин баён этишига ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда, бундай машғулот ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўтказилади.

Технологиянинг мақсади. Танланган мавзу, муаммо асосида ўқувчиларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, эркин ҳолда баҳслашишларига шароит яратиш, мулоқотга кириш ва мулоқот қила олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши. Амалий, лаборатория, факультатив машғулотларда ва дарсдан ташқари вақтда ўтказиладиган тарбиявий соатларда қўлланиши мумкин бўлиб, машғулот жамоа ва кичик гуруҳ шаклида ўқув аудиториясида ёки табиат қўйнида ўтказилиши мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар. Ватман қоғози, фломастер, маркерлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи машғулотни бошлашдан аввал ўқувчиларни мулоқот, баҳс-мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан таништиради, сўнгра ушбу дарснинг босқичма-босқич ўтказилишини тушунтиради;

- ўқитувчи ўқувчиларни мавзу йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратади;

- ҳар бир кичик гуруҳ жамоаси ўз йўналиши бўйича тайёргарлик бошлайди: бошқа кичик гуруҳлар билан мулоқотга кириша олиши учун ўз йўналиши бўйича турли материаллар, кўргазмалар, қуроқлар, турли ривоят, олим ва мутафаккирларнинг фикрлари ва ш.к. тайёрлайди;

- кичик гуруҳлар ўртасида асосий мавзу ва унинг йўналишлари бўйича мулоқот бошланади;

- ўқитувчи гуруҳларнинг фикрларини мақсадли йўналтириб боради ва асосий мавзу кичик гуруҳлар томонидан ёритилгач, у айtilган фикрларга ўзининг муносабатини билдирган ҳолда мулоқотни якунлайди.

Технологияни ўтказиш алгоритми:

1-босқич. Ўқитувчи машғулотни мулоқотнинг мавзусини аниқлашдан бошлайди. Масалан, «Сиз қайси маданият тарафдорисиз: Шарқми ёки Оврўпо? Оммавий маданиятга муносабатингиз қандай?» – Шу мавзунинг ўртага ташлаб ўқувчилардан Шарқ маданияти ва Европа маданияти

тарафдорларини (кийиниш, муомала қилиш, муносабат ўрнатиш ва х.к.) аниқлаб олади. Уларни шу тартибда гуруҳларга ажратади ва уларга тайёргарлик кўришлари учун шароит ҳамда имкониятга қараб аниқ вақт белгилайди.

2-босқич. Ҳар бир кичик гуруҳдаги ўқувчилар ўз мавзулари асосида керакли материаллар (далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрларини тасдиқловчи кўргазмалли материаллар, имкон бўлса, видеофильм, мақолалар, мутафаккир ва олимларнинг сўзлари ва бошқалар)ни тайёрлайдилар. Кичик гуруҳдан бир кишини химоя учун танлайдилар, қолганлар эса ўз фикрларини қўшимча қилишлари мумкин.

3-босқич. Кичик гуруҳлар химояга тайёр бўлгач, ўқитувчи кичик гуруҳларнинг бирига химоя учун сўз беради (химояга чиқиш ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Кичик гуруҳ вакили жамоа номидан сўзга чиқиб, уларга берилган мавзу асосида тайёрланган материаллар ва далиллар асосида химоя қилишга киришади. Кичик гуруҳ вакили сўзини тугатгач, жамоанинг қолган аъзолари ўз фикрлари билан қўшимча қилишлари мумкин.

4-босқич. Машғулотнинг 3-босқичидаги каби бу босқичда ҳам ўқитувчи навбатдаги гуруҳ вакилига химоя учун сўз беради. Иккинчи кичик гуруҳ ҳам биринчи кичик гуруҳ каби ўз мавзусини химоя қилади. Химоя тугагач, ўқитувчи машғулотнинг кейинги босқичига ўтади.

***Изоҳ:** Ҳар иккала кичик гуруҳнинг химояси вақтида ўқитувчи, иложи борича, уларга ҳақиқат бермасликка, ўз фикр-мулоҳазасини билдирмасликка, савол бермасликка ҳаракат қилади. Ҳеч қайси кичик гуруҳга ён босмаган ҳолда мулоқотни бошқаради. Кичик гуруҳлар химояси вақтида тартиб сақланишига ва мулоқотни ўтказишга қўйилган талаб, қоидаларни тўлиқ бажарилишига эришишига ҳаракат қилади. Бу босқичда, асосан, икки кичик гуруҳ эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари керак бўлади.*

5-босқич. Кичик гуруҳлар бир-бирларига саволлар беришни бошлайдилар. Кичик гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар, уларнинг химояси вақтида айтилган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида ўз гуруҳларининг фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, қолганларни ҳам шу фикрга қўйишларига даъват қилиш учун берилиши мумкин. Ўқувчилар эркин ҳолда уларининг чиқишлари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи бундай ҳолатга шароит, имконият яратган ҳолда биҳис-мунозарани самимийлик билан бошқаради.

6-босқич. Ўқитувчи ҳар иккала томоннинг саволлари, фикрлари, маъқуллайдиган сўзлари тугагач, улар томонидан айтилган фикрларни умумлаштиради ва ўзининг бу масала ҳақидаги фикр-мулоҳазасини баён этади. Кичик гуруҳ иштирокчилари томонидан тушган саволларга керакли жавобни беришга ҳаракат қилади.

Машғулот охирида ўқитувчи ҳар иккала гуруҳнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва машғулотни якунлайди.

Ушбу машғулотнинг давомийлиги шароитга қараб белгиланади.

1.12. КБИ (кузатиш, баҳслашиш, ишонтириш)



Технологиянинг мақсади: ўқувчиларнинг ҳаётда фаол ўрин топишлари, пешкадамлик ва сардорлик сифатлари, жамоада ишлаш кўникмаларини, шунингдек, ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда далил келтира олиш, ўз фикрини исботлай олиш, асослаш, ишонтириш, мунозара олиб бориш маҳоратларини ҳамда мурасага келиш, изланиш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

✓ Бу технология қўланиладиган машғулот ўқувчилардан олдиндан бўладиган тайёргарликни талаб қилади. Машғулот мавзуси ўқувчилар аудиториясига олдиндан маълум қилинади, вазифаларни бажариш учун тайёрланишга бериладиган аниқ вақт, мавзу мазмуни, унинг мураккаблиги ва даражасига қараб белгиланади.

✓ Ушбу машғулот баҳс-мунозара услубига асосланган бўлиб, ўзининг аниқ ўтказилиш вақти ва тартибига эгадир. Ўқитувчи дастлаб ўқувчиларни машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари билан таништиради ва уларни кичик гуруҳларга ажратади. Мисол тариқасида, «Шахс ва маданий ахлоқ» мавзусидаги машғулотни ўтказиш тартибини кўриб чиқамиз. Машғулотнинг бошида ўқувчиларга муҳокама қилишлари учун бир неча саволлар берилади.

Масалан:

- Маданият нима?
- Ахлоқий маданият нима?
- Шахс тарбиясида ахлоқ-одобнинг ўрни қандай?
- Қандай қилиб маданиятли бўлиш мумкин? каби.

✓ Кичик гуруҳ қатнашчилари ўз хоҳишлари бўйича биттадан савол танлаб оладилар ва сўзга чиқишга тайёрландилар. Улар ўзлари танлаган савол юзасидан ўз тушунчалари, мавзуга бўлган ёндашувлари, муносабатлари ҳамда ушбу саволларга жавобларини беришда ўзларининг эгаллаган ҳолатлари қанчалик тўғри эканлигига чиқишлари орқали ўқувчиларнинг ишонтиришга ҳаракат қилдилар. Ўқитувчи кўрсатмасига биноан, бошқа кичик гуруҳ қатнашчилари айтилган фикр ва сўзга чиққан ўқувчиларни эгаллаган ҳолатларига қарини фикрлар айтади, яъни сўзга чиққан кичик гуруҳ танлаган йўлни рад этадилар ва шу орқали уларни баҳс-мунозара, тортишувга ундайдилар.

✓ Баҳс-мунозара якунида ҳар бир сўзга чиққан кичик гуруҳ бошқа кичик гуруҳ аъзоларини ўзларининг тортишувдаги фикрлари, танлаган

ҳолатлари, далил ва исботлари қанчалик тўғри эканлигига уларни ишонтира олишлари ва ўз томонларига оғдира олишлари, иложи бўлса уларни ўз гуруҳларига қўша олишлари керак.

✓ Машғулотнинг охириг босқичига ўқитувчи яқун ясади ва баҳс – мунозара бўйича ўз фикрини билдиради.

КБИ технологияси **бир неча вариантда** ўтказилиши мумкин.

Масалан, тингловчилардан (ўз хохишларига қараб) ташаббускорлар гуруҳини тузиб олиш мумкин ва бу гуруҳ баҳс-мунозара давомида айгишган кизикарли фикрлар, далиллар, асосий тушунчалар, вазиятдан чиқувчи ҳолатлар, кизикарли жавоблар, мулоҳаза, таклифлар ва бошқаларни ўқув хонасининг тахтасига ёки ватманга (имконияти бўлса экранга) ёзиб боради. Ташаббускорлар гуруҳининг вазифалари қаторига: баҳс-мунозарани боришини назорат қилиш, қатнашчиларни фаоллаштириш, керак бўлса, баъзиларга алоҳида танбех ёки аксинча тилаклар билдиришни ҳам киритиш мумкин. Бундай ташаббускорлар гуруҳи аудиториясида бир-бирига ўхшаш фикрлар билдирилиши гуруҳларни фаоллаштиради, уларни эркин ҳолатда ўз фикрларини айтишларига керакли муҳит ва шароитни яратади. Шуниндек, бу гуруҳ машғулотнинг хулоса қисмида ҳам иштирок этиб, гуруҳларнинг танлаган ҳолатлари, билдирган фикрлари ва тортишувларига ўз муносабатларини билдиришлари мумкин.

Баҳс-муноразани ташкил этиш учун қуйидаги мавзулардан фойдаланиш мумкин:

- жамоат транспортидаги маданият одоби;
- таълим муассасаси (дарс жараёни, танаффус вақти)даги маданият одоби;
- стол атрофидаги (овқатланиш, суҳбат, учрашув) маданият одоби;
- оиладаги маданият одоби;
- жамоадаги маданият одоби;
- жамоат жойларидаги маданият одоби;
- ёшларнинг маданият одоби;
- сўзлашиш (телефонда, суҳбатда, учрашув вақтида) маданияти;
- анъаналар ва маданият;
- саломлашиш одоби;
- севги ва муҳаббат ва бошқалар.

Юқоридаги баҳс-мунозараларни ўтказиш мавзулари одоб-ахлоқ, маданият йўналишида (масалан, «Менинг ҳаётда тутган ўрним», «Одоб-ахлоқли, маданиятли бўлишим учун нима қилишим керак?» ва ш.к.) бўлгани мақсадга мувофиқ, чунки бу мавзулар ёшларни кўпроқ кизиктиради.

1.13. ИМАК (ишонтириш мактаби)



Технологиянинг мақсади: ўқувчиларда ишонтириш (далиллар топиш ва уларни асослашни билиш) ва бошқара олиш малакасини ҳамда ташкилотчилик қобилиятларини шакллантириш, шунингдек, уларни жамоада ва турли хил вазиятларда ўзини тута олишга ўргатиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

✓ Ўқув жараёни бошланишида ўқитувчи ўқувчиларни машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари билан таништиради. Ўқувчидан бири машғулот шартларига биноан хонадан чиқади. Қолган иштирокчилар эса ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги зиддиятни назарда тутувчи муаммоли ҳолатни ўйлаб чиқадилар, муҳокама қиладилар ва тайёрлайдилар. Бошқача айтганда, муаммоли ҳолатни ролларга бўлинган ҳолда ижро этишга тайёргарлик кўрадилар. Масалан, ўқувчилар муҳим ўқув машғулотига тайёргарлик кўриб келганлар, уларнинг ҳаммаси зўр қизиқиш билан машғулотда иштирок этишга тайёрлар ва қизиқишлари катта, лекин таълим муассасаси раҳбарияти машғулот ўрнига барча ўқувчиларни ҳовли, кўчаларни, гулзор ва боғларни тозалаш, тартибга келтириш ёки таълим муассасасида (ёки стадионда, театрда, мажлислар залида) ўтказилаётган тадбирда зални тўлдириш учун боришга кўрсатма бериши мумкин ёки ўқувчилар ўзларининг шахсий тажрибаларидан, ўқувчилик фаолиятларидан келиб чиқиб, сахналаштириш учун ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида зиддиятга олиб келувчи турли ҳолатлар, вазиятларни ўйлаб топишлари мумкин. Ўқувчилар танланган муаммога тайёрланаётган вақтларида ташқарига чиққан кўнгилли катнашчига, ўқитувчи, у декан муовини, ўқув бўлимининг мудирини ўйнаши кераклигини тушунтиради ҳамда уни алоҳида бўладиган муаммо ёки вазият билан таништиради. Тайёргарлик учун аниқ вақт ажратилади. Бир оздан сўнг, ташқарига чиқиб кетган ўқувчи аудиторияга таклиф этилади. Сўнгра ўқувчилар ўйлаб топган ва улар томонидан сахналаштирилган зиддиятни келтириб чиқарувчи вазият ижро этилади. Ўқувчилар томонидан тайёрланган вазиятни ижро этиш вақтида, улар ҳар хил табиатдаги ўқувчилар ролида бўлиб, зиддиятни келтириб чиқариш учун уларнинг қилиқлари, одатлари, сўзлари, ҳаракатларини ишлатадилар.

✓ Гуруҳ мураббийси (декан муовини ёки ўқув бўлимининг мудирини) ролидаги тингловчи ушбу ижро этилаётган сахна кўринишида ўзининг ташкилотчилик қобилияти, ишонтира олиш малакаси, ҳолатни назорат қилиб


туриши, турли вазиятлар ва шароитларда ўзини тута билиши, бошқара олиши, мазкур ҳолатдан тарбиявий усуллардан фойдаланган ҳолда вазиятнинг, зиддиятнинг ижобий ечимига эриша олишини намоён эти олиши керак. Яъни ўқувчиларни ўз фикрига ишонтира олиши зарур, акс ҳолда улар ўқитувчига ўз таъсирларини кўрсатишлари мумкин.

✓ Машғулотнинг кейинги босқичида ўқитувчи гуруҳ билан биргаликда мураббий (ёки декан муовини, ўқув бўлимининг мудирининг ўзини тутиши, ўз фикрига қай даражада ишонтира олиши, унинг маданияти ва ҳаракатларидаги ижобий ва салбий томонларини муҳокама қилади, берилган муаммоли ҳолатдан чиқишнинг қулай усулларини аниқлайди, шунингдек, учраб туриши мумкин бўлган муаммоли ҳолатлар ва уларни ечиш усулларини башорат қилади.

✓ Машғулотнинг охирида ўқувчилар «Ишонтириш услублари» мавзусида мустақил ўқиш учун тарқатма материаллар оладилар.

Изоҳ: *ушбу машғулотнинг 1-ярмида видеокамера ёрдамида машғулотни тўлиқ, яъни ўқувчиларнинг саҳналаштирилган муаммоларини кўрсатишлари ва уни жамоа билан ечишда мураббийнинг ҳатти-ҳаракатлари, қўллаган усулларини ҳаммаси видеокассетага туширилади. Машғулотнинг 2-ярмида видеокассета телевизор (ёки компьютер) орқали экранда намоён этилади. Видеолавҳани томоша қилиш мобайнида унинг мазмуни жамоавий муҳокама этилиши мумкин. Бундай таҳлил ҳар бир қатнашчининг ўзини кўра билиши, керакли хулоса чиқара олишига катта ёрдам беради.*

1.14. Скарабей



«Скарабей» интерфаол технология бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантикий фикрлаш, хотираларининг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология ўқувчиларга мустақил равишда ўз билимларининг сифати ва савиясини ҳолисона баҳолашга, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлашга замин яратади. У аynи пайтда турли ғояларни ифодалаш ва улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга ҳам хизмат қилади.

«Скарабей» технологияси универсал технологиялардан бўлиб, ундан ўқув материалларини ўқувчилар томонидан эгаллашнинг турли босқичларида, яъни:

- бошида – ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида («Ақлий хужум») услуги;

- мавзунини ўрганиш жараёнида – унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш; мавзу мазмуни ичидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар табиатини аниқлаш, мазмунни янада чуқурроқ ўрганиш, янги жиҳатларини кўрсатишда;

- охирида – олинган билимларни мустаҳкамлаш ва яқунлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

«Скарабей» технологияси ўқувчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Технология ўқувчилар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутди, рефлексив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

Мазкур технологиянинг айрим афзалликлари сифатида идрок қилишни енгиллаштирувчи чизма шакллардан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

«Скарабей» технологиясидан яқка ҳолда, кичик гуруҳларда ва жамоа бўлиб ишлашларида фойдаланиш мумкин.

Таълимдан ташқари мазкур услуб *тарбиявий* табиатдаги:

- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- фаоллик;
- хушмуомалалик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- мавжуд имкониятларни кўрсатиш;
- ўз қобилияти ва имкониятларини текшириш;
- «Мен»ини ифодалаш;
- ўз фаолияти натижаларига масъуллик ва қизиқиш уйғотиш каби қатор сифатларни шакллантириш имкониятини ҳам беради.

«Скарабей» технологиясида учрайдиган **асосий тушунчалар:**

Ассоциация – мантиқий боғлиқлик бўлиб, сезги, тасаввур, идрок қилиш, ғоя ва бошқалар орасида ҳосил қилинувчи мантиқий алоқадир.

Ранжирлаш (муайян тартиб) – аҳамияти, муҳимлиги, мазмуни даражасига қараб тартиблаш.

1.15. Елпиғич



Бу технология мураккаб ва кўптармоқли бўлиб, муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли гармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида элементларда муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерфаол технология ўқувчиларга танқидий, таҳлилий ва аниқ мангикий фикрлашларини муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, шунингдек уни химоя қилишга имконият яратади.

«Елпиғич» технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қанташчининг ва умуман гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

«Елпиғич» технологияси мавзунинг ўрганишнинг турли босқичларида:

- бошида – ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунинг ўрганиш жараёнида – унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш;
- якунлаш босқичида – олинган билимларни тартибга солишда қўлланилиши мумкин.

«Елпиғич» технологиясида учрайдиган **асосий тушунчалар**:

Аспект (нуктаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик – бирор нарса билан қиёсанда устунилик, имтиёз.

Фазилат – ижобий сифат.

Нуксон – номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиклик.

Хулоса – муайян бир фикрга, мангикий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш.

Таълимдан ташқари «Елпиғич» технологияси тарбиявий табиатдаги:

- жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати;
- муаммолар, вазиятларни турли нуктаи назардан муҳокама қилиш маҳорати;
- муросали қарорларни топа олиш маҳорати;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- хушмуомалалик;
- ишга ижодий ёндашув;
- фаоллик;
- муаммога диққатни жамлай олиш маҳорати каби қатор сифатларни шакллантириш имконини ҳам беради.

2-§. ТАЪЛИМДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Танишув



Интерфаол услубнинг мақсади:

- ўқув жамоаси иштирокчиларини бир-бирлари билан таништириш, самимий дўстона муносабат ва ижодий муҳитни юзага келтириш;
- ўқувчиларнинг ижодий имконияти ва шахсий сифатларини очиш;
- аудиториянинг ишлаши учун қулай шароитни вужудга келтириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулот бошида ўқитувчи ўқув жараёни қатнашчиларини кичик гуруҳларга ажратади. Ҳар бир кичик гуруҳга йилнинг бир фаслида туғилган ўқувчиларни киритиш мумкин. Ўқитувчи гуруҳларни жойларига ўтказиб, уларга қуйидаги топшириқни беради:

- ўз туғилган фаслингизга бадий – мусикий, шеърий, сахнали, ҳазил-мутойибали ва ҳоказо кўринишларда характеристика беринг;
- йилнинг шу фаслида туғилганларнинг умумий кизиқишлари, ўхшашликлари, ўзига хос томонлари билан қолган гуруҳ аъзоларини таништинг;
- ўқувчиларнинг бу фаслдаги фаолиятини сўзлаб беринг;
- бошқа фаслдаги гуруҳ қатнашчиларига бағишланган фикр ёки бағишлов яратинг ва ижодий тилаклар билдинг.

Ўқитувчи берилган топшириқни бажаришлари учун ўқувчиларга вақт ажратади ва уларни тақдимот қоидалари билан таништиради, ўқувчиларнинг тайёрланишлари учун шароит яратади.

Гуруҳлар тайёргарликни бошлайдилар.

Гуруҳларнинг чиқиши 4 та топшириқ акс этган адабий-мусикий композиция шаклида ҳам тайёрланиши мумкин.

Кейинги босқичда гуруҳлар тайёрлаган ижодий ишларини намойиш этадилар. Ҳар бир чиқиш тугагач, бошқа гуруҳ қатнашчилари намойиш этилган ижодий ишни тўлдиришлари ва мавзуга оид саволлар беришлари мумкин.

Охири босқичда ўқитувчи машғулотга яқун ясар экан, гуруҳ қатнашчиларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиб, ўқувчиларни очик мулоқотга чақиради:

- гуруҳ катнашчилари бир-бирлари ҳақида нималарни билиб олишди;
- аудиторияда бир-бирларига кўникиш ҳолати қандай ўзгарди;
- қандай саволлар ва муаммолар ҳал қилинди;
- катнашчилар дарс давомида қандай сифатларни кўрсата олдилар;
- ҳар бирингиз ўзингиз учун қандай хулоса чиқардингиз;
- демак, биз, қандаймиз?

2.2. Келинг, танишайлик

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашгач, экранда «Келинг, танишайлик» мазмунидаги куйидаги мисраларни намойиш этади:

КЕЛИНГ

**Танишмоқ учун дўстим,
Аниқлаш керак исм.
Нимадир қилмоқ керак –
Исмни билмоқ керак.
Шунинг учун тўрт фасл
Аниқлашда зўр усул.
Йиғиб йил ва ойларни
Лобар киз, йигитларни
Илик, ахил даврада
Келинг, қилайлик ханда.**



Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратади, ҳар бир гуруҳга «Келинг, танишайлик!» мавзуси ёзилган куйидаги мазмундаги тахминий материални таркатади:

Келинг, танишайлик!

1. Сизлар Ким ва нима учун бу ерга тўплангансизлар?
2. Сизларни нима бирлаштиради?
3. Сиз учун энг қимматли нарса нима?
4. Ишлашингизга нима ёрдам беради?
5. Кимларга ғамхўрлик қиласизлар?
6. Кимлар билан ҳамкорлик қиласизлар?
7. Нималарни ўзингиз, нималарни эса биргаликда ҳал этасизлар?
8. Сизнинг энг кучли ва кучсиз томонларингиз нима?

Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалдаги саволларга жавоб беришга тайёргарлик кўрадилар, тайёрланиш жараёнида улар бир-бирлари билан танишиб оладилар (гуруҳларнинг тайёрланишлари учун ўқитувчи

кичик гуруҳлар сони ва ўқув машғулотига ажратилган вақтга қараб вақт белгилайди).

Гуруҳлар тайёр бўлишгач, навбати билан ҳар бир гуруҳдан бир киши тайёрланган материални тақдимот қилади. Ўқитувчи гуруҳлар тақдими учун вақт белгилайди. Барча гуруҳлар тақдими тугагач, ўқитувчи танишувни яқунлаб, машғулоти давом эттириши мумкин. Одатда, ўқувчилар сонига қараб танишувни 15 ёки 30 дақиқа мобайнида ўтказиш мумкин. Бу эса, ўқитувчининг ташкилотчилик ва бошқарув маҳоратига боғлиқ.

Ўқитувчи ўқувчилар билан танишишда ўзининг (шахсий) кизиқарлироқ вариантларидан ҳам фойдаланиши ёки педагогик - психологик уйин элементларидан фойдаланган ҳолда ҳам ташкил этиши мумкин.

2.3. Ўқувчилар билимини баҳолашда «Ассесмент» техникасидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги кунда инновацион технологиялар, интерфаол услублар жуда кўп, лекин биз шулардан таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар бўйича ўтказиладиган ўқув машғулотида талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма, малакалари даражасини аниқлаш, баҳолашда қўлланилиши мумкин бўлган интенсив-интерфаол методлардан бири «Ассесмент» техникаси ҳақида фикр юритамиз ва унинг методикасини келтирамиз.

«Ассесмент» техникаси

Ушбу техника баҳолаш методи ичида усул сифатида қўлланилади. Техника – моҳирлик, усталик деган маънони билдиради. Демак, тингловчилар ўз билим, кўникма, малакаларини моҳирлик билан синаб, ўз-ўзларини баҳолашлари, бир синовдан ўтишлари мумкин.

Ассесмент (ингл. – assessment - баҳо) ўз-ўзини тақдимот қилиш, маълум бир синовдан ўтиш деб белгиланади.

Усулнинг моҳияти. Ушбу услуб ўтилган (чорак, семестр ёки ўқув йилида тугаган) ўқув предмети ёки бўлим бўйича барча мавзуларни тингловчилар томонидан ёдга олиш, ёки бирон-бир мавзу бўйича тренер-ўқитувчи томонидан берилган топширик, вазифаларга мустақил равишда ўз муносабатларини билдириш, шу орқали эгалланган билим, кўникма, малакаларини ўзлари текшириб, баҳолашларига имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча тингловчиларни ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан билимлари, кўникмаларини баҳолай олишга йўналтирилган.

Усулнинг мақсади. Тингловчиларни машғулотда ўтилган мавзунинг эгаллаганлиги ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, мустақил равишда ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, шунингдек, ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатиш.

Усулнинг қўлланиши: ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предмети билан бирон-бир бўлими

туғалланганида) ўтилган мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзуни бошлашдан олдин тингловчиларнинг билимларини текшириб олиш, малака оширишга келган тингловчиларнинг дастлабки билимлари, кўникма, малакаларини аниқлаб олиш учун мўлжалланган. Ушбу усулни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида якка тартибда ташкил этиш мумкин. Ушбу усулдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

Машғулот учун керакли воситалар: тарқатма материаллар (имкони бўлса, бўлмаса тингловчилар ўз дафтарларига жадвални чизиб олишлари, берилган вазифа ва топшириқларни ўқитувчи томонидан эшитиб жавобларини жадвалнинг катакларига тўлатишлари шарт); жадвал учун топшириқлар: калам (ёки ручка); тақдимот – слайдлар ва б.

Изоҳ: режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсади (текшириш, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос тайёрланган тарқатма материаллар тайёрланади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- тингловчилар иш тартиби, белгиланган мақсад, унга қўйилган талаб ва қондалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар тарқатилади ёки ўқитувчи томонидан айтиб турилади, тингловчилар дафтарларига белгилаб олишади;
- тингловчилар якка тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалдаги катакларда берилган вазифа, топшириқлар билан танишадилар (вазифа ва топшириқлар экранда слайд орқали кўрсатилиши, тингловчилар эса тарқатма материалга ёки дафтарларига фақат жавобларини ёзишлари мумкин ёки бўлмаса тарқатма материалнинг бир томонидан топшириқлар берилиши орқа томонига эса жавоблар ёзилиши мумкин, ўқитувчи шароит ва вазиятдан келиб чиқиб ўзи ва тингловчилар учун қўлай ҳолатда иш тутади);
- тингловчилар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган вазифа, топшириқларни (улар ўтилган мавзу, бўлим ёки ўқув предмети асосида тузилиши мумкин) ўзларининг билимлари асосида якка тартибда бажарадилар;
- ўқитувчи тарқатма материалда мавзу бўйича берилган топшириқлар, вазифаларни, имкони бўлса, экран орқали ёки ўзи оғзаки айтиши орқали тўғри жавобларни беради ҳамда ҳар бир катакда берилган жавобларни баҳо мезони билан таништиради;
- ҳар бир тингловчи тўғри жавоб билан ўзлари белгилаган жавобларнинг фарқларини аниқлайдилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шунингдек, билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар;
- ўқитувчи тингловчилар томонидан бажарилган ишларни йнғиб олади ва уларнинг тўплаган баллари ёки баҳоларини гуруҳ журналига қайд этади, ўтказилган ишга якун ясайди.

Изоҳ: жадвалдаги катаклар сони нечта бўлиши ўқитувчи томонидан қўйилган мақсад, ўтилган мавзу ёки бўлим ҳақидаги маълумотларга боғлиқ. Жадвалда, албатта, ўтилган мавзу, бўлим бўйича маълумотлар ҳам илмий-назарий, ҳам амалий кўникмани текшириш, баҳолашга йўналтирилган тегишли вазифа ёки топшириқлар бўлиши керак.

Қуйида ўқув предмети асосида бериладиган вазифа ва топшириқларга қўйиладиган талаблар билан таништирмоқчимиз (мисол тарикасида энг оддий вариант сифатида):

Ўқув предметининг бир мавзуси ёки бўлими ёки якуни асосида

Мавзу: _____

<p style="text-align: center;">ТЕСТ</p> <p>Ўтилган мавзу (бўлим, курс) бўйича 1-2 та тест берилади</p>	<p style="text-align: center;">МУАММОЛИ ВАЗИЯТ</p> <p>Ўтилган мавзу асосида аниқ ҳаётий вазият, ҳодисага асосланган муаммо берилади, талаба бўлажак мутахассис сифатида унинг тўғри ечимини топиши керак Сизнинг ҳаракатингиз...</p>
<p style="text-align: center;">СИМПТОМ</p> <p>Ўтилган мавзу бўйича илмий-назарий фикрлар, ғоялар, таърифлар тугалланмаган фикр асосида берилади, масалан: ...таъриф беринг, ... илмий асосланг..., ёритинг... ва б.</p>	<p style="text-align: center;">АМАЛИЙ КЎНИКМА</p> <p>Ўтилган мавзу мазмунини ҳаётда иш фаолиятида қўллашдаги кўникмаларга тегишли топширик берилади, масалан: чизинг, ҳисобланг, тўлдириг, топинг, солиштириг...</p>

«Ассесмент» техникаси усулидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтган мавзунини такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки янги мавзу бўйича тингловчиларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгаллаганликлари ва шу дарснинг охирида эса бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ёки биринчи дарсда ўқув предмети бўйича тингловчилар қандай билим, кўникмаларга эга эканликларини аниқлаш ёки оралик, жорий, якуний назоратда рейтинг балларини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Педагогика фанини ўқитишдаги ўқув машғулотида «Ассесмент» техникасидан фойдаланиладиган таркатма материалнинг жадвал катакларига қуйидаги вазифа ва топшириқларни бериш мумкин (мисол тарикасида):

Мавзу: Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

<p style="text-align: center;">ТЕСТ</p> <p>Ўқув машғулоти...</p> <p>A. Таълим, тарбия, ривожлантириш жараёни</p> <p>B. Ўқув фаолиятининг асосий шакли</p> <p>C. Натижага эришиш жараёни</p> <p>D. Турли хил шаклдаги дарс жараёни</p>	<p style="text-align: center;">МУАММОЛИ ВАЗИЯТ</p> <p>Аудиторияда дарс вақтида сиз ўтаётган мавзунини жуда мукаммал биладиган талаба бор, шу сабаб, у дарс давомида Сизга ва талабаларга халақит бера бошлади: саволлари, фикрларга қўшилиши билан барчани диққатини бўлиб чалғита бошлади</p> <p style="text-align: center;">Сизнинг ҳаракатингиз...</p>
<p style="text-align: center;">СИМПТОМ</p> <p>Педагогик технологиянинг асосий белгиси...</p> <p>Интерактив таълимнинг асосий белгиси...</p>	<p style="text-align: center;">АМАЛИЙ КЎНИКМА</p> <p>Таълим муассасаларидаги ўқув машғулотларида қўлланилаётган интерактив методлар рўйхатини тузинг (тажрибадан келиб чиқиб мисол келтиринг)</p>

(мисол тариқасида «Сув» мавзуси бўйича жадвал катакларига қуйидаги вазифа ва топшириқларни бериш мумкин)

<p style="text-align: center;">ТЕСТ</p> <p>Сув неча ҳолатда бўлади?</p> <p style="text-align: center;">(3 ҳолатда)</p> <p>Буг сувининг қандай ҳолати?</p> <p style="text-align: center;">(буг)</p>	<p style="text-align: center;">АНИҚЛИК КИРИТИШ</p> <p>Сув ҳавзаларини санаб ўтинг.</p> <p>Жилга, ирмоқ, ариқ, сой, канал, дарё, қул, орол, дельта, океан.</p>
<p style="text-align: center;">СИМПТОМ</p> <p>Сув</p> <div style="display: flex; flex-direction: column; align-items: center;"> <div style="border: 1px solid black; background-color: #90EE90; padding: 2px; margin: 2px;">ҳололи</div> <div style="border: 1px solid black; background-color: #90EE90; padding: 2px; margin: 2px;">рангси</div> <div style="border: 1px solid black; background-color: #90EE90; padding: 2px; margin: 2px;">суюқ</div> </div>	<p style="text-align: center;">АМАЛИЙ КЎНИКМА</p> 
<p style="text-align: center;">ХУЛОСА</p> <p>Сувни асраш йўллариини ёзиб кўрсатинг.</p> <ul style="list-style-type: none"> * Сув жўмрақларининг содланиши таъминлаш; * Шаҳар ва кишлок жойларда сувдан оқилона фойдаланиши; * Сувга ахлат ташламаслик; 	

<p>ТЕСТ: 1. Самбо курашида тўлиқ ғалабага неча балл бўлиши керак ? А. 20 Б. 12 Г. 10 Д. 8 1. Самбо курашида 10 сек. Босиб турса неча балл берилади ? А. 2 Б. 4 Г. 3 Д. 1 "5" балл</p>	<p>МУАММОЛИ ВАЗИЯТ 2. Сиз курашаётган гиламда рақибингизга ҳакамнинг очикча ёрдам бераётганини сездингиз. ? Нима қилган бўлардингиз ? "1-5" балл</p>
<p>АМАЛИЙ КЎНИКМА 1. Самбо курашининг қайси машғулот техникасини такрорлаш учун вазифа берардингиз? 2. Қандай ўйинлардан фойдаланардингиз? "1-5" балл</p>	

Изоҳ: ушбу машқни тайёрлашда унинг шакли ёки катаклар сонининг кўп ёки кам бўлиши ўқув предметининг хусусияти, мазмуни ва ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга, яъни ўқитувчи тингловчилардан нимани аниқлаб олоқчи: назарий билимлариними ёки амалий билим, кўникма, малакалариними? Шунга қараб катаклардаги топшириқлар ўзгариши мумкин, лекин катаклар сони ёки топшириқлар қанча бўлишидан катъий назар ҳаммасида «Тест», «Симптом» бўлимлари сақланиб қолиниши керак.

Ушбу усулнинг аҳамияти, ўқитувчи киска вақт ичида барча тингловчиларнинг билимларини ҳам илмий-назарий, ҳам амалий томондан текшира олади, уларнинг ўз-ўзларини баҳолашларига имконият яратади. Ўқув машғулоти қизиқарли бўлади ҳамда тингловчиларнинг билимларни эгаллашга бўлган қизиқишлари ва масъулиятлари ортади.

Ҳурматли ҳамкасб, агар Сизда ушбу «Ассесмент» техникасини ўқув жараёнида қўллашга қизиқиш уйғонган бўлса, Сиз юкорида берилган тавсиялар асосида ўқиётган фанингиз мавзусидан келиб чиқиб, ўз вариантингизни яратишингиз мумкин. Муваффақият тилаймиз!

2.4. Интерфаол суҳбат

Интерфаол суҳбат – оғзаки баён қилиш интерфаол услуби бўлиб, ўқувчилар томонидан билимларни аста-секин ўзаро фикрлашиб ўзлаштиришларига олиб келувчи пухта ўйланган саволлар тизимидир. Такрорлаш, мустаҳкамлаш ва янги билимларни баён қилишда қўлланилади. Бу суҳбатда ўқитувчининг (ёки ўқувчиларнинг) битта саволига ўқувчилар битта аниқ тўғри жавоб беришлари керак.

Интерфаол услубнинг мақсади: ўқитувчининг моҳирлик билан қўйган саволлари ёрдамида ҳамда ўқувчиларнинг тиришқоклиги ва мустақил фикрлашлари туфайли уларни янги билимларни жадал ўзлаштиришларига эришиш, ўқувчиларнинг билимларни тушунганлик ва ўзлаштирган-

ликларини назорат қилиш, хотира ва тафаккурини ривожлантириш, ўқилаётган, ўрганилаётган матн (ёки томоша қилинаётган расми, эксперимент ва экскурсия натижалари)нинг асл маъноси, мазмунини ўқувчилар ҳамкорлигида тушунтириш ва изоҳлаш, ҳамкорликда ишлаш, ўзаро ҳурмат, масъулиятни ҳис этишни тарбиялаш.

Кутиладиган натижа: ўқитувчининг битта саволига битта аниқ тўғри жавоб бериш ҳамда ўрганилаётган материални тўғри тушуниш ва баҳо бериш кўникмалари ҳосил бўлади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи гуруҳни машғулот мавзуси ҳамда уни ўтказиш тартиби ва талаблар билан таништиради;

- ўқитувчи мавзунини ўқувчиларга тушунтириш (мустаҳкамлаш ёки такрорлаш, баҳолаш) учун мавзу мазмунининг бир неча кичик бўлимларга бўлади ва шу асосда кичик гуруҳлар ташкил этади (гуруҳлар сони мавзунининг бўлинган бўлимларига боғлиқ);

- ўқитувчи гуруҳларга (аввалдан тайёрлаб қўйилган) кичик мавзу бўлимларини тарқатади (кичик мавзу бўлимлар ёзилган тарқатма материалларни гуруҳлар ўзлари танлаб олишлари ёки ушбу бўлимлар экранда намойиш этилса, экрандаги материаллардан бирини танлаб олишлари мумкин ва х.к.);

- ўқитувчи гуруҳлар томонидан танлаб олинган мавзу бўлимлари устида бош қотиришлари, тарқатма материаллар асосида уни гуруҳ бўлиб ўйлаб кўришлари, агар муаммо бўлса, унинг ечимини биргаликда топишлари, ўз фикрларини тарқатилган қоғозларга ёзма баён этишлари кераклигини тушунтиради;

- гуруҳлар берилган топшириқларни бажаришга киришадилар, ўқитувчи вақт белгилайди;

- гуруҳлар ишларини тугатган, гуруҳ вакилларидан бири тайёрланган материални тақдимот қилади;

- ўқитувчи гуруҳлар тақдимотидан сўнг мавзу асосида ўзланштирилган билимларни мустаҳкамлаш ва баҳолаш мақсадида гуруҳларининг кичик мавзулари мазмунидан келиб чиқиб саволлар беради, бу саволга гуруҳ аъзолари навбати билан бирин-кетин жавоб берадилар ёки фикр билдирадилар, муҳими, гуруҳда нечта ўқувчи ўтирган бўлса, ҳар бири навбатини ўтказмай жавоб бериши ёки фикр билдириши керак (жавоблар, фикрлар қисқа, бир-бирини қайтармаган ҳолда оғзаки шаклда айтилиши керак).

Изоҳ: ўқитувчи гуруҳ аъзолари томонидан айтилган жавоблар, фикрларга ўз муносабатини билдириб боради, керак жойларида маъқуллаб, баъзиларига қўшимчалар қилади, тўғрилайди.

- ўқитувчи ёки унинг ассистенти гуруҳ аъзоларининг жавоблари ва айтган фикрларини ҳисоблаб боради, умумийсини доскада, флипчарт қоғозда, экранда белгилаб боради.

- барча гуруҳлар ўз фикрларини билдириб бўлишгач, ўқитувчи фикрларни умумлаштиради ва асосий мавзуга қўшимчалар қилиб, тўлдирди;

• гуруҳлар томонидан доскада (флипчарт, экранда) айтилган фикрлар, жавоблар сонига қараб, энг кўп фикр билдирган, кўп жавоб берган гуруҳлар аниқланади, ўқитувчи ўзи белгиллаган мезонлар асосида уларни баҳолайди, масалан, гуруҳда 10 та фикр билдирилган бўлса – 5 баҳо, 8 та – 4 баҳо, 6 та – 3 баҳо, 5 дан кам бўлса – «қониқарсиз», дея баҳоланади.

Изоҳ: бу баҳолар гуруҳга берилади, лекин гуруҳнинг ҳар бир аъзоси шу баҳога эга бўлади.

• ўқитувчи ўқувчилар баҳоларини эълон қилгач, ўтилган мавзуга яқун ясайди ва кейинги машғулотнинг мавзуси, вақти, ўтказиладиган жойи, ўтиш тартиби билан барчани таништиради, баҳоларни синф журналига ва ўқувчилар кундалигига кўчириб қўяди.

2.5. Блок-сўров

Услубнинг моҳияти. Ушбу услуб ўтилган бир мавзу ёки бўлим бўйича маърузада эгалланган билимларни тингловчилар томонидан мустақил равишда мустаҳкамлаш, такрорлаш ва баҳолашларига имконият яратиш ва барча тингловчиларни ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан билимлари, кўникмаларини баҳолай олишга йўналтирилган.

Услубнинг мақсади. Тингловчиларни маърузада ўтилган мавзунини эгаллаганлиги ва мавзунини ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, шу орқали эгалланган билим, кўникма, малакаларини ўзлари текшириб, мустақил равишда ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, шунингдек, ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатиш.

Услубнинг қўлланиши: амалий машғулотларнинг барча турларида ўтилган мавзунини ўзлаштирилганлик даражасини такрорлаш, мустаҳкамлаш баҳолаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган.

Машғулотга керакли воситалар: тарқатма материаллар: маъруза матни, дарслик, мавзуга оид қўшимча маълумотлар, жадваллар, расм, плакатлар ва б.; талабаларнинг маърузадан конспектлари; тақдимот–слайдлар ва б.

Изоҳ: режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсади (текшириш, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос тайёрланган тарқатма материаллар тайёрланади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

• ўқитувчи ўқув гуруҳини машғулот мавзуси, мақсади ҳамда уни ўтказиш тартиби ва талаблар билан таништиради;

• ўқитувчи ўқув гуруҳини 4 та кичик гуруҳларга бўлади ва ўқитувчи томонидан берилган топшириққа ҳар бир гуруҳ аъзосининг фаол иштироки талаб этилишини тушунтиради;

• ўқитувчи 4 та гуруҳнинг ҳар бирига алоҳида қуйидаги топшириқларни беради ва уларни бажаришга керакли бўлган тавсияларни тушунтиради (топшириқларни гуруҳлар ихтиёрий равишда ўзлари танлаб олишлари ёки ўқитувчининг ўзи уларни топшириши мумкин):

1-гурух «Ахборотчилар» – маъруза мазмунидан келиб чиқиб назарий билимлар ҳақида маълумот бериши.

2-гурух «Ижодкорлар» – маъруза мазмуни асосида амалиётдан ҳаётий мисоллар келтириши.

3-гурух «Коррекциячилар» – ўқитувчи вазифасини бажариши, аниқлаштириши, маълумотни тўлдириши ва айтилган фикрларга яқун ясаши.

4-гурух «Экспертлар» – жадвал асосида барча гуруҳларнинг жавобларини, фаолиятларини баҳолаши лозим бўлади.

- Ўқитувчи кичик гуруҳларга берилган вазифани бажариш бўйича келишиб олишлари, тайёргарлик кўришлари учун вақт беради ва гуруҳлар тайёргарлиги тугагач, ўқитувчи 1-гурухга сўз беради;

- 1-гурух аъзолари ўтилган маъруза мазмунидан келиб чиқиб эгалланган назарий билимлар ҳақида, иложи борича, тўлиқроқ ахборот берадилар (ахборотни берилишида ҳар бир гуруҳ аъзоси иштирок этиши керак);

- 2-гурух аъзолари 1-гурух аъзолари томонидан берилган назарий билимлар ҳақидаги ахборотни диққат билан тинглаб, уни амалиёт билан боғлаб мисоллар келтирадилар, яъни ҳаётда ушбу ахборотда айтилган фикрлар қаерларда, қандай ишлатилиши мумкинлигини аниқ ҳаётий мисоллар орқали тушунтирадилар;

- 3-гурух аъзолари ўқитувчи ролида бўлиб ҳар иккала гуруҳ аъзолари берган маълумотларга аниқлик киритадилар, тўлдирадилар, ногўғри жойларини тузатадилар, гуруҳлар ишини яқунлайдилар;

- 4-гурух аъзолари эса алоҳида тузилган баҳолаш варақасида барча гуруҳлар фаолияти ва маъруза мазмуни бўйича берган маълумотлари, келтирилган амалий ҳаётий мисоллари, тўлдиришлари, ўзгартиришларига белгиланган баҳолаш меъёри асосида гуруҳларни (ёки гуруҳ аъзоларини) баҳолайдилар.

Изоҳ: ушбу интерфаол услуб бир мавзунини тўлиқ такрорлаш, мустақкамлаш, баҳолаш учун ишлатилиши мумкин, ёки семинар машғулотига берилган ҳар бир саволни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиши мумкин. Агар шундай бўлса, у ҳолда бир саволни юқориданги тартибда муҳокама қилиб, баҳолаб бўлинган, гуруҳларнинг вазифалари (роллари) алмаштирилади, сўнгра семинарнинг иккинчи саволи муҳокама қилинади, баҳоланади. Семинар саволлари сони ва машғулотга ажратилган вақтга қараб, ўқитувчи гуруҳларнинг вазифаларини (ролларини) алмаштириб боради. Ўқитувчининг ушбу интерфаол услубни қўллангани асосий ҳаракати машғулотда ҳар бир ўқувчининг иштирокчи таъминлаш

- гуруҳлар томонидан барча вазифалар тўлиқ бажарилган, ўқитувчи ўз фикрини билдиради, гуруҳлар фаолиятига, ишқарига баҳо беради, машғулотга яқун ясади, экспертлар гуруҳи томонидан кўйилган баҳолар (баллар) ни синф журналича кўчириб қўяди.

2.6. Тушунчалар таҳлили

Услубнинг моҳияти. Ушбу услуб ўтилган (чорак, семестр ёки ўқув йилида тугаган) ўқув предмети ёки бўлимнинг барча мавзуларини такрорлаш, мустаҳкамлаш, ўқувчилар томонидан ёдга олиш, бирон-бир мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан киска вақт ичида барча ўқувчиларни баҳолай олишга, оғзаки ва ёзма нутқларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Услубнинг мақсади. Ўқувчиларни машғулотда ўтилган мавзунинг эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, яқка ва гуруҳларда ишлай олиш, сафдошларининг фикрига ҳурмат билан қараш, шунингдек ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатиш.

Услубнинг қўлланиши: ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон-бир бўлими тугалланганда) ўтилган мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш шунингдек, янги мавзунинг бошланишдан олдин ўқувчиларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида яқка, кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: тарқатма материаллар, таянч тушунчалар рўйхати, калам (ёки ручка), слайд.

Изоҳ: *режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсади (текшириш, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос тайёрланган тарқатма материаллар (агар яқка тартибда ўтказиш мўлжалланган бўлса, гуруҳ ўқувчилари сонига, агар кичик гуруҳларда ўтказиш белгиланган бўлса, у ҳолда гуруҳлар сонига қараб, тарқатма материаллар тайёрланади).*

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқувчилар гуруҳларга (шароитга қараб) ажратилади;
- ўқувчилар машғулотни ўтказишга қўйилган талаб ва қоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар ҳар бир ўқувчига ёки гуруҳ аъзоларига тарқатилади;
- ўқувчилар яқка тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар;
- ўқувчилар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчалар ёнига эгаллаган (ёки ўзларининг) билимлари асосида (берилган тушунчаларни қандай тушунган бўлсалар шундай) изоҳ ёзадилар (аввал яқка тартибда);
- ўқитувчи тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага тўғри изоҳни белгилайди ёки экранда ҳар бир тушунчанинг изоҳи берилган слайд орқали (имкони бўлса) таништирилади;

• ҳар бир ўқувчи тўғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларини аниқлайдилар, керакли тушунчага эга бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

Изоҳ: «Тушунчалар таҳлили» услубини «Чайворд», «Ўздуксиз занжир», «Кластер», «Блиц-занжир» шаклида ҳам таъкил этиши мумкин.

«Тушунчалар таҳлили» услубидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтилган мавзунини такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгалаганликлари ва шу дарснинг охирида бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Куйида «Педагогика» фани машғулотида фойдаланиладиган тарқатма материал намунасини келтирамиз (илова).

Мавзу: Таълим ва тарбияда инновация

Тушунчалар	Мазмуни
Инновация	
Педагогик инноватика	
Педагогик инновация	
Ўқитувчининг инновацион фаолияти	
Инновацион-интерактив дарс	
Интерактив таълим	
Эвристик таълим	
Технология	
Педагогик технология	
Педагогик леонтология	
Педагогик квалиметрия	
Андрагогика	

Изоҳ: тарқатма материалдаги ёзма тушунчаларни ўқув предмети - нинг хусусиятларига қараб расмлар, рамзий белгилар, формула, чизмалар билан ифода этиши мумкин ёки тарқатма материалнинг ўнг томонига тушунчаларнинг изоҳи берилиб, чап томонига изоҳ асосида керакли тушунчаларни ёзиш ёки чизиш мумкин.

2.7. Блиц-сўров

Услубнинг тавсифи. Ушбу услуб ўқувчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, манتيкий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан кераклисини танлаб олишни, шу билан бир қаторда, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўткази олиш ҳамда ўз фаолияти, кунини режалаштира олишни ўргатишга қаратилган.

Услубнинг мақсади: ушбу услуб орқали ўқувчиларда тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал яқка тартибда мустақил равишда белгилаш, кичик гуруҳларда ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўли олиш каби кўникмаларни шакллантириш.

Машғулоти ўтказиш тартиби.

Ушбу услуб бир неча босқичда ўтказилади:

- ўқитувчи ўқувчиларга ушбу машғулоти бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида тушунча беради. Ҳар бир босқичга мўлжалланган вазифаларни бажаришга аниқ вақт берилиши, ўқувчилар эса шу вақтдан унумли фойдалинишлари кераклиги ҳақида уларни огоҳлантиради:

- ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳар бирига тарқатма материал беради ва улардан ушбу материални синчиклаб ўрганишларини сўрайди;

- ўқитувчи тарқатма материал мазмуни ва бажариладиган вазифа (тарқатма материалда берилган ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри белгилаш, белгини қоғозда алоҳида ажратишган бўлимига рақамлар билан кўйиш кераклиги)ни тушунтиради;

- тарқатма материалда берилган вазифа дастлаб яқка тартибда бажарилишини таъкидлайди;

- ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикри асосида тарқатма материалдаги «**яқка баҳо**» бўлимига берилган ҳаракатларнинг мантикий кетма-кетлигини рақамлар билан белгилаб чиқади;

- ўқувчиларнинг яқка тартибдаги ишлари тугагач, ўқитувчи улардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этишларини сўрайди. Кичик гуруҳлар ўқувчиларнинг хоҳишларига қараб ёки рақамлар бўйича ташкил этилиши мумкин;

- кичик гуруҳлардаги ўқувчиларнинг ҳар бири ўз қоғозидаги «**яқка баҳо**» бўлимида белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлиги билан бир-бирларини таништирадilar, кейин улар 3 кишида уч хил бўлган кетма-кетликни биргалашиб (бир-бирлари билан тортишиб, баҳслашиб, бир-бирларига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонгириб) қелишган ҳолда, тарқатилган қоғоздаги «**гуруҳ баҳоси**» бўлимига муқобил рақамларни белгилаб чиқадilar;

- барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, ўқитувчи ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича тўғри жавобни айтади ёки экран орқали намойиш этади, яъни ўқувчилардан уларга тарқатилган қоғозлардаги «**тўғри жавоб**» бўлимига у томонидан айтилган ҳаракатлар кетма-кетлиги рақамларини ёзишни сўрайди;

• ўқитувчи «тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлар билан «якка баҳо» ҳамда «гуруҳ баҳоси» бўлимидаги рақамларни солиштириши ва каттасидан-кичигини аниқлаши, айирмаларни мос ҳолда «якка хато» ва «гуруҳ хатоси» бўлимларига ёзишларини сўрайди:

• ҳар бир ўқувчи ва ҳар бир гуруҳ айирмалар асосида қанчалик хатога йўл қўйганликларини аниқлаб, ўзларига баҳо қўядилар:

• ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тунунча беради ва уларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради ва баҳоларни синф журналига қайт таъин.

• ўқитувчи машғулотни якунлаб, баъзи гуруҳларининг машғулот мобайнидаги иш фаолиятларига ўз фикрини билдиради ва ўқувчиларнинг билимини иловадаги мезонлар асосида баҳолайди ёки мос келган тўғри жавоблар сонига қараб ҳар бир ўқувчи ўз баҳосини иловада кўрсатилгандек аниқлайди.

Изоҳ: мисол тартибда «Чингиздан мой ишлаб чиқариш» мавзусидаги ёлғиз-сўровнинг жадвалини келтириши мумкин (ҳар бир ўқитувчи ўз предмети бўйича ўтказган ёки янага ўтказган мавзуси асосида ушбу жадвалдан фойдаланиб ёлғиз-сўров тушини мумкин). Ёлғиз-сўровни ўтказиши учун вақт етарли бўлса, у ҳолда якка тартибда ҳамда 3 кишилик кичик гуруҳ шаклида ўтказиши мумкин, лекин вақт кам ёки чекланган бўлса, унда фақат якка тартибда ёки фақат кичик гуруҳ шаклида машғулотни ташкил этиши мумкин.

Мавзу: Чингиздан мой ишлаб чиқариш

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	ХАРАКАТЛАР КЕТМА-КЕТЛИГИ
					Чингиз нўстлоқдан ажратилади.
					Магний қонурилади.
					Чингиз олиб келинади.
					Магний майдаланади.
					Мой дезодорацияланади.
					Мой оқланади.
					Магний пресланади.
					Кунжақра экстракцияланади.
					Чингиз тоналанади.
					Чингиз намланади.

5-6 та тўғри жавоб «кошиқариш».

7-8 та тўғри жавоб «яхши».

9-10 та тўғри жавоб «ақило».

Ўқитувчилар иш тажрибасидан:

Янса даго	Тугри жаноб	Янса базо	Оштахтанинг тайёрланиш кетма-кетлиги
	5		Тахта иш столига махкамланади
	7		Силлигланади
	8		Безак берилади
	4		Тахта танланади
	1		Оштахта кўриниши режалаштирилади
	6		Тахта киркилиб шалкга келтирилади
	2		Оштахта чизмаси қоғозга туширилади
	3		Асбоб-ускуналар хозирланади
			Жами

Тугри жаноб	Янса даго	Янса базо	Мавзулар
4			Касрнинг квадрат илдизи
7			Чала квадрат тенглама
2			Хакикий сонлар
1			Арифметик квадрат илдиш
8			Тула квадрат тенгламалар
5			Даражанинг квадрат илдиши
6			Кўнайтманинг квадрат илдиши
9			Квадрат тенглама ва унинг илдишлари
3			Иррационал сонлар
			Жами

Изоҳ: Юқорида берилган «Блиц-сўров» услубини «Блиц-ўйин» шаклида ҳам ташиқ этиши мумкин, масалан, бирон бир фаолиятдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги юқоридаги жадвалга киритилади, ўқувчилар машғулот давомида ҳаракатлардан қайси бири биринчи, қайсиларини иккинчи... баъжаришларини рақамлар билан белгилаб чиқадилар - ўтказилиш тартиби «Блиц-сўров» услуби каби ўтказилади, фақат «Блиц-ўйин» услуби мавзусига «Мен» олмоши ишлатилади, масалан, «Мен тадбир ташиқлотчиси», «Мен компьютерни ишга тушираман», «Мен ҳайдовчи», «Мен масала ечаман» ва ш.к. мавзудан келиб чиқиб, ҳаракатлар кетма-кетлиги берилади.

Элатма: «Блиц-сўров», «Блиц-ўйин» услубларига фақат аниқ алгоритми бўлган ҳаракатлар ёки ишлар белгиланади.

2.8. Ёзма баҳс (дебат)лар

Услубнинг мақсади: ўқувчиларга ўқув хонасидаги тенгдошлари билан биргаликда шу онла жамоатчилик фикрини тўлқинлантираётган мавзуларда мулоқотларни режалаштириш имконини бериш. Услуб ўқувчиларнинг берилган мавзу соҳасидаги билимларини чуқурлаштириш шароитини яратиш, мунозара маданиятини ўргатиш ва ўз фикрини асослаш қобилиятини ривожлантириш.

Бу услубдан фойдаланишда ўқитувчи ўқувчиларни баҳоланг учун асос хизматини ўтовчи ажойиб материалга эга бўлади. Ёзма баҳслар услубиёти бундай мулоқотларни ўқув хонасидаги барча ўқувчилар иштирокида ёзма шаклда ўтказиш имконини беради.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

1. Ўқувчилар баҳс мавзуси билан уй (ёки олдин ўтказилган машғулотлар)да танишадилар. Баҳс арафасида ўқитувчи бўлажак мавзу тўғрисида ўқувчиларга ахборот берар экан, баҳслар қай йўсинда ўтишини қисқача тушунтиради (бу, албатта, баҳслар биринчи марта ўтказилаётган бўлса, жуда муҳимдир).

2. Ўқитувчи гуруҳ ўқувчиларини иккига ажратади ва уларни ўқув хонасининг икки томонига қатор қўйилган столлар ёнига ўтказиши ва ҳар бир гуруҳ катнашчилари қайси нуқтага назарни ҳимоя қилишларини белгилайди (масалан 1-гуруҳ – ижобий ҳолат жорий қилиниши тарафдорлари, 2-гуруҳ – бунга қаршилар).

3. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларни жуфтликка ажратади, ҳар бир жуфтликда қарама-қарши қарашлар тарафдорлари бўлиши керак. Жуфтликларни тартиб рақами ёки алифбо ҳарфлари билан белгилаймиз. Агар ўқув хонасида ўқувчилар сони тоқ бўлса, ўқитувчи мунозарага етишмаган шерик ҳуқуқида катнашиши мумкин. Ўқитувчи 1-гуруҳ ўқувчиларига (қелтирилган мисолда – ижобий ҳолатни жорий қилиш тарафдорлари) ҳар бири жуфт санаси (рамзи) билан белгиланган катак қоғоз варақларини тарқатади.

4. Ўқувчилар ўқув хонасининг икки томонида ўтириб, жуфтма-жуфт ёзма мулоқотни бошлайдилар. 1-гуруҳ ўқувчиларига ўзлари маъқуллаётган нуқтага назар фойдасига битта очиқ далилни шакллантириш учун 5 дақиқа вақт берилади. Улар бу далилни қоғоз варағига пухта таҳрир қилинган параграф шаклида ёзадилар. Бу вақтда 2-гуруҳ ўқувчилари ўзлари баҳс жараёнида баён этишлари мумкин бўлган нуқтага назарларини исботлашлари мумкин.

5. Ёзилган варақлар қарши гуруҳдаги шерикларга (ижобий ҳолатнинг жорий қилинишига қарши чиқувчиларга) берилади. Уларга жуфтлик бўйича шерикларининг далилларига қарши жавоб топиш ва ёзиш учун ҳамда ўз қарши далилларини баён қилишлари учун 8 дақиқа вақт ажратилади.

6. Далиллар алмашишнинг бундай тартиби 2-3 марта такрорланади, бунда ҳар бир ўқувчи шеригининг далил исботига жавоб қайтариши ва ўзининг ақс далилини келтириши шарт. Ўқувчиларнинг билимларини

аниклаш учун 3-4 раунд етарлидир. Охириги раундда ўқувчиларга якуний параграфни ёзиш имкони берилади. Шундан сўнг ёзма иш йиғиб олинади.

7. Бахсларни самарали яқунлашнинг энг қулай шакли – иккала томонга қаратилган саволдир: «Қарши томоннинг энг яхши далил-исботлари қайсилар бўлди?» Ҳар иккала томон вакиллари қарши тараф ёзган фикрларни ўқиб юкоридаги саволга жавоб берадилар.

8. Ўқитувчи ишни яккама-якка ёки жуфтлик бўйича баҳолаши мумкин. Агар ўқитувчи ёзма ишни баҳолашни режалаштирган бўлса, у ҳақида ўқувчиларни дарснинг бошидаёқ огоҳлантириши керак.

Татлим муассасаларининг машгулотларида ёзма бахслар услубидан фойдаланиш мобайнида қуйидаги жадвал кўринишида келтирилган таркатма материалдан фойдаланиш мумкин:

Бахс мавзуси	
ҲА	<ul style="list-style-type: none">• Жавоб• Далил келтирмак
ЙУҚ	<ul style="list-style-type: none">• Жавоб• Далил келтирмак
ҲА	<ul style="list-style-type: none">• Жавоб• Далил келтирмак
ЙУҚ	<ul style="list-style-type: none">• Жавоб• Далил келтирмак
ҲА	<ul style="list-style-type: none">• Жавоб• Далил келтирмак
ЙУҚ	<ul style="list-style-type: none">• Жавоб• Далил келтирмак
ҲА	<ul style="list-style-type: none">• Жавоб• Якуний фикр
ЙУҚ	<ul style="list-style-type: none">• Жавоб• Якуний фикр

3-§. ҰЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

3.1. «Консенсус ва конфронтация» ролли-ишчан ўйини (келншув ва зиддият)

Технологиянинг мақсади: ўқувчиларда мапикий ва танкидий фикрлаш ҳамда мурасага келиш маҳоратини шакллантириш ва болалар ҳуқуқлари муаммолари билан боғлиқ бўлган тушунчаларини аниқлаш.

Машғулотни ўтказиш кетма-кетлиги:

1. Ҳйинни бошлаш.

Мазкур босқичнинг вазифаси: у ёки бу фикрни тўғри эканлигини исботлаш орқали оппонентларни ўз томонига оғдириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ўқувчиларга бирин-кетин тасдиқловчи фикр ёзилган таркатма материаллар кўрсатилади. Уларга таркатма материалларда берилган фикрларни қабул қилиш ёки қилмаслик таклиф қилинади. Таркатма материаллардаги фикрларни қабул қилган ўқувчилар бир томондан, қолганлари иккинчи томондан жой эгаллайдилар. Шундай қилиб гуруҳ 2 та кичик гуруҳларга ажралади. Улардан бири тасдиқланган фикрни қабул қилади ва унинг тўғрилигини исботлайди, бошқа гуруҳ эса оппонент бўлади. Гуруҳларнинг вазифалари – ўз гуруҳларига бошқа гуруҳ аъзоларидан кўпроқ кишини жалб этиш, яъни уларнинг фикрларини ўзгартиришга олиб келишдан иборатдир. Ҳар бир тасдиқланган фикр устида 5 дақиқа ишланади.

Таркатма материалда тасдиқланган фикрлар куйидагича бўлиши мумкин:

- болалар ҳуқуқлари ҳеч қачон етарлича ҳимоя қилинмайди;
- ўзининг ҳуқуқларини билиш ва уни ҳимоя қилиш шарафли ишдир;
- «Болалар шахсий ҳаёт кечирини ҳуқуқига эгадирлар». Бу ҳақиқатни катталар ҳеч қачон қабул қилолмайдилар;
- ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила туриб баъзида ўзаро зиддиятларга ҳам дучор бўлишга тўғри келади;
- ўз ҳуқуқларимни ҳимоя қила оламан, турли услубларни маъқуллай оламан;
- ҳар бир бола учун ўз ҳуқуқларини билиш ўта муҳимдир;
- масъулият ҳақида эса болага катталар эслатиб туришади;
- ҳамма вақт менинг ҳуқуқларим бошқалар ҳуқуқларини чегаралаб туради;
- ҳуқуқ доимо жавобгарликни сезишни тақозо этади;
- болалар ҳуқуқларини фақат катталар ҳимоя қила оладилар;
- ҳар бир инсон ўз карашларини ўзгартириш ҳуқуқига эга;
- катталар ҳуқуқлари болаларнинг ҳуқуқларини чегаралайди;
- кучли одам ҳамини ҳақдир;
- эркаклар ва аёллар ҳеч қачон тенг бўлмайдилар.

2. Таҳлил:

Мазкур босқичнинг вазифаси: ўйинни ўтказиш вақтида ўз ҳолатини таҳлил қила олиш ва қуйидаги саволларга жавоб бериши. Лозим:

1. Ўйин шартларини бажариш қийин бўлдимми?
2. Мазкур ишни бажариш вақтида нималарни ҳис этдингиз?
3. Баҳс – мунозара натижасидан қониқдингизми?
4. Натижага эришишингизда Сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?

Бу фаолият ҳамкорликда кўтаринки руҳда ўтиши, яхши натижа билан тугаши ва суҳбатдош чарчамаслиги керак.

Баҳс-мунозараларнинг натижасини, албатта, таҳлил қилиш ва баҳолаш керак. Унинг муваффақияти: *биринчидан*, гуруҳлар ва уларнинг иштирокчи (ҳамкор)ларини бир-бирларига ўзларининг вазиятлари ва ҳолатларини тушунтириб, янги ахборотлар олишларига, *иккинчидан*, ўзаро муносабат вақтидаги зиддият (ёки салбий ҳолат)нинг бир қисми йўқ қилинишига эришишларига, *учинчидан*, қўйилган муаммони ечиб, ўзаро бир-бирларини тушунишларига боғлиқ.

3. Муроасага келишишнинг кичик гуруҳда (жуфтликда) ташкил этилиши.

Мазкур босқичнинг вазифаси: икки оппонент ўртасидаги у ёки бу фикрни тасдиқланган розилигига эришиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ўқувчиларга бирон-бир тасдиқланган фикрни танлаш таклиф этилади. Бу биргалликдаги иш қуйидаги кўринишда: бир киши тасдиқловчи, иккинчи киши эса инкор этувчи бўлади. Бу фаолият якунида маълум бир жуфтликлар аниқланади (ёки агар кичик гуруҳда уч киши бўлса, учта қатнашчи). 10 дақиқа мобайнида конструктив баҳс-мунозара кўникмаси ёрдамида муроаса (консенсус)га эришиш керак.


Муҳокама қилиш учун тахминий саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Сизга ўйин шартларини бажариш қийин бўлмадимми?
2. Ўйин давомида Сиз нималарни ҳис этдингиз?
3. Баҳс-мунозара натижасидан қониқдингизми?
4. Натижага эришишда Сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?

Машғулот охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг фаолиятларига баҳо беради ва машғулотни якунлайди.

3.2. Чорраха

(малака ошириш институтлари,
факультетлари, семинар
катнашчилари учун)



Технологиянинг характеристикаси: ушбу технология «давра суҳбати»нинг такомиллаштирилган варианты бўлиб, жараён давомида ўйин элементларидан фойдаланилади, чоррахадаги воқеа, ходисалар ва уларнинг ечимига эътибор берилади.

Технологиянинг мақсади: ўйин элементлари ёрдамида тингловчиларнинг иш тажрибаларидаги янгиликлар, технология, методлар билан танишиш, уларда ўзларини назорат қилиш, фаолият ва тажрибаларига ўзгалар фикри, тажрибаси асосида баҳо бериш кўникмаларини шакллантириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- машғулот ўқув хонасидан ташқарида – бино коридори, фойвеси, ховли, вестибюлда бошланади;

- ўқитувчи машғулотни ўтказиш тартиби, мавзу ва талаблар билан таништиради;

- ўқитувчи ўқувчиларга шу яқин ўртада чорраха борлиги ва унда ҳозирги кун талаби остида 4 катта бино қурилганлиги, бино ичида таълим тизимини янада такомиллаштириш учун жуда керакли бўлган жиҳозлар борлиги, улардан кўпчилик анчадан бери самарали фойдаланиб келаётгани ҳақида маълумот беради;

- ўқитувчи чоррахада жойлашган бинолар билан таништиради: «Усталар», «Инновациялар», «Технологиялар», «Инструментлар». Ўқитувчи бинолар билан таништириб бўлгач, уларни чоррахага таклиф эгади ва кимни қайси бино кўпроқ қизиқтиради, шу бинога киришлари, жойлашишлари мумкинлигини айтади, лекин барча бинолар ва уларнинг ичидаги жиҳозлар жуда қизиқарли, кераклигини ҳисобга олган ҳолда биноларга тегишли бўлинишларини илтимос қилади;

- ўқувчилар ўқув хонасига кириб, чорраха шаклида қўйилган стол, стулларга жойлашишади;

- ўқитувчи чоррахадаги биноларга жойлашган гуруҳ аъзоларига бино ичидаги жиҳозлар, таълим тизимига керакли воситалар, маълумотлар билан танишиб бир-бирлари билан ўртоқлашишларини сўрайди, яъни гуруҳ аъзолари ўзлари жойлашган бинодан қандай жиҳозлар олишган, уларни ҳаётларида, ўқув жараёнида, иш фаолиятларида шу вақтгача қай даражада ишлатиб келишган ва қандай натижаларга эришишгани ҳақида бир-бирлари билан ўзаро суҳбатлашиб, тажриба алмашадилар.

Ўқитувчи имконият ва шароитдан келиб чиқиб вақт белгилайди.

Изоҳ: масалан, «Усталар» биносидагилар ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг элементлари; «Инновациялар» биносидагилар – шу кунда таълим, тарбияда, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида, ўқув жараёнига кириб келган янгиликлар (иш тажрибаларидан келиб чиқиб), «Технологиялар» – биносидагилар иш фаолиятларида қўллаётган педагогик технологиялар; «Инструментлар» – биносидагилар эса шу кунларда иш тажрибаларида қандай интерфаол методлар борлиги ва уларни қўлланиши ҳақида ўзаро сўзлашадилар, тажриба алмашадилар, энг муқобил (қулай, самарали) фикрни, тажрибани танлайдилар бошқа бинодагилар билан алмашишга тайёрландилар.

- гуруҳлар ўзаро суҳбатларини тугатгач, ўқитувчи улардан бинодан олинган таассуротлар ҳақида фикр билдиришларини сўрайди, яъни бино ичида топилган энг қизиқарли, энг муқобил (қулай, самарали) бўлган жиҳозлар (тажрибалар)ни «Пинборд» техникаси ёрдамида алоҳида кичик қоғозларга ёзиб, доскага, флипчартга маҳкамлашларини, сўнгра улар ҳақида (ўқитувчи томонидан белгиланган вақт ичида) қисқача маълумот беришларини сўрайди;

- гуруҳ аъзолари танланган энг муқобил (қулай, самарали) тажрибадаги фикрни кичик қоғозларга ёзиб, доска ёки флипчартга маҳкамлайдилар, улар билан таништирадилар ва қисқача маълумот берадилар;

- бинодагилар танланган жиҳозлари билан таништиришларида, уларга қарата саволлар билан мурожаат қилиши мумкин, масалан, «Одатда чорраҳада баъзида турли хил воқеалар, кўнгилбузар вазиятлар учрайди. Тўғрими? Шундай экан, сизнинг танлаган жиҳозларингизни (тажрибангизни) ишлатиш вақтида қандай тўсиқлар, кўнгилбузарликлар бўлиб ўтган ёки бўлиши мумкин?»

- барча фикрлар, тажриба алмашиш тугагач, ўқитувчи, машғулот ҳақидаги фикрларни аниқлайди, ўз фикрларини билдиради ва машғулотни қуйидагича яқунлайди: «Чорраҳа – учрашувлар жойи, турли ҳаракатлар, бекатлар жойи, воқеа, ҳодиса ва тўқнашувлар жойи. ҳар бир бошланган иш чорраҳанинг хоҳлаган йўли орқали амалга ошиши мумкин, бир томонда амалга ошмаган иш. иккинчи томонда рўй бериши мумкин бўлган иш, чорраҳада тасодифларнинг бўлмаслиги, бу ерда керакли йўлни топа билиш, чорраҳанинг қоидаларига тўлиқ амал қилишни талаб этади, биз ҳам бугун чорраҳада қурилган бинолардаги жиҳозларни тўғри танлаб олиб керакли йўлдан уларни манзилга етказиш, яъни ўқув жараёнида услуб, шакл, усул, воситаларни тўғри танлаб ўз ўрнида ишлата олиш, бу борада уларни ишлатишга қўйилган талабларга тўлиқ риоя қилиниши, турли хил ортиқча тўсиқларнинг олдини олиш мумкинлигини аниқладик. Бугун сиз томондан айтилган, танланган технологиялар, инновацион-интерфаол методлар жуда қизиқарли. лекин уларнинг ҳаммаси ҳам кераклича, ўз ўрнида тўғри ишлатилмаётганини билиб олдингиз. Сизнинг фаолиятингиздаги инновациялар, технология ва интерфаол методлар амалиётда қўлланиши, чорраҳадаги каби турли тасодифлардан холи бўлиши, иш жараёнингиз самарали, ахлоқ-одоб меъёрлари доирасида, тартибли бўлиши сизнинг иш

тажрибангиз, керакли усул ва услубларни, шакл ва воситаларни тўғри танлашингиз ҳамда уларни маҳорат билан амалга оширишингизга боғлиқ эканлигига яна бир магуруҳба ишонч ҳосил қилдингиз»;

• ўқитувчи машғулотни яқунлайди, гуруҳларга миннатдорчилик билдиради, доскага маҳкамланган фикрлар, тажрибаларни амалий иш учун гуруҳларга тарқатади.

3.3. САН (самарали, ахлокли, назокатли)

Технологиянинг мақсади: ўқувчиларда яқка, жамоавий, гуруҳ билан ишлаш, ижодий ва ташкилотчилик фаолияти кўникмаларини, ишга масъулият билан ёндашувни шакллантириш, безаш ишлари кўникмаларини ривожлантириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

✓ ўқитувчи ўқувчилар аудиториясини ўтказиладиган машғулотнинг тартиб-қоидалари билан таништиради ва ўқувчилардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади;

✓ кичик гуруҳларда ўқувчилар куйидаги ролларга бўлинади: рассом, адабий ва бадний муҳаррир, дизайнер (безакчи). Кейин ҳар бир гуруҳ вакили ўқитувчи столдан топшириқлар ёзилган карточкалар ичидан биттасини танлаб олади.

Топшириқлар куйидагича бўлиши мумкин:

- деворий газета (бирон мавзуга, байрамга ёки юбилейга бағишланган ёки ҳазил-мутойибали, сатирик ёки ўқув фани ёки гуруҳ фаолиятига бағишланган ёки мониторинг экрани каби) эскизини тайёрлаш;

- байрам (ёки бирор-бир тадбир)га чорловчи афишанинг (масалан, эълон, ташвиқот, таклифнома) эскизини тайёрлаш;

- турли тадбирлар (масалан, байрам)га бағишланган таклифноманинг эскизи ва макетини тайёрлаш;

- табрик откриткаларининг макетларини тайёрлаш;

- бирор тадбир ўтказиладиган жойни безатиш эскизи ёки макетини тайёрлаш;

- икэбана тайёрлаш.

Кичик гуруҳларга топшириқни бажариб, тақдимот қилишлари учун тайёрланишларига 30 дақиқа вақт берилади. Тайёргарлик вақти тугагач, тақдимот бошланади. Тақдимот вақтида гуруҳлар ўзлари тайёрлаган эскиз ва макетлари билан барчани таништирадilar, намойиш этадилар ва асослайдилар, жамоавий ижодий фаолиятдаги ўз вариантларини ҳимоя қиладилар. Тақдимот тугагач, умумий муҳокама бошланади. Муҳокама жараёнида ўқувчилар безатилган, тайёрланган ишларга тегишли талабларни аниқлайдилар, ўқитувчининг ўзи ёки алоҳида тузилган ижодий гуруҳ эса талабалар томонидан билдирилган фикр ва таклифларни махсус хона тахтасига ёки ватман қоғозига ёзиб боради.

Машғулот охирида ўқитувчи ўқувчиларга юқорида берилган турли топшириқлар бўйича бир неча намунавий эскизлардан таркатади.

Юқорида мисол тариқасида келтирилган 26 та педагогик технологиялари ва интерфаол услубларни ўқув жараёнида тулалигича ёки қисман ишлатилиши ўқувчиларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантириши ва ривожлантиришига ҳамда ҳаётда учрайдиган турли хил вазиятлардан оқилона чиқа олиши, муаммоларни еча олишига ёрдам беради.

4-§. ДАРСГА КИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ЭТИШ ТЕХНИКАСИ

Дарсга кириш ва уни таҳлил этиш зарурати

Бозор иктисодиёти шароитида таълим мазмунига қўйиладиган талаблар янада кучайди. Ўтказилаётган ижтимоий тадқиқотлар натижалари шунини кўрсатмоқдаки, бугунги ўқувчиларнинг аксарияти ўқишга кизикиши анча пасайган. Бунинг сабабларидан бири дарс мобайнида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида мулоқотнинг камлигидир. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабида, ўрта-маҳсул касб-хунар таълими муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси, халқ тарбияшунослиги ва педагогик руҳшунослар хизмати тўғри йўлга қўйилмаган. Умуман олганда, ўқитувчи ўзининг кучли ва заиф томонларини ҳар доим англаши керак. Айрим ўқитувчилар ўзларининг заиф томонларини, айниқса, ўз соҳалари бўйича етарлича билимга эга эмасликларини ёпиш учун ўқувчига ортиқча талаблар қўядилар. Ўқувчилар ўқитувчининг бўш томонини тез англайдилар. Шунинг учун у ҳадиксираб эмас, балки ўқитувчи ҳурматини жойига қўйиб муносабатга киришиши мумкин. Бундай муҳитни ва ўқувчиларнинг руҳий кайфиятини ўқитувчи баъзан сезмайди. Ўқувчилар ўқитувчини ҳар доим кузатиб борадилар. Улар ундан илик сўз, меҳр – муҳаббат ва мурувват кутадилар.

Ҳозир педагогика фани олдида таълимнинг тарбиявий аҳамиятини очиб бериш муаммоси турибди. Шундай шароитда, баъзан ўқитувчининг ташқи кифоаси ҳам тарбиявий аҳамият касб этади. Лекин буларнинг ичида энг муҳими ва ўқувчи учун энг аҳамиятлиси – ўқитувчининг билимдонлиги, янгилик ва дунёвий билимларга чанқоклиги, унинг сўзи билан ишнинг мувофиқ келиши, ўқувчиларни изланишга, билимларни мустақил эгаллашга, ҳар бир фаннинг моҳиятини тушунишга, ишга ижодий ёндашишга ундаши ва эркин фикрлаши ҳамда мустақил ишлаш учун шароит яратиши, педагогик технология ва ингерфаол услубларни тўғри танлаб ишлата олиши билан белгиланади.

Педагогик фаолиятда амалга оширилган кўп йиллик иш тажрибалари ва кузатишлар, ўқитувчи ҳамиша ўз устида ишлаши, билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириб бориши кераклигини кўрсатмоқда. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг кундан-кунга ўсиб бориши, ўқув жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллай олишининг кучайиши унинг педагогик фаолиятида амалга ошади. Ўқитувчи фаолиятининг қанчалик самарали эканлигини, одатда, унинг маҳоратини кузатиш, ўтаётган дарсларини таҳлил қилиш орқали билиш мумкин. Бундай ишларни кўпинча вазирликнинг масъул ходими, таълим муассасаси раҳбари ёки методистлар, ўқитувчи ва услубий бирлашма бошликлари амалга оширадилар. Раҳбар ходимлар ўзлари учун дарс таҳлиliga ким сифатида (раҳбар ёки педагог) қираётганликларини аниқлаб олишлари керак.

Дарс таҳлили - бу текширувчи, ўқув муассасаси раҳбари, методистнинг ижодийлиги, новаторлиги бўлиб, у фақат ўқитувчи меҳнати натижасини баҳолабгина қолмай, уни тарбиялайди, ўқитувчини билими ва маҳоратини кенгайтиради, янги иш шакли ва методларни эгаллашга кўмаклашади.

Шу сабаб, ўқитувчи дарсига кириш ва таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйган шахс, авваламбор, дарс таҳлиliga киргунгача, дарс таҳлиliga кириш ва уни кузатиш вақтидаги ҳамда дарс тугагандан кейинги ҳаракатларини аниқ белгилаб олиши керак. Биз бу ҳаракатларни гуруҳларга бўлиб қўриб чиқамиз:

1. Дарс таҳлиliga киргунгача тайёргарлик.
2. Дарс таҳлиliga кириш ва кузатиш.
3. Ўтказилган дарсни таҳлил этиш.
4. Дарсни таҳлил қилаётган шахснинг этикаси ва маданияти.

Дарс таҳлиliga киргунгача тайёргарлик қуйидагиларни ўз ичига олади:

- дарс ўтказувчи ўқитувчи фаолияти билан танишиш;
- дарс мавзуси ва унинг мазмуни, дарс жадвали, ўқувчилар гуруҳи фаолияти билан танишиш;
- охири магуруҳба қачон, кимлар, нима мақсадда шу ўқитувчи дарсига киришгани, уларнинг таҳлили, хулосалари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш;
- сўнгра дарсга кириш ҳақида фикр билдириш ҳамда мақсадни белгилаб олиш ва ўқитувчини огоҳлантириш, мақсадни тушунтириш.

Демак, бирор ўқитувчининг дарсига кириш мўлжалланган бўлса, ўқитувчилик касби одобига кўра шахсларни дарсга киритиш олдида (айниқса, ташқаридан келган шахсларни) қайси аудитория (синф)га ва қайси дарсга кириш ҳақида огоҳлантирилишлари лозим. Аввало, услуб бирлашма раиси, имконият бўлмай қолган тақдирда, маъмурият аъзоларидан бири, ташқаридан келган кузатувчини бирга олиб кириши мақсадга мувофиқ. Ҳар қандай дарсга хоҳлаган шахс (юқори ташкилот ходими, раҳбарият, ҳамкасб ва б.) ўқитувчини огоҳлантирмасдан тўғридан-тўғри кириб келишлари маданиятсизлик (афеуски, кўпчилик раҳбарлар бунга риоя қилмайдилар) ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, баъзи-бир англашилмовчиликлар ва психологик тўсиқларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Дарс таҳлиliga кириш ва кузатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

Дарс таҳлиliga кириш вақтида

- дарсга кеч қолмаслик (кеч қолинса, кирмаслик, ўқув жараёнини бузмаслик);
- дарс ўтиладиган ўқув хонасига кўнгирак чалинишидан олдин кириб жойлашиб олиш;

- синф хонаси ва ўқувчилар жамоасига мослашиш; ўқувчиларни келган меҳмонга мослашиб олишларига имконият яратиш;
- синф хонасининг жиҳозланиши, санитария ҳолати, ўқувчиларнинг дарсга тайёрлиги, жойланишлари, ташқи кўринишлари, мавзунинг ёритишга керакли бўлган воситаларнинг тайёрлигини кузатиш;
- дарснинг ўқув-методик хужжатлари билан танишиб олиш;
- ўқувчилар жамоаси, ўқитувчининг руҳий ҳолатини кузатиш.

Демак, кузатувчилар орқа ўриндиклардан бирини эгаллагач, дарс бошланади.

Ўқитувчи дарсга кирганида кўлида (ёки ўқитувчи столида) гуруҳ журнали, ўқув дастури, календар-мавзу режаси, дарснинг технологик харитаси бўлиши керак, кузатувчилар дарс бошлангунга қадар керакли хужжатлар билан танишиб оладилар, хона ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик даражаларини аниқлаб оладилар.

Дарс жараёнини кузатиш вақтида

- ўқитувчининг дарсга кириб келиши (кайфияти, ишончли қадам ташлаши, самимийлик ҳолати, биринчи сўзи, оҳангдорлиги, ташқи кийоми, кийими ва б.) ни кузатиш;
- керакли ёзувлар, таклиф ва тавсияларни дафтарга қайд қилиб бориш;
- дарсни тўлиқ кузатиш: чиқиб кетмаслик, ортиқча ишлар билан шуғулланмаслик.
- дарсга қўйилган мақсад асосида дарс жараёнини кузатиб боришда қуйидагиларни аниқлаш:
 - а) ўқувчиларда ўқув предмети бўйича билим, кўникма, малакалар қай даражада шаклланган ва уларни амалдаги вазифаларни ечишга қўллай олишлари;
 - б) ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этилиши;
 - в) дарс жараёнида турли хил услублар ва шакллارни қўлланиши (услуб, шакл ва педагогик технологияларни мақсадга мувофиқ танланганлиги);
 - г) дарс жараёнида ўқувчилар фаолиятининг ўзгариб туриши, хилма-хиллиги;
 - д) дарс жараёнидаги ишларни, ҳаракатларни жадаллиги;
 - е) мавзу ва дарсни предметлараро боғлиқлиги;
 - ж) ўқитувчининг синфдаги психологик муҳитни ва вазиятни бошқариши.

Демак, ўқитувчи фаолиятига самимий муносабатда бўлиш, унга ҳурмат билан қараш, ҳаракатларини (пантомимика орқали) маъқуллаб туриш.

Дарсни таҳлил этаётган кузатувчилар одоб-ахлоқ қоидаларига ва педагогик маданият талабларига амал қилган ҳолда ўзларини тутишлари керак. Кузатувчиларни ноўрин ҳаракатлари ўқитувчини чалғитиши, ҳаяжонини кучайтириши мумкин. Фикримизча, дарсни таҳлил этаётган кузатувчилар ўқув жараёни мобайнида ўқитувчи эътиборини

чалғитмасдан, унга ҳалақит бермасдан, ўқитувчининг фикрига аралашмасдан, тузатмасдан, унга ҳалақит берадиган ҳаракатлар (ҳисобот ёзиб ўтириш, ёзма ишлар ва дафтарларни текшириб ўтириш, синф журналинини тўлатиш, чорак баҳоларинини қўйиш, ва б.) қилмасдан, уяли телефонни ўчириб қўйган ҳолда ўзаро суҳбатлашмасдан кузатишлари керак. Ўқитувчига таъсирли қараш қилмасдан самимий ҳолда қараб баъзида маъқуллаш каби ҳаракатлардан фойдаланган маъқул.

Дарсдан кейинги таҳлил

Бу - фақатгина ўқитувчининг ютуқлари, камчиликларинини топиш ва уни қоғозга тушириш эмас, балки ўқитувчининг педагогик маҳоратига ижобий таъсир кўрсатиш ва янгича ёндашувни шакллантиришда, унинг ўзига хос усули, методларинини танлаш ва қўллай олишида ҳамда ўқув-тарбия жараёнинини такомиллаштиришда муҳим воситадир.

Кузатишларни таҳлил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аввал дарс ўтказган ўқитувчини эшитиш;
- мақсаддан келиб чиқиб таҳлил қилиш;
- камчиликларни тақлиф ва тавсия сифатида билдириш, шахсиятга тегмаслик;
- ўқитувчининг обрўсинини кўтариш, унда кейинчалик янада самарали меҳнат қилишга имконият ва хоҳиш уйғотиш.

Демак, дарс таҳлили ўқитувчида кўтаринки руҳни шакллантириши лозим. Ўтказилган таҳлил ўқитувчи томонидан сизни яна бир магуруҳба ўзининг кейинги дарсига тақлиф қилишга мажбур этиши керак.

Педагогик тадқиқот, педагог олимлар ва амалиётчилар фикрлари шуни кўрсатадики, дарс таҳлиliga ёндашувлар хилма-хил, лекин улар ичида дарс таҳлиliga комплекс ёндашув алоҳида ўрин тутаяди.

Дарснинг комплекс таҳлиliga қуйидагиларни кузатиш мумкин:

Педагогик таҳлил – ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг хилма-хиллиги, яъни дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар қандай фаолиятларда иштирок этишлари.

Психологик таҳлил – синфда ва жамоада психологик муҳитни яратилиши, ўқитувчи ва ўқувчиларни дарсга руҳан тайёрлиги.

Ижтимоий таҳлил – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида самимий муносабатни ўрнатилиши, ўқувчиларга шахс сифатида муносабатда бўлиши, яқка ёки гуруҳларда иш олиб борилишида ўзаро ҳурматни ташкил этилиши.

Технологик таҳлил – педагогик технологиялар ва интерфаол услубларни шу дарс, шу мавзуга тўғри танланганлиги, мақсадга мувофиқлиги, қўлланиши.

Профессионал таҳлил – ўқитувчининг касбий маҳорати (ўқувчиларни жалб этиши, нутқий маданияти, сўз бойлиги, нутқ оҳангдорлиги) ва касбига бўлган муносабати (дарсни жўшиб олиб бориши, ижодийлиги, импровизацияси).

Методик таҳлил – дидактик таҳлил (таълим назарияси категориялари, тамойилларига асосланганлиги, дидактик материалларни борлиги, шу мавзу учун тўғри танланганлиги ва ўз вақтида, ўз ўрнида ишлатилиши), ўқув жараёнининг ташкил этилиши, конструкцияси.

Юқорида дарсни таҳлил этишга берилган тавсияларни кенгроқ ёритиш мақсадида унинг таркибий қисмларини кўриб чиқамиз.

Дарс таҳлилининг асосий таркибий қисмлари

Мутахассис сифатида ўқитувчининг дарсини кузатиб, уни таҳлил этишни мўлжаллаган шахслар куйидагиларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқ:

- **Ўқитувчининг дарсга қандай тайёргарлик кўрганлиги?**

Ўқитувчида дарснинг ўқув режаси ва мавзу бўйича турли ишланмаларнинг борлиги, турли дидактик тарқатма материал ва кўргазмали куролларнинг тайёрлиги. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги билан юзаки (ёки дарснинг бир қисмида) танишиб чиқилмайди. Унинг дарсга тайёргарлигини бутун машғулот мобайнида кузатиш ва таҳлил этиш лозим.

- **Дарс мақсад ва вазифаларининг кўйилиши.**

Ўқитувчи ҳар бир дарсга аниқ мақсад кўядими? Мақсадни қанчалик тўғри кўяди? Вазифалар белгиланганми?

- **Ташкилий ишлар таҳлили.**

Машғулот ўтказиладиган хонанинг дарсга тайёрлиги, ўқувчиларнинг кайфияти ва соғлиги, ўқув хонаси ва столининг тозаллиги, бўр ва намланган латганинг борлиги, флипчарт ёки оқ досканинг ҳамда маркерлар, скочларнинг борлиги, мавзуни ёритиш учун техник воситаларнинг мавжудлиги, уларни жойланиши, ўқувчиларни гуруҳларга бўлинганлиги ва қулай жойлаштирилганлиги; айрим сабабларга кўра дарсда қатнашмаётган ўқувчиларнинг исми ва шарифлари ёзилган варақчанинг ўқитувчи столига қўйилишига, шунингдек ўқитувчининг дарсга ҳозирлигига ва унинг ташки қиёфасига ҳам эътибор берилди.

- **Ўтган мавзуни такрорлаш.**

Ўтган дарсни такрорлаш имконияти бўлди, агар такрорлаш ўтказилган бўлса у дарснинг қайси этапида амалга оширилди ва қанчалик муваффақиятга эга бўлди. Ўқитувчи ўтган дарсни такрорлаш, сўраш ва мустақамлаш учун қандай ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланди.

- **Дидактик (ёки таълимий) таҳлил.**

Таҳлилнинг бу турида мавзунинг илмийлиги ва изчиллиги, оддийдан мураккабга томон йўналиши, кўргазмаллиги ва берилаётган билим, янги ахборотларнинг ҳаётийлиги, уларнинг жонли ва раво тилда очиб берилиши назарда тутилади. Ўқув машғулотининг мазмунини илмий, ахлоқий ва амалий жиҳатдан тўғри ёритилиши, унинг тарбиявий йўналиши (машғулот мақсади, мазмуни, шакл ва методлари, унинг ташкил этилиши қанчалик керакли даражада тарбиявий йўналишга қаратилганлиги), **назария ва амалиёт билан боғлиқлиги:** ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билимларини замонавий ишлаб-чиқариш, табиат қонуниятлари, атроф-муҳит ҳодисалари,

кундалик ҳаёт масалалари билан боғлай олишлари, қанчалик амалиётда ўз билимларини ўқув амалиётида қўллай олишлари, тадқиқот ва тажриба ўткази олишлари, бирон бир приборни қура олишлари ва ишлата билишлари ва х.к.

• **Методологик таҳлил.**

Ушбу таҳлил мобайнида таълим йўналишидаги ҳукумат қарорлари, талаблар, давлат тили, миллий руҳ, маданиятнинг гўзал дурдоналари, шу соҳа бўйича буюк аллома ва олимларнинг қилган ишлари, фикрлари, республикадаги охириги ўзгаришларнинг машғулот давомида фойдаланилиши асос қилиб олиниши мумкин.

• **Услубий таҳлил.**

Бунда ўқитувчи фаолиятининг икки томони: *биринчидан*, ўрганилаётган мавзуга дастурда мўлжалланган соатда, уни қандай методлар ёрдамида, ўқувчиларнинг ёши ва шахсий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етказиб бера олиши, ўқувчиларни ўйлашга, изланишга мажбур этиши ва унга шароит яратиши; *иккинчидан*, ўқитувчи сифатидаги тажрибалари қай даражада эканлигини намойиш эта олиши назарда тутилади. Ўқитувчининг иккинчи томони таҳлил этилаётганда, унинг ижодкорлиги, услубий маҳорати кўзга ташланиши лозим. Дарс мавзуси бўйича ўқув материални ёритишда, ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини синашда, уларнинг ижодий, тадқиқот ва қисман-изланиш ишларини текширишда педагогик ва ахборот технологияларини тўғри танланганлиги ва уларни дарс жараёнида самарали қўлланиши. Дарс структурасини услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги. Ўқитувчининг илғор педагогик ва новаторлик тажрибалари мана шу ердан бошланади.

• **Психологик таҳлил.**

Бу таҳлилда, аввало, ўқувчиларнинг кайфияти, уларнинг соғлиги, жамоадаги соғлом муҳит, ўқувчиларнинг хушёрлиги, фанга бўлган кизиқишлари, дарс бераётган ўқитувчисига муносабати, ўқувчиларнинг ҳозиржавоблиги, сезгир ва топқирлиги, идроки, янги ва аввалги материалларни эсда сақлашлари, образли ва мантикий тафаккурлари, ўқувчилар фантазияси, олдида турган масъулиятларига нисбатан ўқувчиларнинг иродали ёки иродасизлиги, улардаги қобилият, билим, кўникма ва малакалар кўлами каби томонлар киради. Ўқитувчининг фавқулудда вужудга келган вазиятдан ўз обрўсини сақлаган ҳамда ўқувчи шахсига тегмаган ҳолда чиқа олиши, ўзини бошқара олиши ҳам инobatга олинади. Ўқувчиларнинг диққати, уларда илмий тасаввур, қобилият, мантикий, ижодий, танқидий фикрлашнинг ривожланиши. Ўқувчиларнинг нутқи устида ишлаш. Дарсдаги психологик муҳит ва унинг дарс жараёнига таъсири, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муносабати, бир-бирини тушунишлари.

• **Педагогик таҳлил.**

Таҳлилнинг бу тури анча мураккаб ва масъулиятли бўлиб, ўқитувчининг ташқи қиёфаси, ўқувчилар билан тил топа олиш маҳорати, маданияти, одоби билан биргаликда дарс жараёнида умуминсоний тарбиянинг таркибий қисмларини ўқувчиларга бера олиши ва унинг нутқ маданияти ҳам назарда тутилади.

Машғулот мобайнида ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган миллий тарбия (экологик, иктисодий, ахлоқий, жинсий, меҳнат, нафосат ва миллий ғоя ва маънавиятни сингдириш) элементлари қандай амалга оширилди?

Бу тарбия турларидан қай бирига (мавзу асосида) айнан шу дарсда кўпроқ эътибор берилди?

Дарс тарбиявий таъсирининг самараси қандай бўлди?

Бу масалалар педагогик таҳлилнинг асосини ташкил этади. Шунинг таъкидлаш керакки, ўқитувчининг маъноли нутқини ҳеч қачон бошқа нарсага қийёслаш (ёки алмаштириш) мумкин эмаслиги маълум.

• **Ўқитувчининг ҳамкорликдаги вазифаси таҳлили:**

- ўқувчиларни фикрлашга ўргатиши;

- аниқ фикр ва материалларни ўрганиб, мулоҳаза юритиш, фикр билдиришни таъминлаши;

- ўқувчиларни изланишга, қидириб топишга ўргатиши;

- ўқувчининг ўзи мустақил фикрга эга бўла олиши.

• **Ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларининг сифат даражаси**

Жавобларнинг тўлиқлиги, ёзма ва амалий ишларнинг натижаси. Ўқувчиларни китоб билан, лаборатория асбоблари билан ишлаш, конспект ёзиш, сўзга чиқиш, фикр билдириш, ахборот бериш кўникмалари. Ўқувчиларни оғзаки сўров вақтидаги фаолликлари. Ўқувчиларнинг жавоблари ва фаолиятини тўғри баҳоланиши, гуруҳ баҳоси, ўз-ўзини баҳолашни тўғри ташкил этилиши

• **Ўқувчиларининг мустақил ишлари**

Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яқка тартибда ишлаш фаоллиги. Синф билан тескари алоқнинг мавжудлиги. Ўқувчиларни мустақил ишлаш усулларига ўргатиш. Ўқувчиларнинг мустақил ишлашларини ташкил этишда яқка тартибда, жуфт бўлиб, кичик гуруҳларда ишлашларини тўғри ташкил этилиши.

• **Дарснинг якуни**

Ўқитувчининг дарсни яқунлашда фикрларни умумлаштира олиши, уйга вазифаларни аниқ ва тушунарли қилиб етказиб бериши, кейинги дарс ҳақидаги маълумотни бериши, дарсни илиқлик, самимийлик билан яқунлаши.

• **Дарс таҳлиliga тегишли яқуний таҳлил** (ёки хулоса). Ўқитувчининг қандай мутахассис эканлиги буйича фикрлар ва турли таклифлар, йўл-йўриқлар баён этилади.

Дарсни таҳлил этиш жараёнида, аввало, машғулот олиб борган ўқитувчининг гапириши, сўнгра таҳлилда иштирок этувчиларнинг гапириши мақсадга мувофиқ.

Эслатма: ўқитувчининг дарси ва унинг фаолиятига бир дарс таҳлили буйича хулоса чиқариб бўлмайди. Унинг фаолиятига бирон фикр билдириш ёки танқидий фикр бериш учун унинг турли шаклдаги бир неча дарсларини кузатиш керак.

Дарсни кузатувчилар, авваламбор, ўзлари шу кундаги таълим тизими ва ундаги янгича ёндашувлар, дарсларга қўйилган замонавий талаблар, дидактик ва услубий қарашлар, педагогик технология ва интерфаол таълим, интерфаол услублардан хабардор бўлишлари керак.

Дарсни кузатувчиларга анъанавий, ноанъанавий, ривожлантирувчи таълимнинг мақсади ва мазмунига қараб, дарсни таҳлил қилишларига қуйидаги қўшимча материал ёрдам бериши мумкин.

4.1. Таълим шакллари ва услубларига қўйиладиган замонавий талаблар

Замонавий педагогикада таълимнинг умумий шакллари (жамоавий, гуруҳ бўлиб, яқка тартибда) ва ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш шакллари (дарс, фан, техника тўғараклари, ўқувчилар илмий уюшмалари, саёҳатлар) фаркланади.

Таълимни ташкил этиш шакллари педагогик жараёни ташкил этишнинг тарихан мавжуд бўлган, барқарор ва мантиқан тугалланган кўриниши бўлиб, унга мунтазамлилик ва яхлитлилик, ўз-ўзини ривожлантириш, шахсийлик ва фаолиятли табиат, иштирокчилар таркибининг доимийлиги, ўтказишнинг муайян тартиби мавжудлиги хосдир.

Дарснинг асосий таркибий элементларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчи элемент – ташкилий қисм;

иккинчи элемент – уйга берилган ёзма вазифаларни текшириш;

учинчи элемент – ўқувчилар билимини оғзаки текшириш (ёки сўраш);

тўрттинчи элемент – янги материални тушунтириш;

бешинчи элемент – янги материални мустаҳкамлаш, баҳолаш;

олтинчи элемент – уйга вазифа бериш;

еттинчи элемент – дарсни уюшқоқлик билан яқунлаш.

Дарснинг тузилишлари қуйидаги уч турда бўлиши мумкин:

Анъанавий дарс тузилиши: сўраш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш.

Замонавий дарс тузилиши: дидактик (асосий) ва мантиқий – психологик.

Замонавий дарс тузилишига қўшимча: мотивланган ва услубий.

А) Дидактик тузилиши:

1. Таянч (аввалги) билимларни ва ҳаракат усулларини фаоллаштириш.

2. Янги тушунча ва ҳаракат усулларини шакллантириш.

3. Билимларни қўллаш, билим ва кўникмаларни шакллантириш (махсус такрорлаш ва мустаҳкамлаш).

Б) Дарснинг мантиқий-психологик тузилиши:

1. Маълум билимларни тиклаш ва идрок этиш.

2. Талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан янги билимларни англаш ва тушуниш.

3. Билим элементлари ва ҳаракат усулларини умумлаштириш.

4. Билимлар ва янги ҳаракат усулларини намунадагидек ҳамда ўзгартирилган шароит вазиятларида қўллай олиш.

В) Дарсда излаш фаолият босқичлари:

1. Муаммоли вазиятни ташкил этиш ва муаммони қўя олиш.
2. Тахминлар, фаразларни илгари суриш ва уларни асослаш.
3. Фаразларни исбот этиш.
4. Муаммоларнинг тўғри ҳал этилганлигини текшириш.
5. Хулосаларни шакллантириш.
6. Билимларни нотаниш (ностандарт) вазиятларда қўллаш.

Г) Дарснинг мотивланган тузилиши:

1. Ўқувчиларнинг диққатини ташкил этиш ва бошқариш.
2. Фаолият мазмунини шарҳлаш (изоҳлаш).
3. Мотивланган ҳолатларни фаоллаштириш.
4. Ўқувчилар билан ҳамкорликда дарснинг мақсадини белгилаш.
5. Мақсадга эришишда ютуқли вазиятларни вужудга келтириш.
6. Ўқувчиларнинг ҳаракатларида ижобий ҳис-туйғулар ва ўзига ишончни қўллаб-қувватлаш.

Д) Ўқув фаолияти тузилиши:

Ўқув фаолияти = талаб + мотив + ўқув ҳаракатлари + ўзини ўзи назорат + ўзини ўзи баҳолаш.

Е) Дарслар типологияси:

- 1-тип – янги билимларни берувчи, янги материални ўрганиш дарси.
- 2-тип – кўникма ва малакаларга ўргатувчи дарс.
- 3-тип – билимларни амалиётда қўллаш ва мукаммалаштириш дарси.
- 4-тип – такрорлаш, тизимлаштириш ва умумлаштириш, кўникмаларни мустаҳкамлаш дарси.
- 5-тип – билим ва кўникмаларни тартибга солиш, назорат қилиш, баҳолаш ва коррекция дарси
- 6-тип – аралаш дарс.

Муаммолилик тамойилига асосан дарслар муаммоли ва муаммоли бўлмаган дарсларга бўлинади.

Дарснинг қуйидаги **кўринишлари** мавжуд: *суҳбат дарс, лаборатория иши, синов, кинодарс, компьютер машғулотлари.*

4.2. Дарсни таҳлил қилиш бўйича ёрдамчи материаллар

Анъанавий таълим

Ривожлантирувчи таълим

Бошланғич (асосий) мақсад

Аниқ, сўзсиз бажарувчи
шахсни тайёрлаш

Шахсни ривожлантириш,
жаҳон стандарти талабига
жавоб берадиган, ўзига,
бошқа инсонга, жамиятга,
давлатга, ёндашувга ва
меҳнатга ўзининг тўғри
муносабатини билдира-
диган, мустақил фаолият
юритадиган, ижодкор,
тадбиркор шахсни
тайёрлаш, мустақил иш-
лаш ва фикрлашга
ўргатиш, ўз-ўзини тар-
биялашга шароит яратиш

Кўрсатма

Дастур асосида ўрганиш
(ёдлаш)

Фан соҳасида берилаёт-
ган саволларга ўзи мус-
тақил жавоб топа олиши,
ёдлаш эмас, фан
мазмунини ўзи тушуниб
етиши, керакли билимни
кидириб топа олиши

Таълимий (дидактик)
мақсадлар

Билим, кўникма ва
малакаларни
шакллантириш

Дарс жараёнида ўқувчи
ларни ўз фикрларини
мустақил баён этишга
ўргатиш, керакли адаби
ётлардан моҳирона
фойдаланиш, уларни
излашга ва топишга
ўргатиш

Услублар

Ахборот-репродуктив,
репродуктив-муаммоли

Муаммоли, қисман
изланишли ахборот-
репродуктив, фаол,
ўзаро фаол

Дарс вақтида ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш шакллари

Фронтал (бир неча
ўқувчидан), якка ҳолда

Якка ҳолда, жуфт бўлиб,
гурух бўлиб ва фронтал

Ноанъанавий – ностандарт дарслар

1. Мусобақа ва ўйин шаклидаги дарслар: *танлов, турнир, эстафета, дуэль, ҚЗК (КВН), тадбирли ўйин, ролли ўйин, кроссворд, викторина.*

2. Ижтимоий амалиётда маълум бўлмаган иш шакллари, жанрлари ва услубларига асосланган дарслар: *тадқиқ этиш, ихтирочилик, бирламчи манбалар таҳлили, шарҳ, «Ақлий ҳужум», интервью, репортаж, тақриз.*

3. Мулоқотнинг оғзаки шаклини эслатувчи дарслар: *матбуот анжумани, аукцион, бенефис, митинг, вақти чегараланган мунозара, панорама, телекўприк, билдирги, мулоқот, «жонли газета», оғзаки журнал.*

4. Ўқув материални ноанъанавий ташкил этишга асосланган дарслар: *донолик дарслари, очиқ тан олиш, «дублер ҳаракат бошлайди» дарси.*


5. Хаёлийлашган дарслар: *эртак дарс, совға дарс, XXI аср дарси.*

6. Муассаса ва ташкилотлар фаолиятига ўхшаш асосланган дарслар: *суд, тергов, трибунал, патент бюроси, илмий кенгаш, муҳаррирлар кенгаши, фермерлик.*

4.3. Ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш

Баҳолаш - таълим жараёнининг маълум босқичида, ўқув мақсадларига эришганлик даражасини олдиндан мўлжаллаб қўйилган мезонлар асосида белгилаш, ўлчаш, таҳлил қилиш жараёнидир.

Ўқув мақсадлари соҳалари



Афзаллиги

- ✓ таълим олувчи рағбатлантирилади;
- ✓ таълим олувчининг фаолиятини тезкор назорат қилиш имкониятини беради;
- ✓ таълим берувчининг вақти тежалди;
- ✓ таълим олувчининг якуний билими баҳоларнинг сонига қараб эмас, сифатига қараб баҳоланади;
- ✓ баҳолаш қулай бўлади;
- ✓ расмийлаштириш ҳужжатлари кам бўлади.

Камчилиги

- ✓ баҳолашнинг нисбийлиги;
- ✓ ёзма нутқда хатоларни тўғрилаш имкониятининг камайиши;
- ✓ баҳолашнинг субъективлиги.

Баҳолашнинг рейтинг тизими

Афзаллиги

- ✓ ҳаққоний баҳолашиши;
- ✓ ёзма нутқнинг ўсиши;
- ✓ ёзма нутқда хато ва камчиликларни аниқлаш имкониятларининг мавжудлиги;
- ✓ таълим олувчининг билимга бўлган иштиёқининг сезиларли даражада ошиши;
- ✓ таълим олувчини мунтазам шуғулланишга ундаши

Камчилиги

- ✓ таълим берувчи таълим олувчи билан ишланганда кўп вақт сарф қилади;
- ✓ балларни ҳисоблаш кўп вақтни талаб қилувчи мураккаб жараёнлиги;
- ✓ баҳолаш усулларига қараб таълим олувчи оғзаки нутқининг пасайиши;
- ✓ ажратилган вақтнинг етарли эмаслиги;
- ✓ таълим олувчини баҳолаш назоратининг мураккаблиги ва ноқулайлиги

Мезонга асосланган баҳолаш

Афзаллиги

- ✓ ўқув мақсадига мувофиқ баҳоланади;
- ✓ таълим олувчининг билимини баҳолаганда унинг йўл қўйган хатолари яққол кўрсатиб берилади;
- ✓ баҳоланувчи таълим олишга йўналтирилади;
- ✓ баҳоланувчиларнинг баҳоланаётган соҳадаги кучли ва кучсиз томонлари ҳолисона аниқлаб берилади, уларнинг ўз билими ва малакаларига бўлган ишончи оширилади;
- ✓ ҳамма учун бир хил билим ва малака талаблари ўрнатилади;
- ✓ таълим мазмуни аниқлаб берилади;
- ✓ баҳоланувчиларнинг ўз фаолияти натижаларига бўлган масъулияти оширилади.

Камчилиги

- ✓ мезонларни ишлаб чиқиш кўп вақт талаб қилади;
- ✓ мезонларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги ва аниқлигини кўрсатишга нисбатан талабларининг кўплиги;
- ✓ ижтимоий фан йўналишлари бўйича мезонлар ишлаб чиқишда қийинчиликларга дуч келиниши.

Меъёрий (нормага асосланган) баҳолаш

Афзаллиги

- ✓ ўқитувчи ортиқча вақт сарфламайди;
- ✓ турли шарт-шароитга осон мослаштириш мумкин;
- ✓ баҳо бўйича кўрсаткичлар умумий тарзда олинади;
- ✓ муайян баҳоланувчилар гуруҳи ичида уларни ўзлаштириш имконини беради;
- ✓ баҳолаш натижасида гуруҳ ичидан маълум қисмини ажратиш олиш имконини беради.

Камчилиги

- ✓ баҳолашда билим билан ҳулқни баҳолаш аралаштириб юборилади;
- ✓ баъзан ҳулқни баҳолаш билимни баҳолашни чеклаб қўяди;
- ✓ баҳолар ўқитувчи томонидан субъектив белгиланиши мумкин;
- ✓ таълим олувчига нисбатан симпатия ҳам баҳони юқори қўйиб юборишга олиб келади;
- ✓ билимларни объектив ва ҳаққоний баҳолашнинг пасайишига имконият яратади.

Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Ислом Каримов.

II БОБ

ТАРБИЯДА

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- Миллий маросим ва уларнинг тарбиявий аҳамияти..... 93
- Таълим-тарбия жараёнида тарбиявий ишлар технологияси..... 103
- Таълим муассасаларида тарбиявий жараён ва тарбиявий ишларни ташкил этиш..... 113
- Тарбия жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти..... 125
- Синф раҳбари ва унинг..... 162
- Жамоавий ижодий фаолият – педагогик технология сифатида..... 162
- Тадбирлар технологияси..... 178
- Педагогик низо тушунчаси ва унинг детерминант аниқловчи..... 207
- Таълим муассасаларида ўтказиладиган тарбиявий амалий-услубий семинарни ўтказувчи тарбиячиларга услубий тавсиялар..... 215





Ўқувчилар тарбиясига оид ҳикматлардан намуналар

Агар ўқувчи ҳаётда фақат танқид билан тўқнашса,
у фақат бошқаларни ёмонлаш, танбех беришга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда фақат адоват, ёмонлик билан тўқнашса,
у фақат курашишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда фақат мазах ва майна қилишлик билан тўқнашса,
у фақат қатъиятсизлик, журъатсизликка ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда фақат изза қилинса, ҳамиша уялтирилса,
у ўзини гуноҳкор деб ҳис этишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда фақат бардошлилик билан тўқнашса,
у сабр-тоқатли бўлишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳамиша бошқаларнинг кўмагини сезса,
у энг яхшилар қаторида бўлишга интилади.

Агар ўқувчи ҳаётда фақат мақтов билан тўқнашса,
у ҳамиша миннатдор бўлишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда фақат адолатлилик, одиллик билан тўқнашса,
у ҳаққонийликка ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда фақат умид, ишонч билан тўқнашса,
у ишонч билдиришга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда фақат маъқуллаш билан тўқнашса,
у ўз-ўзига ёқиш, ўзини ҳурмат қилишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда фақат қадрига етиш ва дўстлик билан тўқнашса,
у бутун дунёни ва барчани севишга ўрганади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик жамият куриш йўлидан борар экан, ўз фуқароларининг, айниқса янги жамият барпо этишга бел боғлаган, ўсиб келаётган авлод ва бўлажак мутахассисларнинг маънавий шаклланишига алоҳида эътибор қаратади.

«Ҳозирги даврда жамият ривожининг асосий мақсади, – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов, – мустақилликнинг миллий ғоя ва мафқурасини мамлакатимизда яшаётган ҳар бир кишининг дунёқараши, маънавий асосига айлантириш керак».

Миллий мафкура вазифалари тарбиявий жараёнда махсус ташкил этилган маънавий-маърифий ишлар орқали амалга оширилади. Тарбиявий жараён таълим муассасаларида ўзига хос моҳият касб этади. Таълим муассасаларида тарбиявий жараёни ташкил қилиш асосига илғор миллий, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва мезонлар, халқ педагогикаси, маросимлар, байрамлар, ўйинлар ва бошқалар қўйилиши керак.

Таълим муассасалари ходимлари миллий истиқлол ғояси билан куролланган бўлиб, уни ҳар бир фуқаро онгига етказиш малакаларига эга бўлишлари лозим.

Баркамол шахс тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши таълим муассасаларининг олдига янги демократик давлатнинг фуқароларини шакллантиришдек муҳим вазифани қўйди. Табиийки, ҳозирги таълим ислохотлари шароитида ҳам баркамол шахс тарбияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да: «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони такомиллаштиришини назарда тутати», – деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да баён қилинган таълим тизимининг ислохи, шунингдек, Республика Президентининг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқида барча соҳадаги тарбиявий фаолиятни тубдан ўзгартириш, ўқувчилар билан ўтказиладиган тарбиявий ишлар услубиёти, шакл ва мазмунига педагогик технологияларни киритиш ҳамда ўқувчи ёшларга изчил тарбия беришнинг самарали йўллари яратишга қаратилган.

Шунинг учун ҳам, бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида шахснинг маънавий-маърифий шаклланиши билан боғлиқ бўлган саволларга жавоб бериш, узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни шу йўналишдаги қўниқма ва малакаларини оширишга қаратилган амалий тавсиялар бериш, таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш услубиётини таклиф этиш, уларда тренинглар ва очик мунозаралар ўтказиш, шунингдек, машғулотларни яқка, жуфтлик, кичик гуруҳлар ва жамоа тартибида ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда ўқувчиларни тарбиявий жараёнга жалб этиш масалаларига бағишланган керакли услубий

тавсиялар ва маслаҳатларни педагог кадрларга етказиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ушбу қўлланмага «Тарбиявий технологиялар» дастури асосида тайёрланган «Миллий маросим ва уларнинг тарбиявий аҳамияти» мавзусидаги махсус бобнинг киритилиши таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишлар ва тадбирларда ҳам ҳозирги кун талаби асосида янги шакллар, услублар ва усулларни қўллаш талаб этилиши сабабидир. Тарбиявий ишларга янгича ёндашув қўшимча маълумотлардан, тавсиялардан, технологик усуллардан фойдаланишни кўрсатиш учун ушбу материалларни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу тавсиялардан ҳар бир ўқитувчи ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиши мумкин.

1-§. МИЛЛИЙ МАРОСИМ ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

1.1. Асосий тушунчалар ва уларнинг маънолари

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Миллий кадриятларни тиклаш, миллий маънавиятни юксалтириш, айниқса, шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига эътиборни кучайтириш шулар жумласидандир. Ўлкамизда буюк режалар ва бунёдкорлик ишлари тарихий анъана ва тажрибаларга асосланиб ақл-идрок ва сабр-қаноат ҳамда собитқадамлик билан амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, юртбошимиз И.Каримовнинг: «Шуни айтишимиз лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда **миллий урф-одатларимиз** ва уларнинг замирида мужжассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни кадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли кадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда», [2,96 б.] деган фикрларини эслатишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Олий, ўрта-махус, касб-хунар ва умумий ўрта таълим тизимида таҳсил олаётган ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, қолаверса, ўзимизга хос бўлган миллий урф-одатларни, маросимларни ёшларга сингдириш орқали маънавий жиҳатдан етук инсонни тарбиялаш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш – шу куннинг долзарб масалаларидан бири десак, муболаға бўлмайди.

Ушбу бобда шарқона анъаналар, урф-одат, маросимлар, шунингдек, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва тарбиявий ишлардаги аҳамияти тўғрисида материалларни келтирамыз.

Ритуаллар энг қадимий даврлардан бошлаб шакллана бошлаган. Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, жуда кенг тус олган ва бебаҳо меросга айланган ритуаллар кўп. Ритуаллар дин пайдо бўлгунга қадар пайдо бўлган.

Ритуал (лотин сўзидан «маросим») - хулқ-атворнинг тарихий шакли бўлиб, ўзаро ижтимоий ва маданий муносабатларни, қадр-қимматни англатувчи бир маромга келтирилган ҳаракатлар тизимидир.

Лекин ритуалларнинг маълум қисми тарихнинг «совук шамоллари» – босқинчилар ва турли тарихий шахслар – ҳукмдорлар тазйикига учраб, уларни ноҳақ равишда йўқотишга уринишлар бўлган. Лекин улар айрим қарама-қаршиликларни енгиб, кўпгина фазилатлардан ажралса-да, бутунлай йўқолиб кетмаган, баъзилари эса халқ ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиб, бизнинг замонамизгача етиб келган.

Хуллас, энг қадимий даврлардан халқ оммаси эҳтиёжи билан шакллана борган, ижтимоий зарурат асосида ривожланган, муайян вақтларда таъқиқланган, катта қарама-қаршиликлар, тўсиқларни енгиб, бошқа халқлар тажрибаси билан бойиб келган ритуаллар узоқ ва бой тарихга эга.

Ибтидоий жамоа давридан бошлаб пайдо бўлган ритуаллар ўша давр одамлари томонидан ўз даврининг нафасини, дунёқарашини, меҳнат фаолиятини, маданиятини, турли одатларини, маросимларини, ижтимоий муносабатларини сақлаб қолиш ва кейинги авлодга етказиш мақсадида ёшларга ўргатилган ва улар бизгача турли куй, кўшиқ, хикоя, афсона, шеър ва ўйинлар орқали етиб келган.

Қадимий ритуаллар асосан икки турга бўлинган: *тантанали ва мотам* ёки тантанали-мотам юришлари, тантанали расмий кузатиш ва кутиб олишлар. Кейинчалик улар такомиллашиб, ижтимоий, оилавий, миллий, диний, ҳарбий, меҳнат, кундалик-ҳаётий, ўқув-тарбиявий ва бошқа шу каби турларга бўлинган.

Тарихий маълумотларга қараганда, ибтидоий даврда овчилар ўйинлари, ҳарбий ўйинлар, диний ва илохий ўйинлар, айиқ ва турли бошқа ҳайвонлар ови ўйинлари кўплаб қўлланилган. Бундай ўйинларни амалга оширишнинг ўзига яраша тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган. Такомиллашув натижасида улардан ортиқча ҳаракатлар олиб ташланган ва оқибатда ушбу ўйинларнинг ўзига яраша маросим (тартиб, ритуал)лари пайдо бўлган. Кейинроқ, яъни ибтидоий даврда дехқончиликка ўтилгач, ушбу фаолиятга боғлиқ бўлган маросимлар пайдо бўла бошлаган. Жумладан, меҳнат ўйинлари, ёмғир чақириш, бевақт совуқ тушса «Қуёшга сиғиниш», омад келмаганда «Қурбонлик қилиш» ва бошқа маросимлар шулар жумласидандир.

Секин-асталик билан ёшларни соғлом, бақувват, ватанпарвар бўлишлари учун «эркакликка ўтиш», яъни турли синовлардан, қийноқлардан ўтиш, ўзининг ҳаётга тайёрлигини, кучини намойиш этиш каби маросимлар пайдо бўла бошлаган. Ҳар бир маросим ўзининг тарбиявий ва таълимий аҳамиятига эга бўлган. Уларнинг ҳар бири одамлар тарбияси, билими, ҳаётий тажрибаларининг ортишига ёрдам берган. Ритуаллар йиллар давомида халқ орқали таккомиллашиб борган ва аниқ хатти-ҳаракатлар билан белгиланган маросимларга айланган.

Бу тушунча билан бирга, ритуалга яқин бўлган анъана, одат, маросим тушунчалари ҳақида ҳам бир оз тўхталиб ўтамиз.

Анъана – ўзига хос ижтимоий ҳодиса бўлиб, кишиларнинг онгида, ҳаётида ўз ўрнини топган, авлоддан-авлодга ўтадиган, такрорланадиган, ҳаётнинг барча соҳаларида (умуман ёки маълум гуруҳ томонидан) қабул қилинган тартиб ва қоидалардир.

Одат («урф-одат») – кишиларнинг турмушига сингиб кетган маълум муддатда такрорланиб турувчи ҳатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳулқ-атвор қоидалари ва кўникмалардан иборат.

Масалан:

- кичикларнинг катталарга салом бериши;
- эрта туриб уй-ҳовлини тартибга келтириб қўйиш;
- меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш;
- байрам арафасида касал, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш;
- ёрдамга муҳтожларникига ҳашарга бориш каби ўзбек халқининг яхши одатлари ҳамон сақланиб келмоқда.

Агар анъана ижтимоий ҳаёт, меҳнат, маданиятнинг ҳамма соҳаларига хос бўлиб, ҳодисаларнинг жуда кенг доирасини камраса, одат ижтимоий ҳаётнинг:

- кишилар турмуши;
- меҳнати;
- ҳулқ-атвори;
- мулоқоти;
- оилавий муносабат соҳаларида кўпроқ мавжуд бўлади.

Маросим – анъана ва урф-одатнинг таркибий қисми бўлиб, инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган расмий ва руҳий кўтаринкилик, тантанавор вазиятда ўтадиган, шу билан бирга ўзининг умумий қабул қилинган рамзий ҳаракатларига эга бўлган ҳаётий тадбирдир. Масалан:

- исм қўйиш;
- никоҳдан ўтиш;
- дафн қилиш;
- хотиралаш;
- уруғ қадаш;
- ўримга кириш ва бошқа ш.к.лар маросимлар қаторидан ўрин олиши мумкин.

Одат кундалик ҳаётнинг турли вақтида учраши мумкин бўлса, маросим инсон ҳаётидаги муҳим ҳодисалар содир бўлганда вужудга келади ва унинг асосий бурилиш дақиқалари (масалан: туғилиш, уйланиш, ўлим қабилар)ни қайд этади, расмийлаштиради.

Маросимнинг авлоддан-авлодга ўтадиган ўзига хос рамзий ва расмий ҳаракатлари, қоидалари мавжуд.

Маросимда бўлаётган воқеага, «гувоҳ» сифатида одамлар чакирилган, улар дардга ёки қувончга шерик бўлишган, келажак учун яхши ниятлар қилишган.

Ҳар бир маросимнинг ўзига хос умумий қабул қилинган тузилиши (бошланиши, ўртаси, охири) бўлади.

Кўпинча анъананинг таркибий бўлаги одат, одатнинг муҳим бир қисми маросим бўлади. Шу сабабли инсон ҳаётида бўлиб ўтадиган ёки бўлиб ўтаётган муҳим воқеанинг турмушда бурилиш ясайдиган «нуқталари»ни нишонлаш жараёнида ҳам анъана, ҳам одат, ҳам маросим содир бўлиши мумкин.

Масалан, ёшлар вояга етганда, йигитлар уйланиши, қизлар турмушга чиқишлари керак. Буни авлоддан-авлодга ўтиб келадиган анъана десак бўлади.

Бир-бирини севган йигит-қизнинг оила қуриши учун никоҳ тўйи ўтказилади. Бу ўз навбатида, инсоният ҳаётига сингган, муайян қоидага ва маълум тартибга эга бўлган урф-одат (лекин ҳар бир миллатда бу урф-одатлар ҳар хил) ҳисобланади.

Никоҳ тўйларининг асосий шартларидан бири куёв ва келинни никоҳдан ўтишларидир. Никоҳнинг замонавий шаклига кўра машинада юриш, гувоҳлар билан никоҳ рўйхатидан ўтиш, узук тақиш, никоҳловчи ходимларнинг саволларига жавоб бериш, хужжатларга имзо чекишлар бажарилади. *Никоҳ* расмий ва тантанали равишда ўтадиган маросимдир.

Юқорида акс эттирилган жараёнлар келин-куёв, уларнинг қариндош-уруғлари ёки дўстлари учун байрамга айланиши мумкин. Тўй кечасининг ўтказилиши, барча танишлар ва қариндошларнинг таклиф этилиши бу байрамга янада тантанали тус беради.

«Анъана», «одат», «маросим» тушунчаларининг изоҳи бир-бирларига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, анъаналарнинг таркибий қисми – маросим бўлиши мумкин.

Масалан, таълим муассасасини битирган ёш мутахассисларнинг ишлаб-чиқаришга бориб иш бошлаши одат тусига кириб қолган. Ҳар йили бу муҳим воқеага бағишланган анъанавий тадбирларни ташкил этиш мумкин. Бу одатнинг таркибий қисми – ёшларни тантанали равишда ишчилар сафига қабул қилиш ўз-ўзидан маросимга айланади.

Маросимлар:

- чигит қадаш;
- ишчилар синфига қабул қилиш;
- янги корхона, фирма, марказнинг очилиши (такдимот);
- диплом топшириш;
- паспорт топшириш;
- дафн қилиш ва ш.к.

«Анъана», «маросим» каби байрам билан боғлиқ атамалар «стандарт» тушунча эмас, уларнинг мазмунига ҳаёт ривожланиши ва турмуш эҳтиёжлари таъсир этиши мумкин.

Ижтимоий ҳаёт тараққий этиши билан, унинг талабларига жавоб бермайдиган анъаналар ва байрамлар, маросимлар аста-секин унутила бошланади.

Маросим инсон ҳаётидаги муҳим ҳодисалар содир бўлганда вужудга келади. Маросимнинг авлоддан-авлодга ўтадиган рамзий ва расмий ҳаракатлари, қоидалари мавжуд.

Бу ҳаракатлар ва қондаларнинг ихчамлиги, аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги, ҳатти-ҳаракатларнинг бир маромга келтирилганлиги юқорида айтиб ўтган ритуал тушунчасига тўғри келади.

Ритуаллар ҳақида гап бораркан, дастлаб кўз олдимизга Ўзбекистон Республикаси рамзларига бўлган ҳурмат ҳақидаги фикрлар келади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, мадҳияси, герби - бизнинг асосий рамзларимиз ҳисобланади. Республика рамзлари бўйича кўпгина ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларда давлат рамзларини бўлган ҳурмат ва муносабат, улардан фойдаланиш, сақлаш усуллари ҳақида тавсиялар берилган. Лекин ҳаётимизда баъзи раҳбарлар ва таълим-тарбия билан шуғулланувчи кишилар, бу ҳужжатлардан беҳабар бўлганликлари ёки эътиборсизликлари туфайли давлат рамзларига, жумладан, Давлат байроғини кўтариш ва тушуришда, уни деворга ўрнатишда, Давлат мадҳияси ижро этилганда, унга ҳурмат юзасидан ўрнидан туришда, рамзларни жиҳозлаш ишларига бўлган муносабатларда кўпгина хатоларга йўл қўймоқдалар.

Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун, раҳбар ва профессор-ўқитувчилар, албатта, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат рамзлари тўғрисидаги ҳужжатлари билан таниш бўлишлари керак ва ўқувчи-ёшлар ўртасида доимий равишда Давлат рамзларига бўлган ҳурмат ва муносабат ҳақида суҳбатлар, Давлат рамзларига бағишланган дарслар ёки ритуал дарсларни ташкил этиб туришлари лозим.

1.2. Маросимларнинг гуруҳлари

Ўқув муассасаларида ўтказиладиган ритуаллар, маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирларни ташкил этиш тизимини қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ. Ёшларни Ватанга, ўз халқига муҳаббат руҳида тарбиялашни шакллантиришга қаратилган ритуаллар тизими. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

• умумхалқ байрамлари: Мустақиллик байрами, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Конституция куни, Янги йил, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари каби байрамлар.

- Ёш фуқаролар байрами (паспорт топшириш).
- «Ватанни севмоқ иймондандир» байрам ритуали.
- Давлат рамзларига ҳурмат кўрсатиш ритуали.
- Ритуаллар дарси.
- Давлат тилига бағишланган байрам ритуали.
- «Аждодларимиз мероси – кадриятларимиз асоси» мавзусидаги ритуаллар.

• Хотира куни (тантанали йиғилиш, гулчамбар қўйиш ритуаллари).

Иккинчи гуруҳ. Ёшларни фуқаролик бурчи, танлаган касбига масъулият ҳиссини шакллантирувчи ритуаллар тизими. Бунга қуйидагилар кирди:

- 1) Ўқувчиликка бағишлов ритуали.
- 2) Ўқувчиларни босқичдан босқич (синфдан-синф ёки гуруҳдан-гуруҳ)га ўтказиш ритуали.
- 3) Битирувчилар тантанаси.
- 4) Касб-хунар байрами.
- 5) Таълим муассасасининг ташкил этилган кунига бағишланган анъанавий байрам ритуали.
- 6) Ҳафта навбатчилигини қабул қилиш, яқунлаш ва топшириш ритуаллари.
- 7) Кундалик фаолиятни бошлашга бағишланган ритуал (сафланиш).
- 8) Касб сулоласини улуғлаш байрами ритуали.
- 9) Битирувчиларни ўз илм даргоҳларига ўзлари тайёрлаган касбий совғаларини тақдим этиш ритуали.
- 10) «Ҳомийларга балли!» кечасини ўтказиш ритуали.
- 11) «Биринчи кўнғирок», «Охирги кўнғирок» ритуаллари.
- 12) Устозларга бағишланган «Чин дилдан» байрами ритуали.
- 13) «Қувноқ усталар ўлкаси» кўрик-танлов ритуали.
- 14) «Алломиш авлодимиз» ўғил болалар беллашуви ва ш.к.

Учинчи гуруҳ. Ёшларнинг ахлоқий фазилятларини такомиллаштиришга қаратилган ритуаллар. Ритуалларнинг бундай тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Миллий-маданий, одоб-ахлоқ дарслари (масалан, ташқи киёфа, саломлашиш одоби, ўзини тута билиш ва бошқара олиш, сўзлашув маданияти).
- 2) Мавсумий спорт байрамлари.
- 3) Мавсумий хашарлар.
- 4) Ўқувчилар ўртасида баҳс-мунозара (масалан, «Ота-онанг – тожу тахтинг», «Нима савоб-у, нима гуноҳ», «Нонни эъзозланг», «Йигит кишига етмиш хунар оз», «Бепул нарсанинг баҳоси қанча», «Йўлбарс изидан, йигит сўзидан қайтмас» ва ш.к.).
- 5) «Фарзанд бурчи» кўриги.
- 6) «Одобнома» чойхонасини ўтказиш ритуали.
- 7) Нотиклик турнири.
- 8) «Меҳмоннома» давраси.
- 9) Топишмоқлар (халқ топишмоқлари) кечаси.
- 10) Кулгу кечаси.

Тўртинчи гуруҳ. Келгусида ритуалга айланиши мумкин бўлган тарбиявий тадбирлар тизими. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Касбий маҳорат танловларини (эстафета шаклида) ўтказиш.
- 2) Муסיқавий дискотека.
- 3) Таълим муассасасининг «Фахрий аъзолигига» қабул қилиш ритуали.
- 4) Халқаро талаба (ёки ўқувчи)лар кунига бағишланган фестивал.
- 5) Мавсумий сайллар ритуаллари.
- 6) Китоб ва ўқув предметлари ҳафталикларини ўтказиш тартиблари.

Юқорида келтирилган ритуаллардан ташқари, ҳар бир ўқув юртининг ўзига хос (шароитдан келиб чиққан ҳолда) турли хил ташкилий тадбирлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, қуйидагилар:

- таълим мутахассислиги йўналиши, хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасасининг мадҳияси, эмблемаси, қасамёди, шаклини тайёрлаш;
- таълим муассасасининг ўзига хос мусиқавий қўнғироғини тайёрлаш;
- иқтисодиёт, тадбиркорлик, тежамкорлик ва ҳунармандлик руҳида тарбиялашга бағишланган тадбирлар;
- таълим муассасасида ўқувчилар учун танаффус маданиятини ташкил этиш ритуаларини шулар жумласига киритиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган барча маросимларни ўқув муассасаларида ўтказилиши шарт деб бўлмайди, чунки уларнинг тайёрланиши, ўтказилиши, тарбиявий таъсири таълим муассасасининг шароити, ташкилотчиларнинг умумий ва махсус тайёргарлиги, билими ва тажрибасига боғлиқдир.

Таълим муассасасида Ўрта Осиё халқларининг қадимги календар байрамларини (У.Қорабоевнинг «Ўзбекистон байрамлари» китоби асосида) ўрганиш, уларни ташкил этиш ва ўтказиш ўқувчилар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши тажрибада синалган.

Бу байрам ва маросимлар қуйидагилар:

Баҳорий тенг кунликда – «Наврўз» байрами (21-22 март).

Қузги тенг кунликда – «Меҳржон» байрами (22 сентябрь).

Қишнинг энг узун туни – «Сада» (Олов) байрами (22 декабрь).

Ёзнинг энг узун кунини – «Ангом ҳайит» (сув сайли) байрами (22 июнь).

Юқорида кўрсатилган байрамлар ўзбек халқининг қадимий байрамлари ҳисобланади. Уларнинг жадвал йилномаси кулланманинг кейинги бандида келтирилган.



1.3. Ўзбек халқ байрамларининг жадвал-йилномаси

1) 21-22 март – Наврўз

Эски маҳаллий номларидан бири – «Йил боши»

А. Байрамнинг моҳияти, вужудга келиши. Қадимги баҳор байрамлари асосида тахминан 28-30 аср муқаддам пайдо бўлган.

Табиат уйғониши, кун ва тун тенглиги, дала ишларининг бошланиши каби ҳодисаларни акс эттириб келган. «Йил боши» – янги йил байрами сифатида ҳам машҳур бўлган.

Б. Байрамнинг замонавий мазмуни ва ташкилий шакллари. Табиат жонланиши, баҳор келиши, далаларда янги меҳнат мавсуми бошланишига бағишланган сайллар, томошалар, ўйинлар, мусобақалар, халқ ижоди кўрикларини ўтказиш, махсус таомлар тайёрланиши ва ш.к.

2) Гул сайллари (лола сайли, қизил гул сайли, сунбула сайли)

Апрель ойининг боши – май ойининг охири.

А. Байрамнинг моҳияти, вужудга келиши. Қадимий даврлардан бошлаб, далалар, кир-адирлар, тоғ ён бағрида турли табиий гуллар (бойчечак, лола, сунбула, бинафша) очилиши муносабати билан ўтказиладиган сайллар сифатида вужудга келган.

Б. Байрамнинг замонавий мазмуни ва ташкилий шакллари. Табиий гўзалликни, гулларни, ўсимликларни эъзозлаш, сақлаш ва кўпайтиришга бағишланган тадбирлар, сайллар, табиий сайлгоҳларда дам олишни уюштириш.

3) 22 июнь – Сув сайли (ёз байрами)

Қадимий номи «Ангом».

А. Байрамнинг моҳияти, вужудга келиши. Ўрта Осиё иклими шароитида сувга бўлган табиий эҳтиёж асосида шаклланган, сув ҳавзалари бор шароитда тараккий этган.

Б. Байрамнинг замонавий мазмуни ва ташкилий шакллари. Сувнинг қадрига етиш, эъзозлаш тадбирлари, сув ҳавзалари ёнида турли дам олиш, соғломлаштириш ва чўмилиш тадбирларини ўтказиш.

4) Қовун сайли, узум сайли, анор, анжир сайллари, табиат ва меҳнат байрамлари.

Августнинг охири.

А. Байрамнинг моҳияти, вужудга келиши. Қадимги ҳосил йиғиш одатлари асосида шаклланган. Дала ва боғ турли маҳсулотлари пишганда, дехқонлар ўз яқинлари, кўшнилари, қариндошларини чакириб, уларни ўз ҳосиллари билан сийлаганлар ва қарияларнинг дуосини олганлар.

Қовун экканлар – «Қовун сайли», узум экканлар – «Узум сайли»ни ўтказиб келишган. Пишиқчилик мавсумида ҳашар ва боғ сайллари ҳам уюштирилган.

Б. Замонавий мазмуни ва ташкилий шакллари. Пишиқчилик даврида кишлок, дала-боғлардан бошланиб, шаҳар бозорлари, майдонлари ва маданий боғларида содир бўладиган мева кўргазма савдолари, томошалар, сайллар, «Кимнинг меваси ширин» номли кўрик-танловлар.

5) 22 сентябрь – Мехржон – (Куз байрами)

Бу байрамнинг қадимий номлари:

Хоразмда «Чир-руж», Самарқандда – «Ним-сарда».

А. Байрамнинг моҳияти, вужудга келиши. Энг қадимги меҳр (қуёш)га сиғиниш одатлари ва куз (ҳосил) маросимлари асосида тахминан 2-3 минг йил муқаддам вужудга келган. У кузги кун ва тун тенглиги, ҳосил йиғиш якуни, қишга тайёргарликни бошлаш каби ҳодисаларни акс эттирган байрамдан иборат. Тарихда 10-15 аср мобайнида Наврўздан сўнгги иккинчи қатта байрам ҳисобланган, йил ярми вазифасини ҳам ўтаган. Ўрта асрларда бу байрам бир неча байрамларга бўлиниб кетган.

Б. Замоनावий мазмуни ва ташкилий шакллари. Ҳозирги кунда куз байрами, кузги тун ва кун тенглиги, анъанавий (эски) «йил ярми» меҳр-шафқат тадбирлари сифатида табиий сайлгоҳларда, маданий боғларда, ўйингоҳларда, майдонларда турли кўргазмалар, кўриклар, томошалар, мусобақалар, сайллар каби шакллардан фойдаланиб ўтказилиши мумкин.

6) 22 декабрь – САДА – (олов байрами)

А. Байрамнинг моҳияти, вужудга келиши. Бу байрам қадимдан олов кашф этилган кун деб қабул қилинган. У қадимий аждодларимизнинг қишда олов (исиниш)га бўлган эҳтиёжлари асосида тараққий этган.

Оташпарастлик даврида «Сада» энг катта байрамларнинг бири ҳисоблаган. Араб истилосидан сўнг (ўрта асрларда) бу байрам йўқола борган. Бироқ, унинг кўпгина қолдиқлари сақланиб қолган.

Б. Замоनावий мазмуни ва ташкилий шакллари. Ҳозирги кунда уни қиш байрами сифатида ҳамда дунёдаги энг катта кашфиётлардан бири – олов мўъжизаларига, йилдаги энг узоқ тун («Ялдо кечаси») ва қисқа кунга, қишқи чилла бошланишига бағишлаб, турли очик майдонларда, залларда гулханлар ёқиб, томоша – сайллар қилиб, ранг-баранг мусобақалар билан уюштирса бўлади.

Биз таклиф этган маросим (ритуал)ларнинг барчаси катта тайёргарликка, талаба (ёки ўқувчи)ларнинг кизиқиши ҳамда уларни ташкил этишга боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири устида алоҳида фикр юритиш, ўйлаш, шунингдек, бу маросимларни ўтказиш учун ишчи ёки ижодий гуруҳлар тузиш лозим. Шу билан бирга маросимларни тайёрлаш ва ўтказиш вақтида кўпроқ талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ташаббусига, уларнинг кизиқишига ҳамда фикрларига диққат-эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир ўтказилган маросим тарбиявий аҳамиятга эга ва талаба (ёки ўқувчи)ларнинг тарбиясига таъсир этадиган бўлиши керак.

1.4. Ҳаётимизда кўп учраб турадиган маросим (ритуал)лар рўйхати

Замонавий байрамлар таснифи:

1. Табиат байрамлари:

- Наврўз;
- Табиатсеварлар байрами;
- Гул ва қуш байрамлари;
- Меҳржон;
- Мустақиллик куни ва ш.к.

2. Меҳнат байрамлари:

А) Қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнат байрамлари.

- «Уруғ қадаш» ва «Биринчи гул» тантаналари.
- Ҳосил байрами, сабзавот ва мевалар сайллари.

Б) Саноат ишчиларининг меҳнат байрамлари.

3. Маданият байрамлари:

- Маърифий байрамлар;
- Санъат байрами;
- Фольклор байрамлари;
- Бадий спорт байрамлари;
- Халқаро дўстлик байрамлари.

4. Оилавий – хусусий байрамлар:

- Исм қўйиш маросими;
- Туғилган кун ва мучал ёшини нишонлаш маросимлари;
- Бешик ва ақиқа тўйлари;
- «Биринчи қадам» байрами;
- Суннат тўйи;
- Мактаб ёшидаги болалар байрамлари;
- Ўзбек тўйлари. Никоҳ тўйлари.
- Кумуш, олтин ва олмос тўйлар.
- Нафақага кузатиш ва қариялар байрамлари.

5. Ижтимоий- сиёсий байрамлар:

Умумхалқ байрамлари (Мустақиллик, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Конституция куни, Хотира ва кадрлаш куни, Хотин-қизлар байрами) ва касб байрамлари.

Диний байрамлар (Рўза ва Қурбон ҳайитлари).

Ҳар хил шакл, мавзу ва кўринишдаги маросимлар (Чойхона «ОДОБНОМА», Топишмоқлар кечаси (Халқ топишмоқлари), «МЕҲМОННОМА» давраси, Оғзаки журнал (Ўзбекситон, Наврўз, Меҳржон, Баҳор мавзуларида), «Одам кўрки – либос» конкурс-кеча, «Отанга раҳмат!» суҳбат-манозара, миллий ўйинлар кечаси (рақслар ва болалар ўйинлари) ва ш.к.)

2-§. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Миллий мафкура вазифалари махсус ташкил этилган маънавий-маърифий ишлар, шунигиндек, таълим-тарбия жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда амалга оширилади.

2.1. Ўқувчилар фаолиятининг дарсдан ташқари тизимини лойиҳалаш

Дарсдан ташқари фаолият тизими ўқитишнинг назарий ва амалий тизимини тўлдирди. Унинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ўқишдан ташқари вақти мобайнида ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш учун оқилона тақсимлашга ёрдам беришидир.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини *лойиҳалаш вазифаларига* қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ижтимоий мослашув доирасини ташкил этиш ва ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаракатчанлигини кўрсатиш;
- бўлажак мутахассисларнинг касбий мослашуви учун шарт-шароитлар яратиш;
- ўқувчиларни мустақил равишда таълимни давом эттиришга йўллаш;
- ҳар бир ўқувчининг қобилияти, қизиқиши ва иштиёқларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ўқувчиларни бўш вақтларидан унумли фойдаланиш ва дам олишга ўргатиш.

Дарсдан ташқари фаолият тизими кўп компонентли бўлиб, ўқувчиларнинг *бўш вақтларини* жойларда қуйидаги таркибда, тартибда ва шаклда ўтказиш мумкин:

- ўқув гуруҳи таркибида;
- ўқув юрти жамоаси таркибида;
- индивидуал (якка тартибда);
- ижтимоий бирлашмалар ва ташкилотларда;
- клублар, тўғарақлар, музейларда;
- меҳнат жамоаларида;
- алоҳида фанларни чуқур мустақил ўрганиш чоғида;
- таълим муассасасидан ташқаридаги маданий дам олишнинг турли шаклларида.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолият тизимининг ўзига хослиги шундаки, унинг ҳар бир компоненти алоҳида лойиҳалаштирилади ва ҳар доим ҳам педагогик таъсир доираси билан қамраб олинмайди.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолият тизимини *режалаштириш шакллари*:

- ўқув юртининг иш режаси;
- ўқув юртининг ўқувчилар билан олиб борадиган маънавий-маърифий ишлари режаси;
- ўқув гуруҳлари ўқувчилари билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар режаси ва бошқалар.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар режасини тузишнинг *асосий тартиб ва қоидалари*:

- диагностика асос;
- ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини, жамоанинг маҳорат даражаси ва шаклланганлигини ҳисобга олиш;
- тарбиявий жараёнда асосий мазмуний компонентларга мувофиқ фаолият аниқ йўналишларини белгилаш;
- тадбирларни ўтказишнинг муддатларини, шаклларини, иштирокчиларини аниқ белгилаш;
- тарбиявий ишлар режасининг қулайлиги, ҳаётийлиги ва аниқлиги;
- тарбиявий ишларни режалаштиришда ўқувчиларнинг шахсан иштироки.

Дарсдан ташқари фаолиятни замонавий ташкил этиш ижодий жараён бўлиб, тарбиячидан чуқур билим, малака ва хоҳиш талаб қилгани каби ўқувчилардан ҳам уларнинг интилишлари ва эҳтиёжларини талаб этади. Ўқувчилар ва тарбиячи қизиқишларини бирлаштириш тарбияда муаллифлик тизимини шакллантиришнинг ягона йўлидир. Бу ҳолда тарбия шахс камолотини бошқариш жараёни, унинг ижтимоийлашуви ва ривожини учун шароит ва имкониятлар яратиш мезони сифатида қаралади. Дарсдан ташқари фаолият (дам олишни ташкил этиш) эса шахснинг ижодий имкониятларини юқорига кўтариш (биринчи навбатда тарбиячининг), унинг ижтимоий фаоллигини амалга ошириш майдони сифатида тасаввур этилиши мумкин.

Ҳордиқ – кишиларнинг янгилашиш, тикланиш, унинг жисмоний ва маънавий кучини қўпайтириш, дунёқарашини бойитиш, ижодий фаоллигини чуқурлаштиришни амалга оширишга мўлжалланган ва шу асосда режалаштирилган шахсий вақтнинг бир қисмидир.

Таълим муассасаларида тарбиявий жараёни ташкил қилиш асосига илғор миллий, маънавий-ахлоқий кадриятлар ва мезонлар, халқ педагогикаси, маросимлар, байрамлар, ўйинлар ва бошқалар қўйилиши керак, уларни ташкил қилиш ва ўтказишда тарбия технологияларидан ёки интерфаол услубиётлардан фойдаланилиши ўқувчида ўз юртига меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, оилапарварлик, касбий фидоийликнинг шаклланишига ёрдам беради.

Тарбиявий жараён умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-хунар, олий таълим муассасаларида ўзига хос моҳият касб этади. Педагог ходимлар, тарбиячилар ва гуруҳ раҳбарлари миллий ғояси билан қуролланган бўлиб, уни ҳар бир фуқаро онгига етказиш малакаларига эга бўлишлари уларнинг тарбия жараёни, тарбиявий ишлар ва уларнинг услубиёти ҳақидаги билим,

қўникма ва малакаларига, педагогик маҳоратларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тарбия жараёни – тарбия шахсни шакллантиришга мақсадли йўналтирилган, тарбияловчи ва тарбияланувчилар ҳамкорлиги учун махсус ташкил этилган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган, ўзининг пировард мақсади сифатида шахсни шакллантирадиган жараёндир.

Тарбия жараёнининг энг асосий *натижаси* – ҳар томонлама ва уйғун камол топган юксак маънавиятли шахсни шакллантиришдир.

Тарбия жараёни – тарбиявий ишлар, тадбирларнинг доимий ҳаракатдаги занжиридан иборат.

Тарбиявий тадбирлар – бу турли хил моддий ва маънавий эҳтиёжларга жавоб берувчи, тарбиявий мақсадларнинг ягона мажмуасига бўйсундирилган, бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи, ўзида бир бутун таълимни кўзда тутган тарбиявий таъсир мажмуидир. Таълим жараёни алоҳида дарслардан ташкил топгани каби тарбиявий тадбирлардан тарбия жараёни вужудга келади. Тадбирлар, тарбиявий ишлар тарбия жараёнининг бир бўлагидир.

Тарбиявий иш (ТИ) – бу тарбиянинг тизимлилиги, тўлаллиги, узвийлиги ва узлуксизлигидир. ТИ, бу тарбияланувчиларнинг муайян фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи шаклдир. ТИнинг асосий фарқловчи хусусияти – зарурийлик, фойдалилик ва татбиқ этиш мумкинлигидан иборат.


«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да тақидланишича «Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир» [1,34].

Шу сабабдан, таълим муассасалари тарбиявий жараёни ташкил қилиш ва муваффақиятли давом эттириш учун зарур бўлган тарбиявий ишлар услуги, билимлар, малака ва маҳоратлар тизими, замонавий педагогик технологиялар ва уларни тарбиявий ишлар амалиётида фойдаланиш масалалари педагогик жамоаларнинг энг муҳим муаммоси бўлиб қолмоқда.

Таълим муассасаларида ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш тарбиявий ишлар технологиясини тўғри ташкил қилиш ва қўллашга боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида таълим муассасалари учун тарбиявий ишларни амалга ошириш услубиятини замонавий педагогик технологиялар ишланмалари асосида яратишни талаб этади.

Бизнинг назаримизда, таълим муассасаларининг тарбиявий ишлари технологияси ижодий фаоллик, мустақил фикрлаш ва моҳирона ҳаракатларга йўналтирилган бўлиши, тарбиячи ва ўқувчилар томонидан минимал куч сарфлаган ҳолда тарбиявий ишлар бўйича қўйилган мақсадларни эгаллашда энг фаол шакл, усул ва услублардан фойдаланиш, тарбиявий жараёни муваффақиятли ташкил этувчиларнинг доимий ва мажмуавий фаолиятининг асосий қисмидан иборат бўлиши керак.

Таълим муассасаларида тарбиявий ишлар услубиётини амалга оширишнинг педагогик технологияси - лойиҳалаштириш, амалга ошириш, назорат ва таҳлил қилиш каби иш ҳаракати кетма-кетлигидан иборат (чизмага қаранг).



Чизмада кўрсатилганидек, барча йўналишдаги тарбиявий ишларнинг технологияси ва ҳар бир аниқ ишларни ўтказиш, ташкил қилиш услубиёти педагогик мақсад тушунчасидан бошланади, яъни педагогик мақсадга мувофиқлик (ушбу иш нима учун ташкил қилинган ва ўтказилмоқда, шунингдек, тарбиячи ва ўқувчи нимага эришишлари керак?) ва педагогик маҳорат (аниқ ишларни ўтказиш, тарбиявий жараёни ташкил қилиш, ўқувчиларни қизиқтириш, жараёнда мустақил қатнашиш ва ижодий ишлашга хоҳиш уйғотиш учун турли усул ва услублардан фойдаланиш) ва уларнинг натижаларини назорат ва таҳлил қилиш, умумлаштириш (ўқувчилар нималарга ўргандилар?).

Тарбия жараёнини лойиҳалаштириш даврида тарбиячи ўқувчилар билан ўтказилиши керак бўлган тарбиявий ишларни амалга ошириш чоғида қўлланиладиган услуб, шакл ва усулларни танлайди. Сўнгра аниқ тарбиявий ишларга қўйилган мақсадларни амалга оширади. Кейинчалик у ишни назорат қилиш, яқунлаш ва таҳлил қилиш механизмини аниқлайди (Нима ёқди? Нима ёқмади? Нега? Нима яхши эди-ю, нимадан воз кечиш керак? Ким ажралиб турди?) ва ҳоказо.

Юқорида баён қилинганларни умумлаштирадиган бўлсак, таълим муассасасининг тарбиявий ишлар технологияси – таълим муассасаси шароитида қўйилган мақсадларни амалга оширишда ҳар бир аниқ тарбиявий ишни ўтказиш ва таҳлил қилиш учун қўлланиладиган услуб ва шакллар йиғиндисидан иборат эканлигини кўрамыз. Таълим муассасасида ўқувчиларнинг ўқиши ва тарбияси даврида гуруҳларда, факультетларда, университет, институтларда турли хил қизиқарли тадбирлар, байрамлар, танловлар, шунингдек, спортга, меҳнатга, ижодий ишга, бадий мавзуга бағишланган тадбирлар, машғулотлар, ўйинлар, сайллар, линейкалар ва бошқа тадбирлар ўтказилади. Ҳар бир тарбиявий иш ва тадбирга мос тарзда уни тайёрлаш ва ўтказиш услуби мавжуд. Лекин мазмунсиз услубиёт ҳам ўз-ўзидан мавжуд бўлмайди, чунки тарбия жараёнини, энг аввало тарбиявий ишнинг аниқ мазмуни ва шакли орқали амалга ошириш мўлжалланади. Шундай экан, аниқ тарбиявий ишнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги – уларни тайёрлаш ва ўтказиш, тарбиячиларнинг ўқувчилар билан жамоавий фаолиятни ташкил

қилиш тарбиявий ишлар технологияси тизимига боғлиқ. Демак, **тарбиявий технологиялар** – бу, конструкция қилиш, мазмунни амалга ошириш, услуб, шакл, усул ва воситаларни, таъсир этиш йўлларини аниқлаштиришнинг методологик, ташкилий-услубий қўрсатмалар, қонун-қоидалар мажмуидир.

Одатда тарбиявий ишлар жамоавий ва ижодий табиатга эга бўлади ва мос равишда жамоавий тарбиявий ишлар (ЖТИ) ёки жамоавий ижодий ишлар (ЖИИ) деб номланади. ЖИИ – иш ва ўйин, ижод ва ҳамкорлик, ҳаётий умид ва хурсандлик билан тўлдирилган ва айна пайтда, асосий тарбиявий восита бўлган жараёни ташкил этиш усулидир. Тарбиявий ишларда тарбиячилар ва ўқувчилар ўзаро ҳамкорлигининг шакллари, воситалари ва усуллари уйғунлашиб кетади.

Тарбиявий ишлар асосида икки: фаол ва мажмуавий ёндашувлар ётади. Ёндашувларнинг *биринчиси*, фаолиятнинг билиш, меҳнат, ижтимоий, бадний, спорт ва эркин мулоқот каби турли кўринишларини ташкил этишни талаб этади. *Иккинчи* мажмуавий ёндашув эса, фаолиятнинг барча кўринишларининг ягона жараёнга таъсири билан табиий «қўшилиб» кетишида кўринади. Тарбиявий ишлар, айна пайтда, ўзига ахлоқий, эстетик, сиёсий ва интеллектуал (ақлий) таъсирларни камраб олади. Фаолиятга оид ёндашув тарбия йўналишига ишора қилса, мажмуавий ёндашув унинг мазмуний табиати (вазоят, тарбиявий мақсаднинг асосий ва боғлиқ томонларини шакллантиришнинг педагогик мақсади; режалаштириш; ташкил этиш ва тайёрлаш; ишни бевосита амалга ошириш; эришилган натижалар таҳлили)ни белгилайди.

2.2. Тарбиявий ишларнинг манбалари

Тарбиявий ишларни амалга ошириладиган даврнинг ижтимоий вазияти – тарбиявий ишларни мақсадли кўзлаш ва лойиҳалашнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Бу вазият мамлакат ва дунёдаги ижтимоий ҳодисалар, давлат байрамлари, юбилей саналари, ҳукумат қарорлари, жамият аҳамиятига эга бўлган ғоялар ҳамда маҳаллий ҳаётга доир ҳодисалар билан шартланган бўлади. Тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказишнинг иккинчи манбаи бўлиб тип сифатида шаклланаётган шахснинг зарурий фазилатлари ва хислатларини шакллантиришнинг педагогик ташхиси хизмат қилади. Яна бир манба – ўқув-тарбиявий муассасаси маълум муддатга белгилаган ишларининг умумий йўналишидир. Мазкур манбаларнинг муштарак ҳолати тарбиявий ишларни ҳаётбахш куч билан тўлдиради, уларнинг долзарб эканлиги ва муайян мақсадга йўналганлигини беҳато белгилаб беради.

Асосий тарбиявий мақсад (қўпинча ахлоқий тарбия мақсади) аниқ ишларга оид вазифаларни белгилаб беради. Ҳар бир ишда асосий ғоя ажралиб туради ва у тарбия умумий йўналишининг (ақлий, жисмоний, меҳнат тарбияси ва б.) бири билан мос келади.

Мақсадни кўзлаш босқичида тарбиячининг вазифаси – ижтимоий вазиятни баҳолаш, ўзининг тарбиявий фаолиятини асосий мақсадга бўйсундириш, тарбияланувчиларнинг келажакда муайян тарбиявий таъсирларни қабул қилишга тайёрлик даражасига ташхис қўйишдан иборатдир.

2.3. Тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар

Тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича тавсиялар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Тарбиявий ишларнинг аниқ вазифаларини чуқур англаш, унинг самарадорлигини оширишнинг зарур шартидир. Мазкур вазифалар маҳорат билан талқин этилган ва тарбияланувчиларга етказилган бўлиши керак. Тарбиявий иш ташкилотчилари ўқувчиларга ўз нуқтаи назарларини мажбуран ўтказмасдан, балки уларни зарур қарорларни (гўё ўз қарорлари сифатида қабул қилинадигандек) ишонтириб қабул қилишга ўргатишлари лозим.

2. Ҳар қандай тарбиявий иш ишчан ва мажмуавий йўналиш асосида лойиҳалаштирилади. *Биринчи* йўналиш, юқорида таъкидланганидек, тарбияланувчиларнинг жонли, ижодий, қизиқувчан фаолиятини талаб этади ва зарур ўринларда тиришқоқликни, ҳаракатчан ишларни танлашга йўналтиради. *Иккинчиси* эса, тарбиячига бир вазифадан ҳар томонлама самара олишга имкон беради.

3. Тарбиявий ишлар жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган барча вазифалар турли аҳамиятга эга бўлишига интилиш шарт эмас, чунки тарбия тизимини бирданига бир неча мезонлар орқали муқобиллаштириб бўлмайди. Тарбиявий ишда, ҳар қандай ишдаги каби бош вазифа ажратиб олинадиган ва шу орқали қолган вазифалар ҳал этилади.

4. Тарбиявий ишлар мазмунини унинг вазифалари ва амалга ошириш шароитлари билан боғлиқ ҳолда белгилаб олиш ниҳоятда муҳимдир. Материал танланаётганда, у ўқувчиларнинг тарбиясига ижобий таъсир этишига эътиборни қаратиши лозим. Тарбиявий ишларда турли хатоларга йўл қўймаслик учун тарбиячи ўқувчиларнинг қарашлари ва қизиқишларини билган ҳолда уларни ривожлантириши, шунингдек, уларга таяниб иш олиб бориши керак.

5. Мақсадга мувофиқ услублар, усуллар ва воситалар тарбиявий ишларнинг ҳар бир босқичи учун алоҳида лойиҳаланади. Бунда услубларнинг максимал даражада фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик тамойилларини таъминланиши назарда тутилиши лозим. Пассивлик – тарбиявий ишларнинг асосий душманидир. Шу боис тарбияланувчиларнинг ҳулқи кузатилса, зеро, нимани ўзгартириш зарурлигини уларнинг ўзлари айтадилар.

6. Тарбиявий ишларни тайёрлашда ташкиллаштиришнинг юқори даражадаги аниқлигига эришишга ҳаракат қилиш лозим. Ҳар қандай тарбиявий иш тарбияланувчилар учун «ташкilotчилик мактаби»га айланиши керак. Тайёргарлик ташаббускорлик, талабчанлик, киришимлилик, мажбуриятларни тақсимлаш маҳорати, вазиятларни тезда баҳолаш каби фазилатларни тарбиялайди. Ишни тайёрлаш ва ўтказиш жамоани жипслаштиришнинг тўғри йўлидир!

7. Тарбиявий ишлар нусха кўчиришни ёқтирмайди. Ўзгарувчанлик ва ҳаракат доирасининг кенглиги тарбиявий ишларнинг фарқловчи белгиларидир. Гуруҳларнинг ва ўқувчиларнинг бир-бирига ўхшамаслигидан

кенг фойдаланишга интилиш яхши натижа беради. Тарбиявий ишларни лойиҳалаш чоғида бир гуруҳда муваффақият келтирган тажриба иккинчисида айнан шундай натижани бермаслигини эса тутиш керак.

8. Тарбиявий ишлар турли-туман бўлиши керак. Тарбияланувчилар ёрқин ишларни узоқ эслаб юрадилар, шу боис бундай ишларни такрорлаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки у ахамиятини йўқотиши мумкин. Тарбиявий ишларнинг ҳар доим янгисини топиш қийин, аммо уларни топишга ҳаракат қилиш зарур. Тарбиявий ишлар захирасида қўлаб қизикарли тадқиқотлар мавжуд ва бу такрорламасликни, аксинча, аниқ шароитлар билан мувофиқлаштирган ҳолда ўқувчини ривожлантиришни кафолатлайди.

9. Тарбиявий ишлар ҳис-туйғуларнинг қудратли катализатори каби лойиҳалаштирилади. Маълумки, ҳаяжонга тушган киши ниҳоятда таъсирчан бўлади. Ҳар бир тарбиявий ишда тарбияланувчига яқин, ҳамоҳанг бўлган жиҳатларни топиш ва унда ижобий характер хислатларини ривожлантириш, мустақкам ҳаёт тарзини шакллантириш, тарбиявий ишлар маданиятини оширишнинг муҳим йўлларида бири бўлган ўраб турган дунё ҳақиқатини тўғри тушунишга ёрдам берадиган қилиб етказиш керак.

2.4. Тарбиявий ишларни режалаштириш босқичи

Тарбиявий ишларни режалаштириш босқичи мақсадни кўзлаш босқичидан кейин бошланади ва ундан фақат назарий жиҳатдан фаркланади, аммо амалий жиҳатдан бу ажралмас жараёндр. Бу босқичда тарбиячилар олдида: тарбияланувчилар билан бирга фаолият йўналишининг барча қисмларини аниқлаш, иштирокчилар орасида мажбуриятларни тақсимлаш, уларни қандай қилиб бажариш лозимлиги кўрсатиш каби муҳим вазифалар туради.

Тарбиявий ишларни режалаштириш бўйича тавсиялар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Тарбиявий ишларни ташкил қилишда тарбияланувчиларнинг тайёргарлик даражасига таяниш, уларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини имкон даражасида кенгроқ қамраш лозим. Чунки ишнинг фавқуллодда мураккаблиги тарбиячи ниятининг ўқувчилар томонидан англаб етолмаслигига, ишнинг нега ва нима учун бажарилиши ҳақидаги ноаниқ тасаввур эса тарбиявий ишни куруқ расмиятчиликка айланиради. Кейинги ишга қизиқтириш энгил кечмайди.

2. Тарбиявий иш – жамоатчилик иши. Тарбияланувчиларга режа тузишнинг ниҳоятда масъулиятли машғулот эканлиги, тарбияланувчи ишлаётган ҳар бир бўлимнинг бошқа бўлимлар билан боғланиши ва бир-бирини тақозо этишини сезишга имконият берилиши лозим. Режалаштириш, албатта, жамоавий характер касб этиши зарур.

3. Тарбиячи режалаштиришнинг тармоқли услубиёти, кўргазмали, осон ўқиладиган ва тушунарли чизма режалар тузиш услубиётлари билан танишиши лозим. Тарбияланувчилар билан уларни ўрганиш, меҳнатнинг бошқа турларини режалаштиришда тармоқли чизмани қўллашга ўргатиш зарур.

Ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишнинг умумий назарияси технология таянадиган олти тақдир кўрсаткичи ва улар тарбиявий ишларни ташкил этишда тарбиячи томонидан албатта ҳисобга олиниши керак.

2.5. Тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий қоидалари

Тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий қоидалари:

- бажарилиши лозим бўлган ишларнинг мақсадини аниқ белгилаш, ҳаракатни бошидан охиригача яхлит тасаввур қилиш (нимага эришиш керак?);

- қўл остида ҳар бир киши учун аниқ вазифаларни белгилаш (қандай ҳаракатлар воситасида эришиш мумкин?);

- кутилаётган иш учун барча зарур нарсаларни тайёрлаш (нималар ёрдамида эришиш мумкин?);

- натижаларни аниқлаш учун муайян мезонларни белгилаш (эришилган миқдор қанча?);

- жавобгарлик, унинг эгаси ва ҳисобот вақтини тақсимлаш (мақсадга эришилганликни нима билан рағбатлантириш мумкин?);

- ташкилий тизимни уюштириш воситаси сифатида ижрочиларга йўл-йўриқ кўрсатиш (қандай қилиб эришиш мумкин?).

Тарбиявий ишларни уюштиришда иштирок этиш **шахснинг муҳим хислатларини** тарбиялайди.

Мазкур босқичдаги тавсиялар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- тарбиявий ишларни ташкил этишда тарбиячи иштирок этаётган ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериши зарур. «Ҳокимлик чизиги»ни белгилаб олиш ниҳоятда муҳим: ҳар бир ижрочи белгиланган шахсга ўз ишларининг натижаси бўйича жавоб беради. Ҳокимлик бир раҳбарнинг қўлида жамланган бўлади, «Қўшхокимиятчилик»ка йўл қўйилмайди;

- ҳар бир иштирокчига унинг имкониятлари ва хоҳишига мос келувчи битта вазифа ажратиш лозим. Топшириқларни мажбурлаш шарт эмас. Ўқувчи тарбиявий ишда иштирок этишнинг ихтиёрий эканлигини ҳис қилмоғи лозим;

- тарбияланувчиларнинг ташкилотчилик қобилиятига эга эмаслиги ёддан кўтарилмаслиги керак. Тарбиячига тушунарли ва енгил бўлган иш тарбияланувчи учун ҳам ҳар доим шунчаки бўлмаслиги мумкин. Тарбия ишида «Енгилдан – мураккабга» қоидага амал қилиш мақсадга мувофиқ. Тарбияланувчиларни муваффақият қозонишига бўлган ишончини қўллаб-қувватлаш, яхши натижа билан тугашига ишонч уйғотиш лозим.

Ташкилотчилик тарбияланувчиларнинг кучини бир неча бор ошириш имкониятига эга эканлиги ҳақидаги фикрга ўргатиш керак. Яккама-якка ҳаракатларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган «ташкилотчилик самараси»ни мисоллар билан кўрсатиш яхши натижалар беради.

2.6. Тарбиявий ишларни ташкил этишни бошқариш

Тарбиявий ишларни амалга ошириш босқичида тарбиячининг масъулияти муҳимдир. *Биринчидан*, дастурда кўзда тутилган ишларни тайёрланган сценарий асосида боришига эришади, унга тузатишлар киритади, диспетчерлик вазифасини амалга оширади ва жараёни кузатиб боради. *Иккинчидан*, тарбиячи бутун жамоа ва айрим тарбияланувчиларни кузатиб борган ҳолда, уларда муайян фазилатларни ривожлантиради, бу фазилатларнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга имкон беради ва тарбия соҳасида қилинадиган ишларнинг стратегиясини белгилайди. *Учинчидан*, тарбиячи ташкилий масалаларнинг аниқ ҳал этилишини кузатиб боради.

Умуман, тарбиянинг бу босқичдаги бошқарув фаолияти оддий дарс мобайнидаги айти шундай фаолиятдан мураккаброклиги билан фарқ қилади. Бу мураккаблик тарбиявий ишни бошқаришда ҳисобга олиш, назорат қилиш ва кўплаб омилларга тузатишлар киритиш лозимлигида намоён бўлади. Бу борада мураббийнинг тарбиячи ва ташкилотчи сифатидаги ўрни:

- тарбияланувчиларни ўзининг иштироки билан бўғиб қўймаслик;
- тарбияланувчиларга ўз фикрлари ва ҳиссиётларини эркин ифодалашлари учун халакит бермаслик;
- ходисаларнинг ривожини диққат билан кузатиш ва унинг номақбул йўналиш олиши ҳамда назоратдан чиқишига йўл қўймаслик;
- номақбул ҳаракатларни оқилона ва ўз вақтида тузатиш;
- ўтаётган жараёни сездирмасдан қайд этиб бориш;
- педагогик назокат билан натижаларни эълон қилиш, жамоавий муҳокама ёки яккама-якка педагогик таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларнинг сабабларини очишларда белгиланади.

Тарбиявий ишларни таҳлил қилиш мобайнида бир-бири билан мазмунан боғлиқ бўлган қуйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

- 1) Режада тарбиявий ишларни тайёрлаш ва ўтказишнинг барча ҳолатлари ўз аксини топганми?
- 2) Дастур мазмуни кўзланган мақсадга жавоб берадими?
- 3) Тарбиявий ишларни ташкил этиш даражаси кўзланган мақсад, вазифа ва талабларга жавоб берадими?
- 4) Режалаштирилган барча меъёрлар етарли даражада манбалар билан мустаҳкамланадими?
- 5) Тарбиявий ишнинг қайси қисми яхшироқ амалга ошди, нима учун?
- 6) Тарбиявий иш давомийлиги вақт нуқтаи назаридан ўзгардими?
- 7) Ким ва нима учун муддат ўзгарди?
- 8) Тарбиявий ишлар бир тизимни ифода этдими ёки қисмлари номигагина боғланган тўпладан иборат бўлдими?
- 9) Янгилик самараси сезилдими?
- 10) Тарбиявий ишнинг хис-туйғулик «бўёғи» унинг ғоясига жавоб бердими?

11) Ишнинг сифати, ўқувчиларнинг унга муносабати коникарлими, уларни қайси саволлар ўйлашга мажбур этди?

12) Тарбиявий ишда иштирок этган жамоанинг ҳар қайси аъзоси қандай баҳога лойиқ?

13) Ўқувчиларнинг хулқи қандай эди?

14) Нима учун ўқувчиларнинг айримларида у ёки бу педагогик ҳаракатга нисбатан қаршилик кўрсатиш аломатлари пайдо бўлди?

15) Нимадан воз кечиш керак?

16) Кейинги тарбиявий ишларга қандай янгиликлар қўшиш мумкин?

Юқоридаги фикрларга тарбиявий технология йўналиши сифатида қараладиган бўлса, у қуйидаги умумий белгиларни аниқлаб беради:

- тарбиявий таъсир тарбиявий ишларнинг мажмуаси сифатида ўзида ўйинлар, тарбиявий суҳбатлар ва яккама-якка маслаҳатларнинг элементларини қамраб олади;

- ҳар бир иш ҳар бир тарбияланувчининг ахлоқий, ижтимоий ва бошқа фазилатларининг шаклланганлик даражасини компьютер орқали ташхис этиш билан бошланади;

- тарбиявий таъсир ташхис этиш натижаларининг фаол таҳлили ва идеал шахс билан қиёслаганда муайян фазилатларнинг шаклланганлик даражасига етганлигини англаш билан юзага келган «жамоавий қайғуриш» самараси кучайтирилади;

- тарбияланувчилар кишилар орасида ҳаёт учун зарур бўлган фазилатларни ўзлаштирадилар, ўзларини англашга ўрганадилар, ўз-ўзларини камолга етказиш йўлларини тасаввур қиладилар;

- шахсий камолотга етиш дастури (ташхис этиш натижаларидан қатъий назар) яккама-якка маслаҳатлар, тарбиявий ишларни ташкил этиш натижасида мустақамланади.

3-§. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁН ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида турган жамиятимиз ҳозирги кунда малакали кадрларни тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириш муаммосини қўймоқда. Шу муносабат билан олий таълим тизими олдида жамият учун фақат чуқур билимли, муайян мутахассислик малакаларини чуқур эгаллаган шахсларнигина эмас, балки айни вақтда давр талабларига жавоб бера оладиган, юксак инсоний фазилатларга ҳамда чуқур касб соҳиби ва унинг фидойиси, халқига содик, жамиятда фуқаролик касб ва масъулиятини яхши англаган, ҳаётда ва иш фаолиятида ўз ўрнини топа оладиган, ўз Ватанининг келажаги ва равнақи учун хизмат қила оладиган ҳақиқий рақобатбардош, маданиятли шахс-мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифасини адо этишни талаб этади.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон Республикаси барча соҳалар бўйича тараққиётнинг янги йўлига кириб, ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик тушунчалари янги мазмун билан бойитиб борилмоқда.

Хусусан, Ватан туйғуси ва ватанпарварлик тушунчалари ўзларининг асл маъносини топди. Ўтган қисқа даврда ҳар томонлама баркамол, имон-этикодли, мустаҳкам билимли, фидойи, ватанпарвар, садоқатли ва халқпарвар фуқароларнинг ватан истикболининг порлоқлигига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Буюк келажак яратиш йўлидаги дастурий мақсадимизнинг пировард натижаси баркамол, соғлом авлодни вояга етказишга, таълим-тарбия тизимида жиддий ижобий янгиланишларни вужудга келтиришга боғлиқ.

Мустақилликка эришганимиздан кейин Ватан тушунчасининг асл моҳиятини англаш, тарихий, маънавий-маърифий ва ижтимоий педагогик муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Таълим муассасасида ўтказилган барча тадбирларда одатда таълим муассасаси раҳбари, тарбиячилари, услубчилар, ота-оналар қатнашадилар. Тадбир ўтказилгач, унинг тахлили ўтказилади. Тадбирнинг тахлили самарали ва натижалли ҳамда келгуси ишга фойдали бўлиши кўп жиҳатдан тахлил қилиш учун керакли саволларнинг тўғри қўйилишига боғлиқ. Шунинг учун ўтказилган тадбирларнинг ҳар томонлама тахлилида: қўйилган мақсадга эришилдими ва нимага асосланиб бунга баҳо бериш керак? Нима амалга ошди-ю, нима амалга ошмай қолди, нима сабабдан? Ўтказилаётган тадбирга ўқувчиларнинг муносабати ва иштироки қандай бўлди? ва ш.к. саволларга тўлиқ ва ижобий жавоб олиш зарур. Бундай жавобларнинг бўлиши тарбиячи ва ташкилотчиларнинг тарбиячи сифатидаги маҳоратлари, тарбиявий ишлар услубиёти ҳақидаги билимлари, кўникма ва малакалари ҳамда уларнинг ташкилотчилик, конструктивлик, коммуникатив қобилиятлари ва ҳар бир тарбиявий ишга акмеологик, креатив, рефлексив ёндашувларига боғлиқ. Бу эса, тарбиячи ва ташкилотчилардан ҳамиша ўз билимлари, кўникма ва малакаларини мустақил тартибда, маҳорат мактабларида, малака ошириш марказлари ва муассасаларида ошириб боришларини талаб этади.

3.1. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар

Пресс-анжуман. Пресс-анжуманни ўтказиш учун сиёсий шарҳловчилар, депутатлар, ветеранлар, турли соҳа мутахассислари, маданият, санъат ва спорт ходимлари таклиф этилиши ёки махсус тайёргарлик кўрган сиёсий шарҳловчилар ўтказишлари мақсадга мувофиқ. Уларга олдиндан (ёки учрашув вақтида) ўқувчиларни қизиқтирган бир неча саволлар берилади. Саволларни махсус пресс-гурӯҳ аъзолари беришади, жавобни анжуманга таклиф этилганлар беради.

Аукцион – бирор мавзунини яхши билиб олишнинг очиқ мусобақасидир. Масалан, «Республикамизда қандай шифобахш ўсимликлар бор?», «Автомашиналар маркаларини айтинг», «Ер шарида қандай миллат вакиллари яшайди?» ва ш.к.лар. Аукционни мавзуга мос соҳа эгаси олиб боради. У савол билан аудиторияга мурожаат этади. Аукционни олиб борувчининг қўлида ёғоч болғача бўлиб, у ҳар чиқишдан сўнг «Ким кўп?» ёки «Ким кўпайтиради?» деб сўрайди. Агар қўшимча бўлмаса, болғача билан столга уради ва бу саволнинг жавобларини тўхтатиб, кейингисига ўтади.

Фантастик лойиҳалар танлови. Танлов катнашчилари расмлар, чизмалар, схемалар, диаграммалар, компьютер графикалари, слайдлар, видеоматериаллар ёрдамида танлаган мавзу асосида тайёрланган фантастик лойиҳаларини тақдимот қиладилар. Тақдимот яккама-якка ёки гуруҳ тартибда ўтказилади. Масалан, «Бизнинг ўқув масканимиз 2050 йилда», «Денгиз тубидаги шаҳар – Атлантида», «Қуёш энергияси инсонга», «Планеталараро йўловчи кемалар» ва ш.к.лар лойиҳа мавзуси бўлиши мумкин. Лойиҳалар тақдимоти тугагач, саволларга жавоблар берилади, оппонентларнинг чиқишлари бўлади. Энг яхши илмий-фантастик лойиҳалар диплом ва мукофотлар билан тақдирланади.

Жумбоқлар бозори. Иштирокчиларнинг қизиқарли жумбоқларни топиш ва сотиб олиш мусобақаси. Жумбоқни сотиб олиш учун янги бир жумбоқ айтилиши керак. Бу бозордаги жумбоқлар ҳар хил: расмли, оғзаки, ёзма, предметли, компьютерли, кўргазмали, ижодий ва ҳоказо.

Адабий карнавал. Турли бадиий адабиёт қаҳрамонлари костюмини тайёрлаш ва ҳимоя қилишга, образга киришга ва уни ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Дунёнинг етти мўъжизаси. Ҳар бир гуруҳ дунёнинг етти мўъжизасидан бирини олиб, материаллар тўплайди. Бошқаларни таништиради, саволларга жавоб беради. Тайёргарликка бир неча кун вақт берилади. Тўпланган материалларни гуруҳлар техник воситалар ёрдамида тақдимот қиладилар.

Ишонтириш мактаби. Ҳар бир кичик гуруҳ танланган мавзу бўйича бошқаларни ишонтириш бўйича топшириқ олади. Масалан, «Чекиш – умр заволи», «Йўл ҳаракати қондаси – умр фойдаси», «Алкоголь – бу заҳар» ва ҳоказо.

3.2. Тарбиявий ишлар жараёнида қўлланиладиган педагогик таъсир этиш усуллари

Тарбиячилар ўз иш фаолиятлари давомида асосий этиборни доимий равишда ўқувчилар тарбияси, хулқ-атвори, тартиб-интизомига тузатишлар киритишлари, улардаги керакли шахсий хислатлар ва табиатларидаги кирраларни ривожлантиришлари, мавжуд камчиликларини бартараф қилишга қаратишлари лозим. Бундай жараёни ташкил этишда тарбиячилар педагогик таъсирнинг турли усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Педагогик таъсир усули – бу аниқ педагогик ҳолатларни ташкил қилиш усулидан иборат бўлиб, унда маълум қонуниятлар асосида ўқувчиларнинг ижобий ишларида ўз камчиликларини йўқотишга ундовчи янги фикрлар ва хиссиётлар уйғонади.

Тарбия жараёнида зарур педагогик таъсир усулини танлаш учун ўқувчининг хиссий ҳолати, ҳаракатининг табиати ва сабаби олдиндан аниқланиши лозим. Бу ўз навбатида ушбу ҳаракатнинг психологик таҳлили, уни ўқувчи шахсияти билан яқин алоқасини кўриб чиқишни талаб қилади.

Педагогик ҳолат тарбиячининг ижодий фикрларига биноан яратилади. *Биринчидан*, тарбиячи фойдаланишни мўлжаллаган таъсир усулини амалга ошириш учун мос шароитларни ҳаёлан танлаши керак. *Иккинчидан*, тарбиячи ўз мўлжаллаган иши ва хулқини ўқувчининг ҳаракатига бўлган муносабатига биноан мос равишда ўйлаб чиқиши лозим.

Педагогик таъсирнинг ҳар бир усули ўзининг табиатли хусусиятларига эга бўлиб, улар иккита элементнинг ўзига хос бирлигида вужудга келади:

а) яратилаётган педагогик ҳолатлар хусусиятлари;

б) янги педагогик ҳолатга ўқувчиларда туғиладиган янги фикрлар, тарбиянинг янги сабаблари ва шахсий камчиликларини енгиб ўтишга асос бўладиган хиссиётлар мазмуни [19]*.

Педагогик таъсир усуллари икки гуруҳга ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳ усуллари*, ўқувчини илҳомлантирувчи ижобий хиссиётлар асосида унинг ахлоқ-одоби, тарбияси, тартибига ўзгаришлар киритади, булар хурсандчилик, миннатдорчилик, тарбиячига ҳурмат, ўз кучига ишончдан иборат. *Иккинчиси*, уятчанлик, эпсизлик, ҳафсаласизлик, ўкинч, ҳафагарчилик, ачиниш каби салбий хислатларни йўқотишга ёрдам берадиган усуллардир.

Ижодий фаолиятда, нафақат, ўқувчилар тарбиявий ишларининг яхши натижаларига эришилади, балки тарбиячиларнинг шахсий хиссиётлари ҳам ривожланади. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари қўллаш жараёнида тарбиячининг ғоявийлиги, шахсий табиатидаги инсонпарварлик, меҳрибонлик, сезгирлик, чидамлилиқ, ўз-ўзини бошқара оладиган, мақсадга интилувчанлик, тезкорлик, ташаббускорлик каби ҳис-туйғу кирралари ҳамда шахсий табиатининг топқирлик, зийраклик, ақл-заковатлилиқ, кузатувчанлик каби ирода қирралари кўзга ташланади.

*) кейинги тавсиялар Э.М. Натанзон услубиётига асосланган.

Тарбия усулларини эгаллаш ва уларни иш жараёнида тадбиқ этиш тарбиячининг тарбия мақсадларини янада мақсадли ва қулай бўлишига ёрдам беради.

Педагогик таъсир усулларидан фойдаланиш аниқ педагогик тамойилларга ривож қилишга асосланган. Бу тамойиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- педагогик оптимизм;
- ўқувчиларга ҳурмат;
- ўқувчининг руҳий ҳолатини тушуниш;
- ўқувчи шахсий табиатининг ташқи хусусиятлари ва сабабларини очиш;
- ўқувчининг тақдири билан қизиқиш.

Педагогик оптимизм. Тарбиячилар юқори оптимизм, яъни келажакка катта ишонч билан мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги қонунларини ҳаётга татбиқ қилмоқдалар. Ўқувчилар шахсиятининг чексиз имкониятларига ишонган тарбиячиларнинг педагогик оптимизми, айниқса, турли ёшдаги турли ақлий даражадаги ўқувчиларга нисбатан уларнинг дам олиш ва ўқиш қоидалари, шартларини ташкиллаштиришда яққол кўринади.

Ўқувчиларга ҳурмат. Инсонга ҳурмат – инсонлараро муносабатларнинг асосий талабидир. Тарбиячининг фаолиятида ўқувчиларга ҳурмат алоҳида ўрин тутаяди. Тарбиячи уларда ишонч, самимийлик, катталарнинг маслаҳатлари ва таклифларига мойиллик уйғотади. Тарбиячининг қўполлиги, ўқувчилар шахсиятига ҳурматсизлиги ўқувчиларда унга жавобан ҳафагарчилик, ғазаб, ҳаттоки, баъзи нарсаларни атайлаб тескарисини бажаришга интилишни туғдиради. Бундай пайтларда ўқувчилар ҳатто адолатли талабларни бажаришдан ҳам бош тортадилар. Ўқувчиларнинг тарбиячига бўлган бундай муносабат баъзан, секин-асталикда, у олиб бораётган фанга, бажараётган ишига, ўтказаятган машғулотига, ўқув хонасига, ҳатто, таълим муассасасига, бўлган муносабатга кўчиши мумкин.

Ўқувчининг руҳий ҳолатини тушуниш. Ўқувчилар хулқининг бузилишини, тарбиясидаги салбий ўзгаришларни сезиш қийин жараён эмас. Тарбия жараёнига педагогик таъсир усулини тўғри танлаш учун ўқувчиларнинг тартиб бузарлик сабабларини ўрганиш керак, чунки шахсининг турли психологик ҳолатларининг ташқи кўриниши бир хил бўлади. Масалан, ўқувчининг гуруҳдаги фаоллигининг сусайишининг асосий сабаблари, унинг инжиқлиги, кўз ёшлари, уйдан чиқиб узоқроққа кетиши ва ота-онасидан узоқда (баъзи ўқувчиларнинг турар жойларда) яшашидан иборат бўлиши мумкин.

Ўқувчининг руҳий ҳолатини тушуниш учун тарбиячилар ўқувчилар шахсининг фазилатларини, хусусиятларини, уларнинг яшаш шароитларини билишлари ва чуқур таҳлил қилишлари керак. Тарбиячининг кузатувчанлиги ва сезгирлиги ўқувчининг хулқида намоён бўлаятган руҳий ҳолатини тушунишга ёрдам беради.

Ўқувчи ҳаракатларининг сабаблари ва ташқи хусусиятларининг очилиши. Ўқувчиларнинг ҳаракатлари етакчи, тарбиячи, жамоа, атрофдаги

инсонлар томонидан яхши, олийжаноб ёки ёмон деб баҳоланади. Тарбиячининг ўқувчига бўладиган муносабат(ёндашув)лари, уларнинг ҳаракатлари табиатига боғлиқ. Ўқувчи ҳаракатларини тўғри баҳолаш учун, ҳаракат моҳиятини, яъни ички сабабларини очиш лозим. Кўпинча ўқувчилар ҳаракатининг ички сабаблари ташқи кўздан яширинган бўлади, яъни ташқи томондан дарров кўринмайди. Уларни тарбиячи томонидан тушунишга, баъзан ўқувчининг ўзи катта ёрдам бериши, яъни бўлган воқеа ҳақида ўзи ҳурмат қиладиган тарбиячисига очик гапириб бериши мумкин. Тарбиячи бундай ёмон ҳолатни келтириб чиқарувчи ташқи ҳолатлардан хулқ сабабларини ажрата олиши лозим.

Ўқувчининг тақдирига қизиқиш. Таълим муассасаларида олиб бориладиган тарбия мобайнида ўқувчиларнинг тақдирига қизиқиш тарбиячиларда ўқувчиларга муҳаббат ва уларнинг тақдирига жавобгарлик ҳисси туфайли ривожланади. Тарбиячилар ҳар бир ўқувчининг тақдири, айниқса, гуруҳ ҳаётидан қониқиш ҳосил қилмайдиган, гуруҳдошларидан ётсирайдиган ва гуруҳ ишларидан ўзини олиб қочадиган ўқувчилар тақдири билан қизиқишлари лозим. Лекин ўқувчининг тақдири билан астойдил ташвишланган ва унга ёрдам беришни хоҳлаган тарбиячилар ўқувчиларга меҳрибонлик, уларга эътибор ва ғамхўрликларини кўрсатишлари учун дастлабки омадсизликдан чўчимасликлари, турли янги усуллари кидиришлари лозим. Тарбиячиларнинг кундалик фаолиятларидаги ўқувчига ғамхўрликлари, ҳайрихоҳлик муносабатлари ва педагогик таъсирнинг усулларини тўғри танлашлари ўқувчиларда ўз тарбиячисига муҳаббат, садоқат, уларга хурсандчилик хоҳишини уйғотади, шунингдек, янги ижобий хислатларни ривожлантиришга ёрдам беради ва салбий хислатларни йўқота борадилар.

Энди тарбиячиларнинг ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида фойдаланишлари мумкин бўлган педагогик таъсир усулларидан баъзилари билан танишамиз:

Ишонтириш – бу аниқ хулқ-атвор ёки қайсидир ишнинг мумкин эмаслигини, тўғрилигини ва зарурлигини исбот қилиш ва тушунтиришдир. Ишонтириш жараёнида ўқувчиларда ён-атрофидаги инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларини ва ўз хулқларини баҳолаш мезонларига мос бўладиган ахлоқий қарашлар шаклланади.

Ўқувчини иш билан ҳам, сўз билан ҳам ишонтириш мумкин. Ўқувчини ишлатиш орқали ишонтириш жараёнида тарбиячи исботланаётган ҳолат, вазият ва муаммоларни ҳаётий тажриба шароитларидан келиб чиққан ҳолда яратади. Ишонтириш таъсир усули ўқувчи хулқини тузатувчи усул бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сўз билан ишонтириш жараёнида ўқувчиларга йўл қўйилган хатолар характери ахлоқий меъёр нуктаи назаридан тушунтирилади. Ишонтириш усули самимийлик ва жўшқинликни талаб қилади. Бу жараёнда тарбиячиларнинг кечинмалари ўқувчиларга ўтади. Ишонтириш билан ихлос туғдириш усуллари жуда ўхшаш. Бу усулларнинг ўхшашлиги ишонтириш ҳам, ихлос туғдириш ҳам суҳбат орқали амалга оширилишидан иборатлигидадир, лекин ихлос туғдиришда тарбиячилар ўқувчи қиладиган ҳатти-ҳаракатларининг тўғри ёки хатолигини

исботламайдилар. Бу жараёнда улар тарбияланувчига ўз фикрларини секин ва оҳисталик билан айтадилар. Ўқувчи тарбиячининг сўзларини тинглаб туриб, ўз хатти-харакатини танкидий баҳолай бошлайди ва ўз хулқини тўғрилашга ҳаракат қилади.

3.3. Бузгунчи ғоялар ва ёвуз кучларга қарши курашда ишонтириш услубининг ўрни

Бугун дунёда ҳар хил ғоялар, мафкуралар кураши давом этмоқда. Бегона ақидалар, ёт ғояларнинг юртимизга ташқаридан сукулиб киришига қарши курашни бир дақиқа ҳам сусайтириб бўлмайди. Халқаро терроризм, ашаддий жангарилик, диний экстремизм, нарқобизнес каби бало-қазоларнинг инсон ҳаётига таъовузи билан бир қаторда ички таҳдидлар ҳам бор. Ташқи ва ички мафқуравий таҳдидлар бир-бири билан узвий боғлиқ.

Ғоявий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, ҳуқуқий ва бошқа тушунчаларни шакллантиришга йўналтирилган услублар *ишонтириш услублари* деб аталади. Бошқача айтганда, ўқувчиларнинг тарбиявий ишлари билан шуғулланаётган тарбиячиларнинг ўқувчиларда ғоявий-сиёсий, ахлоқий-маънавий тушунчаларни шакллантириш, бу тушунчаларни уларнинг ишонч-эътиқодига айлантириш ва онгларига, ҳис-туйғуларига, иродасига таъсир этиш мақсадида қўлланадиган *услубиётлар ишонтириш услубиётлари* дейилади.

Ишонтириш услубиётининг асосий *шакллари* – тушунтириш, уқтириш, ғоявий-сиёсий ҳамда ахлоқий мавзуларда суҳбатлар, маърузалар, мунозаралар ташкил этиш, учрашувлар уюштириш, бадий асарлар билан таништириш, телевидение кўрсатувлари ва театр спектакллари кўриш ҳамда таҳлил қилиш ва ш.к.лардан иборат. Тарбиячи-мураббийлар вазифаси ўқувчи-ёшлар билан ўтказиладиган суҳбат ва учрашувларда, ўқиладиган маърузаларда душманларни мафқуравий қуролсизлантириш – уларнинг олиб қираётган қарама-қарши ғояларини, уйдирмаларини фош қилиш, пучга чиқариш ва одамларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат. Бундай вазифаларни амалга ошириш **ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидлар, хатарлар** (*халқаро терроризм, диний экстремизм, нарқоагрессия, ОИТС, эгоцентризм, ахлоқсизлик фалсафаси, «Дунё фуқаролари» космополитизми ва ш.к.*) ва **уларга нималарни қарши қўйиш** (*фарзандларни асраш, ҳушёрлик, ёшларни ғоявий қуроллантириш, мафқуравий иммунитетни кучайтириш, таҳдидлар моҳиятини оддий сўзлар, ҳаётий мисоллар билан тушунтириш, миллат келажаги учун масъулиятни шакллантириш, ирода, эътиқодни мустаҳкамлаш, онгли яшашга ўргатиш, ахборотли таъовуз моҳиятини очиб бериш, никоҳни мустаҳкамлаш ва ш.к.*) мумкинлиги ҳақида маълумотга эга бўлишга имконият беради. Мафқуравий иммунитет – бегона, зарарли ғоялар, мафкуралар билан тўқнаш келганда унга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш, унга қарши курашишга ғоявий, маънан тайёр бўлиш имкониятидир. Ҳар бир одам, аввало, ҳар бир ёш ўзининг мустақил фикрига эга бўлмагунга қадар, бундай иммунитетни шакллантириб бўлмайди. Ишонтириш услубининг ижобий натижаси

тарбиячиларнинг ўқувчилар олдидаги обрўси ва ўзаро тўғри муносабат ўрната олишлари билан намоён бўлади.

Ҳозирги кунларда таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларда бегона, вайронкор ғояларнинг зарари ҳақида уларнинг мустақил фикрини шакллантириш соҳасида қатор самарали ишлар олиб борилмоқда, бу жарёнда тарбиячилар томонидан турли-туман кулай услублар изланмоқда.

Ушбу қўлланманинг кейинги бобларида ана шундай услублар, иш шаклларида баъзи-бирларини тайёрлаш, ўтказиш ва таҳлил қилиш услубиёти бўйича амалий тавсиялар келтирилади.

Рағбат – тарбия услубларидан бири бўлиб, хулқни тузатишга, тўғрилашга ёрдам берувчи усулдир. Корректировка (тузатма, тузатиш, тўғрилаш) қатга маънога эга: *биринчидан*, у инсон хулқининг ижобий шакллари мустаҳкамлашга ёрдам беради, *иккинчидан*, рағбатлантирилган хатти-ҳаракат атрофдагилар учун ахлоқ намунаси бўлиб қолади.

Рағбат – ўқувчига коникиш, хурсанд бўлиш, фахрланиш, илҳомлантириш, ўзини янада яхши тутиш хоҳишини уйғотади, ўз қадрини билишни ўргатади, жамоа олдида обрўсини оширишга имконият яратади, маънавий ёрдам беради, иродасини мустаҳкамлайди.

Рағбат ҳаққоний бўлиши керак. Тарбиячи ўқувчини рағбатлантиришда унинг ўлчовини билиши лозим. Фақат маълум бир ўқувчиларни доимий равишда рағбатлантириш, уларда худбинлик ва манманлик ҳолларини ривожланишига олиб келиши мумкинлиги тарбиячининг ёдидан кўтарилмаслиги даркор.

Рағбатнинг бир неча *турларини* ажратиш мумкин: *ижобий баҳо бериш* – ўқувчининг тўғри иш қилаётганлигини тасдиқловчи қисқа «Офарин», «Тўғри», «Яша» ва ш.к. лукмаларда ифодаланади. *Мақтов* – ўқувчининг хатти-ҳаракатини, ишларини таҳлил қилувчи анча кенг маънодаги баҳодир (масалан, «Аҳмад яхши ҳаракат қилди, гуруҳ ҳаётида фаол қатнаша бошлади», «Лола нафақат фаол, балки барча топшириқларни ихлос билан ижодий ёндашиб бажаради» ва ш.к.лар). *Муқофот* анча сезиларли рағбат бўлиб, ажойиб ютуқлар, хатти-ҳаракатларни белгилашда қўлланади. Тарбиячининг ўқувчиларга бўлган *ишончидан* гувоҳлик берувчи мазмунан қизиқарли топшириқлар, баъзан уларни илҳомлантиради. Ишонч ўқувчилар томонидан яхши хулқи учун ўринли мақтов сифатида қабул қилинади. *Ижобий муносабатни билдириш* – ўқувчилар томонидан тарбиячини ёқтиришлари, уларнинг меҳрибонликлари, самимий табассумлари, дўстона ҳаракатлари, ўртоқлари билан ҳамкорликдаги ва биргаликдаги ўйинлари, экскурсия ва саёҳатлари киради. Бундай муносабатлар ўқувчилар томонидан мақтов сифатида қабул қилинади. Рағбатнинг *меҳрибонлик, эътибор ва гамхўрлик* каби турлари, кўпроқ ўқувчи хафа бўлган ҳолларда жуда зарур бўлади, чунки оғриниш ва хафагарчилик, ғазабланиш, ҳар бир ишни атайлаб бузиш, қасд олиш ҳолларини туғдиради. Одатда, оиладаги ёмон ҳолат, ота-онанинг ўқувчига бўлган жуда

қаттиққўллик муносабати, гуруҳда, мактабда тез-тез муҳокамада бўлиши ва жазоланиши каби ҳолатлар хафагарчиликнинг сабаблари бўлиши мумкин.

Тарбиячининг айбланувчига нисбатан бўлган меҳрибонликлари, эътибори ва гамхўрликлари ўқувчида кучли жавобгарлик хиссини уйғотади. Бундай ҳолларда ўқувчи тарбиячининг самимийлигини сезиши керак. *Илтимос* – инсонлараро муносабатларнинг энг кўп тарқалган кўринишидир. Ишонч психологик хусусиятлари жихатидан ўқувчилар ва ўсмирларга педагогик таъсир сифатида хизмат қилади. Тарбиячилар томонидан ўқувчиларга ёрдам бериш имкониятини берувчи илтимосларни илтимосни бажаришга тайёргарликка чақиради, турли қийинчиликни енгиб ўтишга кучларини сарфлайди, шу билан бирга уларда қувонч, илҳом ва ҳатто фахр уйғотади. «Илтимос» тарбиячига ўқувчилар билан яқинлашишга, улар билан ўзаро самимий муносабат ўрнатишга ёрдам беради. Илтимос аниқ сўзлар воситасида ифодаланиб, илтимосни акс этган сўз оҳанги асосий маъно қасб этади. Худди шу сўзлар бошқача оҳанг билан айтилганда буйруқ шаклини олиши мумкин. Илтимосни инсонпарварлик ҳисларини уйғотувчи усуллардан бири деб қараш мумкин.

3.4. Педагогик таъсирда тарбиячи, мураббийларнинг маҳорати

Ўқувчилар томонидан таълим муассасасида тартибнинг бузилиши тарбиячининг ҳали обрў-эътиборга, ўқувчиларнинг етарли ҳурматига эга эмаслигидан ҳам бўлиши мумкин. Тарбиячиларнинг педагогик таъсир соҳасидаги малака ва маҳоратлари, ўқувчиларда хайрат уйғотади – тарбиячиларнинг обрўсини тан олишларига ва келажакда уларнинг ҳулқида ижобий ўзгаришлар шаклланишига олиб келади.

Педагогик таъсирнинг бундай усулидан фойдаланиш учун тарбиячилар, нафақат ўз ишларини чуқур билишлари керак, балки бошқа соҳалардан ҳам хабардор бўлишлари ҳамда малака ва кўникмага эга бўлишлари, бир сўз билан айтганда, ўз ишларининг устаси бўлишлари керак. Тарбиячиларнинг кўп соҳада усталликлари ўқувчилар учун қутилмаганда намоён бўлса, кўринса, у ҳолда уларда таассурот янада кучаяди.

Маънавий қўллаб-қувватлаш ва ўз кучига ишончни мустаҳкамлаш. Маънавий қўллаб-қувватлаш ва ўз кучига ишончни мустаҳкамлаш – кўпроқ, тортинчок, уятчан, одамови ўқувчилар билан тарбиявий ишлар олиб боришда ва икки томонлама муносабатда бўлишда зарур усуллардан ҳисобланади. Тортинчоқлик ва ўз кучига ишонмаслик ўқувчиларнинг ишчанлигини пасайтиради, фаоллигига кўпинча салбий таъсир қилади. Ушбу усулни қўллай туриб тарбиячи ўқувчиларга хайрихоҳ ва чидамли муносабатда бўлади, уларнинг ижодий кучларини фаоллаштиради. Ушбу усулдан фойдаланиб тарбиячи ўқувчида ўзини ҳар томонлама кўрсата олишга ўргатадиган педагогик ҳолатни яратади.

Ушбу усулдан фойдаланиш учун тарбиячилар ҳар бир ўқувчида ўзига хос ва бебаҳо ҳислат борлигига, уни ён-атрофдагилар ва ўқувчилар ўзларини намоён қилиш учун кераклилигига ишонтиришлари керак.

Гурухнинг кундалик ҳаётида тарбиячи ўқувчилар ўз имкониятларини намоён этиш оладиган шароит яратиши керак.

Ишончдан педагогик таъсир усули сифатида таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин. Унинг моҳияти ўқувчиларга жавобгарлиги мавжуд бўлган аниқ ишни топширишдир. Ишонч ўқувчиларни қувонтиради, илҳомлантиради ва бурч ҳиссини уйғотади, шунингдек, уларда тартиб-интизомни, ташкилотчиликни, ташаббускорликни ва фаолликни мустаҳкамлайди, яъни бутун кучини тарбиячи томонидан берилган топшириқни бажаришга сарфлаш ҳиссини шакллантиради. Агар тарбиячилар ўқувчи ҳурматига сазовор бўлган бўлса, ишонч ўқувчининг хулқига кагта таъсир кўрсатади.

Қизиқарли фаолиятга тортиш. Тарбиячи ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларни қизиқарли фаолиятга тортишлари лозим. Бундай жараёнда ўқувчиларнинг қобилияти ривожланади, уларда турли яхши интилишлар туғилади.

Фаолиятга қизиқишни йўқотмаслик учун уни ҳар доим мураккаблаштириб бориш, ўқувчиларда янада кўпроқ ирода, билим ва малакаларни, жавобгарлик ҳиссини оширишга қаратилган ишларини олиб боришни фаоллаштириши лозим. Тарбиячи ўқувчиларнинг хулқини кузата туриб, фаолиятнинг ўқувчи учун қизиқ ёки қизиқарли эмаслигини аниқлаши ва уни секингина бошқа турига ўзгартиришлари керак. Мазкур усулни кенг қўллаш учун тарбиячилар ўқувчиларни таълим муассасаларида доимий ташкил этиладиган тўғарақлар, спорт секцияларига аъзо бўлишларига, турли байрамлар, тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда уларни иштирок этишларига ундашлари керак.

Енгил қойиш. Агар ўқувчининг ҳаракати тасодифий бўлса ва қасддан бўлмаса у ҳолда, тарбиячининг у билан ўтказадиган суҳбати дўстона руҳда ўтади. Одатда, бундай суҳбат вақтида шахснинг ижобий қирралари ҳам таъкидланиб ўтилади. Тарбияда енгил қойиш усулининг қўлланилиши қаттиқ жазо кутаётган ўқувчининг кўнглини кўтаради ва ўртадаги тангликни юмшатади. Бундай ҳолат ўқувчини ишонувчан, тарбиячининг сўзларига янада диққатли бўлишга, кейинги қойишларни кучлироқ қабул қила олишига ундайди. Енгил қойиш жуда кўп ҳолларда фойдаланилади. Агар ўқувчи руҳан ярадор, кўнгли ярим ёки тортинчок бўлса, тарбиячининг кўпол муомаласи ўқувчидан янада узоқлашишга, шахсий кечинмаларига ўралиб, яққаланиб қолишига олиб келади. Майин қойишнинг юмшоқ таъсирига қайсар ва таъби нозик ўқувчилар ҳам бўйсунадилар.

Жазо ўқувчиларда қилган ишларига ўқиниш ва бошқа қайтармаслик хоҳишини уйғотиши керак. Жазо ўқувчининг чидамлилигини тарбиялашда ва унинг ахлоқидаги салбий хусусиятларини йўқотишда ёрдам беради. Ўқувчини жазолаш жараёнида тарбиячи, уларда уят, хижолат, ўзгариш хоҳиши каби аниқ кечинмалар бўлишини назарда тутаяди.

Жазонинг қуйидаги турлари мавжуд:

Жазо-машиқ. Бундай жазо тўғри тарбияни ташкил қилишда ёрдам беради. Масалан, гуруҳда талабларга жавоб бермаган ўқувчилар қайтадан навбатчилик қилдириш билан жазоланади. Айбдор ўқувчи ўз бурчинини,

албатта, бажариши шартлигини, шунинг учун уни ўз вақтида ва ҳаққоний ўташи кераклигини тушунади.

Жазо-чегаралаш. Ўқувчини қандайдир хурсандчиликдан маҳрум қилинади, масалан: ўқувчи кизикарли тadbирда қатнашишдан маҳрум этилади.

Жазо-танбех. Таълим муассасаси раҳбарияти, тарбиячилари, жамоа томонидан берилган танбехни ўқувчилар жазо сифатида қабул қиладилар. Ўқувчилар танбех эшитиб қолиш мумкинлигидан ўз бурчаларини бажаришга, шўхликлардан ўзларини тийишга тайёр бўладилар.

Жазо-шартлилик. Бу жазо айбдорда нохуш кечинмалар уйғотади, чунки, у жазоланган ҳисобланади ва жамоада унинг обрўсини туширишга олиб келади. Агар ўқувчи умуман тартибли бўлса ва жамоанинг шаънини ҳурмат қилса, бундай турдаги жазо унга ижобий таъсир этади. Тарбиячилар ҳамда катталарнинг ўқувчи қилмишини баҳолашда ғазабли, совук қарашлари, совук оҳангда муносабатда бўлишлари ва сўзларининг ўзи кўп ўқувчилар учун жазо ҳисобланади.

Педагогик таъсирнинг энг ўткир қуроли сифатида тарбиячилар жазони ҳар томонлама чуқур ва ҳар томонлама ўйлашлари, сўнгра уни тарбия жараёнида қўллашлари лозим.

Тарбиячилар ўқувчининг кечинмалари ва хулқидаги ўзгаришларига қараб танлаган усулларининг амалий натижасини кўрадилар.

Огоҳлантириш. Огоҳлантиришда тарбиячилар ўқувчи хулқини ўзгартирмаса, унинг оқибатларини очиб берадилар. Бу таъсирнинг мазмуни шундаки, тарбиячилар ўқувчида хавотир уйғотади ва унинг негизида нохуш оқибатларни йўқотиш хоҳишини уйғотади ва бунинг оқибатида ўқувчининг хулқида жавобгарлик ҳисси туғилади. Огоҳлантириш жараёнида ўқувчига айтилган сўз мазмунидан ташқари тарбиячининг жиддий, таъсирчан, баъзан айтилаётган сўзнинг қаттиқ оҳанги ҳам муҳимдир.

Юқорида биз педагогик таъсирнинг баъзи усуллари ҳақидагина тўхталдик. Тарбия амалиётида педагогик таъсирнинг қайд этилган бошқа усуллари ҳам фойдаланиш мумкин. Шунинг таъкидлаш керакки, мавжуд педагогик таъсир усулларидан ташқари ҳар бир тарбиячининг педагогик тажрибасига асосланган ўзига хос педагогик таъсир усуллари ҳам бўлиши мумкин.

Таълим муассасасининг кундалик фаолиятида тарбиячилар доимо ўқувчиларнинг хулқини тузатиб туришлари, шахсидаги керакли хислатлар ва характерларидаги мавжуд хусусиятларини ривожлантиришлари, камчиликларини йўқотишга ҳаракат қилишлари лозим. Бунинг учун тарбиячилар мос равишда педагогик таъсирнинг турли усулларидан фойдаланадилар. Бундай тарбия жараёни учун мос келадиган таъсир усулини танлаш учун аввалдан ҳатти-ҳаракатнинг характери ва сабабларини, ўқувчининг руҳий ҳолатини аниқлаш керак, бу ўз навбатида, ушбу ҳаракатнинг психологик таҳлилини ўқувчи тарбияси билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни тақозо этади.

Педагогик ҳолат тарбиячининг мақсадига биноан тузилади. *Биринчидан*, тарбиячи қўллашга мўлжаллаган усулни амалга ошириш учун

шароитларни ҳаёлан танлаши керак. *Иккинчидан*, тарбиячи ўз ҳаракатлари ва хулқини ўйлаб кўриши керак, чунки у қўйилган мақсадига биноан ўқувчига ва унинг ишига ўз муносабатини билдиради.

Турли тарбиявий тадбирларни, ишларни тайёрлаш ва ўтказишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, шахсий фазилатлари, хоҳишлари, қизиқишлари, имконият ва шароитлари, қобилиятларини ҳисобга олиш билан бир каторда, уларнинг темпераментларининг ҳам ҳисобга олиниши ўқувчилар билан самимий муносабат ўрнатишда, уларни тушуна билишда катта ёрдам бериши, шунингдек, тарбиявий жараёни, тарбиявий ишларни самарали ва натижалли бўлишига имконият яратиши мумкин.

Бунинг учун тарбиячилар ўқувчиларнинг темпераментлари ҳақида тушунча ва билимларга эга бўлишлари керак. Қуйида мавжуд тўрт темпераментлар ҳақида қисқа маълумот бериб ўтамиз:

Сангвиниклар – сезиларли психик фаолликка эга бўлган, атрофда бўлаётган воқеаларга тез муносабатини билдирувчи, таассуротларини ҳадеб ўзгаришига интилувчи, муваффақиятсизликлар ва кўнгилсизликларни нисбатан енгил ўтказиб юбуровчи, жонли, ҳаракатчан, ифодали мимикаси ва ҳаракатлари бўлган киши *сангвиник* деб аталади. Улар янги кишилар билан тез тил топишадиган, бир иш туридан иккинчи иш турига тезда кўникадиган, бир турда бажариладиган ишларни ёқтирмайдиган, янги шароитга осонлик билан ўрганадиган, хушчакчак, ҳаракатлари шиддатли, нутқи тез, келажакка ишонч билан қарайдиган, сўзини аниқ ва маъноли килиб, имо-ишоралар билан гапирадиган кишилардир. Сангвиниклар юқори лавозимга интиладиган кишилар бўладилар.

Флегматиклар – юраги кенг, барқарор интилишларга ва кайфиятларга, доимий ва чуқур хис-туйғуларга эга, ҳаракатлари ва нутқи бир хил маромда бўлган, рухий ҳолати ташки томонда ифода этиладиган киши *флегматик* деб аталади. Флегматиклар – таъсирланувчанлиги, сустиги билан ажралиб турадилар, бир турдаги ишдан иккинчи турдаги ишга секинлик билан кўчадилар, фаолликлари кам, янги шароитга кийинчилик билан мослашадилар. Флегматиклар чидамлилиги, матонати, ўзини тута билиши билан ажралиб турадилар. Ҳаракатлари ва нутқлари суст, кўнгилсиз ҳодиса юз берганда осойишталикларини бузмайдилар. Улар сабр-тоқатли, чидамли бўлиб, сўзлаганда хотиржам, ўзга шахслар билан ҳаяжонланмай гапирадилар.

Холериклар – жуда ғайратли, ишга жуда эҳтирос билан берилган олиш қобилиятига эга бўлган, тез ва шиддатли, қизғин эмоционал «портлаш» ва кайфиятнинг кескин ўзгаришларга мойил, илдам ҳаракатлар қиладиган киши *холерик* деб аталади. Холериклар – кўтаринки руҳда ишлай оладиган, қаршиликларни енга оладиган кишилар бўлиб, уларнинг ишлаш завқи, кайфиятнинг бузилиши биланок тез ўзгариши мумкин. Холериклар сержаҳл, ўзини яхши кўрадиган, тез гапирадиган одамлар бўлиб, улар бошқалардан гапининг оҳанги ўзгарувчанлиги билан ажралиб турадилар. Холерикларнинг вазминлик даражаси худди сангвиникларникидек бўлади. Тарбиячи ва бошқаларга нисбатан ўзини тўғри тутди.

Меланхоликлар – таъсирчан, чуқур кечинмали, гап кўтара олмайдиган, аммо атрофдаги воқеаларга унчалик эътибор бермайдиган, ўзини тўхтата оладиган ҳаракатлар киладиган ва секин овоз чиқарадиган киши *меланхолик* деб аталади. Меланхоликлар тез толиқадиган ва ўзига ишонмайдиган, ташвишсиз, лекин жуда сезувчан, эҳтиёткор ва ҳушёр, ниҳоятда аразчан, жуда оз куладиган, фаолияти суст, тортинчок. кам ғайрат, арзимас сабабларга кўра кўзларидан ёш оқиб кетадиган, янги кишилар билан кийинчилик билан тил топишадиган кишилардир. Улар қулай шароитда олдига қўйилган масалаларни муваффақиятли бажаради. Агар ишда шароит, яъни вазият ўзгарса, кийинчилик туғилса, улар ўзларини панага олиб туришади. Тарбиячи меланхолик ўқувчининг фаолиятидаги камчиликлари учун унга нисбатан ёмон муносабатда бўлса, уришса, унинг руҳини тушириб юборади ва оқибатда бу шахс ўз кучига шубҳа билан қарай бошлайди.

Юқорида келтирилган темпераментлар ҳақидаги маълумотлар умумий ҳолда берилган бўлса-да, тарбиячилар ўқувчиларига нисбатан самимий муносабатда бўлишларида бу маълумотлар қўл келиши мумкин. Лекин психологларнинг таъкидлашича, ҳар бир кишида темперамент яқка тартибда учрамайди, улар албатта бири иккинчиси билан уйғунликда учрайди.

Кейинги вақтда педагог ва амалиётчилар томонидан жуда кўп тарбиявий технологиялар яратилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги амалиётда қўлланиб келинмоқда. Ўқув қўлланмага киритилган тарбиявий технологиялар, ушбу қўлланма муаллифларидан бири Р.Ишмуҳамедов томонидан яратилган бўлиб, тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича мақсадли малака ошириш курсларида, таълим муассасаларида амалий жихатдан тажрибадан ўтган ҳамда такомиллаштирилган. Қуйида тарбиявий технологиялардан баъзиларининг тавсифномалари ва улардан тарбия жараёнида фойдаланиш услубиётини баён қиламиз.

4-§. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ



4.1. Тренинглар

4.1.1. «Контакт-1» – жамоавий ҳикоя тузиш

Тренинг мақсади:

- ўқув жамоаси иштирокчиларини бир-бири билан таништириш;
- дўстона муносабат ва ижодий муҳит юзага келтириш;
- ўқувчилар ўртасидаги психологик тўсиқларни енгитишга ўргатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа: Мазкур тренинг тарбиячи ва ўқувчилар жамоасини, унинг характери, ижодий имкониятлари, қобилиятлари, ишга муносабатлари, шунингдек, педагогик жараёнда ким билан қандай ишлашни, нимага эътибор беришни, кимга нимада ёрдам беришни, кимни қувватлашни ва ш.к.ларни билишга имкон яратади.

Машғулоти ўтказиш тартиби. Машғулоти бошланишидан олдин тарбиячи илтимосига кўра ўқувчилар хонанинг киравериш жойида махсус столга тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган қоғозлардан биттадан танлаб оладилар (рақамли қоғозлар ўқувчилар сони бўйича тайёрланади) ва доира шаклида қўйилган стулларга бориб жойлашадилар.

Ўқувчилар ўз жойларини эгаллагач, тарбиячи улар билан тузиладиган ҳикоянинг мавзусини келишиб олади ёки тарбиячининг ўзи бирон бир мавзу таклиф этади (ҳикоя мавзуси ўқувчиларнинг ёши, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда саргузаштли, ҳаётий ёки ёшлар ҳаёти, одоб-ахлоқи ҳақида бўлиши мумкин).

Машғулоти, ўқувчилардан бирининг бирон бир мавзу ёки танланган мавзу асосидаги ҳикоясидан бошланиши мумкин (унча фаол бўлмаган гуруҳларда мавзу бўйича ҳикояни тарбиячининг ўзи бошлаб бериши мумкин). Ҳикояни бошлаган ўқувчи энг қизиқарли сюжетда сўзлашдан тўхтаб, «Ҳикоянинг давоми.....рақамли ўқувчида» дейди. Рақамли кўрсатилган ўқувчи ҳикояни (воқеани) тўхтаган жойидан (мавзудан чиқмаган ҳолда) бошлаб давом эттиради. Бу ўқувчи ҳам аввалги ўқувчи каби ҳикоянинг энг қизиқарли жойида тўхтаб «Ҳикоянинг давоми.....рақамли ўқувчида» дейди. Мас рақам кўрсатилган ўқувчи ҳикояни (воқеани) келган жойидан бошлаб давом эттиради. Ҳикояни сўзлаш, давом эттириш даврадаги ўқувчиларнинг ҳар бири иштирок этмагунча шу тарихи давом этади.

Тарбиячи ўқувчиларнинг сўзлаётган хикоялари бир-бирига мантиқан боғлиқ ва мазмунга эга бўлишни кузатиб боради ҳамда мавзудан мазмундан четланиш бўлса бу ҳолатни тўғрилаб боради.

Ҳикоя тузилгач, тарбиячи барчага миннатдорчилик билдиради ва керакли тавсияларни беради.

Изоҳ: ўқувчилар жамоасини яхлит бир жамоа шаклида шаклланиши ҳамда ўқувчилар ўртасидаги муносабатни самимий бўлишига ёрдам берувчи бу каби тренинглар жуда кўп, уларни ўтказиш тартиблари ҳам турли-туман. Масалан: **жамоа бўлиб эртак тўқиш** (доира шаклида даврадаги ўқувчилардан бири эртакни бошлаб беради, ёнида ўтирган уни давом эттиради, асосий шарт, ҳар бир ўқувчи эртакни давом эттиришида мантиқан боғланган фақат бир жумла ишлатади, шу тариқа ўқувчилар кетма-кет биттадан жумла айтган ҳолда эртак тўқийдилар, эртак мазмунан тугалланмагунча машғулот давом этади, ўртадаги узилишларни тарбиячи кузатиб, тузатиб боради. Масалан, бир ўқувчи: «Бир бор экан, бир йўқ экан», иккинчи ўқувчи: «Бўри баковул экан, тулки ясовул экан», учинчи ўқувчи: «Қадим ўтган замонда бир чол ва камтир бўлган экан», тўртинчи ўқувчи....).

Ўқоридаги каби «Саргузаштли хикоя тузиш» (саргузаштлар денгиз, куруклик, тоғлар, ўрмондаги воқеалар ҳақида), «Дунё бўйлаб саёҳат» (бир мамлакатдан иккинчисига боришдаги воқеалар ҳақида), «Жонажон ўлкам бўйлаб саёҳат» (вилоятлар, қир-адирлар, боғу роғлардаги воқеалар ҳақида), «Она шахрим – кўркем Тошкентим» (шаҳар кўчалари ҳақида) ва бошқа мавзулар бўйича хикоялар тузишни ташкил этиш мумкин.

4.1.2. «Контакт-2» – «Пиёла» (ўйин)



Тренинг мақсади:

- шўҳ ўйин орқали ўқувчиларни жамоага тез киришиб кетишларига имконият ва шароит яратиш;

- ўқувчилар ўртасидаги кескинлик, бегонасирашларни йўқотиш;

- ўқувчилардаги ижобий кайфиятларни кўллаб-қувватлаш;

- ўқувчилардаги ноанъанавий ижодийликка кўмаклашиш.

Тренингдан кутиладиган натижа: ўқувчилар ўртасида дўстона муносабат ва ижодий муҳитни юзага келтириш, уларнинг ижодий имкониятлари ва шахсий сифатларини очиш, ўқувчилар ўртасида психологик тўсиқларни пасайтиришга шароит яратиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: Ўқувчилар доира шаклида жойлашадилар. Тарбиячи даврада ўтирган ўқувчилардан бирига пиёла узата туриб, куйидаги топширикни беради: у кўлига олган пиёлани даврадаги ўқувчиларга навбатма-навбат бериб чиқади, лекин у ўқувчиларга пиёлани ҳар

гал хар хил усулда, кўринишда бериши, бир хиллик бўлмаслигига ҳаракат қилиши лозим. Пиёла бераётган ўқувчи янгироқ бир усул тополмаса ёки ҳаракати қайтарилса, ўқувчилар жамоаси унга кизикарли, кулгили, ёшига мос жарима топшириғи беради ва унинг ўрнига бошқа ўқувчини танлайди. Берилган барча жарималарнинг топшириқлари ўйин тугагач ижро этилади.

«Пиёла» ўйини даврадаги ҳамма ўқувчилар навбати билан ўйинда иштирок этганларидан сўнг ёки янги оригинал фикрлар тугамагунча давом этади ёки вақтга қараб тўхтатилади. Машғулот эса, ўйин давомида «жарима» олган ўқувчиларнинг ўз топшириқларини бажаришлари билан тугалланади. «Жарима» олганларнинг чиқишларидан сўнг тарбиячи ўқувчилар билан ўтказилган машғулотга яқун ясади.

4.1.3. Хоккей (ўйин)




Тренинг мақсади: ўқувчиларни ўйин элементи орқали савол тузишга, саволларга жавоб беришга, уларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини мустақил, мантқан оғзаки баён қила олиш кўникмаларини шакллантириш, ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириш, турли мавзулардаги билимларини кенгайтириш, нотиклик санъати элементлари билан таништириш, яққа, гуруҳда ишлашга имконият яратиш.

Тренингдан кутиладиган натижа: ўқувчилар турли мавзулардаги ахборотлар билан танишадилар, савол тузиш ва жавоб беришга ўрганадилар, ўз фикрларини тўлиқ ва тўғри баён этиш, кўп ахборот, маълумотлардан хабардор бўлиш кераклигини тушунадилар, мустақил равишда саволлар тузиш ёки уларни топишга қизиқиш уйғонади.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Тарбиячи ўқувчиларга машғулотни ўтказиш тартибини тушунтиришдан бошлайди. Сўнгра ўқувчиларни хоҳишларига кўра (символ (турли белги)лар ёки расмлар ёки рақамлар ёзилган қоғозлар, рангли қоғозлар ёрдамида) 4 та гуруҳга бўлади: 2 та гуруҳ 6 кишидан иборат, қолганлари эса тенг иккига бўлинади. Тарбиячи спорт мусобақаларидан «Хоккей» ўйини ва унинг ўйин қоидалари билан ўқувчиларни таништиради ва 6 кишилик гуруҳларни спорт жамоаси сифатида қуйдаги ролларга бўлади: 3 киши – «марказий ҳужумчи» (МХ), 2 киши – «химоячи» (Х), 1 киши – «дарвозабон» (Д).

Уларни шу тартибда жойлаштирилган стулларга ўтиришни таклиф этади: биринчи қаторда – «марказий ҳужумчилар» (3 киши), иккинчи қаторда (улар орқасида) – «химоячилар» (2 киши), учинчи қаторда (улар орқасида) –

«дарвозабон» (1 киши). Бу жамоанинг каршисига худди шу тартибда иккинчи жамоа жойлашади. Қолган ўқувчилар жамоалар жойлашган майдоннинг икки томонига «ишқибозлар» ва «захира ўйинчилар» сифатида жойлашадилар. Томонларнинг бири бир жамоани, иккинчиси эса иккинчи жамоани ўйин давомида қўллаб-қувватлаб турадилар.



Тарбиячи ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб жойлаштириб бўлгач, ҳар бир жамоа ўзига сардор сайлаб олишини илтимос қилади ва машғудотнинг асосий қисмига ўтиб, ўйин тартибини тушунтиради.

Жамоалар бир-бирларига бугунги манғулот мавзуси бўйича ажратилган вақт давомида 3 тадан савол, ишқибозлар эса «рақиб» жамоа аъзоларига биттадан савол тайёрлайдилар. Саволлар очик (изоҳли жавобни талаб этувчи) ёки ёпик саволлар (аниқ жавобни талаб этувчи) бўлишини тарбиячи ўқувчилар билан ўйин бошланиши олдидан келишиб олади. Саволлар тайёр бўлгач, ўйин бошланиши ҳақида бонг урилади (ёки сигнал берилади) ва жамоалар қўлига кичик копток берилади, ўйин давомида бу копток қўлдан қўлга ўтиб туради. Тарбиячи бу ўйинда «хакам» ролнида бўлиши мумкин.

Ўйин қондаси қуйидагича: судья аввал «куръа» ташлаб, қайси жамоа биринчи бошланиши аниқлаб олади, бошловчи жамоага ўйин коптоғини беради.

Ўйиннинг биринчи тайми бошланади ва бунда биринчи бўлиб ўйин бошлаган жамоанинг «марказий ҳужумчиси»лари, иккинчи жамоанинг «марказий ҳужумчилари»ига савол берадилар, ўйлаб кўриш учун 3 дақиқа вақт берилади. «Рақиб» жамоанинг «марказий ҳужумчилари» саволга жавоб беришса, судья ғолибликни уларга бериб ҳисобни 1:0 деб эълон қилади, бу ҳолда иккинчи жамоага шу тартибда ўйинни давом эттиришга имкон берилади, агар жамоанинг «марказий ҳужумчилари» 3 дақиқа давомида жавоб бера олмасалар, қўлларидagi коптокчани орқада ўтирган «ҳимоячи»ларга беришади, уларнинг ўйлаб кўришлари учун судья 2 дақиқа вақт беради. «Ҳимоячи»лар саволга жавоб беришса, бу жамоа ғолибликни олади ва ўйинни иккинчи жамоа худди шу каби давом эттиради, агар жавоб

бериша олмаса, улар коптокчани оркада ўтирган «дарвозабон»га беришади. Судья «дарвозабон»ни ўйлаб кўриши учун бир дақиқа вақт беради, агар у жавоб бера олса, жамоа голибликни қўлга киритади, иккинчи жамоага янги ўйин бошлашга рухсат берилади, жавоб бера олмаса жамоа мағлуб деб топилади, лекин жамоа ўзининг «ишқибозлар»идан ёрдам олиши мумкин. «ишқибозлар» жавоби тўғри бўлса, жамоа голибликни қўлга киритиши мумкин, у ҳолда иккинчи жамоа ўйинни давом эттириши мумкин, агар шунда ҳам жавоб топилмаса, иккинчи жамоа ўйинни янгидан юқори тартибда давом эттиради. Умуман олганда, ҳар гал жамоа аъзолари саволга жавоб беришда қийналиб қолсалар, ўз «ишқибозлар»идан ёрдам олишлари мумкин ёки жамоа аъзоларидан бири ўйинчи сифатида даражаси наст бўлса, жамоа капитани «захира ўйинчилар» билан алмаштириши мумкин. Судья ўйин давомида белгиланган вақтнинг тўғри бажарилишини назорат қилиб боради, вақт чегарасидан чиқиб кетишга йўл қўймайди.

Ўйинда «марказий хужумчилар»нинг бир-бирларига берган саволлари қандай натижа беришидан қатъий назар, ўйиннинг иккинчи тайми бошланади.

Ўйиннинг иккинчи тайми «ҳимоячилар»нинг саволларидан бошланади ва биринчи таймда ўтказилган ўйин тартиби каби давом эттирилади. Саволларнинг жавобини ўйлаб кўриш учун юқоридаги каби «марказий хужумчилар»га -3 дақиқа, «ҳимоячилар»га – 2 дақиқа, «дарвозабон» учун – 1 дақиқа ажратилади. Иккинчи тайм тугагач, ўйиннинг учинчи тайми бошланади.

Ўйиннинг учинчи тайми «дарвозабон»ларнинг бир-бирларига берадиган саволларидан бошланади, унинг давоми 1-2-таймдаги тартиб асосида ўтказилади.

Ўйиннинг 4-5-таймлари «ишқибозлар»нинг бир-бирларига ёки «рақиб» жамоага савол беришлари билан давом эттирилиши мумкин.

Жамоаларнинг тайёрлаган саволлари тугагач, ўйин тўхтатилади ва умумий ҳисоб эълон қилиниб, голиб жамоага миннатдорчилик билдирилади ёки совға берилади. Тарбиячи ўқувчилардан ўйин ҳақидаги фикрларини аниқлайди ва ўз фикрларини билдирган ҳолда машғулоти тугатади.

Изоҳ: ўйиннинг қанчалик давом этиши, унинг қай даражада аниқ кетма-кетликда белгиланган қоида ва тартиб асосида ташкил этилиши, шу билан бир қаторда, умуман ўйин учун ажратилган вақтнинг қўп ёки камлигига боғлиқ. Шуларга қараб ўйиннинг давом этиши муддатини чўзиши ёки қисқартириши мумкин. Агар ўйин муддати қисқартирилса, у ҳолда «ишқибозлар»нинг саволларини ўйинга киритмаслик мумкин.

«Хоккей» ўйинининг самараси ва натижаси уни тайёрлаш, ўтказишда тарбиячи ва ўқувчиларнинг ўйин қоидаларига тўлиқ риоя қилишлари ва ижодий ёндашувларига боғлиқ. Спорт ўйинларининг қоидалари ўйин учун асос қилиб олинади, демак, ўйин ўтказиладиган жой ҳам, стол-стулларнинг жойлашуви ҳам шунга мослашган бўлиши керак.

Ушбу машғулоти спорт ўйинларидан бири «Хоккей» ўйини шаклида унинг қонун-қоидаларига асосланиб ташкил этилиб, ўтказилса-да, ўйиннинг мавзуси фақат спорт ҳақида эмас, балки ўқув предмети, ижтимоий-сиёсий, маданий-

маърифий, тарихий, ҳуқуқий, адабиёт ва санъат, дунё воқеалари, Ўзбекистон хабарлари, экология ва гигиена ёки эркин мавзуда бўлиши мумкин.

Машғулот бошлангунга қадар тарбиячи танланган мавзу бўйича тахминий саволларни тайёрлаши, керак бўлса, улар билан ўқувчиларни олдиндан таништириб қўйиши ҳам мумкин (ўйин биринчи магуруҳба ташкил этилаётганда ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш, ўйин тартиби билан таништириш мақсадида ўтказилиши мумкин).

4.1.4. Қадамба-қадам

(умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда ОТМлар учун)

Тренинг мақсади: ўқувчиларнинг этик саводхонлигини текшириш.

Тренингдан кутиладиган натижа: ўқувчилар бир-бирига қарама-қарши сўзларни топиш орқали яхши, илиқ сўзлар ва унга қарама-қарши бўлган совуқ, ёмон сўзлар билан танишадилар, уларнинг ҳаётдаги ўрнини аниқлайдилар, бу сўзларни ўз фаолиятларида қўллаш даражасини белгилайдилар.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Машғулот «қадамба-қадам» усули асосида ташкил этилади, яъни машғулот давомида амалга оширилиши керак бўлган ҳар бир иш бир қадам деб олинади ва ҳар бир қадамда ўқувчилар бирон-бир фаолиятда иштирок этадилар ёки бирон-бир иш бажарадилар. Мисол тариқасида, «Бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзларни айт» мавзусидаги тарбиявий машғулотни ўтказиш тартибини келтирамиз:

1-қадам - ўқувчилар тарбиячи томонидан таркатма материалда ёзилган сўзларни диққат билан ўқиб чиқишлари ва ҳар бир сўзнинг қаршисида аҳамияти бўйича қарама-қарши бўлган сўзларни ёзишлари зарур:

- Яхшилик -
- Раҳмдиллик -
- Масъулият -
- Ҳаққонийлик -
- Зийраклик -
- Саховат -
- Эркинлик -
- Адолат -

2-қадам - ўқувчилардан ҳар бир сўзга таъриф бериш талаб қилинади.

3-қадам - гуруҳларга бўлиниб, келтирилган сўзлар иштирокида ҳикоя ёки эртак тузиш тавсия этилади.

4-қадам - гуруҳларда бир-бирларининг ҳикоялари (эргаклари) юзасидан савол-жавоблар ўтказилади.

5-қадам - гуруҳ ишлари ўзаро баҳоланади.

6-қадам - тарбиячи машғулотни якунлайди.

4.1.5. Педагогиада

(малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ЎМКХТМ, ОТМлар учун)

Тренинг мақсади: ўқувчиларни эркин, мустақил, танқидий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуби ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммосининг ечимини топишга ҳамда керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир этишга, уни маъқуллашга, шунингдек, берилган муаммонинг ечишга, мавзуга умумий тушунча беришга, шунингдек, ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа: ўқувчилар бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот оладилар, таққослаш орқали муаммоларни ечимини топишга, айни пайтда берилган мавзунинг ҳар бирини алоҳида нуқталарда муҳокама қилишда, яъни унинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарларини аниқлашда ўз фикрлари орқали бошқаларга таъсир этишга ўрганадилар.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Машғулот ўқувчиларни 5 та стол агрофига бир хил сонда жойлаштиришдан бошланади. Тарбиячи машғулотни ўтказиш тартиби билан ўқувчиларни таништиради ва машғулот мавзусидан келиб чиққан ҳолда асрлар давомида инсоният таълим-тарбия билан шуғулланганлиги, ҳар бир даврдаги тарбия ўзининг услубийлари, тамойиллари, мазмунига эга бўлганлиги, лекин ҳар бир давр тарбиясининг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари бўлганлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Сўнгра у аввалдан тайёрлаб қўйилган таркатма материалларни гуруҳларга таркатади, иш тартибини тушунтиради, вақт белгилайди ва керакли кўрсатмаларни беради.

Таркатма материалларнинг ҳар бирига қуйидаги мавзулардан биттаси ёзилди:

1. Ибтидоий жамоа тузуми давридаги тарбия;
2. Феодаллик тузуми давридаги тарбия;
3. Капиталистик тузуми давридаги тарбия;
4. Советлар тузуми давридаги тарбия;
5. Мустақиллик давридаги тарбия.

Тарбиячи ҳар бир гуруҳ аъзоларидан таркатма материалларга ёзилган мавзуларни биргаликда фикрлашиб, шу ҳақида билганларини ёдга олиб берилган мавзунинг ўша даврга нисбатан ижобий ва салбий томонларини аниқлашларини ва гуруҳ фикрини таркатма материалга ёзишларини сўрайди. Бу иш учун гуруҳларнинг умумий савиясини ҳисобга олган ҳолда вақт ажратилади. Гуруҳлар берилган вазифани бажаришгач, навбатма-навбат уни тақдимот қилишни бошлайдилар.

Тақдимот вақтида гуруҳ вакили ўз мавзулари бўйича ёзилган маълумотни иложи борича изоҳ бераман ҳолда барчага ўқиб эшиттиради. Қолган гуруҳ аъзолари берилаётган маълумотни диққат билан тинглаб, уни тўлдиришлари ёки савол билан мурожаат қилишлари мумкин. Барча гуруҳлар тақдими тугагач, тарбиячи берилган маълумотлар асосида уларни

умумлаштиради, қўшимчалар қилган ҳолда мавзуга яқун ясайди ва ўқувчиларни ушбу машғулотдан нималарни ўрганганликлари, нималарни билиб олганликлари ва яна нималар уларни кизиқтиришини аниқлайди.

Таркатма материалнинг тахминий намунаси

ПЕДАГОГИАДА	
Ибтидоий жамоа тузуми давридаги тарбия	
Ижобий томонлари	Салбий томонлари

4.1.6. Панорама

(умумий ўрта таълим, УМКХТМ, ОТМ, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари учун)

Тренинг мақсади: машғулоти ўқувчиларни аниқ бир муаммони яққа ҳолда (ёки кичик жамоа бўлиб) фикр юритиб ҳал этиш, счминини топиш, кўп фикрлардан зарурини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа: ўқувчилар эркин, мустақил ва мантикий фикрлашга; жамоа бўлиб ишлашга, изланишга; фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга; жамоага ўз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўрганадилар.

Машғулоти ўтказиш тартиби. Тарбиячи машғулоти **ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидлар, хатарлар:** халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия, ОИТС, эгоцентризм, ахлоқсизлик фалсафаси, «Дунё фуқаролари» – космополитизм ва **уларга нималарни қарши қўйиш:** фарзандларни асраш, ҳушёрлик, ёшларни ғоявий куроллантириш, мафқуравий иммунитетни кучайтириш, таҳдидлар моҳиятини оддий сўзлар, ҳаётий мисоллар билан тушунтириш, миллиат келажиги учун масъулиятни шакллантириш, прода, эъгикодни мустаҳкамлаш, онгли яшашга ўргатиш, ахборот тажовуз моҳиятини очиб бериш, никоҳни мустаҳкамлаш кераклиги ҳақида маълумот беришдан бошлайди. Тарбиячи машғулоти асосий мавзуси бўйича йўналтирувчи сўзида, ҳозирги кунда ёшларда мафқуравий иммунитетни кучайтиришга катта эътибор қаратилаётгани, чунки мафқуравий иммунитет – бегона, зарарли ғоялар, мафқуралар билан тўқнаш келганда унга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш, унга қарши курашишга ғоявий, маънан тайёр бўлиш имконияти эканлиги, ҳар бир одам, аввало, ҳар бир ёш ўзининг мустақил фикрига эга бўлмагунча бундай иммунитетни шакллантириб бўлмаслиги ҳақида фикр билдиради ва шу сабабдан бугунги тарбиявий

машгулотнинг мазмунини «Замонанинг глобал муаммолари» мавзуси орқали ёритиш зарурлигини тушунтиради.

Тарбиячи кириш сўзидан сўнг ўқувчиларнинг умумий сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (кичик гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани мақсадга мувофиқ). Сўнгра у ўқувчиларга машгулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартибини тушунтиради. Ҳар бир кичик гуруҳга аввалдан тайёрланган тарқатма материалларни тарқатади. Тарбиячи кичик гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда берилган жадвалда ёзилган асосий фикр «**Замонанинг глобал муаммолари**» мавзусига киритилган глобал муаммолар билан танишиб чиқиш ва улардан биттасини танлашни талаб этади. Танлаган муаммолари бўйича ажратилган бўлимга ўз фикр-мулоҳазаларини биргаликда ёзма баён этишларини сўрайди, уни бажаришга мўлжалланган вақтни белгилайди. Гуруҳлар вазифани бажаришга киришадилар. Вазифа бажарилгач, тарбиячи гуруҳлардаги тарқатма материалларни гуруҳлараро алмаштиради. Масалан, гуруҳлар сони 4 та бўлса, у ҳолда 1-гуруҳ материални 2-гуруҳга, 2-гуруҳ материални 3-гуруҳга, 3-гуруҳ материални 4-гуруҳга, 4-гуруҳникини эса, 1- гуруҳга беради ва қайтадан вақт белгилайди. Гуруҳ аъзолари столларига келиб тушган варақдаги глобал муаммолардан ёзилмай қолганидан бирини танлаб, унга ўз фикрларини ёзадилар. Вазифа бажарилгач, тарбиячи тарқатма материалларни яна гуруҳлараро алмаштиради, шу тариқа тарқатма материаллар биринчи бўлиб ёзишни бошлаган гуруҳга келиб тушмагунча тарбиячи уларни гуруҳлар ўртасида алмаштириб туради, гуруҳлар эса ҳар гал тарқатма материалдаги танланмай қолган ёки тўлатилмай қолган бўлимларни тўлатиб, ўз фикрларини ёзиб борадилар.


Тарқатма материаллар ўз гуруҳларига қайтгач гуруҳ аъзолари тарқатма материалда тўшланган барча фикрларни диққат билан ўқиб, уларни умумлаштирган ҳолда қатъий бир фикрга келади ва гуруҳ вакилларидан бирини ушбу фикрни тақдимот қилиш учун тайёрлайдилар. Тарбиячи гуруҳлардан тақдимот вақтида, айниқса, унинг ечими ва унга қарши қўйиш мумкин бўлган фикрлар, тadbирлар, ишлар, услубиётларга эътиборларини кўпроқ қаратишларини сўрайди. Тақдимот учун вақт белгиланади. Тақдимот вақтида бошқа гуруҳ аъзолари билдирилган фикрларга қўшимча қилишлари, тўлдиришлари мумкин. Тарбиячи тақдимотни самарали ва тартибли бўлишини таъминлайди.

Тақдимот тугагач, тарбиячи «Замонанинг глобал муаммолари» мавзуси бўйича фикрларни умумлаштиради, уларнинг исботи сифатида видеоматериал (имконияти бўлса) ёки фотосуратлар кўрсатиши мумкин. Тарбиячи машгулотни ўқувчиларнинг, гуруҳларнинг ишларига баҳо бериш, машгулот ҳақида ўқувчилар билдирган фикрларини аниқлаш, бўш вақтларида мустақил ўқишлари учун бадий-оммабоп адабиётлар, томоша қилишлари учун эса фильмларни рўйхатини айтиш ёки тарқатиш билан якунлайди.

***Изоҳ:** Кичик гуруҳлар сони 4 та бўлгани мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда тарқатма материаллар 3 марта алмаштирилади ва бу билан ўқув жараёни зерикарли ўтишининг олди олинади. Агар кичик гуруҳлар сони 4 тадан кўп бўлса, у ҳолда уларни икки потокка бўлиб, тарқатма материаллар*

алмашинувини ҳар бир поток ўртасида алоҳида, тақдиротни эса биргаликда ўтказиши мумкин.

Ўзаро гуруҳда ишлаш



«Замонанинг глобал муаммолари» мавзусидаги «Панорама» тренинги учун мўлжалланган тарқатма материалнинг тахминий нусхаси куйида келтирилган:

Муаммолар	Юзага келиш сабаблари	Салбий оқибатлари	Ҳал этиш йўллари	Нималарни қарши қўйиш керак	Шахсан мен (биз) нима қилишим (из) мумкин
Наркомания					
Терроризм					
Экологик инкироз					
СПИД					
Диний экстремизм					
Миссионерлик					

Изоҳ: тарқатма материалда берилган глобал муаммолар таркибини (сонини) ҳар бир тарбияч, унинг шу кундаги долзарблик даражаси, ўқувчилар гуруҳининг имконияти, савияси ва машғулот учун ажратилган вақтга қараб танлаши мумкин.


Эслатма: «Замонанинг глобал муаммолари» мавзусидаги машғулотни дарс давомида ёки синф соатида «Пинборд техникаси» ёки «SCORE» интерфаол услуби ёрдамида ҳам ташиқил этиши мумкин. Бу ҳолда глобал

муаммолардан бир нечтаси ёки аниқ биттаси танланиб, якка тартибда, кичик гуруҳ шаклида ёки жамоа бўлиб унинг ечимини топиш мумкин.

Биз қуйида «Пинборд техникаси»ни ўтказиш услугиёти ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Шу техника бўйича муаммоларни ҳал қилмоқчи бўлган тарбиячи, тарбияланувчилар ушбу услугиётдан фойдаланган ҳолда машғулотларини ташкил қилишлари мумкин.

Пинборд техникаси (инглизчадан: **pin** – маҳкамлаш, **board** – доска)

Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлашни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши ҳолатни шакллантиришга имкон беради



Тарбиячи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтани назарларини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий аклий хужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради).



Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (муқобил) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.



Гуруҳ вакиллари доскага чиқадиладар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- якқол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз варақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;
- уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши ҳолатлари ишлаб чиқилади.

4.1.7. «Муаммоли ўқувчи» тренинги (ота-оналар билан ўтказишга мўлжалланган)

Ушбу мавзудаги тарбиявий машғулот одағда ота-оналар йиғилиши шаклида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Кўпинча, таълим

муассасаларида ўтказиладиган ота-оналар йиғилиши бир хил зерикарли ва фақат ахборот бериш шаклида ташкил этилади ҳамда ўтказилади. Қуйида ота-оналар йиғилишининг барча иштирокчиларига фойдали, самарали, натижали ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалий тавсия келтирамиз. Бундай шаклдаги тарбиявий машғулот (йиғилиш) кўпгина таълим муассасалари амалиётида қўлланилиб, яхши натижалар берган.

Тренинг мақсади:

- ота-оналарга таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан ишлашда учрайдиган тўсиқларнинг тўғри ечимини топишга ёрдам бериш;

- муаммонинг моҳиятини аниқлаш малакасини шакллантириш;

- тарбиянинг баъзи услублари билан таништириш ва ўқувчилар, ўсмирлар билан ишлашда керакли услубларни тўғри танлаш йўлларини ўргатиш;

- муаммоли ўқувчиларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва улар билан ишлаш йўлларини ўргатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа:

Машғулот қатнашчилари қайсидир муаммони ечишдан аввал, ўқувчини «муаммоли ўқувчи»лар қаторига киритишдан аввал тарбиячи унинг сабабини аниқлаш ва аниқланган сабабларга кўра ўқувчини тарбиялашда қўлланиладиган усул ва услубларни танлашни ўрганадилар.

Тарбиячилар ёки ота-оналар билан ўтказиладиган бу тартибдаги машғулот (йиғилиш)ларнинг қай бири ўқувчилар билан ишлашда қанчалик тарбия услубидан хабардорлигини ва улардан қандай фойдалана билишларини аниқлашга ёрдам беради, ота-оналарга эса бундай машғулот (йиғилиш) таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида тарбиячиларнинг ўқувчилар билан ишлашларида ҳар бир тарбияланувчининг қалбига йўл топиш қанчалик мушкул эканлиги ва бу жараёнда ота-оналар тарбиячиларига ёрдам беришлари кераклигини тушунишга имконият яратилади.

Тренингни ўтказиш тартиби. Машғулот (йиғилиш) тарбиячи томонидан ота-оналарга тренингни ўтказиш коидалари билан таништириш ва уларни 3-4 кишилик кичик гуруҳларга (расмлар, рақамлар, турли белгилар ёки хоҳишларига кўра) ажратишдан бошланади.

Тарбиявий машғулотнинг давоми бир неча босқичда ўтказилади: *биринчи босқичда* тарбиячи ақлий ҳужум услубиёти ёрдамида «Қандай ўқувчиларни тарбияли, қайсыларини муаммоли ўқувчилар» дейиш мумкинлиги ҳақида ота-оналар фикрини (оғзаки метод ёрдамида) аниқлаб олади. *Иккинчи босқичда* тарбиячи кичик гуруҳлар жойлашган стол устига қўйилган қоғозларга гуруҳ аъзолари биргаликда маслаҳатлашиб, муҳокама қилиб тарбияли ўқувчиларнинг характер хусусиятлари (одобли, завоқатли, аълочи, фикрловчи, меҳнатсевар, ижодкор ва ш.к.) бўйича ўз фикрларини ёзишларини сўрайди. Бу иш учун тарбиячи 7-10 дақиқа вақт ажратади. Гуруҳлар ишларини тугатгач, ҳар бир гуруҳ вақти навбати билан тайёрланган материални доскага илтиб ёки гуруҳда турган ҳолда барчага ўқиб эшиттиради.

Учинчи босқичда тарбиячи гуруҳлардан муаммоли ўқувчиларнинг характер турлари (дангаса, уйкучи, ўқишга кизикмайдиган, олифта, бетга чопар, баҳоначи, ёлғончи ва ш.к.)ни коғозларга ёзиб, тайёрланган материал билан ҳаммани таништиришларини сўрайди (бу бўлимнинг ташкил этилиши иккинчи бўлимдаги каби бўлади). *Туртинчи босқичда* тарбиячи гуруҳлар томонидан «Муаммоли ўқувчи» шахсий характер хусусиятлари ёзилган коғозларни гуруҳларга аралаштириб таркатади ва ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан коғоздаги «Муаммоли ўқувчи» характер турларидан биттасини танлаб олишларини ва берилган махсус таркатма материал (жадвал)ни тўлатишларини сўрайди. Бу иш учун 10-15 дақиқа вақт ажратилади.

Таркатма материал намунаси қуйидагича бўлиши мумкин:

Муаммоли ўқувчи характер хусусиятлари	Ўқувчининг «муаммоли» бўлиши сабаблари	Сизнинг ҳаракатларингиз
Дангаса (ўқишга нисбатан)	Уйда анқ бир тартибда дарс тайёр лаш ёки ўз кунини тартиб асосида ташкил этишга ўрганмаган, ота-оналар томонидан бунга кам эътибор ва назорат қаратилгани ёки...	Тарбиячи томонидан ўқувчининг уй шароити ва кизикишини ўрганиши, ота-оналар эса ўз ўқувчисига шароит яратиши ва доимо назорат қилиши. Якка тартибда иш олиб борилиши...

Бешинчи босқичда машгулотда иштирок этаётган ҳар бир қатнашчи ажратилган вақт ичида таркатма материалдаги жадвалда ёзган фикрларини изоҳ бермаган ҳолда (навбатма-навбат) ўқиб эшигтиради ва муаммони ечишдаги ўз ҳаракатларини ҳимоя қилади (агар тақдирот ёки ўз ишини ҳимоя қилиш пайтида кўпчилик бир хил характер туридаги муаммоли ўқувчини таҳлил қилса, ушбу саволни ечишга ҳар кимнинг ўз ёндашуви борлигини кўрсата олиши керак бўлади). Лекин, имкони борича мисоллар ҳар хил бўлишига ҳаракат қилиш керак.

Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўз материали билан барчани таништириб бўлгач, тарбиячи умумий муҳокамага ўтади.

Кейинги босқич – натижаларни чиқариш босқичидир. Тарбиячи хулоса қила туриб, «Агар яхшилаб ўйланса ва тарбиянинг усул ва услубларидан маҳорат билан фойдаланилса, ҳар бир ўқувчининг кўнглига йўл топиш мумкин» ёки «Ёмон ўқувчи туғилмайди, ёмон тарбиячи бўлиши мумкин» каби қадимий ҳикматли ҳақиқатни ёдда тутгани мақсадга мувофиқ, яъни Конфуций таъбирича: «Ўзини камол топтира олмаган инсон, ўзгалар камолотини таъминлай олмайди».

Машгулот охирида тарбиячи ота-оналарга саволлар билан мурожаат қилиб, ўтказилган иш бўйича уларнинг фикрларини аниқлайди:

- машгулот мобайнида нималарни билиб олдингиз, нималар Сиз учун янгилик бўлди?

- кейинги учрашувимизда нималарни билишни истар эдингиз?
- тарбия жараёнини такомиллаштириши буйича фикрларингиз? ва ш.к.лар.

Савол-жавоблардан сўнг тарбиячи машғулотга якун ясайди.

4.1.8. «Оғзаки журнал» тренинги

(умумий ўрта таълим мактаблари, ЎМКХТМ, ОТМ, малака ошириши ва қайта тайёрлаш институтлари учун)

Тренинг мақсади:

- ижодий фаолият малакаларини шакллантириш;
- жамоавий ижодий ишни яхлит ҳолда таниқиллаштириш малакаларини шакллантириш;
- жамоавий ижодий ишнинг турли шакллариини билишларини кўмаклашиш;
- жамоавий ижодий ишни ташкил қилиш малакаларини шакллантириш;
- «Оғзаки журнал»ни тайёрлаш ва ўтказиш буйича кўникма, малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- гуруҳнинг барча аъзоларини жамоавий ижодий ишга жалб этиш йўллариини ўргатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа:

Ушбу тренинг тарбиячи, ўқувчиларга жамоавий ижодий ишни «Оғзаки журнал» шаклида ўтказиш ва тайёрлаш методикаси, жамоавий ижодий ишни тайёрлаш ва жамоавий ижодий ишларни ташкил этиш ва ўтказишда ўқувчиларни қандай қилиб оммавий равишда жалб этиш имкониятларини ўргатади, шунингдек, ҳар бир ўқувчи (гуруҳ)нинг жамоавий ижодий ишни мустакил ташкил эта олиши, уларни ўтказиш режасини ўқувчилар билан ҳамкорликда туза олиши ва бажаришган ишларнинг таҳлилини ўткази олишини кўрсатади.

Машғулотни ўтказиш тарғиби. Машғулоти тарбиячинини яқинлашиб келаётган халқ байрами ёки гуруҳ ўқувчилари томонидан режа асосида ўтказиладиган тadbир ҳақидаги суҳбатдан бошланади.

Ўқувчилар ўзлари ёки тарбиячининг таклифи асосида (оғзаки савол-жавоб ёки ёзма шаклда) бирон-бир тadbир белилаб олишади. Сўнгра ушбу тadbирда нималар ҳақида сўз юритилиши, қандай чиқишлар бўлиши, аввал шу каби ўтказилган тadbирдан нимаси билан фарқлашини, уни қандай ташкил этиш, ўтказиш, барчаланинг иштироки қандай бўлиши ҳақидаги фикрлар алмашинади. Бир тўхтамага келиншандан сўнг тарбиячи ўқувчилар билан биргаликда тadbирнинг мантикий кетма-кетлиги, яъни режасини белилаб олади. Масалан: «Наврўз баҳор байрами» мавзусидаги байрам тайёрланиши мўлжалланган бўлса, тарбиячи ўқувчилар билан ўз суҳбатини куйидагича ташкил этиши мумкин:

«Хурматли ўқувчилар, биз, «Наврўз» ҳақидаги бор билганларимизни оғзаки ҳикоя шаклида фикрлашиб, унинг умумий режасини тузиб оламиз. «Наврўз» ҳақидаги ҳикоямизни нимадан бошлаш керак? У қандай кетма-

кетликда бўлиши керак? ёки Қандай саҳифалардан иборат бўлиши керак? деган саволларга жавоб топа олишимиз керак». Кириш сўзидан сўнг ақлий хужум методидан фойдаланган ҳолда тарбиячи, ўқувчилар томонидан эркин пйгилган барча фикр, мулоҳаза ва ғояларни ватманга, доскага ёки экранга ёзиб боради. Биргаликдаги муҳокамадан сўнг ўқувчилар ҳикоянинг ягона режа-лойиҳасини тасдиқлайдилар. Тарбиячи ўқувчиларга ушбу режа ўзига хос оғзаки журнал саҳифаларига ўхшашлиги боис ўқувчилардан ушбу оғзаки журналга ва унинг ҳар бир саҳифасига ном беришни таклиф қилади. Ишнинг кейинги босқичи бошланиши учун ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз имконияти, хоҳишига кўра биттадан журнал саҳифасини ташлаб олишларига имконият берилади. Танланган саҳифаларни мазмунига қараб тайёрлашлари, шу саҳифада сўзланадиган, кўрсатиладиган мазмунни ишлаб чиқишлари ва уни намойиш этишлари тушунтирилади. Шу билан бир қаторда тайёргарлик вақтида гуруҳлар ўзлари танлаган саҳифа мазмунини ёритишнинг усуллари, шакллари ҳамда қандай тақдимот қилиш йўлларини аниқлайдилар ва уларни бажариш учун тайёргарлик кўрадилар.

«Наврўз – баҳор байрами» оғзаки журнали куйидагича бўлиши мумкин (гуруҳлар томонидан умумий муҳокамада келишилган ҳолда тузилган режа-лойиҳа тахминан куйидагича бўлиши мумкин):



1-саҳифа. «Ассалом, Наврўз!» саҳифаси.

Бу саҳифада Наврўз байрами, унинг тарихи, ўзига хос хислатлари, табиати, бошқа байрамлардан фарқи, унинг гўзаллиги, таровати ҳақидаги маълумотлар адабий-музыкавий композиция шаклида, кўклам кўринишлари, видеофильм, баҳорий куй ёки кўшиқлар иштирокида тайёрланади ва ўтказилади.

2-саҳифа. «Наврўз ва баҳор фасли байрамлари» саҳифаси.

Бу саҳифада Наврўзнинг кичик байрамлари «Қушлар байрами», «Бойчечак байрами», «Толбаргак байрами», «Кўк майса байрами», «Варрақлар ва оқизоқлар байрами», «Аския пайровлари байрами», «Айтншувлар байрами», «Гўзалхонлик» кечалари, шунингдек, шу фаслда таваллуд топган буюк аломалар, донишманд ва мутафаккирлар ҳамда Ўзбекистонда нишонланадиган халқ байрамлари ҳақидаги маълумотлар тadbирда иштирок этаётганлар билан жонли мулоқот, савол-жавоб,

интервью шаклида ёки фильмлар, слайдлар намойиш қилиш орқали кўрсатилиши мумкин.

3-саҳифа. «Наврўз дастурхони» саҳифаси.

Бу саҳифада Наврўз байрами дастурхонига тайёрланадиган баҳор таомлари, уларнинг тарихи, тайёрланиши, дастурхонга тортилиши, меҳмон кутиш ҳақидаги маълумотлар «таомлар кўрғазмаси» ёки «онла дастурхони», ёки «ошпазлар, кандолатчилар», «бахорий салатлар» танловлари саҳна кўриниши, шаржлар, пародиялар шаклида ўқувчилар иштирокида уларнинг амалий ижроси орқали намойиш этилиши мумкин.

4-саҳифа. «Наврўз – дўстлик, қардошлиқ байрами» саҳифаси.

Бу саҳифада таълим муассасида таҳсил олаётган турли миллат вакилларининг чиқишлари (ёки ўқувчиларнинг ўзлари шу ролларда) уларнинг миллий урф-одатлари, ибослари, санъатлари, анъаналари ҳақидаги маълумотлар «Дўстлик фестивали ёки карнавали» шаклида тайёрланади ва ўтказилади.

5-саҳифа. «Наврўз – бахт-саодат, шодлик байрами» саҳифаси.

Бу саҳифа халқ сайли шаклида тайёрланади, ўтказилади ва халқ сайлининг барча элементлари (улок, кураш, фольклор кўшиқлар, ўқувчилар фольклори, кўғирчоқ ўйини, мушоира, айтишувлар, лапар кўшиқлар, аския, топишмоқлар базми, мунажжимлар танлови ва ш.к.)ни ўз ичига олади; тантанали байрам барча керакли техник воситалар, атрибутлар, кийимлар билан намойиш этилади.

6-саҳифа. «Наврўз ва баҳор либослари» саҳифаси.

Бу саҳифа «Модалар театри» кўринишида ўқувчилар иштирокида тайёрланади ва ўтказилади. Ўқувчилар миллий либослар, байрам либослари, кундалик ва иш либослари, куёшли ва ёмғирли кунларнинг либослари, ўқувчилар, ёшлар ва катталарнинг баҳорий кийимлари, пойафзаллари, тақинчоқлари, соябонларини мусиқа куйлари, кўшиқлар остида намойиш этадилар. Меҳнат тарбиячиси ёки ўқувчилардан бири намойиш этилаётган либослар, пойафзаллар, тақинчоқларга мутахассис сифатида фикр билдириб боради (бу саҳифада ўқувчилар ўзлари тиккан кийимларни ҳам намойиш этишлари ёки уларнинг жонли кўрғазмасини ташкил этишлари мумкин). Шу саҳифада бошқа миллат вакилларининг миллий либослари ҳақида маълумот берилиши ёки кўрсатилиши мумкин.

Гуруҳларнинг чиқишлари тугагач, тарбиячи ўқувчилар билан биргаликда намойиш этилган саҳифаларнинг ижобий ва салбий томонларини муҳокама қилади, улардан ушбу шаклдаги тадбир уларни нимага ўргатгани ва улар нималарни билиб олишгани билан кизиқади. Керакли тавсиялар ва тушунчалар беради, сўнгра машғулотни яқунлайди.

***Изоҳ:** ушбу ёки шунга ўхшаш оғзаки журналлар бир жуфтлик (ёки 80 дақиқа) довомида бор имкониятдан фойдаланиб ўтказилиши мумкин. Гуруҳларнинг ҳар бир саҳифани тайёрлашлари ва намойиш этишлари учун алоҳида вақт белгиланади. Саҳифалар мазмунининг катта ва кичиклиги ҳамда намойиш этишининг қийин ва осонлигига қараб гуруҳларга тайёрланиши ва намойиш этиши учун вақт белгиланади.*

Юқорида келтирилган «Оғзаки журнал» ёки шу каби услубларни ўрганишга мўлжалланган машғулотларни тренинг ёки факультатив машғулот шаклида ўтказиш мумкин. Лекин ўқувчилар гуруҳининг катта тадбири сифатида ўтказишда тарбиячи аввал ўқувчилар билан оғзаки журнал мавзуси, мазмуни, саҳифаларини белгилаб олиши ва уларни тайёрлаш учун бир неча кун (ёки ҳафта) ажратиши керак. Вақти-вақти билан ўқувчилар томонидан саҳифаларни тайёрлаш жараёни билан кизиқиб туриши ва керакли ёрдам, тавсияларни бериб бориши лозим. Барча гуруҳлар тайёр бўлгач, оғзаки журнал яхлит ҳолатда бир вақт (бир соат)нинг ўзида саҳифалар кетма-кетлигида саҳнада ёки очик манзарали жойда кўрсатилиши мумкин.

«Оғзаки журнал» таълим муассаси негизда ўтказиладиган бўлса, журнал мавзуси, мазмуни, саҳифалари аниқ бўлгач, ҳар бир саҳифани ўқув гуруҳларига бўлиб бериб, тайёргарлик учун вақт ажрагади. Тайёргарлик тадбири тайёр бўлгач, ҳар ҳафтада битта саҳифани қулай шароит, қулай жойда намойиш этиш мумкин. Оғзаки журналга бундай ёндашув таълим муассасаси ўқувчи ва тарбиячиларини ушбу ишга оммавий жалб этиш имкониятини беради.

Масалан, «Оғзаки журнал» мавзулари қуйидагича бўлиши мумкин: «Ўзбекистон–Ватаним маним», «Гўзал шахрим – она Тошкентим», «Барча касблар жуда яхши, хоҳлаганингни танлаб ол!», «Дунё хабарлари», «Ҳар соҳадан бир шингил», «Замонавий либослар, рақслар» ва ш.к. лар.

«Оғзаки журнал» тренингининг бошқа тарбиявий тренинглардан фарқи шундаки, унинг ҳар бир саҳифаси ҳар хил жанрлар, кўринишларда (адабий-мусикавий, юмор, интермедия, сахналаштирилган саҳна асари, рақсли композиция, мушоира, тортишув, цирк чиқишлари ва ш.к.) бўлиши ҳамда кўп ўқувчиларнинг иштирок этиши олиш имконияти борлигидадир.

4.1.9. Зарарли одатлар музейи

(умумий ўрта таълим мактаблари, ЎМКХТМ, ОТМ, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институлари учун)

Тренинг мақсади: зарарли одатлардан воз кечишимиз кераклигига ўқувчиларда ишонч уйғотиш, зарарли одатларга тўғри баҳо беришга ўргатиш, зарарли одатларга қарши кураш йўллари билан таништириш ва ўргатиш.

Трениндан кутиладиган натижа: ўқувчилар зарарли одатлар билан танишадилар, уларнинг ҳаётда қанчалик зарарли эканлигига ишонч ҳосил қиладилар, улар билан курашиш ва тузатиш йўллари, зарарли одатларга бепарво бўлмасликни ўрганадилар.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Тарбиячи машғулотни Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китобида берилган «яхши ва ёмон одатлар» ҳақидаги фикрларидан бошлайди. У одат гуруҳлари, уларнинг шахсага бўлган таъсири ҳақида ўқувчилар билан фикр алмашади. Доскада, флипчарт тахтасида ўқувчилар санаб ўтган ёмон одатларни тўплайди. Тарбиячи буларни, таъсирини камайтиришда қандай ишларни амалга ошириш, нималарни ташкил этиш, ўтказиш мумкинлигини аниқлайди ва

ёмон одатлар шахсга таъсир этмаслиги учун уларни умуман музейга экспонат сифатида топшириб юбориш керакдир, деган фикрни ўртага ташлаб, қандай ёмон одатларни музейга топшириш мумкин деб, ўқувчиларга савол билан мурожаат қилади. Ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиши, уларни умумлаштириши ва шу хонада «Ёмон одатлар музейи»ни ташкил этиб кўриш мумкинлигини айтади. Ўқувчилар розилигини аниқлагач, тарбиячи уларни гуруҳдаги ўқувчилар сонига қараб кичик гуруҳларга ажратиш юбориши ва уларга «Ёмон одатлар музейи» лойиҳасини яратишни, музейга топшириш мумкин бўлган зарарли одатлар рўйхати, музейнинг бўлимлари ва уларда қандай экспонатлар бўлиши ҳақида фикр-мулоҳаза юритишларини, вужудга келган таклифларини ёзма ёки оғзаки шаклда баён этишларини тушунтиради. Вакт белгилайди.

Гуруҳлар вазифаларни бажариб бўлишгач, бирин-кетин ўзлари тайёрлаган материалларни тақдимот қиладилар. Тақдимот тугагач, тарбиячи ўқувчилар билан биргаликда энг яхши ва бажарилиши мумкин бўлган таклифни танлаб олади. Бир оз танаффусдан сўнг ўқувчилар тарбиячи ёрдамида танлаб олинган таклиф асосида шу хонада «Ёмон одатлар музейи»ни ташкил этишни бошлайдилар.

Белгиланган тартибда музей тайёр бўлгач, гуруҳлардан музей экскурсоводлари тайинланиб, улар музей бўйлаб экскурсия ўтказадилар ва ҳар бир бўлим ва экспонатлар ҳақида маълумот берадилар. Музей материаллари билан барча танишиб бўлгач, тарбиячи машғулотга яқин ясайди ва ўқувчиларнинг машғулот ҳақидаги фикрларини аниқлайди.

***Изоҳ:** агар ўқувчилар томонидан керакли ва етарлича таклифлар тушмаган бўлса, у ҳолда тарбиячи томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган таклифлар билан ўқувчиларни таништирилади ва шу асосда музейни ташкил этишни бошлаш мумкин.*

Бунинг учун:

1. Музей барча ўқувчилар, тарбиячилар, таълим муассасаси ходимлари, ота-оналар учун қулай жойда эркин ҳаракат қилишга мўлжалланган бўлиши.

2. Унда иккита катта:

- яхшиликка етакловчи одатлар;
- ёмонликни акс эттирувчи одатлар бўлимларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир бўлим ўз навбатида қуйидаги кичик бўлимларга бўлиниши мумкин:

- донишманд, мутафаккирлар фикрлари тўпланган адабиётлар намуналари (ёки рўйхати);

- яхши ва ёмон (зарарли) одатларнинг оилада, кўчада, таълим муассасасида, ўқув машғулотлари жараёнида ҳамда яқинлари, ўртоқлари билан муомалада кўриниши;

- тарбияга салбий таъсир этувчи предметлар: оилада, ўқув хонасида, таълим муассасасида, касб йўналишида (сақич, уяли телефон, роғатка, шпаргалка);

- предметлар кўрғазмаси, таълим муассасасида учрайдиган, эшитиладиган ёмон одатлар фонотекаси, видеоролиги;
- яхши ва ёмон одатлар рўйхати (масалан, саломлашиш, транспортда катталарга жой бериш ёки инжиқлик, чекиш, ичиш ва ш.к.);
- мулокот сўзлари (жаргон сўзлар, лакаблар, гап кайтаришлар, луқмалар ва ш.к.);
- таълим муассасаси ходимларининг ёмон одатлари (бакириш, лакаб қўйиш, туртиш ва ш.к.)
- экспонатлар (умуман муомалани билмайдиган киз ёки йигитнинг фотосурати, 10 мартадан ортиқ транспортда катталарга, ёш ўқувчиларга жой бермаган ўқувчи сурати, 3-4 йил давомида ўқишга битта дафтар билан катнаган ўқувчининг «тарихий» дафтари, ишаргалкаларнинг турли хил кўринишдаги намуналари, дардан бошқа мақсадда 50 мартадан ортиқ ишлатилган бўр, кўрсаткичлар намунаси, уйқудан уйғотаман деб йиллар давомида жиринглаган будильник, пенсияга чиққан камар ва ш.к.)

Эслатма: ушбу машғулотдаги фикрлар асосида (лозим топилса, тарбиявий мақсадлардан чиқмаган ҳолда) материаллар ёрдамида таълим муассасасларида «Зарарли одатлар ва улар билан кураш йўллари» бурчагини ёки хонасини ташкил этиш мумкин.

4.1.10. Саҳна

(умумий ўрта таълим мактаблари, ЎМКХТМ, ОТМ, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари учун)

Тренинг мақсади:

- ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини очиш;
- ўқувчиларда ташкилотчилик ва актёрлик қобилияти ҳамда маҳорати малакаларини ривожлантириш;
- саҳна маданияти, актёрлик маҳорати ва нотиклик санъатининг асосий элементларини кўрсатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа:

Бу машғулот ўқувчиларга саҳна маҳорати элементлари, талаблари ҳақида маълумот беради. Бу маълумотлар ўқувчиларга таълим муассасасида жамоавий ижодий ишлар, гуруҳда турли тadbирларни тайёрлаш мобайнида ёрдам беради. Тарбиячи, тарбияланувчилар, ташкилотчиларга эса ўқув йили давомида тadbирлар ва тарбиявий ишларини қандай йўлга қўйиш, шу билан бирга нимага эътибор бериш кераклигини билиш имконини беради.

Тренингни ўтказиш тартиби. Тарбиячи ўқувчиларни машғулотни ўтказиш қоидалари билан таништиради ва 5 кишилик кичик гуруҳларга бўлинишни таклиф қилади. Ҳар бир гуруҳ ичида катнашчиларнинг роли қуйидагича тақсимланади: саҳналаштирувчи режиссёр, бошловчи, хореограф, сценарист, ижро этувчи (қўшиқчи, раққос, юморист).

Шундан сўнг гуруҳ аъзолари топшириқлар ёзилган қуйидаги мазмундаги қарғоқчаларни оладилар (ёки танлайдилар):

- бирон-бир тadbирнинг сценарийсини тузинг;

- тузилган сценарий бўйича 30 дақиқалик адабий-музыкавий композиция тайёрланг ва уни сахналаштиринг, унда бошловчининг чиқиши, ракс ва кўшиқ ижроси, юмор, монолог, композициянинг оммавий тугалланишини кўриш мумкин бўлсин (композиция қатнашчилари кичик гуруҳларнинг барча аъзолари бўлиши мумкин);

- адабий-музыкавий композицияга мос керакли жиҳоз, музыка, кийимлар, декорацияларни танланг, шунингдек, жойни хозирланг (бу топширик кўл остидаги мавжуд нарсалар ва шу ердаги бор имкониятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади).

Кичик гуруҳлар томонидан топшириқларни бажариб тақдимот қилишлари учун 30-40 дақиқа ажратилади. Тайёргарлик тугагандан сўнг машғулотнинг кейинги босқичи – тақдимот бошланади.

Тақдимот давомида гуруҳлар ўз ижодий ишлари ва маҳоратларини намойиш этадилар.

1. Якуний босқичда тарбиячи ўқувчилар билан қуйидаги саволлар орқали бажарилган ишлар бўйича фикрларини аниқлайди:

2. Ушбу тренингдан қандай қизик нарсаларни ўргандингиз?

3. Нима ёқди? Нега? Сиз учун нима янгилик бўлди?

4. Қайси сценарий ва сахналаштириш Сизга кўпроқ ёқди? Нега?

5. Композициянинг сахналаштирилиши бўйича Сизнинг фикрингиз, ҳамма нарсга ҳисобга олинганми?

6. Бошловчилар, раксослар, кўшиқчилар, монологчилар, безакчилар ва бошқаларнинг чиқиши ҳақида Сизнинг фикрингиз;

7. Нималар устида яна ишлаш керак ва яна нималарни билиш керак деб ўйлайсиз?

8. Сиз машғулот мобайнида кўрган нарсаларингизга қандай ўзгартиришлар киритган бўлардингиз?

Муҳокама жараёнида, шунингдек, унинг якунида тарбиячи режиссура, композиция, ракс, сахна маданияти, сахналаштириш ҳақида баъзи маслаҳатларни беради.

4.1.11. «Ўйин» тренинги

(умумий ўрта таълим мактаблари, ўМКХТМ, ОТМ, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институлари учун)

Тренинг мақсади:

- ўқувчиларни ўйиннинг ҳар хил турлари билан таништириш;

- ўйин ташкил қилиш ва ўтказиш услубини кўрсатиш;

- ўйиннинг тарбиявий имкониятларини очиш;

- мулоқот маданияти ва биргаликдаги фаолиятни ташкил этишни шакллантириш:

- яқка тартибда, гуруҳли, оммавий ўтказиладиган ўйинлар ҳақида маълумот бериш;

- тарбиявий ишга ўйин элементларини тўғри танлаш ва ишлата билиш кўникма, малакаларини шакллантириш.

Тренингдан қутиладиган натижа:

Тарбиячилар ва ўқувчилар ўйинлар ҳақида маълумотга эга бўладилар, ўйинларни қандай ташкил қилиш, ўтказишда нималарга эътибор бериш кераклигини билиб оладилар, улар ҳақида керакли тавсиялар эшитадилар ва ималиётда кўрадилар. Ўйин ва уни ишлата билиш, ўйинга кизиқтира олиш ва ўқувчилар билан биргаликда ўйнай олиш усуллари билиш ва қўллай олиш тажрибасини беради.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Машғулот бошланишида тарбиячи тарбиявий машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради. Сўнгра у ақлий хужум услубининг қўллаган ҳолда ватман (доска)га ўқувчилар томонидан айtilган барча эркин фикрлар, мулоҳазалар ва ўйин ҳақидаги тушунчаларни ёзади. Кейин тарбиячи барча ёзилганларни бошқа ватман (доска)га умумлаштиради ва қуйидагича синфларга ажратади:

- ўқувчиларни ўзаро ҳамда тарбиячи билан дўстона яқинлаштиришга йўналтирилган ўйинлар;

- сўз ўйини;

- қўшиқ билан ижро этиладиган даврадаги ўйинлар;

- заковатли (интеллектуал) ўйинлар;

- хотира, нутқ ва фикрлашни ривожлантирувчи ўйинлар;

- оммавий, гуруҳий, мажмуавий ўйинлар ва ш.к.лар.

Тарбиячи ўқувчилардан 2-3 кишилик кичик гуруҳларга бўлинишларини ва ўйинлар синфларидан бирор йўналишни танлаб олишларини илтимос қилади. Кичик гуруҳ аъзолари ўйин турларини танлаганларидан кейин, тарбиячи улардан танлаган йўналишларининг мазмуни бўйича бир ёки иккита ўйинни тайёрлашлари, тайёрланган ўйинларни эса машғулот иштирокчлари билан ўтказишлари кераклигини, бунда аудитория билан ўтказиладиган ўйинлар услубига, яъни, аудитория эътиборини ўзига тортувчи услублардан фойдаланиш ва мусиқий безаш, аниқ талаффуз, кувноклик, шўхчанлик, самимийлик кайфиятига эътибор беришларини илтимос қилади.

Тайёрланишга 20 дақиқа ажратилади. Тайёргарликдан кейин тақдимот бошланади. Тақдимотга тайёрланиш пайтида кичик гуруҳлар керакли жиҳоз, предмет ва плакатларни тайёрлашлари керак. Кичик гуруҳлар навбат билан ўз ижодий ишларини кўрсатадилар ва машғулотдаги ўқувчилар билан ўйин ўтказадилар.

Тақдимотдан кейин тарбиячи машғулотда ишлатилган ўйинлар ҳақида ўқувчилар билан ҳамкорликда суҳбат ўтказилади, бажарилган ишларнинг ижобий ва салбий томонларини муҳокама қиладилар. Тарбиячи ўйин ташкил қилиш ва ўтказишга тегишли бўлган тавсиялар, тушунчалар беради, ўйин ўтказиш услубининг баъзи жиҳатларини очади ҳамда керакли маслаҳатлар бериб, яқинлайди.

Юқорида тарбиячиларга услубий ёрдам сифатида ахборот ва тарбиявий соатлар, ота-оналар йиғилишининг тренинг машғулотлари ёки тарбия машғулотлари шаклида ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар беришга

харакат қилинди. Тарбиячилар юқорида келтирилган машғулотларни бир вариант сифатида қабул қилиб, таълим муассасасининг имконияти, шароитидан келиб чиққан ҳолда уларни ташкил этишлари ва ўтказишлари мумкин.

4.2. Интерфол услублар

4.2.1. Баҳслашув



Ўқувчиларнинг ўқув гуруҳларида уларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирларига тезлик билан кўникишлари ёки ўзаро бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари учун баъзида улар ўртасида баҳслар ташкил этиб туриш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай баҳслар ўқувчиларни ўз фикрларини чархлаб олишга, ҳаётга ва турли муаммоларга бўлган муносабатларини аниқлаб олишга катта ёрдам беради. Баҳс мавзуларини ўқувчиларнинг ўзлари танлашлари ва таклиф этишлари мумкин. Бу мавзулар уларни баҳсга чорловчи, муаммоли, кизиқарли бўлиши керак, акс ҳолда баҳс давомида ўқувчилар ўз фикрларини баён эта олмайдилар ёки баҳсга кўшилиб ўз фикрларини исботлаб, ҳимоя қила олмайдилар. Баҳслар ўқувчиларни баъзи янглиш фикрларга қарши курашишга ўргатади, атрофдаги бўлаётган воқеаларни тушунган ҳолда тўғри шарҳлашга, ўз фикрларида туришга, ноўрин фикрларга ўз вақтида қаршилиқ кўрсатишга ҳамда ҳар бир фикрни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб олишга, шу билан бир қаторда ўртоклари билан суҳбат қилиш, баҳслашиш, ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш, таъсир эта олиш маданиятига ўргатади. Баҳсларни самарали ўтиши, албатта, уларнинг олдиндан қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Биз қуйида баҳсларга тайёргарлик кўришда эътибор қаратилиши керак бўлган баъзи бир босқичларни ажратиб кўрсатмоқчимиз:

- баҳс мавзусини танлаш ва уни тасдиқлаб олиш;
- тарбиявий вазифаларни аниқлаб олиш;
- олдиндан баҳс мавзусини эълон қилиш ва баҳс давомида муҳокама қилинадиган саволларни белгилаб қўйиш;
- ўқувчиларни баҳс давомида муҳокама қилнадиган саволларини тўлароқ ёритишга ёрдам берадиган қўшимча материалларни тўплаш;
- баҳсни ўтказиш учун масъул ва бошловчиларни тайинлаш;
- баҳс ўтказиладиган жойни жиҳозлаш;

- баҳслашнинг қоидаларини рангли, кўرғазмали этиб тайёрлаш.

Баҳс қатнашчилари баҳсни ўтказиш ва унда ўзларини тута билиш, бошқара олиш тўғрисидаги **қоидалар** билан олдиндан ёки баҳс мобайнида танишиб олишлари керак. Улар қўйидагича бўлиши мумкин:

- баҳслашишдан аввал нима демокчи бўлганингни яхшилаб ўйлаб олиш;
- гапирётганда фикрларни аниқ, содда, мантқан ва кетма-кетлик билан баён қилиш;
- фақат ҳаяжонга солаётган, ишончи қомил бўлган фикрларни баён этишга ҳаракат қилиш. билмаган, ишонмаган фикрлар билан баҳслашмаслик;
- кимнингдир фикрига қўшиямаса, унинг фикрини масхараламай, унинг устидан кулмай, хатосини қўпол тарзда айтмай адолат ва юмшоклик билан баҳслашиш;
- айтилган фикрларни иккинчи бор қайтармасдан, янги фикр бўлсагина ўша фикрни баён этиш;
- баҳслашув вақтида қўлларни ҳар томонга ўйнатмасдан, овозини баландлатмасдан, бақирмасдан гапириш. Агар бошқаларни ўз фикрини гапиртирмакчи бўлсанг, уларни сенинг фикрини гапиртиришга қўшилишларини истасанг, унда сен ўз фикрининг неботига, албатта, аниқ далиллар, мисоллар келтириш;
- баҳслашаётган суҳбатдошни ҳурмат қилиш, уни хафа қилмаслик, унинг шахсига тегадиган гапларни, қилиқларни қилмасликка ҳаракат қилиш. Агар шундай қилинса, баҳслашувда фақат кучли эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки маданиятли эканлигини ҳам намойиш этади.

Юқорида кўрсатилган қоидалар чиройли ва рангли, узоқдан кўринадиган қилиб безатилган ҳолда ёзилиб, баҳс ўтадиган жойга олдиндан иилиб қўйилади ёки шунга ўхшаш қоидаларни баҳс бошлашдан олдин баҳс иштирокчилари билан биргаликда уларнинг берган таклифлари асосида тузиб, шу ернинг ўзида қоғозга (хона доскасига) ёзиб қўйиш мумкин.

Баҳс ўтаётган жойни жиҳозлаш ва безашда буюк педагог олимлар, мутафаккир ва донишмандлар фикрларини ёзиб, кўринарли жойга иилиб қўйиш мумкин. Масалан:

«Қоидани унутма:

Маънодан узоқ кетма

Гапни чўзма, оз гапир

Кен маъноли, саз гапир».

Баҳсда муҳокама қилинадиган саволлар, муаммолар ўқувчиларни ҳаяжонлантирадиган, кузонтирадиган, замонавий, уларнинг ҳаёт тарзига тегишли бўлган маъқул. Шунда, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотларида ва бошқа жойларда гапиришдан кўрқадиган, уяладиган ўқувчилар маъна шундай баҳслар давомида бемалол ўз фикрларини баён эта олишлари мумкин.

Баҳсларни кечки пайт (ўқишдан бўш вақтлар)да таълим муассасасининг ўқувчилар тураржойларидаги «Маънавият ва маърифат» хонасида ёки бирон кичик ўқувчилар «чойхона»сида, қолаверса, гулхан атресида (агар имкони бўлса) ўтказса бўлади. Табиат қўйида ташкил

этилган гулхан атрофидаги давраларда ўқувчиларнинг эркин ҳолдаги баҳслари кизиқарлироқ ҳамда ишончлироқ ўтади. Бундай пайтларда ўқувчилар ўзларини жуда эркин ҳис этадилар ва ўз фикрларини бемалол тортинмасдан, қийналмасдан айта оладилар. Гулхан атрофидаги бундай баҳсларни бир неча гуруҳлар билан ўтказиш мумкин.

Ўтказиладиган баҳсларнинг мавзуларини тузишга ўқувчиларнинг ўзлари, уларнинг ҳаётий тажриба (ёки ёшлар ҳаётидаги муаммолар, турли болалар ва ёшлар ҳақидаги асарлар, газета ва журналлардаги мақола)лари ёрдам бериши мумкин. Биз қуйида баҳслар учун баъзи бир мавзуларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

- Ҳозирги замон комил инсон деб қимни айтса бўлади?
- Маданиятли инсон деб қимни айтса бўлади?
- Сен қандай яшаяпсан? Ҳаётинг кизиқарлими?
- Ҳақиқий дўст қандай бўлиши керак?
- Менинг табиатим шундай...
- Бепарволик қардан келиб чиқади?
- Мода ва мен.
- Бепул нарсанинг баҳоси қанча?
- Нима савоб-у, нима гуноҳ? ва бошқалар.

Баҳсларни ўтказиш учун ўқувчилардан битта ёки иккита баҳс бошқарувчиси белгиланади, улар баҳсни муҳокама қилиниши керак бўлган мавзу ҳақидаги кириш сўзи билан бошлайдилар. Баҳс давомида эса бошқарувчилар баҳслашувчилар, сўзга чиқувчиларнинг билдираётган фикрларини диққат билан эшитиб, фикрлар тўкнашувини ўз вақтида очиб борадилар ҳамда умумий хулоса қилишга ҳаракат қиладилар. Баҳсни олиб борувчиларни танлаш ва уларни тайёрлашда ўқитувчиларнинг хизматлари катта. Баҳсни ўқувчилардан танланган бошқарувчилар олиб борса-да, лекин ўқитувчилар баҳс давомида уларга ёрдам беришга тайёр туришлари керак, чунки баҳс давомида турли вазиятлар, қийинчиликлар туғилиши мумкин. Одатда баҳслар ўқитувчилар томонидан муҳокама этилган ёки ечилган муаммоларни умумлаштириш ҳамда бирор керакли тавсиялар бериш ва келгусида ўтказиладиган баҳслар мавзусини аниқлаш билан тугалланади.

Баҳсларнинг самарали ўтиши танланган мавзунини муҳокама қилиш учун олдиндан тайёрланган саволларга боғлиқдир.

Баъзи бир мавзудаги баҳсларни ўтказиш учун **тахминий саволларни** келтирамиз:

1-мавзу: Маданиятли инсон деб қимни айтса бўлади?

Саволлар:

- Инсон маданияти нималардан ташкил топади?
- Маданиятли инсонга тегишли қуйидаги фазилатлардан қайси бирини биринчи ўринга қўйган бўлардингиз (хушмуомалалик, топқирлик, маълумотлилик, нотиклик)?
- Барча маълумотли инсонларни маданиятли деб аташа бўладими?

• Инсонларнинг сўзлашуви, нутқига қараб, уларнинг маданиятли эканликларини аниқласа бўладими?

- Маданиятли бўлиш учун нима қилиш керак?
- Кимларни маданиятли деса бўлади?
- Сиз ўзингизни маданиятли ҳисоблайсизми?

2-мавзу: Менинг табиатим шундай...

Саволлар:

- Табиатли ва табиатсиз – нима дегани?
- Нима учун табиатни тарбиялаш керак? Умуман тарбиялаш керакми?
- Табиатни тузатса бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак?
- Инсон табиатига у яшаётган, ўқиётган жамоанинг таъсири бўлиши мумкинми? Бўлса қандай?
- «Яхши», «ёмон» табиат. Буни сиз қандай тушунасиз?

3-мавзу: Бепул нарсанинг баҳоси қанча?

Саволлар:

1. «Бепул нарса...» Сиз бу иборани қандай тушунасиз?
2. Сиз учун бепул бўлган нарсаларнинг баҳоси борми? Бор бўлса қандай? Мисоллар келтиринг (ўқиш жойингиздан, уйдан ва бошқалардан).
3. Бепул нарсани асраш- авайлаш керакми? Нима учун?
4. Нима кўпроқ бепул ҳисобланади «Меники»ми ёки «Бизники»?
5. Сиз ўқиётган ўқув даргоҳи ўз баҳосига эгами? Сизнинг фикрингизча, у қанча туради? Бу ерда Сиз бепул фойдаланаётган нарсалар: спорт жиҳозлари, кутубхона, компьютерлар ўз қийматига эгами?
6. Агар ҳамма Сиз учун яратилган шароитдаги бепул нарсалар ўз қийматига эга бўлса, Сиз уларни қандай асраган бўлардингиз?

4.2.2. Муносабат («Мураббий ва жамоа» мавзуси мисолида)



Умумий тушунча: машғулоғ бошида ўқитувчи ўқувчиларни машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва унга қўйилган талаблар билан таништиради ва «Яхши ташкил қилинган тарбия, ҳар бир инсонни ҳаётнинг асосий учта омилига – фуқаролик, ишчи-ҳодим, оилапарвар бўлишга тайёрлайди» деган фикрни ўртага ташлайди.

Сўнгра ўқитувчи ўқувчилар орасида «Ақлий ҳужум» ўтказилади. «Ақлий ҳужум»ни ўтказиш вақтида ўқувчилар юқоридаги фикрда келтирилган шахснинг учта омили бўйича ўз фикрларини эркин ва фаол баён эта бошлайдилар.

Ўқитувчи бу фикрларни ўқув хонаси тахтасига ёки унга илинган ватман қоғозига (имконият ва шароит бўлса экранга) ёзиб боради:

Фуқаро	Ишчи-ходим	Оилапарвар

Машғулотнинг ушбу босқичи тугагач, ўқитувчи ўқувчиларга кичик гуруҳларга ажралишларини таклиф қилади. Сўнгра ўқитувчи кичик гуруҳларга ватман қоғозларига ёзилган чизма-топшириқларни тарқатади (ёки гуруҳлардан биттадан вакил уларни танлаб олишини сўрайди) ҳамда қўйилган вазифаларни бажариш, ватман қоғозлардаги бўш майдонларни қандай тўлдириш кераклиги ҳақида тушунча беради. Сўнгра ўқувчилар ватман қоғознинг юқори қисмига ёзилган асосий мавзудан келиб чиққан ҳолда ҳаётини фаолиятларида учраши мумкин бўлган муаммолардан бирини танлаб, тарқатма материалнинг «Муаммо» бўлимига ёзадилар ва у асосида қолган вазифаларни бажардилар. Ҳар бир кичик гуруҳ қуйидаги кўринишдаги тарқатма материаллар билан ишлайдилар:

Мураббий жамоани бўйсундиради

Муаммо	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ҳал қилиш вариантлари	Сизнинг ҳулосангиз

Мураббий жамоага бўйсунди

Муаммо	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ҳал қилиш вариантлари	Сизнинг ҳулосангиз

Мураббий жамоа билан ҳамкорликда

Муаммо	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ҳал қилиш вариантлари	Сизнинг ҳулосангиз

Кичик гуруҳлар педагогик жараёнда учрайдиган (ёки ўқитувчи томонидан олдиндан танлаб қўйилган) муаммолардан бирини танлайдилар, жамоа иштирокчилари билан биргаликда муаммони муҳокама қилдилар ва тарқатма материалнинг (чизма-топшириқнинг) биринчи устунига қарғоқчада берилган мавзуга мос келиб чиқадиган муаммоларни ёздилар. Кейин ўқитувчи берилган муаммони биргаликда муҳокама қилиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш усулларини аниқлаш учун ишчи қоғозларни бошқа кичик гуруҳларга беради (масалан, соат мили кўрсаткичи бўйлаб). Ҳар бир кичик гуруҳ ўз жамоаси билан биргаликда муаммони муҳокама қилиб, уларни ҳал қилиш йўллари аниқлайди. Ҳар бир кейинги кичик гуруҳ ўз вариантдаги натижаларни ватман қоғоздаги тегишли устунларга ёзиб беради.

Тарқатилган ишчи қоғозлар кичик гуруҳларни навбатма-навбат айланиб, дастлабки кичик гуруҳига етиб келгач, ўқувчилар бошқа гуруҳ аъзоларининг фикрлари билан танишадилар ва уларни муҳокама қилиб,

муаммони ҳал этиш бўйича ёзилган фикрлардан энг яхши фикрни танлаб оладилар. Қўйилган муаммони қандай ечилганлигига ўз муносабатларини билдирадилар ҳамда муаммони ҳал қилиш учун вариант сифатида ўз фикрларини таклиф этадилар.

Машғулотнинг кейинги босқичида кичик гуруҳлар ўз ишларини ҳимоя қиладилар. иш жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, ижобий ва салбий ҳолатларни муҳокама қилиб, ўқитувчи билан ҳамкорликда машғулотга яқун рсайдилар.

Ўқув жараёнида «Муносабат» технологиясидан фойдаланиб, ўрганилаётган фанда турли муаммоларни ҳал этишга, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари топишга, ўқувчиларни эса мустақил изланишга, фикрлашга, ўз фикрларини исботлаш ҳамда турли вазиятлардан чиқишга ўргатишда «Муаммоли вазият» шаклини қўллаш мумкин.

«Муаммоли вазият»

Вазият тури	Вазиятнинг сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари
<p>Интизомнинг йўқлиги</p> <p>Ёки</p> <p>Ён атрофнинг ифдосланиши; Автомобилнинг бузилиши; Мулоқотнинг йўқлиги; Кимёвий ҳодисалар ва бошқалар.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • дарсга кизикмаслик; • дарсга кеч келиш; • тарбиясизлик; • дарсга тайёрмаслик; • дарсни бузиш; • ўқитувчининг ауди-торияни бошқара олмаслиги. 	<p>Ўқитувчининг яққамма -яққамма ёндашуви, касбий даражаси, ўқувчининг оилавий шароитини ўрганиши тушунтира билиши ва бошқалар.</p>

4.2.3. Ташвиқот гуруҳи («Баркамол авлод» болалар маркази услубчилари учун)



Технологиянинг мақсади: ўқувчиларда муаммонинг моҳиятини аниқлаш, ўз фикрларини аниқ ва қисқа далиллар асосида баён қилиш орқали уларни ишонтириш, шунингдек, тарғибот-ташвиқот қилиш ва уни амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулотнинг бошланишида ўқитувчи ўқувчилар аудиторияси олдига бир неча муаммоли мавзуларни ташлайди. Ўқувчилар бу муаммоли мавзулар орасидан ихтиёрий битгасини танлайдилар. Ўртага ташланаётган муаммоли мавзу ўқув предмети ёки тарбия йўналишида бўлгани мақсадга мувофиқ. Масалан, «Алкоголь – офат», «Гиёҳвандлик – ўлимга олиб боровчи йўл», «СПИД» – келажакка хавф солувчи вабодир», «Ўқитувчи – келажак бунёдкори», «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» каби мавзулар танланиши мумкин. Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларни машғулотни ўтказиш тартиб-қондалари билан таништиради ҳамда кичик гуруҳларнинг чиқишлари улар томонидан танланган муаммоли мавзулари ташвиқот-тарғибот шаклида бўлиши кераклигини тушунтиради ва вазифаларга тайёргарлик учун аниқ вақт беради. Кичик гуруҳлар томонидан тайёрланган чиқишлар ҳар томонлама қизиқарли, адабий-мусикий, кўرғазмали, плакат, жиҳозларга бой бўлиши талаб этилади. Кичик гуруҳларнинг чиқишлари видеофильм, слайд ёки клиплар ёрдамида намоён этилиши мумкин.

✓ Ўқитувчининг кўрсатмаси билан бу жараён яқка тартибда ёки жуфт бўлиб амалга оширилади. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда гуруҳларнинг чиқишлари ва уларнинг ижодий фаолиятини муҳокама қилади, якуний хулоса чиқаради ва керакли тавсиялар беради.

Изоҳ: Ташкил этилган тарғибот-ташвиқот ижодий гуруҳларининг чиқишларини муҳокама қилишда эътиборни:

- танланган мавзунинг долзарблиги;
- мавзунинг мазмуни ва уни ёритилиши (сўз, саҳна кўрсатуви, расмлар ёки видео, мимика ёки пантомимика ва б.);
- мавзунинг ёритилишига ижодий ёндашув (оригиналлиги);
- мавзунинг ёритилишида ишлатилган жиҳозлар ва ёрдамчи воситалар;
- мавзу мазмунининг таъсирчанлиги, тарғибот-ташвиқотга бойлиги;
- мавзу мазмунининг тарбиявийлиги ва таъсирчанлигига қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4.2.4. АЖИЛ

(амалиётда жамоавий ижодий ишлар)



Технологиянинг мақсади: ўқувчиларда ижодий фаолият малакаларини ва жамоавий ижодий ишни ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш, жамоавий ижодий ишнинг турли шакллари билишга кўмаклашиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Бу технология «Жамоавий ижодий ишни ташкил қилиш» мавзусидаги назарий материал ўзлаштирилгандан сўнг ёки шу мавзудаги суҳбат ёки «Мен – жамоавий иш ташкилотчиси» номли блиц-ўйин ўтказилгандан сўнг ўқув жараёнида ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Технологиядан ўқув жараёнида фойдаланиш учун ўқитувчи машғулотнинг бошида ўқувчилар гуруҳи билан олдиндан тайёрланган мавзу бўйича суҳбатлашиб, уларга таклиф этилган мавзулардан бирини танлашга имконият беради. Масалан, «Ўзбекистон – менинг ватаним», «Жонажон ўлкам ёндашувчи», «Миллий анъана ва урф-одатлар», «Менинг факультетим», «Менинг мактабим», «Менинг синфим», «Билимлар маскани – университетим», «Талабалик – олтин даврим» каби мавзулар олинishi мумкин.

2. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан таклиф этилган мавзулардан бирини танлашга ҳаракат қиладилар. Агар улар мавзулардан бирини танлай олмасалар, у ҳолда ўқитувчининг ўзи уларга мавзулардан бирини таклиф этади.

3. Ўқитувчи гуруҳга тошширик бериш учун уларга қарата қуйидаги фикрни ташлайди ва бу фикрни ўйлаб кўришларини таклиф этади:

«Фараз қилинг, факультетингиз (ёки мактабингиз, университетингиз) фаолияти билан таниш бўлмаганларга шундай маълумот беришингиз керакки, бу маълумот факультетингиз (ёки мактабингиз, университетингиз) фаолиятини энг муҳим ва қизиқ жойларини қамраб олсин. Албатта, Сиз буни суҳбат шаклида ўтказишингиз ва уларда ўз факультетингиз (ёки мактабингиз, университетингиз)га қизиқиш ва ҳавас уйғотишингиз мумкин, лекин бунинг учун аввало, суҳбатнинг мантикий кетма-кетлигини, яъни режасини тузиб оласиз. Шундайми?»

Шундай экан, келинг, биз ҳам машғулотимиз бошида оғзаки ҳикоямизнинг умумий режасини тузиб оламиз. Сўзлаб бермоқчи бўлган ҳикоямизни нимадан бошлаш керак? У қандай кетма-кетлик (ёки қандай бўлимлар)дан иборат бўлиши керак? деган саволларга жавоб топиб олайлик.

1. Ўқитувчи кириш сўздан сўнг «Ақлий ҳужум» услубидан фойдаланган ҳолда, машғулотнинг катнашчилари томонидан айтилган барча эркин фикрларни, мулоҳаза ва фикрларни ватман қоғозга ёки ўқув

хонасининг тахтасига ёзиб боради. Биргаликдаги муҳокамадан сўнг ўқувчилар суҳбатнинг ягона режа-лойиҳасини тасдиқлайдилар. Ушбу тузилган режа-лойиҳа кичик журнал, яъни ўзига хос оғзаки журнал саҳифаларига ўхшашлиги учун ўқитувчи ушбу суҳбатни – «оғзаки журнал» деб номлашни таклиф этади ва ўқувчилардан ушбу оғзаки журналга ва унинг ҳар бир саҳифасига ном беришларини сўрайди.

2. Ишнинг кейинги босқичини бошлаш учун, катнашчилар кичик ижодий гуруҳларга бўлинади.

3. Ўқитувчи гуруҳларга бу ўзига хос журнални кўриб чиқишни, ҳар бир саҳифага ва журналга умумий ном берилиши кераклигини таклиф этади.

4. Кейин гуруҳларга битта саҳифани (куръа ташлаш ёки ўз хоҳишлари бўйича) танлаш имконияти берилади, ҳар бир гуруҳ ўзлари танлаган саҳифанинг мазмунини очиб бериш учун тайёргарликни бошлайди.

5. Тайёргарлик учун аниқ вақт белгиланади. Тайёргарлик вақтида гуруҳлар ўзлари танлаган саҳифа мазмунини ёритиш усуллари, шакллари, ижросини ва қандай қилиб такдимот қилиш йўллари аниқлайдилар. вазифаларни бажариш учун тайёргарликни бошлайдилар.

«Бизнинг факультет» мавзусидаги оғзаки журнал саҳифалари куйидагича номланиши (гуруҳлар томонидан умумий муҳокамада келишилган ҳолда тузилган режа-лойиҳа тахминан шундай бўлиши) мумкин:

1. Саҳифа. Факультет (мактаб)имиз визиткаси (тавсифномаси, эмблемаси, шиори, касб йўналиши, қисқача тарихи ва бошқаларни адабий-мусиқий композиция шаклида намойиш этиш).

2. Саҳифа. «Ўқиш ва меҳнат биргаликда яшайди» (кўргазма) ўқувчилар ҳаёти ва фаолияти ҳақида.

3. Саҳифа. «Бу мен, булар эса менинг дўстларим» (сахналаштириш, шаржлар, юмор, пародия ва бошқалар)

4. Саҳифа. «Гўзаллик ва мода» ўқувчиларнинг кийиниш маданиятини (намойиш қилиш) кўрсатиш.

5. Саҳифа. «Бизнинг факультет (ёки мактаб)имиз келажакда...» (фантастик лойиҳа шаклида келажак кўринишлари).

Гуруҳлар томонидан тайёрланган чиқишлар ва намойиш этишлар юқорида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Гуруҳларнинг чиқишлари кетма-кетлик билан бир-бирига боғланган ҳолда амалга оширилади, иложи борича гуруҳларнинг намойишида барча гуруҳ аъзоларининг иштироки таъминланиши мақсади а мувофик бўлади.

Гуруҳлар намойишидан сўнг, ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда гуруҳлар томонидан намойиш этилган саҳифаларнинг ижобий ва салбий томонларини муҳокама қиладилар, ушбу машғулоти уларни нималарга ўргатгани ва улар нималарни билиб олишгани билан кизиқади. Ўқитувчи керакли тавсиялар ва тушунчалар беради, сўнгра машғулоти яқунлайди.

4.2.5. Сценарий



Технологиянинг мақсади: ўқувчиларда якка ва жамоавий ижодий фаолият кўникмаларини, шунингдек, ижодий қобилиятларни шакллантириш, турли шаклдаги якка ва жамоавий ижодий фаолиятни эгаллаш, ўтказиладиган тадбирларни олдиндан режалаштириш, сценарийсини тузиш, ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўникма, малака ҳосил қилиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулотнинг ҳар бир қатнашчиси якка ҳолда ишлаш учун тайёрлаб қўйилган тарқатма материал (карточка)лардан биттасини танлаб олади. Карточкаларда ўқувчилар учун турли хил тадбирларнинг мавзуси берилган бўлиб, улар шу мавзуда ўтказилиши мумкин бўлган тадбир ҳақида якка ҳолда бош қотиришлари, унинг мазмуни, ўтказилиш тартибининг турли шакллари аниқлашлари ҳамда шу тадбирнинг режа-сценарийсини ишлаб чиқишлари керак (мисол тариқасида илова қилинади).

Машғулотнинг кейинги босқичида ўқувчилар ўзлари якка ҳолда тузган режа-сценарийлари билан кичик гуруҳларга ажраладилар.

Улар ўз ишларининг натижаси билан гуруҳ аъзоларини бирма-бир таништирадидилар, ишлаб чиқилган режа-сценарийларга баҳо берадилар, берилган режа-сценарийларни тўлдириб, тўғрилаб, улар ичидан битта вариантни танлаб оладилар. Кейин кичик гуруҳлар биргаликда танланган тадбирнинг режа-сценарийсини ишлаб чиқадиладар.

Вазифаларни бажариш мобайнида гуруҳ аъзолари, якка тартибда ижодий ёндашиб, тайёрланган режа-сценарийларни эътиборга олган ҳолда ҳамда улар ичидан танлаб олинган сценарий бўйича тақдимотга тайёрланадилар.

Ҳар бир гуруҳ биргаликда тайёрлаган сценарийларини ҳимоя қилади. Ҳимоя вақтида гуруҳ аъзолари (ёки гуруҳ вакили) ўқувчилар аудиториясининг саволларига жавоб бериши ёки ўз вариантларида қолишлари мумкин. Режа-сценарий лойиҳасининг намоёниши схема (ёки томоша) шаклида бўлиши мумкин.

Тақдимот тугагач, ўқувчилар ҳимоя қилинган лойиҳаларни биргаликда муҳокама қиладилар ва якунлайдилар. Ўқитувчи ҳар томонлама яхши, қизиқарли тузилган сценарийларни кейинчалик амалга ошириш учун ташкилотчиларга тавсия этади. Ўқитувчи бажарилган ишлар учун миннатдорчилик билдиради.

Ўқитувчилар тажрибасидан: Қуйидаги мавзудаги тарбиявий тадбирни ўтказиш шаклини танланг ва унинг режасини ёзма баён этинг.

Мавзулар:

1. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби.
2. Мустақиллик – орзулар рўёби.
3. Ватанни севмоқ иймондандир.
4. Аждодларимиз мероси – қадриятларимиз асоси.
5. Ота-онанг – тожу тахтинг.
6. Нима савоб-у, нима гуноҳ.
7. Китоб – билим манбаи.
8. Билим ва меҳнат – келтирар роҳат.
9. Фан – кишининг қудратли қуроли.
10. Экология ва биз.
11. Маънавий эркинлик ва ахлоқий масъулият.
12. Мусиқа оламига сайёҳат.
13. Тарих тилга кирганда.
14. Баркамол оила – юртимиз кўрки.
15. Она юртим – олтин бешигим.
16. Ёшлар камоли – юртим жамоли.
17. Мардлар қўриқлайди Ватанни.
18. Она тилим – жону дилим.
19. Ҳуқуқий маданият оммага.
20. Куч – адолатда.
21. Талабалик олтин даврим.
22. Шаҳрим – фаҳрим.
23. Шаҳрим кўчалари – болалик йилномаси.
24. Мактаб кучоғи – билим ўчоғи.
25. Ўқувчи-ёшларнинг ахлоқий маданияти.
26. Нонни эъзозланг.
27. Одам кўрки – либос.
28. Бепул нарсанинг баҳоси қанча.
29. Йигит кишига етмиш ҳунар оз.
30. Она эртаги – юртим куртаги.
31. Математика – ақл гимнастикаси.
32. Информатика – интеллект гарови.

4.2.6. «SCORE» интерфаол услуби

«SCORE» ҳақида умумий маълумот. «SCORE» (БСНМС) **интерфаол услуби** ўқувчиларда муаммоларни аниқлаш қобилияти, когнитив кўникма ва малакаларни ривожлантириш, бор манбалар ва имкониятлардан фойдаланиб муаммонинг ечимини топишни шакллантиришга йўналтирилган.

S (symptom) муаммонинг *белгиси* – муаммонинг муҳокамаси вақтида турли зиддиятларга, тушунмовчиликларга келтирувчи ёпиқ элементлари, йўналишлари, (масалан, иқтисодда, сиёсатда, таълим-тарбияда, кишилар

Ўртасидаги муносабатда учрайдиган тушунмовчиликлар, зиддиятлар) ҳали очилмаган ёпик қирраларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган технологиялар, ҳаракатларни аниқлашдир.

C (cause) – *сабаби* – муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўладиган ёпик қирралар (масалан, зиддият ва тушунмовчиликка олиб келувчи эски қарашлар, анъанавий фикр ва мулоҳазалар)ни излаш, аниқлаш.

O (outcome) – *натижаси* – кутиладиган натижага эга бўлишда муаммога олиб келган ёпик қирралар ўрнини босувчи янги технологиялар, ҳаракатлар, мақсад, ҳолатларни белгилаш.

R (resources) – *манбаи* – муаммонинг очилмаган қирраларини ўзгартиришга, унинг янги мақсадлари, технология ва ҳаракатлар ҳамда кутиладиган натижага эришишга хизмат қиладиган воситаларини ёки муқобил материалларни ҳамда «қаерда?», «қачон?», «нима?», «қандай?», «нимага?», «ким?» саволлари асосида муаммони ечишнинг керакли, асосий манбаларини топишдан иборат.

E (effect) – *самараси* – муаммонинг ечими асосида аниқ бир мақсад бўйича узоқ муддатга мўлжалланган мукамал натижа орқали юксак самарага эришиш, аниқ мақсадли амалий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Муаммоли ҳолат ва вазиятни аниқлашга доир учун саволлар:

1. Муаммонинг қандай ёпик қирралари бор?
2. Муаммода ёпик қирраларнинг бўлиш сабаблари нимада?
3. Қандай манбалар аниқланган сабабларни йўқотишга ёрдам беради?
4. Ушбу муаммо бўйича мақсад ва натижа қандай бўлиши мумкин?
5. Қайси манбалар самарали натижага эришишга имкон беради?
6. Эришилган мақсад, натижа қанчалик узоқ муддат давомида самара бера олади?

4.2.7. SCORE-1

(умумий ўрта таълим мактаблари, ЎМКХТМ, ОТМ, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари учун)

Услубнинг мақсади: ўқувчиларнинг ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда далиллаш, ишонтириш, асослаш; муросага келиш ва излаш қобилиятларини ривожлантириш; уларда муаммоли вазиятларни олдиндан кўра билиш, уларни ҳал қилиш йўллариини излаб топиш, мунозара олиб бориш маҳорати, ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш, таъсир эта олишга ўргатиш ва баҳслашиш маданиятини шакллантириш.

Услубдан кутиладиган натижа: ўқувчилар машғулот давомида ностандарт вазиятларда ўзини ва жамоани бошқара олиш, муаммоли вазиятларни тушуна билиш ва уларнинг ечимини аниқлашда ўз услубларини топа билиш, ўз фикрларини бошқаларга ўткази олиш, таъсир эта олиш усулларига ҳамда баҳслашиш маданиятига ўрганадилар.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Машғулот белгиланган вақтда ўқувчиларнинг хонага (машғулот ўтказиладиган жойга) кириб келишидан бошланади. Ўқувчилар хонага кириб келишар экан, машғулотдан олдин

тарбиячи томонидан эшикнинг ёнидаги стол устига тайёрлаб қўйилган. инглиз тилида ёзилган ҳарфлардан (S, C, O, R, E) биттадан олиб стол атрофига жойлашадилар (столларга ҳам шу ҳарфлар қўйилган, ҳар бир стол атрофида ўқувчилар сони бир хил бўлиши ҳисобга олинади). Ўқувчилар жойлашиб олишгач, тарбиячи машғулотни бошлайди.

Тарбиячи машғулотни ўтказиш тартиби билан ўқувчиларни таништиришдан бошлайди. Тарбиячи шу куннинг долзарб муаммоларидан келиб чиккан ҳолда машғулотга ўқувчилар билан биргаликда мавзу ёки муаммо танлайди ва гуруҳлардан уларнинг ҳар бири танланган мавзу ёки муаммони бир томонини ўрганишларини (столларга шу гуруҳ томонидан умумий муаммонинг қайси жиҳатлари ҳақида сўз юритишлари кераклигини кўрсатувчи белги ёки ёзувли материал қўйилади), сўнгра мунозара юритиб, ўзларининг фикрларини ёзма (оғзаки) баён қилишлари кераклигини тушунтиради. Вазифа учун вақт белгилайди. Гуруҳларнинг ишлари тайёр бўлгач, улар бирин-кетин ўртага чиқиб, ишларини тақдимот қиладилар. Тақдимот аввал муаммонинг - белгиси (S), кейин унинг – сабаби (C), сўнгра – натижаси (O), манбаи (R) ва самараси (E) тартибда олиб борилади. Бошқа гуруҳ аъзолари тақдимот қиладиган гуруҳнинг фикрларини тўлдиришлари мумкин. Барча гуруҳларнинг тақдимоги ниҳоясига етгач, билдирилган фикрлар, тақдимот материаллари умумлаштирилиб хулоса қилинади. Тарбиячи ўқувчилар билан биргаликда гуруҳлар фаолиятига баҳо беради, машғулотга яқун ясайди, ўқувчиларнинг машғулот ҳақидаги фикрларини аниқлайди.

***Изоҳ:** ушбу машғулотни SCORE интерфаол услуби ёрдамида ўтказиш тавсия этилади, шунинг учун ўқувчилар ҳар бир ҳарф бўйича 5 гуруҳга бўлинган ҳолда жойлаштирилади. Ушбу интерфаол услубини ўтказиш қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши машғулотнинг самарали ва натижалли бўлишига, ўқувчиларни муқтақил фикр билдиришлари ва машғулот мобайнида, фаол бўлишларига имкон беради. Қўйида ушбу интерфаол услуб ҳақида тўхунча берилади.*

4.2.8. SCORE-2

«SCORE-2» интерфаол услубини қўллаган ҳолда ўқув машғулотини қуйидаги тартибда ўтказиш мумкин:

Тарбиячи ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб олгач (гуруҳ аъзолари сони 4 тадан ошмагани маъқул), гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига ушбу метод ҳақидаги ёзма маълумотларни тарқатиб, яққа тартибда уни синчиклаб ўрганишлари кераклигини уқтиради, вақт белгилайди. Белгилаган вақт тугагач, гуруҳ аъзолари «SCORE» методи ҳақида ағаллаган билимлари, ахборотларини ўзаро бир-бирлари билан ўртоқлашадилар ушбу методнинг моҳияти, мазмуни, максали, услубиёти ҳақида (белгилаган вақт ичида) фикрлашадилар. Тарбиячи гуруҳлар томонидан ушбу метод ҳақида умумий тушунчага эга бўлишганини биягач, замонанинг глобал муаммолари

тўғрисида сўз юритади. Тарбиячи «Ақлий хужум» услуги ёрдамида гуруҳ аъзолари билан биргаликда глобал муаммолар рўхатини тузади: наркомания, СПИД, алкоголизм, экологик инкироз, болалар меҳнати, иктисодий танглик ва б. Тарбиячи ҳар бир гуруҳдан шу глобал муаммолар рўйхатидан биттадан муаммони танлаб олишларини сўрайди, сўнгра уларга танланган муаммо устида фикр юритишлари ва ўз фикрларини ёзма баён этишлари учун олдиндан тайёрланган тарқатма материалларни беради (*мисол тариқасида илова қилинади*). Гуруҳ аъзолари биргаликда танлаган муаммолари ҳақидаги фикрларини берилган қоғозларга ёзма баён этадилар, гуруҳдан бир кишини тақдимот учун тайёрлайдилар. Гуруҳлар ишларини тугатишгач, тақдимот бошланади. Тарбиячи тақдимотлар асосида машғулот мавзуси ва гуруҳлар ишига яқун ясайди, кўшимча фикрлар билдиради.

Машғулот сўнггида замонанинг глобал муаммолари ҳақидаги фильм ёки фотосуратлар, мусикавий клип намоиш этилиши мумкин.

Изоҳ: машғулотнинг бошланишида глобал муаммоларни «Ақлий хужум» услуги орқали тўпلامасдан, фильм, мусикавий клип, фотосуратларни намоиш этиб, шулардан глобал муаммоларни танлаб олишга имконият яратиш мумкин.

Мисол тариқасида илова

ЗАМОНАНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ

Муаммо: _____

Симптом (S - symptom) – Бу муаммонинг симптоми (белгиси) қандай?

Сабаблари (C - cause) – Бу муаммо симптомининг сабаблари қандай?

Натижаси (O - outcome) – Бу муаммони ҳал қилишга нисбатан қуғилаётган натижа ёки мақсад қандай?

Ресурси (R - resources) – Қандай ресурс ушбу сабабни бартараф этишга ёрдам беради? Қайси ресурс натижа беради?

Самараси (E - effect) – Ушбу мақсадга эришиш узок қуғилган қандай самарага олиб келади?

4.2.9. «Ахборот соати»

(умумий ўрта таълим мактаблари.
ЎМКХТМ, ОТМ, малака ошириш ва
кайта тайёрлаш институтлари учун)



Кейинги вақтларда дунё воқеалари, республикамиз хабарлари, мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший янгиликлар билан ёшларни таништириш мақсадида таълим муассасаларида ҳафтада бир марта «Ахборот соат»ларини ўтказиш анъанага айланди. «Ахборот соат»лари олдиндан танланган ва пухта тайёрланган ёки ҳаётий долзарб муаммолардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, ёшларни қизиқтирган масалалар бўйича ўтказилмоқда. Таълим муассасаларида ўтказилаётган «Ахборот соат»ларининг баъзилари юзаки, бир хил услубиёт ёки тайёр материални ўқиб эшиттириш билан ўтказилаётгани, ўқувчилар тайёргарлик ишлари ва ўтказиш жараёнида фаол қатнашмаётганликларини гувоҳи бўлмоқдамиз. Умуман олганда, педагогика ва тарбия методикасида бу каби ишларни ўқувчиларнинг иштирокини фаолаштириб қизиқарли ўтказиш бўйича жуда кўплаб амалий тавсиялар яратилган. Қўйида ана шундай тавсиялардан намуналар келтирамиз.

«Ахборот соат»лари, одатда, ҳафтада бир марта ўтказилади. Шунинг хисобга олган ҳолда унинг мавзулари, ўтказилиши ҳам ҳар гал турлича бўлгани маъқул. Масалан, «Дунё ҳафта ичида», «Мамлакатимизнинг самарали ҳафтаси», «Ўзбекистон ва дунё ҳамжамияти», «Ўзбекистон маданияти ва санъати бир ҳафтада», «Ҳафта давомида ёшлар фаолияти» ва ш.к. мавзуларда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий-сиёсий суҳбатлар. Бундай суҳбатлар республикамиз ривожланишига оид улуғ саналар, халқ байрамлари, тарихий саналар, ватанимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги янги ўзгаришларга бағишланиши мумкин. Бундай суҳбатларни ташкил этишда, албатта, аниқ воқеа ёки республикадаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий янгиликлар, ўзгаришлар ҳамда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган ҳолда тайёрлаш ва ўтказиш лозим. Бу каби суҳбатларнинг манбаи газета, журнал, интернет, ўқувчиларнинг дарс давомида олган билимлари, турли матбуотдан олинган маълумотлар бўлиши мумкин. Улар аниқ далилли, ишонarli ва қизиқарли бўлиши керак. Суҳбатга материалларни тайёрлашда ўқувчиларга мавзу бўйича бериладиган саволларни олдиндан пухта ўйлаб, тайёрлаб қўйиш лозим. Саволларнинг баъзилари далиллар ва исботга, баъзилари таққослашга, баъзилари эса аниқ фикр билдиришга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Суҳбатни мураббий (ёки тарбиячи, ташкилотчи) олиб боради. У суҳбат давомида саволлар орқали ўқувчиларни фаолаштиришга ҳаракат қилади. Ўқувчиларни суҳбат мавзуси бўйича яна қандай қўшимча маълумотларга эга эканликларини аниқлайди. «Ахборот соати»нинг бундай

тури мулоқот шаклида ўтказилади ва айтилган фикрлар ўқувчилар билан биргаликда умумлаштирилиб яқунланади.

Китобхонлар анжумани. Бундай анжуманларда тарбиячи гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг иштирокига эришиши керак. Ўқувчилар аввалги «Ахборот соати»да берилган мавзулар асосида мустакил равишда маълумотлар тўплаб, 5-7 дақиқа давомида ахборот беришга тайёрланишади. Ахборот берувчилар ўз маълумотларини кизиқарли, мазмунга бой қилиб ўтказишда техник воситалардан, кўргазмали куроллар, китоблар, газеталар, расм ва плакатлар кўргазмаси, видеоролик, видеофильмлар, интернет маълумот-ларидан фойдаланишлари мумкин. Анжуманни ушбу тартибда ўтказиш иштирокчи ўқувчиларни берилаётган ахборотга кизиқишини орттиради ва уларни фаол иштирокчига айлантиради. Бундай анжуман таълим муассасаси кутубхонасининг ўқув залида ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Анжуманни кутубхона ходими, тарбиячи, гуруҳ мураббийси ёки фаол ўқувчилардан бири бошқариши мумкин. Китобхонлар анжуманига ота-оналар, халқ депутатларининг таклиф этилиши унинг самарали ва натижалли ўтишига ёрдам беради. Анжуман ўқувчилар томонидан берилган ахборотларни умумлаштириш билан яқунланади.

Оғзаки журнал. Ўқувчилар тарбиячи билан биргаликда мавзунини аниқлаб олишгач, уни бир неча мавзучаларга бўладилар ва ҳар бир мавзунини журналнинг бир мавзуси деб белгилаб оладилар. Ҳар бир саҳифани биттадан ўқувчи ёки 3-4 кишилик кичик гуруҳлар тайёрлаши ва тақдимот қилиши мумкин. Ҳар бир саҳифанинг ёритилишига 5-6 дақиқа ажратилади. Ҳар бир саҳифадаги маълумотлар ҳар хил шаклда ва турли кўринишда, ранг-баранг ёрдамчи воситалар, интерфаол услублар, технологиялар ёрдамида намоён этилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, «Ахборот соати»нинг умумий мавзуси «Дунё бир ҳафта ичида» деб танланган бўлса, унинг саҳифалари қуйидагича бўлиши мумкин: «Дунёдаги сиёсий ўзгаришлар», «Дунё бўйлаб иктисодий янгиликлар», «Ҳафта ичида дунёдаги спорт хабарлари», «Маданият янгиликлари» ва ш.к.лар. Агар умумий мавзу: «Қуёшли ўлка хабарлари» деб танланган бўлса, у ҳолда саҳифалар: «Ижтимоий – сиёсий хабарлар», «Расмий хабарлар», «2010 йил – баркамол авлод йили: жойлардан хабарлар», «Таълим муассасаларидан хабарлар: ўқувчилар ҳаёти», «Ҳар соҳадан бир шингил» ва каби танланиши мумкин.

Равшанки, саҳифаларнинг мавзуси, мазмуни, кетма-кетлиги асосий танланган мавзунини тўлиқ очиб беришга йўналтирилган бўлиши керак. Баъзи бир саҳифа намоён этиш мобайнида саҳифани тайёрлаганлар ўқувчилардан интервью олиши ва шу йўсинда уларни фаолликка чорлаши мумкин. Оғзаки журнал ҳар бир саҳифа намоёниши тугагач, бошловчи ва ўқувчиларнинг умумий билдирган фикрлари билан тугалланади.

5-§. СИНФ РАҲБАРИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўқувчилар фаолиятига ўйин, меҳнат, санъат, билим ҳамиша ҳосилдир. Шу сабабли катгалар ўқувчиларнинг ушбу турдаги фаолиятини сунъий эмас, балки улар билан биргаликда қўллаб қувватлаши керак. Синф раҳбарларининг ўқувчилар билан биргаликдаги фаолиятини ташкил қилиш ва жамоавий ижодий ишни ўтказиш, кеска муддатда тарбиявий ишларни олиб бориш улардан касбий билим, педагогик маҳоратни талаб қилади. Шу сабабли, синф раҳбарлари ўқувчилар билан ишлаш учун аниқ малака ва хислатларга эга бўлишлари керак.

Педагогик ходимларга зарур бўлган шахсий хислатлар шартли равишда 3 та гуруҳга ажратилиши мумкин:

- бошқаларни тушуниш қобилияти билан боғлиқ хислатлар.
- бошқаларга таъсир ўтказишга доир хислатлар.
- ўқувчиларга ўрнак бўла оладиган хислатлар.

Синф раҳбарининг шахсий хислатлари, уларнинг ўқувчилар жамоасидаги вазифалари, ўзи ишлаётган жамоанинг ўзига ҳос ғомонлари ҳамда ўқувчиларнинг тарбияси, фаоллиги билан аниқланади.

5.1. Синф раҳбари ишларининг мазмуни ва шакллари



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим тўғриси»даги Қонуни ва таълимни ислоҳ қилиш бўйича ҳукуматнинг кейинги қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, синф раҳбарининг роли ўқувчилар ақли, иродаси, маънавий эҳтиёжлари, ижодий қобилиятлари, мантикий тафаккурининг умумий ривожланишига эришишига йўналтирилган. Бу ишда ташаббус, ижодий изланиш, новаторлик асосий шнор ҳисобланади. Синф раҳбари ҳар бир ўқувчига унинг ўзидаги билимлар ахлокий қадрият эканини, ўз Республикасининг келажагига жавобгарлик ҳиссини тушуниш, ўқишга ва ўзининг кейинги фаолиятига қизиқини тарбиялаш учун зарур тайёргарликни бериши керак.

Таълим муассасаларининг тарбиявий амалиётида синф раҳбари алоҳида ўрин тутади ва, шубҳасиз, жуда муҳим роль ўйнайди. Синф раҳбари ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги тарбиявий муносабатларни барис этишда ҳал қилувчи омил бўлиб, у билан бутун педагогик жамоа фаолиятининг муваффақияти, ўқувчининг шахс сифатида ривожланиш жараёни ва ўқувчилар жамоасининг шаклланиши, ота-оналар ҳамда таълим муассасалари орасида алоқанинг яхшиланиши синф раҳбарлари олиб бораётган ишларнинг муваффақияти билан кўп жиҳатдан боғланибдир.

Ўқувчилар гуруҳларининг тарбиявий тизими – ўқувчилар уюшмаси аъзоларининг фаолияти ва тарбиясини ташкил этиш усули бўлиб, ўзида яхлит ва тартибга солинган ҳамкорлик ҳамда шахс ва жамоа ривожига кўмак берувчи компонентлар мажмуини ифода этади. Бу компонентлар куйидагилардан иборат:

1. Шахс – гуруҳ компоненти сифатида. Ўзида гуруҳларнинг тарбиявий тизимини ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантиришда иштирок этувчи ўқувчилар ва катталарнинг:

❖ тарбиячи;

❖ ўқувчилар жамоаси;

❖ ўқувчиларнинг ота-оналари;

❖ ўқувчилар жамоасининг тарбиявий жараёни ва фаолиятида иштирок этувчи тарбиячилар ва бошқа катта ёшлилар каби элементлардан ташкил топган уюшмасини ифодалайди.

2. Аҳамиятли – йўналишли компонент. Ўқувчилар гуруҳининг ёш хусусиятлари, ривожланиш даражаси ҳисобга олинган, тарбиявий тизимнинг истикболи барпо этилган мақсадли кўрсатмаларга боғлиқлик куйидагича бўлиши мумкин:

❖ яқиндаги – саёҳат; дискотека; туғилган кунни нишонлаш; театрга, концертга, кўргазмаларга бориш; экскурсия;

❖ ўртадаги – жамоавий ижодий иш; танлов, кўрик, мусобақада галаба қозониш ёки иштирок этиш; туристик сафар;

❖ узокдаги – университетдаги ўқишни муваффақиятли тугатиш, маълумотли ва тарбияли шахс сифатида шаклланиш; университетда анъаналарни қарор топтириш ёки ўқув бинolari ва унинг атроф ҳудудларини ободонлаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшиш билан савобли из қолдириш ва ш.к. лар.

3. Функционал – фаолиятли компонент куйидаги элементлардан таркиб топади:

❖ фаолиятнинг тизимли кўриниши, биргаликдаги фаолият ва мулоқотни ташкил этиш шакллари ва услубиётлари;

❖ тарбиявий тизимнинг асосий вазибалари;

❖ гуруҳ фаолиятини педагогик ва ўзини-ўзи бошқариш жиҳатдан таъминлаш.

4. Макон-амон компоненти куйидаги элементлардан таркиб топади:

❖ ҳиссий-психологик, маънавий-ахлоқий ва предметли-ахлоқий муҳит;

❖ гуруҳнинг бошқа гуруҳ ва катта ёшлилар билан алоқаси ва муносабати;

❖ гуруҳнинг таълим муассасаси тарбиявий маконида туганган ўрни ва роли;

❖ тарбиявий тизимнинг барпо бўлиши ва ривожланиш воситалари.

5. Диагностик – аналитик компонент куйидаги элементларни ўз ичига олади:

❖ тарбиявий тизимнинг самарадорлик мезони;

- ❖ тарбиявий тизим натижаларини ўрганишнинг услубиёт ва усуллари;
- ❖ олинган натижаларни таҳлил қилиш, баҳо бериш ҳамда изоҳлаш шакл ва йўллари.

Ўқувчилар гуруҳи фаолиятининг мазмуни ва уни ташкил этиш учун керакли усуллари танлаш тарбиячининг асосий вазифалари билан ҳамма ҳамма боғлиқдир.

Ўқувчилар гуруҳи ва ўқувчилар билан яккама-якка тартибда ишлашда синф раҳбарининг роли қуйидагича бўлиши мумкин:

- **назоратчи** – ўқув-тарбиявий жараёнда ўқувчиларнинг иштирокини таъминлаш (даволатни назорат қилиш, навбатчилик, ўқувчилар уйларида яшовчиларнинг овқатланишларига яратилган шароитлар билан танишиб бориш ва керакли шароитни яратишга кўмаклашиш, ўқувчиларнинг ота-оналарга бўлган муносабатларини аниқлаш, ўқув-тарбия жараёнига эътиборсизлик, масъулиятсизлик, курсдошлари ва тарбиячиларга эса ҳурматсизлик, манманлик қилаётган ўқувчилар билан якка ҳолда иш олиб бориш);

- **илм мамлакатига бошловчи** – ўқишга бўлган қизиқиш ва хоҳишни ташкиллаштириш (ўқувчиларга қўйилган талаблар билан ота-оналар ва ўқувчиларни таништириш, тарбиявий тадбирларни ташкил қилиш, мустақил таълимда ўқувчиларга ёрдам уюштириш, ўқув жараёни билан таъминлаш, ўқувчилар гуруҳида ишловчи барча тарбиячиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш);

- **ахлоқли, намунавий мураббий, маънавий устоз** – ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамла ўқувчилар ва тарбиячилар ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни ҳал этишда, ўқув-тарбия жараёнида ички тартиб-қоидаларга риоя қилишда, уларни керакли меъёрда бажаришларига кўмаклашда (ўзини тута билиш, муомала қилиш маданиятига ўргатиш, одоб-ахлоқ мавзуларида суҳбатлар, якка ҳолда ишлар олиб бориш, ахлоқий меъёрларни ва ички-тартиб қоидаларни бузган ёки бузаётган ўқувчилар билан уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари тўғрисида яккама-якка, жамоавий суҳбатлар ўтказиш, уларнинг тартиб-интизомига баҳо бериш, ахлоқий, ижтимоий, ҳуқуқий мавзуларда турли тадбирлар ташкил этиш ва бошқалар).

- **маданият соҳиби** – умуминсоний ва маданий кадриятлар асосида ўқув - тарбиявий жараёни ташкил қилиш (экскурсия ташкил қилиш, театр, музей ва кўргазмаларга жамоа бўлиб бориш, маданият мавзусида кеча ва суҳбатлар ўтказиш, гуруҳ ва таълим муассасасида тарбиявий тадбирлар, баҳо-мунозаралар ўтказиш);

- **ижтимоий педагог** – ўқувчиларнинг ҳар хил ижтимоий муаммоларини ечишга кўмаклашиш (уй ва таълим муассасасида ўзаро мулоқот учун шароит яратиш, ўқувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларда ижтимоий ҳаёт қўникмасини шакллантириш);

- **ўқувчиларнинг яқин катта дўсти** – ўқувчиларни турли хил фаолиятларга қирқинишларига кўмаклашда, ўқувчиларга бўлган ғамхўрликнинг бир қисмини ўзига олади (гуруҳда жамоавий ижодий

фаолиятни ташкил қилишни шакллантириш, ўқувчиларга ўзини-ўзи тушунишида, ўзига-ўзи баҳо беришида, бирон-бир фаолиятга, жумладан, суҳбат, тренинг, ўйинлар ўтказиш, ўқувчилар билан яккама-якка ишлашга ўз имконияти ва эътиборини қаратишига ёрдамлашиш.

Синф раҳбарининг ўқувчилар ва ўқувчилар гуруҳи билан иш олиб боришида турли ролларда бўлиши ундан юқори савиядаги ташкилотчилик қобилиятига эга бўлишни талаб этади.

Ташкилотчилик қобилияти – шахс индивидуал хусусиятларининг бирикмаси бўлиб, кишига у ёки бу ишни тез, ишончли, ўзига ишонган ҳолда ташкил этишга имкон беради.

Ташкилотчи сифатида синф раҳбарининг умумий шахсий сифатларига қуйидагилар киради:

- **чўқур билимга эгалик** – талаб этилаётган ишни ташкил этишни билиш;

- **фаоллик** – амалий вазифаларни бажаришда ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилиш;

- **ташаббускорлик** – алоҳида ижодий фаоллик кўрсатиш, ғоя ва таклифлар киритиш;

- **киришимлилик** – ўзгаларга ошқоралик, мулоқотга тайёрлик, кишилар билан алоқага киришиш эҳтиёжи;

- **зийраклик** – ходисаларнинг моҳиятига етиш қобилияти, уларнинг сабаб ва оқибатларини кўра олиш, асосийсини белгилаш;

- **кағъият** – ирода кучи, тиришқоклик кўрсатиш, ишни охирига етказиш маҳорати;

- **ўзини тута билиш** – мураккаб вазиятларда ўз ҳиссиётини, ўз хулқини назорат қила олиш қобилияти;

- **иншчанлик** – чидамлилик, жиддий ишларни бажариш қобилияти, узок муддат чарчамаслик;

- **қузатувчанлик** – узокни кўра олиш маҳорати, йўл-йўлакай диққатга сазовор ҳолатларни белгилан, хотирада тафсилотларни саклай олиш;

- **мустикаллик** – мустикал ҳал этиш, вазифани ўзи томонидан бажариш йўллари топиш маҳорати, жавобгарликни ўз устига ола билиш;

- **хамжихатлик** (уюшқоклик) – ўз ишини зарур тартибга бўйсундира олиш қобилияти, ўз фаолиятини режалаштириш, изчиллик, ихчамликни намоён этиш.

Ташкилотчилик қобилияти барча тарбиячиларида етарли даражада бор деб айғиш қийин, чунки ташкилотчилик таланти ўзига хос бўлган хусусиятларга эгадир.

Ташкилотчилик талантининг ўзига хос **хусусиятлари, индикатори** қуйидагилардан ташкил топади:

Ташкилотчилик заковати – бошқа кишини тушуниш қобилияти, гўё унинг ички дунёсига кира олиш, кайфияти ва руҳий ҳолатини сезирлик билан илғай олиш.

Фаол рухий таъсир этиш қобилияти – бошқа кишиларга истехзоли кулгидан катъий буйруққача бўлган воситалардан фойдаланган ҳолда таъсир кўрсата олиш.

Ташкилотчилик ишларига бўлган қобилият – ихтиёрий равишда ташкилотчилик мажбуриятларини ўз маъсулиятига олиб, атрофдагилардан катъий назар, ташкилотчилик ишларига мустақил кириша олиш.

Ташкилотчи шахсининг йўналганлиги – ташкилотчининг ахлоқий қиёфаси, фуқаролик етуклиги ва ғоявий ҳолати.

Ташкилотчининг индивидуаллиги – шартли равишда ташкилотчи-«санъаткорлар», ташкилотчи-«мутафаккирлар», ташкилотчи-«амалиётчилар» каби турларга ажратилади.

Ташкилотчи-«санъаткорлар» бошқаларга жўшқин нутқи ва имо-ишоралари, «қалб ҳарорати», образли суратлар билан таъсир кўрсатади. Унда орзулар, хаёллар, ҳиссий кўтаринкилик ниҳоятда кўп бўлади.

Ташкилотчи-«мутафаккирлар» исбот этиш мантиғига, тафаккурдаги изчилликка таянган ҳолда ҳаракат қиладилар. ишдаги қонуниятларни топишга интиладилар. Ҳодисанинг ташқи томони иккинчи даражага суриб қўйилади. Муҳими – мазмун, мақсадга мувофиқликни топиш, ишнинг оқилона моҳиятини кўра олиш.

Ташкилотчи-«амалиётчилар» ўзларининг намуналари билан иштиёқ уйғотишга, қандай ишлашни исботлаш ва гапиришдан кўра уни амалда кўрсатишга интилади. Уларни амалий «тиришқоқлик», асослилик кўпроқ характерлайди.

Ташкилотчиларнинг баъзиларида бундай таъсир этишнинг бир йўла уч тури ҳам шаклланган бўлиши ҳам мумкин.

Синф раҳбарларининг касбий муҳим аҳамиятга эга бўлган шахсий хислатлари:

- ўқувчилар билан ишлашга, уларнинг тарбияси ва ривожланишига қизиқиш, ўқувчиларни тушуниш қобилиятига эга бўлиш, уларга ишониш, уларнинг фаоллик, хаваскорлик, ижодий қирраларини очиниш;

- ташкилотчилик фаолиятига бўлган катта қизиқиш, ўз қувватини бошқаларга ўтказа олиш, жамоавий ишларни ташкил этишда ўқувчиларга таъсир эта олиш, ўз билим ва маҳоратини уларга бера олиш ва уларда ташаббускорлик, жавобгарлик хисларини шакллантира олиш;

- ўқувчилар жамоасида ишлашга бўлган мойиллик, катта қизиқиш. ўқувчилар жамоасини шахс шаклланишида ўта зарурлигини англаш, ўқувчиларни жамоавий ижодий фаолият усуллари билан тарбиялашга бўлган қизиқиш;

- шахснинг ижтимоий-сиёсий йўналтирилганлиги ва фаоллиги мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига бўлган қизиқиш ва мойиллик, сиёсий саводхонлик – Ўзбекистон Республикасининг янги ғояларини тўғри тушуниш, таҳлил қилиш ва ўқувчиларга тушунтира олиш;

- ижод қилишга бўлган мойиллик, ўз касбининг назарий ва амалий билимларини ижодий ишлата олиш қобилияти, иш жараёнида юзага келган масалаларни ижодий ечиш, меҳнатга мойиллик кўрсатиш, тарбияда эскирган

усуллардан воз кеча олиш, ҳамиша янгиликка интилиш, иш жараёнида ижодий ҳолатда бўлиш;

- ўз-ўзини бошқара олиш, сабр-тоқат, танқидий фикрларни тўғри қабул қилиш, ўз-ўзига ўта талабчанлик, ўз-ўзини танқид қила олиш;

- киришувчанлик, самимийлик, барча билан мулоқот қилишга қизиқиш, ўқувчилар билан тезда киришиб кетиш, мулоқотда эркинлик, сезгирлик, меҳрибонлик, ҳамкорликка интилиш;

- оптимизм (мақсадга етиш ва муваффақиятга ишониш, доим кўтаринки кайфиятни сақлаш, қийин пайтларда тушкунликка тушмаслик, ўқувчиларда оптимизм (келажакка ишонч) уйғотиш, уларда ҳаётга оптимистик муносабатни шакллантириш);

Синф раҳбарларига ўз фаолиятларини муваффақиятли ташкил этишлари учун уларга шахсий хислатларидан ташқари психо-физиологик хусусиятлар ҳам зарур. Психо-физиологик хусусиятлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- яхши соғлиқ;
- жисмоний бақувватлилик, чидамлилиқ;
- юқори даражадаги ишчанлик.

Бундан ташқари, тарбиячи *конструктив, таҳлилий ва ижодий фикрлашга* ҳам қодир бўлиши мақсадга мувофиқ:

- конструктив фикрлаш уларга ишни режалаштириш ва ташкил қилиш;

- аналитик фикрлаш меҳнат жараёнини назорат қилиш ва натижасини таҳлил қилиш;

- ижодий фикрлаш – иш масалаларини мустақил, қизиқарли бажариш учун лозим.

Буларнинг барчаси тарбиячидан қуйидагиларни талаб қилади:

- барча янгиликни тез қабул қила олиш, ҳамда бир фаолиятдан иккинчисига, бир иш туридан иккинчисига тез ўта олиш қобилияти;

- ҳамдард бўла олиш қобилияти;

- ўз эътибори ва диққатини тезлик билан бирон нарсага қарата олиш – ўткир зеҳнлилиқ;

- имо-ишора, ҳаракатларнинг кўплиги-завқлилиги;

- ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ҳиссиётларини бошқара олиш қобилияти;

- ўзини тезлик билан боса олиш – турғунлилиқ;

- ҳиссий муносабатларнинг маданий кўринишига эга бўлиш (хо-холаб қулмаслик, бақириб гапирмаслик, кўпол муомала қилмаслик, бировни камситмаслик ва ш.к.лар).

Тарбиячининг *нутқий хусусиятларига* қуйидагилар қиради:

- гапира олиш;

- ўз овозини бошқара олиш;

- яхши лугат бойлиги;

- нутқнинг образлилиги ва ҳаяжонлилиги;

- ҳаракат жойига кўра нутқнинг характерини тушуниш;

- нутқ аппаратининг чидамлилиги;

- тўғридан-тўғри, «қоғозсиз» сўзга чиқа олиш ва фикрини баён қила олиш.

Юкоридаги хусусият ва хислатлар билан бир қаторда тарбиячиға ўқувчиларнинг нутқларига эътибор қилиш ва эшитиш бўйича ҳам яхши хотира керак: маърузалар, буйруқлар, фармойишлар, ўқувчилар ва ҳамкасбларининг исмлари, ўқувчиларнинг юз кўринишлари, товушларини тезлик билан ва мустақкам ёдда сақлаб қолиш, шеър, кўшиқ ва ш.к.ларни ёддан билиш.

Синф раҳбарининг касбий фаолиятида педагогик маҳорат катта аҳамиятга эга, чунки у гуруҳ ва жамоа фаолиятини тушуниш, шунингдек, ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни шакллантиришга ёрдам беради.

5.2. Синф раҳбарининг касбий маҳоратлари



1. Синф раҳбарининг *ташкilotчи сифатидаги* фаолияти билан боғлиқ маҳоратлари. Улар қуйидагилар:

- кўпчилик ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари ва қизиқишларига мос ҳолда фаолиятга жалб қила олиш;

- турли ишларни белгиланган муддатда бажариш бўйича вазифаларни оқилона тасдиқлаш;

- турли рағбатлантирувчи омил ва педагогик усуллардан фойдаланган ҳолда ўқувчилар жамоаси ишларида уларнинг қатнаша олишларига қизиқтириш ва фаолликларини ошириш бўйича хоҳиш уйғотишни таъминлаш.

2. Синф раҳбарларининг *тарбиячи сифатидаги* фаолияти билан боғлиқ маҳоратлари. Улар қуйидагилар:

- ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий вазифаларини тушунтира олиш;

- ўқувчиларнинг саволларига асосли жавоб бера олиши, суҳбат, баҳс юрита олиши, у ёки бу ҳолатларни исботлаш ва рад қила олиш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари қоидаларига ва тамойилларига риоя қилиши;

- жамоанинг шахсга таъсирида тарбиявий имкониятлардан фойдаланиш;

- ўқувчиларнинг ёши ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш;

- ўқувчилар билан ишлашда ўйин, романтикаларни кенг қўллай олиш.

3. *Педагогик таъсир услублари* билан боғлиқ маҳоратлар. Улар қуйидагилар:

- иш жараёнида мусобақа, талаб, рағбатлантириш, жазо, ишонтириш усулларида фойдаланиш;

- ўқувчилар билан яккама-якка тартибда иш олиб бориш;

- ўқувчилар учун намуна бўлиш, ташки кўринишда кўркамлик, ихчамлик;

- сўз ва иш бирлиги, жавобгарлик, пухталиқ ва ш.к.лар.

4. Амалий маҳоратлар:

- гуруҳ бурчаклари, кўргазмаларни тайёрлаш ва ташкил қила олиш;

- радиогазеталарни тайёрлаш ва эшиттириш ташкил қилиш, ўтказиш;

- жамоавий ўйинлар, кўшиқлар, рақслар ташкил қилиш ва уларни ўтказа олиш;

- саёхатлар ва экскурсияларни ташкил эта олиш, йўналишларни танлай олиш;

- спорт мусобақаларида ҳакамлик қилиш;

- содда нарсаларни ясай олиш;

- ўқувчилар байрамларини тайёрлаш;

- коллекцияларни безаш, икёбан ва гулдасталар тайёрлаш;

- расм чизиш;

- биринчи тиббий ёрдам кўрсата олиш.

5. Синф раҳбарларининг ўқувчилар жамоаси раҳбари сифатидаги фаолияти билан боғлиқ бўлган маҳоратлар. Улар қуйидагилар:

- ўқувчилар жамоасининг аниқ вазифаларини белгилаш;

- касбий маҳорат даражасини мустақил равишда такомиллаштириш, ўз устида ишлаш;

- аниқ тадбирларни тайёрлаш ва уларни ўтказиш режаларини ишлаб чиқиш;

- ўқувчилар жамоаси фаолияти жараёни ва иш натижаларини таҳлил қилиш;

- ўз-ўзини асосли баҳолаш, ишнинг янги истиқболларини сеза олиш.

5.3. Синф раҳбарининг хизмат вазифалари



Синф раҳбарларининг хизмат вазифалари улар фаолият кўрсатаётган таълим муассасасининг йўналиши, хусусияти, имконияти, шароити, ўқувчиларнинг савияси ва тарбияланганлик даражаси ҳамда уларнинг ташкилотчилик қобилияти, педагогик маҳоратига асосланган ҳолда белгиланади.

Синфда тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнида синф раҳбари куйидаги *вазифаларни* амалга оширади:

1) ўқувчилар шахсини ўрганиш;

2) гуруҳда тарбиявий жараён ва ўзаро муносабатларни таҳлил этиш, мувофиқлаштириш ва яхшилаш;

3) гуруҳ ўқувчилари билан ишловчи тарбиячиларнинг ишларини мувофиқлаштириш;

4) ўқувчилар жамоаси фаолияти босқичларини, гуруҳ тадбирларини режалаштириш, тайёрлаш, ўтказиш ва яқинлаш; тарбиявий соат, ахборот ва мулоқот, танлов ва ш.к.ларга вақт ажратиш;

5) зарурат туғилганда ўқувчиларнинг ота-оналари билан учрашув ўтказиш;

6) гуруҳда ўқувчилар ўзини-ўзи бошқариш фаолиятининг педагогик таълимоти;

7) гуруҳ журналани олиб боришни ташкил этиш.

Синф раҳбари ўз вазифаларини амалга ошириш мобайнида:

• *ўқув йили бошида:*

- гуруҳ рўйхатини тузади ва журнални расмийлаштиради (ўқув ҳафтасининг биринчи ярмида);

- ўқувчилар билан ҳамкорликда гуруҳнинг иш режасини тузади ва таълим муассасасининг тарбиявий ишлар бўйича масъул ходими билан уни мувофиқлаштиради (сентябр ойи ичида).

• *ҳар куни:*

- дарсга қатнашмаётган ўқувчиларни синф журналига қайд этади, уларнинг дарсларга қатнашмаганликлари сабаблари билан қизиқади;

- гуруҳ ўқувчиларининг ўз-ўзини бошқариш органларига педагогик ёрдам кўрсатади;

- ўқувчиларнинг ташқи кўринишини назорат қилади;

- гуруҳда ўтаётган навбатчиликларни назорат қилади.

• *ҳар ҳафтада:*

- синф раҳбари томонидан гуруҳ журналани расмийлаштишини назорат қилади;

- тарбиявий соат (ёки ахборот соати) ва мулоқот ўтказиши.

• *ҳар ойда:*

- гуруҳ жамоасини турли тадбирлар ва ишларда иштирок этишини ташкил этади;

- хонани ёки гуруҳга таълим муассасасида ажратилган ҳудудни тозалашни ташкил этади.

• *семестр давомида:*

- гуруҳнинг таълим муассасаси бўйича навбатчилигини ташкил этади (жадвал асосида);

- ўқув аудиторияларининг ҳолатини назорат этишни ташкил қилади;

- зарурат туғилганда ота-оналар йиғилишини ўтказиши;

- гуруҳнинг ота-оналар қўмитаси ишини ташкил этади.

• *семестр охирида:*

-гуруҳнинг ўтган семестр (чорак)даги ўқув натижалари ва фаолиятининг якунини таҳлил қилади;

-маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан ўринбосарига бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот беради.

• *ўқув йили охирида:*

- гуруҳ фаолиятининг якуний натижаларини эълон қилишни ташкил этади;

- ўқув хоналарини таъмирлашни ташкил этади.

5.4. Тарбиявий соат, ахборот соати ва тарбиявий тадбирларни кузатиш ва таҳлил қилиш мезонлари

Ўқув йили давомида, одатда, тарбиячилар ҳамкасбларининг тарбиявий соат, ахборот соати ёки тарбиявий тадбирларда тажриба алмашиш мақсадида иштирок этадилар. Бундай ҳолда энг қийини, кузатилган ёки иштирок этилган тарбиявий соат, ахборот соати, тарбиявий тадбир ҳақида фикр билдириш, уни таҳлил қилиш ҳисобланади. Шу сабабли, биз бу бўлимда тарбиявий соат, ахборот соатлари, тарбиявий тадбирларни кузатишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида фикр юритиб, унинг тахминий мезонларини сизга хавола қилмоқчимиз.

Таҳлил қилиш мезонлари

1. Тарбиявий соат, ахборот соати ва тарбиявий тадбир тузилмасининг, кетма-кетлиги ва тўғри тузилганлиги.

2. Танланган мавзунинг тарбиявий аҳамияти юзасидан долзарблиги.

3. Танланган мавзунинг олиб борилаётган ишга мослиги.

4. Ўтказилаётган тарбиявий ишнинг тўғри режалаштирилгани ва вақтнинг тўғри тақсимланганлиги.

5. Ишлатилаётган безаклар, кўرғазмали воситаларни борлиги ва танланган мавзуга мослиги.

6. Тарбиячи (машгулот бошловчиси)нинг маҳорати:

- таниқ қиёфаси (мимика, пантомимикаси, ҳаракатлари) ва потиклик санъатига эга, суҳандон;

- иштирокчиларни бошқара олади ва кузатувчан;

- иштирокчиларни фаолаштиради;

- турли тарбиявий усулларни ишлага олади;

- техник воситалар, махсус эмоционал самаралардан фойдаланилади;

- маъқуллаш ва рағбатлантиришни билади.

7. Ўтказилаётган иш а ижодий ёндашилганлиги.

8. Иштирокчиларининг қатнашиши (кўп, кам, яқка одамлар) ва ш.к.

Иъзо: Албатта, бу мезонлар тахминий бўлиб, унинг мазмуни ва талаблари таълим муассасаси шароитидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин.

5.5. Танқид қилишни ўрганинг

Аслини олганда, ким яхши ва аъло даражада ишлаётган бўлса, уларни мактаб ва маъқуллаб, меҳнатларини баҳолаш осон. Бу ерда муносабат шаклини алоҳида танлашга зарурат йўқ.

Аммо танқид шаклини танлаш нисбатан мураккаброқдир. Тарбияланувчига ҳақиқатдан таъсир кўрсатадиган турлари унинг касбий-ахлоқий ишларига ёрдам беради.

Амалиётдан маълумки, барча танқидий баҳоларни тасниф қилиш мумкин. Улар куйидагиларни камраб олиши мумкин;

Рухлантирувчи танқид («Ҳечқиси йўқ. Кейинги сафар яхшироқ бажарасиз. Ҳозир эса унчалик ўхшамабди»);

Танқид-умид («Умид қиламанки, кейинги сафар бу вазифани яхшироқ бажарасиз»);

Танқид-таъна («Ие, Сизни қаранг? Мен Сизга жуда умид боғлаган эдим!»);

Танқид-такқослаш («Илгари, Сиздек пайтимда, мен ҳам айни шундай хатога йўл қўйганман, ўшанда мен ҳам ўқитувчим (мураббий)дан шундай гап эшитган эдим»);

Танқид-мақтов («Иш яхши бажарилган», «Аммо, факат ҳозирги ҳолат учун эмас»);

Эгасиз-танқид («Жамоамизда шундай ходимлар ҳам борки, улар ўз вазифаларининг уддасидан чиколмаяптилар. Уларнинг номларини айтмасак ҳам бўлади»);

Танқид-ташвишланиш («Мен юзага келган вазиятдан жуда ташвишдаман. Айниқса, шундай ўртоқларимиз...»);

Танқид-қайғуриш («Мен Сизни яхши тушунапман. Сизнинг аҳволингиз менга маълум, аммо Сиз мени ҳам тушунинг. Ахир, иш бажарилмаган-ку»);

Танқид-афсусланиш («Мен жуда афсус қиламан, аммо айтиш керак, иш сифатсиз бажарилган»);

Танқид-хайратланиш («Қандай?! Нахотки Сиз бу ишни бажармадингиз? Кутмаган эдим...»);

Танқид-киноя («Қойиллатиб бажарасиз. Иш деган мана бундай бўлибди! Энди раҳбарларнинг кўзига қандай қараймиз?»);

Танқид-таъна («Сизни қарангу. Мен Сиз ҳақингизда жуда юқори фикрда эдим»);

Танқид-ишора («Мен бу кишини билардим. У ҳам худди Сиз каби иш тутарди. Кейин унга яхши бўлмади»);

Танқид-юмшатиш («Бўлиб ўтган ишларга, афтидан, факат Сиз ўзингиз айбдор эмассиз»);

Танқид-гина («Нима учун бундай тартибли бажармадингиз? Устига устак кечикиб...»);

Танқид-танбех («Тўғри бажармабсиз. Кейинги сафар маслаҳатлашинг»);

Танқид-огоҳлантириш («Агар Сиз яна нуқсонга йўл қўйсангиз, ўзингиздан ўпқаланг!»);

Танқид -талаб («Ишни Сизга қайтадан бажаришга тўғри келади»);

Танқид-даъват («Шунча хатога йўл қўйган экансиз, вазиятдан қандай чиқишни фақат ўзингиз ҳал қилинг»);

Асосли-танқид («Иш потўғри бажарилган. Энди нима билан шуғулланмоқчисиз?»);

Танқид-хавфсираш (Мен кейинги сафар ҳам иш шундай даражада бажарилади, деб хавфсираяпман)

Танқиднинг қайд этилган шакллари ўқувчи ўз ўқитувчиси (мураббийси)ни ҳурмат қилган тақдирдагина самара бериши мумкин. Ўқитувчилар ўзлари ҳақидаги мулоҳазаларни қадрлайдилар. Ўқитувчилари (мураббийлари) кўз остига олишларини хоҳлаб, вазиятни тўғрилаш учун талабалар барча кучларини сарфлайдилар. Айниқса танқид аёвсиз бўлган бўлса.

Агар ўқувчи ўқитувчиси (мураббийи)га хайрихоҳ бўлмаса, салбий баҳоларни ижобийлари билан қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бир сўз билан айтганда, изланиш ва яна изланиш керак.

6-§. ЖАМОАВИЙ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ – ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ СИФАТИДА

Таълим муассасаларида тарбиявий ишлар услублари ўқувчилар жамоаси фаолиятини ташкил қилишда жараёнида уларнинг онгига, ҳиссиётларига ва ҳулқларига таъсир қилиш усуллариدير. Бундай таъсир қилишда жамоавий ижодий ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Шахс ўз фаолияти асосида шаклланади ва ривожланади. Жамиятда яшаш, бошқа кишилар билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро фаолият юритиш кишининг фақат жамоа ишларидаги иштироки, жамоавий ижодий фаолияти (ЖИФ) орқали шаклланади. Тарбиячиларга сунъий равишда шундай имкониятлар яратиш услубиёти ва технологиялар намунаси педагогика фанида анчадан бери маълум. Шулардан бири ЖИФ услубиётидир.

ЖИФнинг асосини жамоавий ижодий ишлар ташкил этади. Жамоавий ижодий ишлар ўқувчиларни иш фаолиятида иштирок этишларига ва ташаббускорлик кўрсатишларига ёрдам беради. ЖИФ гуруҳда ўқувчилар томонидан танланган аниқ бир ишни ташкил қилиш (Иванов услубиёти бўйича) куйидаги *олти босқични* амалга оширишни кўзда тутати: ижодий иш мақсадини аниқлаш, гуруҳни ижодий гуруҳларга ажратиш; бўлажак ижодий ишни тайёрлаш лойиҳасига киритилган ҳар бир ижодий гуруҳнинг таклифларини муҳокама қилиш; ижодий ишни ташкил қилишда таклифларни тўплаш, умумлаштириш; уни ўтказиш; Нима амалга ошди, нима олмади, нега? Ўтказилган иш янада яхши бўлиши учун нима қилиш керак? Ижодий ишдан қандай тажриба олинади? Бундан кейинги ишларни ташкил қилишда яна нималарга эътибор бериш керак? каби саволлар билан ўтказилган ЖИФ натижаларини таҳлил қилиш; ишнинг натижасини аниқлаган ҳолда унга яқин яшаш.

ЖИФ технологияси ўқувчиларни ижодга йўналтиради, ҳаракат қилишнинг зарур шакллари ва услубиётларини топиш вазифаларини белилади, мақсадни аниқлашга ўргатади, ишни ташкил этишга ёрдам беради, жамоа ва алоҳида ўқувчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди ва кучайтиради, ўқувчиларга ўз қобилиятларидан янада яхшироқ фойдаланиш имкониятлари ҳақида маслаҳат беради, ўқувчилар ва жамоанинг ахлокий жиҳатдан ривожланишини кузатиш ва ишларни тартибга солиш имкониятини беради. Тарбиячи бу ҳолатда катга ўрток ва бажарилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи сифатида гавдаланади. Унинг вазифаси: ҳамкорлик шароитини вужудга келтириш, дўстона ўзаро ёрдам, маънавий-психологик шароитни юзага келтиришдан иборат бўлади.

Бундан кейин жамоавий ижодий фаолият услубиёти ҳамда жараёндаги иштирокчиларининг ўзаро фаолиятини лойиҳалаштириладиган педагогик *жараёни ташкил этувчи технология* сифатида қараймиз.

ЖИФ технологиясини амалга ошириш куйидаги босқичлар билан узвий боғланган ишларни кўзда тутати:

1. Педагогик мақсад:

- тарбиячи ўқувчилар гуруҳининг иши билан боғлиқ мақсад ва вазифаларда ўз мавқеини белгилаб олади;
- уларни амалга ошириш мумкин бўлган йўллар, шакллар ва услубиётларни белгилайди;
- дастлабки суҳбатни (ёки гуруҳ йиғилиши, умумий йиғилиш) ўтказиш режаси ва услубиётини ишлаб чиқади, суҳбат йўналишини белгилайди;
- мўлжалланган у ёки бу ижодий ишлар бўйича ўқувчилар тарбиячининг иттифокчиси сифатида ўз фикрларини бериш учун далил танлайди.

ЖИФ бўйича аниқ ижодий ишни танлашда таълим муассасаларида анъанага айланган шаклларни ҳам ҳисобга олиш мумкин.

2. Биргалликда лойиҳалаш:

- муваққат ташаббус (ижодий) гуруҳини ташкил этиш. Бунда изчиллик ва ривожланиш таъминланиши лозим (хар бир янги ижодий иш учун, олдингиси билан қиёслаганда камида 1/3 га янгиланган гуруҳ ташкил этилиши керак);

- ЖИФ лойиҳасини тайёрлаш куйидагиларни камраб олади:

а) ижодий ишнинг мазмуни;

б) тайёрлашнинг турли босқичларида ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар:

в) ижодий ишни тайёрлаш ва ўтказиш дастури.

Дастурда ЖИФга тайёргарлик кўриш вақтида бажарилиши зарур бўлган бир қатор ишлар мавжуд бўлиб, бу ишлар асосида ижодий гуруҳлар учун вазифалар шакллантирилади.

Тарбиячининг иш олиб бориш услубиёти – дўстона ўқитувдан (мавжуд тажрибани ўтказиш) ҳамкорлик (янги, ижтимоий қимматга молик тажриба яратиш) га қараб боришдир.

3. Ишни тайёрлаш педагогик жараёндаги энг масъулиятли босқичдир.

Бу босқичда куйидагилар зарурдир:

- хар бир ўқувчини сезиш, унинг жамоадаги ўрнини белгилаш, кайфиятини ҳис қилиш;

- ўз вақтида ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилиш, аммо бунда маслаҳат -- «рецепт» билан қифояланмаслик;

- вазиятдан келиб чиққан ҳолда, бошланғич лойиҳани қайта ишлаш баҳонасида ташаббускор гуруҳни ўзи билан алмаштирилишига йўл қўймаслик.

4. Ишни ўтказиш кейинги таҳлил учун асосдир.

Бу босқичда ижодий ишни лойиҳалаш жараёнида барча иштирокчилар ва меҳмонлар учун «томошабинсиз» иш қондаларини амалга ошириш ниҳоятда муҳимдир.

5. Рефлексия (ўтказилган иш таҳлили) – ишни тadbирга айлантириб юбормаслик шарт.

Мақсад – тажриба орттириш, ҳамкорлик ва яккама-якка фаолият таҳлили, таҳлил амалиёти ва маҳоратини эгаллаш.

Вазифа – фаолият натижаларини баҳолаш, топширик иштирокчиларининг ҳаётий тажрибаларини ўстириш.

6. Яқин орадаги натижалар.

Бу босқич жамоа ҳамда уни ташкил этувчи шахслар шаклланишининг зарур шarti ҳисобланади. Унинг мақсади – ҳамкорлик анъаналарини шакллантириш, жамоанинг кувнок ҳаёти ва келажагини қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу босқичда энг муҳими, «яхши ишлар доираси»ни кенгайтириш борасида эришилган ютуқда тўхтамаслик, инсон, жамоа фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни ташкил этиш лозим.

ЖИФ технологияси бўйича тарбиявий машгулотлар, байрамлар, танловлар, шанбаликлар ташкил этилиши ва ўтказилиши мумкин. ЖИФ технологияси жамоавий ижодий ишларнинг ранг-баранглигига боғлиқ. уларнинг ёрқин намунаси сифатида иштирокчилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган, халқда анъанавий ўтказиладиган турли мавсум-маросим байрамларини кўрсатиш мумкин.



Таълим муассасаларида ташкил этилиши ва ўтказилиши мумкин бўлган жамоавий ижодий тадбирлар

Таълим муассасаларида ўтказиладиган жамоавий тадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. **Фестиваллар:** дўстлик, халқ ижодиёти, байналмилал маданият. ўзбек қўшиқлари, сайёҳлар қўшиғи; «Ватандошларимиз дунё бўйлаб», «Истеъдодлар бизнинг орамизда», «Замонавий оҳангларда» театрлаштирилган чиқишлар; «Келинг, кулишайлик» ва бошқалар.

2. **Эстафеталар:** сеvimли машгулотлар, меҳнат соҳалари, хотира кунлари, спорт йўналишлари бўйича.

3. **Тренинглар:** бахслар, ёшлар шоуси: «Хушфезллик ва яхши одатлар», «Соғлом турмуш тарзи», «Биз ва қонун», «Жиноят, гиёҳванд мода. ОИТС қурбони бўлмаслик йўли», «Мен ва жамоа», «Онлавий клуб» ва

бошқалар.4. Биргаликда ўтказиладиган байрамлар: халқ таквими (удум ва анъаналарга мувофиқ), тугилган кун, жамоанинг туғилган куни, ўқитувчилар ва мураббийлар куни, ота-оналар, дўстлар, ўқитувчилар билан биргаликда ўтказиладиган учрашувлар, йил фасллари, сайллари байрамлари ва ш.к.

4. Биргаликда ўтказиладиган байрамлар: халқ таквими (удум ва анъаналарга мувофиқ), тугилган кун, жамоанинг туғилган куни, ўқитувчилар ва мураббийлар куни, ота-оналар, дўстлар, ўқитувчилар билан биргаликда ўтказиладиган учрашувлар, йил фасллари, сайллари байрамлари ва ҳ.к.

5. Мавзули кечалар:

- кечалар-нортретлар (оилалар, устозлар, гуруҳлар, ўқитувчилар), «Ветеранлар орамизда», «Ажойиб кишилар» билан учрашувлар, «Чин дилдан», «Мушоарат одоби» кечаси;

- адабий, мусикий, шеърят кечалари, концертлар;

- оғзаки журналлар (шу жумладан, ахборот журналлари) халқ байрамлари ва удумлари бўйича. Жонли газеталар, ахлоқ-одоб ҳақидаги суҳбатлар, очик суҳбатлар;

- касбий танловлар: «Мен севган касб»;

- танлов дастурлари: ҚЗК (КВН), «Ёш уй бекаси», «Мавсум моделлари», «Биз ва бизнинг истиқболдаги ихтисослигимиз», «Билимдонлар»;

- савол-жавоб кечалари, матбуот анжуманлари, очик мунозаралар, доира столлари (жамоа ва жамиятнинг турли ҳаётини масалалари бўйича), ректорат, деканат ва мактаб раҳбарлари, кутубхона ходимлари билан учрашувлар ва бошқалар;

- очик тортишувлар, сиёсий баҳслар, амалий ва ролли ўйинлар;

- турли мавзулардаги олимпиада ва викториналар.

6. Танловлар: касбнинг моҳир устаси, адабий-бадний, фантастик лойиҳалар, истеъдодлар турнири. «Мисс ва мистер» (халқ мотивлари ва касбий далилларга асосланган ҳолда), «Бек ва бегойим» кабилар.

Жамоавий ижодий фаолият, жамоавий ижодий ишни ташкил этиш, тайёрлаш, ўтказиш ва уни таҳлил этиш кўп жиҳатдан ташкилотчилар, тарбиячилар, гуруҳ раҳбарлари ва услубчиларнинг тарбия, тарбия жараёни, тарбиявий ишлар, тарбиявий ишлар услубиётини ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларига боғлиқ.

Албатта, услубий ишлар, педагогик жамоага услубий раҳбарлик кўшимча вақт, қувват, педагогик санъатни талаб қилади. бу эса ўқувчилар тарбияси жараёнини оқилона бошқариш ва педагогик жамоа аъзоларининг педагогик маҳоратини ошишини кузатиш имкониятларини бериши билан қопланади.

7 - §. ТАДБИРЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Таълим муассасаларининг тарбиячилари одатда ўқувчилар билан ўтказиладиган тарбиявий соат, ахборот соатлари, синфдан ташқари тарбиявий ишлар, ота-оналар йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказишда анча қийинчиликларга дуч келадилар. бунинг сабаблари хилма-хилдир: юқорида санаб ўтилган ишларни ҳамма вақт бир хил тартибда, бир хил кўринишда бўлиши ёки ранг-барангликнинг бўлмаслиги, уларда ижодийликнинг пастлиги ёки ўзларида зарур ташкилотчилик қобилиятларининг етишмаслиги иш услубидан етарлича хабардор эмасликларидан далолат бериши мумкин. Ҳар бир тарбиявий ишнинг мақсади қўйиладиган натижани бериши тарбиячилардан жуда катта педагогик ва актёрлик маҳоратини, тарбиявий ишлар услубидини чуқур билишларини, ўз устидарида тинмай меҳнат қилишлари ва бош тажрибага эга бўлишларини талаб этади.

Таълим муассасаларида ўтказиладиган тадбирларга қўйиладиган ўзига хос талаблар мавжуд.

Тарбиячилар томонидан ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини фойдали, қизиқарли ташкил этишлари бўйича фаолиятларини кузата туриб, улар ўтказётган тарбиявий ишлар, тадбирлар, дискотека, рақс кечалари оммавий рақслар, ўйинлар имкони ва унинг хилма-хиллиги чегараланганлигини кўриш мумкин. Бундай тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида баъзи ўқувчилар, кўпинча, зерикиб қоладилар ва шу сабабли бекорчи бўлиб қолиб, тадбирлар давомида ўзлари хоҳлаганларича юрадилар. Бундай ҳолатга тарбиячиларнинг эскирган тадбирлар, ўйинлар ва рақслардан фойдаланишлари, уларни бажаришга қўйилган талаб ва усулларни билмасликлари, ўз устида доимий равишда ишламаганликлари, уларнинг шу соҳадаги билим ва малакаларини етарли эмаслиги, янги, қизиқарли, қувнок ўйинларни, ижодий ҳаракатларни изламаликларини ҳамда ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олмасликлари сабаб бўлиши мумкин.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини ташкил этишга йўналтирилган тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишнинг ўзига яраша умумий талаблари бор.

Ҳар қандай тарбиявий тадбир ташкил қилишнинг асосий тамойилларидан бири – катталарнинг раҳбарлиги ва ўқувчиларнинг ижоди, ҳаваскорлигининг бирлигидир. Тарбиячи ва ташкилотчиларнинг тадбирда иштироки турлича бўлиши мумкин. Жумладан, катталар тадбирда шахсан иштирок этмайдилар, ўзлари ҳеч қандай роль ижро этмасалар-да, тадбирни ташкил этишда ва раҳбарлик қиладилар; тадбирда қатнашмасалар-да, ганабус гуруҳи ва ташкилотчилар орқали раҳбарлик қиладилар ёки ҳайбал аъзоси сифатида иштирок этадилар.

Ҳар қандай тарбиявий тадбир бошланишидан олдин, унинг мақсадини, мазмунини аниқлаб олиш зарур ва машғулот мақсадини барча ўқувчилар билиши мақсадга мувофиқ. Тарбия ташкилотчи-раҳбарининг вазифаси вазифаларни, ролларни тўғри тақсимлаш ва унинг амалга оширилиши кузатишдир. Вазифа ва ролларни тақсимлашда ўқувчиларнинг ҳусулиятини

ҳисобга олини лозим. Қайсидир ўқувчига берилган вазифа ёки роль ўз обрўсини мустаҳкамлашга, ўзини кўрсатишга ёрдам берса, бошқасига тенгдошлари билан яқинлашишга, дўстлашишга ёрдам беради. яна бошқа ўқувчиларни эса уюшқоқ бўлишга ўргатади. Тадбир ўқувчилардан аниқ куч ва тайёрат талаб қилади. Агар тадбирнинг боришига, унинг натижасига ўқувчилар осонгина эришсалар, тадбирга кизиқиш йўқолади ва ўқувчилар бундай тадбирларга иштирок этмай қўядилар. Тадбирларни тез-тез алмаштириш хилма-хиллаштириб туриш керак ва уларнинг натижаларини ўқувчилар билан муҳокама қилиш лозим. Бунда ўқувчиларнинг ўзаро муносабатига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ.

Тўғрида таълим муассасаларида тарбиячилар учун ташкил этиш ва ўтказиш мумкин бўлган ўзбек миллий рақсларининг яратилиши ва жозибаси ҳақидаги «Рақслар базми», ўзбек ва жаҳон халқлари эртаклари асосида тузилган «Суямбил мамлақати», кузги тенг кунлик «Меҳржон» байрамлари ҳамда ёшларнинг оммавий рақслар, дискотека кечаларининг сценарийларининг ёзма баёни келтирилади.

7.1. «Рақслар базми» байрамини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби



Байрам тантанали кириш қисми билан бошланади.

Байрамнинг кириш қисмида иштирок этувчилар:

илҳом париси (муза танца Терпсихора)

хиром завқи (Грация)

рақс жилоси. раққос ва раққосалар.

Байрамни ўтказиш тартиби:

1. Байрамнинг ногора, карнай-сурнай, доира садолари билан бошланиши.

2. Байрамнинг тантанали кириш қисми ва унда *илҳом париси* ва *хиром завқининг* раққос ва раққосалар билан тантанавор кириб келиши.

3. Байрам дастури билан таништириш.

4. Таълим муассасаларида ўтказилган рақслар танлови ғолибларининг чиқишлари.

5. Рақслар танлови ғолибларини тақдирлаш.

Байрамнинг бориши. Даврага ёки сахнага майин, ёкимли ўзбек миллий куйи остида 2 нафар бошловчи (бир киз ва бир ўғил бола) миллий кийимларда чиқиб келадилар.

1-бошловчи. Ассалому алайкум азиз дўстлар, кадрли ўқувчилар, рақс санъатининг мухлислари!

Эшитяпсизми? Ёқимли ва жозибали рақсга чорловчи куй янграмоқда. Биз бугун Сизларни катта тантана, гўзал байрамлардан бири бўлган ҳаммага қувонч, завк-шавк бағишлайдиган «**Рақслар базми**»га таклиф этамиз.

Янграётган майин куй шўх, уйноқи куйга айланади, масалан, «Дилхирож».

2-бошловчи. Рақслар ҳам қўшиққа ўхшайди. Ҳаётда бирон марта бўлса ҳам қўшиқ куйламаган инсон бўлмаса керак. Рақслар ҳам худди шундай. Ҳамма ҳам рақс тушишни билавермайди, лекин ҳамма рақс тушишни хоҳлайди.

1-бошловчи. Байрамларни рақсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Рақс ёш танламайди. Катта-ю, кичик барчага рақс баробар. Кўнгил очар рақслар барчамизга ёқади. Рақс тушиш учун *илҳом париси-ю, хиром завқи ва рақс жилоси* бўлса бўлди, хоҳлаган инсон рақс тушишни мумкин.

2-бошловчи. Шундай экан, бугунги «**Рақслар базми**»ни «*илҳом париси*», «*хиром завқи*», «*рақс жилоси*»сиз бошлаб бўлмайди. Келинг, биз уларни базминизга таклиф этамиз, чунки улар каерда бўлмасинлар – ўша ерда катта-ю кичик ялага ва куйларга рақс тушиб, хиром этадилар.

Карнай-сурнай, доира садолари остида *илҳом париси ва хиром завқи* биргаликда ўзбек миллий рақс ҳаракатларидан баъзиларини ижро этган ҳолда майдон ўртасидан юриб, секин-аста сахнага чиқадилар. Икки томондан 8 та йигит ва қизлар (4 та йигит, 4 та қиз) миллий рақс ҳаракатларини ижро этган ҳолда сахнага чиқиб, *илҳом париси ва хиром завқи* атрофига тўпланадилар. Барча иштирокчилар сахнада ўз жойларини эгаллайдилар. Уларнинг ҳаммалари ўз ролларига яраша кийимлар кийишган.

Ҳамма ўз жойини эгаллагач, куй янграйди. Янграётган куй остида илҳом париси (қиз ўқувчи) ва хиром завқи (ўғил ўқувчи) томошабинларга куйидаги сўзлар билан мурожаат қиладилар.

Илҳом париси. Мен, илҳом парисиман!

Мен инсонларга яхши ишларни бошлашларига, янги, бир-бирига ўхшамас гўзалликлар яратишларига ҳамда барчага ёқадиган рақсларда хиром этишларига **Илҳом** бағишлайман. Мендан илҳомланиб инсонлар турли хил кизиқарли янгиликлар ихтиро этадилар. Бугунги базм-у жамшидда йигит ва қизлар шўх, қувнок ҳамда ёқимли куйларга рақсларда хиром айлаб жозибали рақслар базминини намойиш этадилар.

Хиром завқи. Мен хиром завқиман!

Мен илҳомланиб рақс тушаётганларга завк билан хиром этишларига кўмаклашаман.

Бугун биз рақслар базмида Сизларга ўзбек миллий рақслари, уларнинг келиб чиқиш тарихи, турлари ва уларнинг қанчалик жозибадор эканлиги ҳақида сўзлаб бермоқчимиз.

*Янги ўзбек миллий мусиқаси остида **Рақс жилоси** секин-аста ўртада хиром айлаб рақс туша бошлайди.*

Мана бир эътибор беринг-а, ўзбек миллий рақслари қанчалик ёқимли, завққа тўла, инсонларга қанчалик яхши кайфият ва гўзаллик бахш этади.

Бундай гўзал рақслар маликаси – **Рақс жилосидир**, унинг комати, кадамлари, рақс ҳаракатлари барчани ҳайрон қолдиради.

Рақс давом этади ва тугалланади.

Илҳом париси. Ўқувчилар, Сиз биласизми, рақслар қандай ва қачон пайдо бўлган? Рақслар халқ томонидан яратилган. Шунинг учун, ҳар бир рақсда халқнинг дил изхори ётади. Ҳар бир рақс, ҳар бир халқнинг урф-одати, анъанаси, қадрияти ва замонасини англайди, акс эттиради. Ҳар бир рақснинг ўз даври ва ўз тарихи бўлган.

Хиром завқи. Рақсларнинг ҳаракатлари ибтидоий даврдан бошланган бўлиб, аввал овчиликни ифодаловчи рақс ҳаракатлари, кейинчалик деҳқончилик бошлангач – ҳосил йиғиш, экин экишга бағишланган рақс ҳаракатлари пайдо бўлган. Ҳар бир давр рақслар ҳаракатига ўз ҳиссасини қўшган, ўз ҳаракатларини киритган.

Кўй чалинади ва «Узум узини» рақси ижро этилади.

Илҳом париси. Аста-секин ҳар бир халқнинг ўз миллий рақслари пайдо бўла бошлаган. Асрлар, йиллар давомида бу рақс ҳаракатлари тақомиллашиб бориб, ўз замонаси нафасини акс эттирувчи рақсларга айланган.

Хиром завқи. Ўзбекистон дёрида яшаган халқлар орасида рақс санъати турмуш шароитлари, диний маросимлар, байрамлар билан боғлиқ ҳолда қадимдан тараққий этган.

Илҳом париси. Ўзбекистонда топилган қадимий манбаларда рақс тушаётган қиёфалар, сайил ва муҳим маросимлар акс эттирилган. Шундан бўлса керак, замонавий ўзбек рақси бой меросга эга.

Кўй чалинади. Классик рақслардан бири ижро этилади.

Рақс жилоси (рақс тушаётган кизларга қараб). Ўзбек рақси, асосан, гавданинг нафис ҳаракатларига асосланган бўлиб, мазмун қўл, бармоқ, елка, бел ҳаракатларининг турли хил уйғунлигида, турлича усулдаги одимлар, йўрғалаш, ҳаракатда ва бир жойда гир-гир (чарх) айланишлар, гавдани бир ҳолатда тутиб туриш, енгил сакраш ва бошқа ҳаракатларда ифода этилади. Кизлар рақсига бир эътибор беринг-а!

Классик рақс давом этади ва тугалланади.

Илҳом париси. Ўзбек рақси бошқа шарқ халқларидаги каби бизга икки кўринишда: анъанавий мумтоз рақс ва халқ (фольклор) рақси кўринишида етиб келган.

Хиром завқи. Анъанавий мумтоз рақс санъатида Фарғона («Катта ўйин»), Бухоро («Мақом рақси») ва Хоразм («Мақом уфори») рақс мактаблари машҳур.

Ўғил ўқувчилар ижросида доира жўрлигида «Катта ўйин» (Доира рақси) ва қиз ўқувчилар ижросида хоразм рақси ижро этилади.

Илҳом париси (рақс ижро этилётган вақтда). Бу рақсларда қаҳрамонлик, ишқий лирика, осмон ва табиат ҳодисалари акс эттирилган.

Рақслар давом этади ва тугалланади.

Хиром завқи. Халқ рақси ранг-барангликка эга. Халқ рақсларида, одатда, хазил-мутойиба, лирик, драматик, меҳнат, инсоннинг табиатга бўлган муносабати ифодаланади.

«Қўғирчоқ» рақси ёки «Пилла» рақси ижро этилади.

Илҳом париси. Халқ рақси икки турга бўлинади: йилнинг маълум даврида ижро этиладиган рақслар, масалан, ҳосил йиғиш, чигит экиш ва ш.к.лар.

«Пахта» рақси ижро этилади.

Хиром завқи. Халқ рақсининг иккинчи тури – меҳнатдан бўш пайтларда ижро этиладиган рақслар (сайллар, ўйин-қулгилар, лапарлар ва ш.к.лар).

Фольклор ўйинлардан бири ижро этилади, масалан, «Ким олади-ё, шугинани-ё».

Илҳом париси. Рақслар ижросида баъзан мусиқа асбоблари ўрнига ёғоч қошиқ, қайроқ тош, патнис, қарсақлардан фойдаланилган. Рақсларда қушлар, турли ҳайвонлар, балиқларга тақлид қилишган ва ифода этилган.

«Беш қарсақ» ёки «Хўмо қуши» рақси ижро этилади.

Хиром завқи. Ўзбек рақси ХХ асрнинг 20-йилларида озарбайжон, татар, рус, украина рақе санъати билан яқин муносабатда бўлиши натижасида Ўзбекистонда сахнада ижро этиладиган дастлабки оммавий рақслар вужудга келди.

Илҳом париси. Ўзбек анъанавий рақсининг етук арбоблари Юсуфжон кизик Шакаржонов, доирачи Уста Олим Комилов ва уларнинг шоғирдлари Тамарахонимлар томонидан сахна ижроси учун оммавий рақслар яратилди.

Хиром завқи. Кейинчалик ўзбек ашула ва рақе ансамбли «Шодлик», «Баҳор» рақе ансамбллари тузилди. Уларнинг тузилишида М.Турғунбоева, И.Окилов, Қ.Мўминовлар ва бошқалар иштирок этдилар. «Баҳор» ўзбек халқ рақе ансамбли ўзбек рақсини бутун дунёга танитди.

Рақслар ижро этилади: «Наманганинг олмаси» ёки «Баҳор вальси» ёки попури: Фарғонача, Бўхороча, Хоразмча рақслар.

Илҳом париси. Ўзбек халқи ўртасида энг кўп тарқалган рақе тури – бу яллалар, яъни кўшик остида рақега хиром айланиш ва рақе ҳаракатлари орқали кўшик мазмунини очиб бериш

Ялла рақси билан ижро этилади.

Хиром завқи. Ўзбек рақсида лапарлар ҳам ўз ўрнига эга. Лапарларда ҳам кўшик, ҳам рақе ижро этилади, улар ҳаминша қувюк ва шўх қуйлардан иборат бўлади.

«Омон-ёр» ёки «Илила-ёрим» лапарлари ижро этилади.

Илҳом париси. Ҳар бир давр рақсларга ўз хиссасини қўшади. Ҳозирги кунда ўзбек рақслари янада рақе ҳаракатлари билан бойиб уларнинг турлари ўзгача бўлган.

«Ўзбек вальси» рақси жуфтликда – ўғил ва қиз ўқувчи ижросида кўрсатилади.

Хиром завқи. Ҳозирги кунда ёшларнинг турли оммавий рақслари мавжуддир. Бу рақсларда ҳам биз миллий рақе ҳаракатларини кўрамай.

Замонавий кўшиқлар остида рақс тушишда кўпроқ қўл ва оёқ ҳаракатлари кўзга ташаланади.

Замонавий эстрада кўшиқларидан бири ижро этилади. Бир гуруҳ ўғил ва қиз ўқувчилар замонавий рақс ижро этадилар.

Илҳом париси. Биз бугун «**Рақслар базми**»да ўзбек рақслари ҳақида сўз юритдик. Базмимиз давом этади. Базми яқинда бўлиб ўтган рақслар танлови ғолибларининг чиқишлари билан давом эттирамиз.

Кўринг, ҳавас қилинг, завқланинг! Ўзбек рақслари донмо сизларга қувонч ва бахтиёрлик келтирсин.

Рақслар танлови ғолибларининг чиқишлари боиланади. Рақслар тугагач, танлов ғолиблари мукофотлар билан тақдирланадилар.

Рақслар базми «Ялла» ансамблининг «Ўзбекистон» кўшиғи билан яқунланади.

Илҳом париси, хиром завқи, рақс жилоси базм катнашчилари билан бирга яқуний рақсга тушадилар. Оммавий рақс давом этади ва шўх кўшиқ билан тугалланади

7.2. Сусамбил мамлақати (Ўзбек ва жаҳон халқлари эртаклари асосида ўтказиладиган ижодий-ташкилий ўйин)



Ушбу ижодий, оммавий, ташкилий ўйин таълим муассасалари, ёзги дам олиш оромгоҳлари, мактабгача таълим муассасалари ва умумий таълим мактаблари шароитидан келиб чиқиб бир кун ёки икки кун (ёки икки ҳафта) давомида ўтказилади. Бу ўйин уч қисмдан иборат бўлиб қуйидаги номларда ташкил этилади ва ўтказилади:

1-қисм «*Сусамбил мамлақатига саёҳат*» деб номланади ва асосан тарбиячилар бошчилигида ўтказилади.

2-қисм: «*Сусамбил мамлақати бўйлаб саёҳат*» деб номланади ва таълим муассасалари ёки ёзги дам олиш оромгоҳларида ташкилотчилар бошчилигида ўтказилади.

3-қисм: Сусамбил мамлақати пойтахти *Гулбод* шаҳрида барча ўқувчилар ва катталар иштирокида тантанали шарқона базм ўтказилади

Ижодий ташкилий ўйиннинг мақсади:

1. Ўқувчилар тасаввурини кенгайтириш, ижодий ишлаш ва фикрлашга ўргатиш, китобга меҳр уйғотиш ва уни ўқишга ундаш.

2. Ўқувчиларни ўзбек ва жаҳон халқлари эртаклари ҳамда уларнинг ижобий ва салбий қаҳрамонлари билан яқиндан таништириш.

3. Ўқувчиларда ўзбек ва жаҳон халқлари оғзаки ижодиётига, меросига, эртак ва ривоятларига нисбатан ҳурмат ва қизиқиш уйғотиш.

4. Ўзбек ва жаҳон халқлари эртақлари қаҳрамонлари ва ундаги воқеа-ходисалар орқали ўқувчиларда меҳр-шафқат, эзгулик, мардлик, ростгўйлик, ватанпарварлик, гўзаллик ҳиссини уйғотиш ва шу хусусиятларни уларда шакллантириш.

5. Эртақ ёзган ва ёзаётган шоир, ёзувчилар ижоди ҳамда замонавий эртақлар билан таништириш.

Ижодий-ташкилий ўйин таълим муассасалари, ўқувчилар оромгоҳида бир кун давомида қуйидаги тартибда ташкил этилиши мумкин:

1. Куннинг биринчи ярмида таълим муассасаларида ёки ўқувчилар оромгоҳида нонуштадан сўнг марказий хиёбонида ўзига хос кийим ва атрибутлар билан *Ўзбек ва жаҳон халқлари эртақлари, дostonлари, ривоятлари қаҳрамонларининг паради* ўтказилади.

2. Таълим муассасаларида ўтказиладиган тарбиявий соатларда ва ўқувчилар оромгоҳларида жамоа ишлари вақтида ўзбек ва жаҳон халқлари эртақларини ўқиш, ролларга бўлиниб ўқиш, сўзлаб беришлар ташкил қилинади.

3. Куннинг иккинчи ярмида, таълим муассасаларида кечки пайт ўқувчилар оромгоҳларида кечки овқатдан олдин «Сусамбил мамлақати бўйлаб саёҳат» бошланади: «Сусамбил» мамлақатининг боғларида, унинг гўзал саройларида, дала ва қирларида мевазор боғлари-ю гулзорларида, хиёбонларида ўқувчилар сайр қиладилар, турли-туман ажойиботлар билан танишадилар, мусобақа ва кўриқларда қатнашадилар (таълим муассасаси ховлиси ёки ўқувчилар оромгоҳи худудида).

4. Таълим муассасаларида кечки пайт, ўқувчилар оромгоҳларида эса кечки овқатдан сўнг оромгоҳнинг марказий майдонида «Сусамбил» мамлақати ҳукмдорининг меҳмонларга бағишланган *базм* ўтказилади: базмда жаҳон халқлари эртақлари қаҳрамонлари, сеҳргарлари ўз совғалари билан қатнашадилар. Базм адабий-мусикавий тантана шаклида ўтказилади.

1 қисм. «Сусамбил мамлақатига саёҳат» номли ижодий-ташкилий ўйиннинг бу қисми эрталабки нонуштадан сўнг ўқувчилар оромгоҳининг марказий хиёбонида ўзбек ва жаҳон халқлари эртақлари қаҳрамонларининг паради ҳамда «Сусамбил» мамлақати ҳукмдорининг чиқиши билан бошланади.

Парадни ўтказишнинг тахминий тартиби. Ўқувчилар оромгоҳида куннинг биринчи ярмида нонуштадан сўнг марказий хиёбонининг икки томонида ўқувчилар, оромгоҳ дам олувчилари бир (икки) қатордан бўлиб саф тортиб «Сусамбил» мамлақати ҳукмдорининг келишини кутади.

Карнай-сурнай садолари остида «Сусамбил» мамлақати ҳукмдори мунажжимлар, маслаҳатгўйлари, сарой аҳллари, малика ва шахзодалари билан марказий хиёбонда пайдо бўлади.

Ҳукмдор барча тўпланганларни олқишлаб, уларга бахт-саодат, меҳр-муҳаббат, тинчлик-фароғат тилайди ҳамда барча қатта-ю кичикларни, бугунги кун давомида аввал «Сусамбил мамлақати»га, сўнгра «Сусамбил мамлақати бўйлаб саёҳат»га, кейин эса кечки базмга таклиф этади.

Карнай-сурнай садолари остида хукмдор ўз уламолари хамрохлигида марказий хиёбондан викор билан ўтиб, «Мен сизларни кутаман!» дея хайрлашиб кетади.

Хукмдор кетгач, марказий хиёбонда ўзбек ва жаҳон халклари эртаклари, дostonлари, ривоятлари қахрамонлари ўзларига хос кийимлари ва атрибутлари билан парадни бошлайдилар. Парад катнашчилари тахминан куйидагилар бўлиши мумкин:

- «Авесто» да берилган худолар ўз мазмунига караб, «Тўмарис» ўз жангчилари билан пиёда, *Атотиши ва Барчиной* от миниб, *Олмос ботир*, *Қилич ботир*, *Зиёд ботир*, *Кенжа ботир*, *Муқбил тошотар*, *Садко*, *Илья Муромец*, *Иван-царевич*, *Синбадлар* курул-яроғлари билан, *Нўхот полвон*, *Кичкина Мук*, *Чиполлино*, *Дюймовочка* ва шу каби митти қахрамонлар ўз номларига мос нарсалар ва кийимларда, *Маликаи Ҳуснобод*, *Қирққоқил*, *Тўлганой*, *Гулиқаҳқаҳ*, *Сув париси*, *Василиса прекрасная*, *Золушка*, *Белоснежка*, *Снежная Королева* ва шу кабилар шоҳона ясатилган араваларда, эртаклардаги салбий қахрамонлар ўз образларида ўтишлари мумкин.

Изоҳ: шунинг айтиб ўтиши керакки, таълим муассасалари ва ўқувчилар дам олиш оромгоҳларида байрамгача синфлар, гуруҳларда ўқувчилар ўзбек ва жаҳон халқлари эртаклари билан танишиб чиқадиладар: тарбиячилар ва етакчилар ёрдамида эртакларни оммавий ўқиш, қизиқарли қилиб сўзлаб бериш ёки роҳларга бўлиниб ўқишлар ташкил қилинади. Мураббий ва тарбиячилар ўқувчиларни эртакларнинг турлари: хайвонлар ҳақидаги эртаklar, сеҳрли эртаklar, машиий эртаklar, жанговар эртаklar ва бошқалар билан таништирадиладар.

Эртак қахрамонлари параддан ўтгач, секин-аста синф ёки гуруҳ хоналарига таркаладилар ва у ерда ўқувчилар билан суҳбатлар, баҳслар, викториналар, эртак ўқишлар, эртак тўқишлар, эртаklar учун расмлар чизиш каби ишлар амалга оширилади.

Парад иштирокчилари ўқувчиларга «Сусамбил» мамлакатини тахминан шундай тасвирлашлари мумкин:

«Ўқувчилар, «Сусамбил» мамлакати – бу жаннат макон жой бўлиб, у ерда фақат яхшилик ҳукм суради, ҳамма бир-бири билан инोक яшайди, мамлакат аҳолиси мустақил ва қувноқ ҳаёт кечиряшади, доимо меҳнат билан банд, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси бирон хунар эгаси бўлиб, улар ўз мамлакатининг равнаки учун фидокорона меҳнат қиладиладар. Уларнинг ҳар бири ўз мамлакатининг фидойиси. Сусамбил жуда ҳам кенг, бепоян бир жой бўлиб, ҳавоси тиниқ, икки томондан тоғ билан ўралган ва икки томондан иккита катта дарё оқиб ўтади, ҳаминша гир-гир шабада эсиб туради, ерда эса кўм-кўк чаман бўлиб ўсаётган кўкатлар, бедалар яшнаб ётади. Унинг яна бир тарафи катта боғ бўлиб, унда узум, анжир, ўрик, шафтоли ва турли-туман мевалар пишиб тағларига тўкилиб ётади. Боғларида доимо кушларнинг сайроғи эшитилиб туради, ариқлар эса тиниқ сувларга тўла, бир томонда катта гулзор бўлиб, у ерда хилма-хил анвойи гуллар муаттар ҳид таратиб барчанинг кайфиятини хушнуд этиб, қувонч тарқатиб очилиб туради.

Бугун шу мамлакатнинг ҳукмдори бу ерга меҳмонга келиб, Сизларни ўз мамлакатига таклиф этди. У ерга бориш учун Сизлар жуда кўп эртақлар, эртақ қаҳрамонлари ва уларнинг жасоратларини яхши билишингиз, эртақларни сўзлаб бера олишингиз керак».

Изоҳ: *Эртақ қаҳрамони ушбу суҳбат мазмунини қисқартириши ёки соддалаштириши мумкин.*

Эртақ қаҳрамони суҳбатдан сўнг ўқувчилар билан эртақлар сўзлаш, ролларга бўлиниб ўқишни ташкил этади ва ўқувчилар билан эртақлар асосида расмлар чизишга, кийимлар тайёрлашга, шунингдек, гуруҳ эртагини тўқишга ёрдамлашади. Кечки базмга сеҳрли, кизиқарли совға тайёрлашади. Сўнгра эртақ қаҳрамони ўқувчилар билан хайрлашиб, Сусамбил мамлакатига йўл олади ёки ўз эртагига қайтади.

II қисм. «Сусамбил мамлакати бўйлаб саёҳат» таълим муассасасининг ховлисида ёки ўқувчилар оромгоҳининг турли жойларида ташкил этилган, безатилган, тайёрланган қасрлар, саройлар, карвонсаройлар, кир ва далалар, боғ ва гулзорларда ўтказилиши мумкин. Мамлакат бўйлаб саёҳат вақтида ўқувчилар қуйидаги жойларда бўлишлари мумкин:

Изоҳ: *қуйида берилган ажойиботлар, жойларни ҳар қайси таълим муассасаси ёки оромгоҳ ўз имконияти ва ҳудудидан келиб чиққан ҳолда танлаши мумкин.*

Сеҳргарлар қасри (бино ёки айвончада бўлиши мумкин) – бу ерда ўқувчиларни сеҳргарлар, мунажжимлар ўзларига хос кийимлар ва асбоблари билан кутиб олишади. Ўқувчилар бу қасрда эртақларда айтилган, ишлатилган сеҳрли нарсалар билан танишадилар, турли фокуслар кўрадилар. Ўқувчилар сеҳрли эртақларни, ундаги сеҳрли нарсаларни ва уларда қандай сеҳр ишлатилганини, унинг қаҳрамонларини эслашади. Ўқувчилар шу ердаги сеҳрланган одамлар ёки нарсалардан бирини сеҳрдан озод қилиш йўллари йўлаб топиб, уларни сеҳрдан озод қилишади. Бунинг учун сеҳрлаш ёки ундан кутқаришга ишлатиладиган сўзларни топадилар. Ушбу топшириқни бажара олмаганларни шу қасрда олиб қоладилар ва уларни сеҳрлаб қўядилар.

Сарой хазинаси (тоғдаги гор шаклида безатилган жойда бўлиши мумкин) – бу ерда ўқувчиларни сарой хазиначиси кутиб олади ва сарой хазинасида сақланаётган қимматбаҳо нарсалардан бири китоб эканлиги, китоб эса инсон учун жуда керак эканлигини эртақ тўқувчи ва ёзувчилар сўзлаб беради. Ўқувчилар эртақ қаҳрамонларининг номларини айтадилар. Ўзбек ва жаҳон халқлари эртақлари нашр қилинган китоблар ташвиқоти, китоблар кўرғазмаси билан танишадилар. Хазиначи томонидан эртақлар, дostonлар, ривоятлар бўйича викторина ўтказилади. Ўқувчилар эртақнинг бошланиш қисмини айтишлари керак бўлади, масалан, «Чўнчагим-чўпчак, олтин беланчак...». Топшириқни яхши бажарганлар, викторина ғолиблари бўладилар ва энг кўп китоб ёки эртақ ўқиган ўқувчилар сарой хазиначисидан совғалар оладилар.

Сеҳрли ойна хонаси (хона ёки айвонда) – хонада ўқувчиларни сеҳрли ойна маликаси кутиб олади ва уларга видео орқали турли эртақлардан эпизодлар кўрсатади, ўқувчилар эса уларни қайси эртақдан эканлигини

топишга ҳаракат қиладилар, шунингдек, эртақлар ва мультфильмлардан кўшиқлар берилади, ўқувчилар биргаликда куйлашади, унинг номини топишади. Ўқувчилар «Ушбу мамлакатда энг гўзал ким?» саволига жавоб беришлари керак. Тўғри жавоб берганлар маликанинг совғасини оладилар. Сехрли ойна ишлатилган эртақларнинг номини санаб берадилар, унинг қаҳрамонларини айтадилар, жавоблар учун совғалар оладилар. Эртақлар асосида ишланган фильмлар, уларнинг номлари, роль ижро этган актёрлар, мазмуни, режиссёрлари ҳақида сўралади. Тўғри жавоблар учун ўқувчиларга махсус совғалар топширилади.

Сусамбилнинг сирли сандиги (таълим муассасасининг ёки ўқувчилар оромгоҳининг дарахтзор, чакалакзор ёки катта дарахтлардан бирининг тагида бўлиши мумкин) – ўқувчиларни сирли сандиқ кўриқчилари: *Маликаи Ҳуснобод ва Иван-царевичлар* кутиб оладилар. Сандиқда ўзбек ва жаҳон халқлари эртақларида шохлар, шахзодалар, маликалар ёки турли ёвуз кучлар томонидан паҳлавон ботирларни синовдан ўтказиш учун берилган вазифалар, саволлар, топшириқлар тўплагани ва неча асрлардан бери сақланиб келаётгани тўғрисида гапириб берадилар. Сирли сандиқ кўриқчилари ўқувчиларга эртақлардаги паҳлавон ботирларга берилган топшириқлардан бирини айтадилар. Ўқувчилар бу топшириқни қайси эртақдан эканлиги, қайси паҳлавонга айтилгани ва қандай бажарилганлиги ҳақида жавоб берадилар ёки синов учун қандай саволлар берилгани ва унга берилган жавобларни тахминан айтишга ҳаракат қиладилар. Тўғри жавоб топган ёки топшириқни бажара олган ўқувчилар совға оладилар.

Боғи эрам (таълим муассасасининг ёки ўқувчилар оромгоҳининг энг салкин, гуллар билан тўла, фаввора ёки сув ҳавзаси бор энг кўркам жойларидан бирида ўтказилиши мумкин) – ўқувчиларни боғи эрамнинг бош боғбони кутиб олади ва улардан боғнинг ям-яшил майсалари устига жойлашиб олишларини илтимос қилади. Боғбон ўз суҳбатини Сусамбил мамлақати ер юзидаги энг кўркам ва энг гўзал ер эканлигидан бошлайди. Бу ерга келган ўқувчилар фонотека орқали кушлар овозини эшитадилар, расмларда ёки видео орқали турли ҳайвонлар, кушларни томоша қиладилар, аквариумда сузаётган балиқларни кўрадилар, дилга қувонч бағишлайдиган турли хил алвон гуллар, ўсимликлар билан танишадилар. Гуллар ҳақида шеърлар тўқийдилар, расмлар чизадилар. Боғбон кушлар овозини эшиттириб, улар куш номини ёки ҳайвонларнинг изларини кўрсатиб, номини сўрайди. Топилган кушлар ва ҳайвонларнинг қайси бирлари қайси эртақдан эканлигини сўрайди ва улар ҳақидаги эртақни эслаб, сўзлаб беришни илтимос қилади. Шу каби гуллар, дарахтлар, балиқлар ҳақида ҳам сўрайди. Эртақларнинг қай бирида шундай гўзал боғи эрам таъриф этилганлигини сўрайди. Тўғри жавоб берганлар боғбоннинг совғаларини оладилар.

Зиёфатлар маскани (таълим муассасасининг ёки ўқувчилар оромгоҳининг ошхона ёки айвончаларидан бирида ўтказилиши мумкин) – ўқувчиларни Зумрадхон ва Золушкалар кутиб олишади. Улар бу ерда эртақларда тайёрланадиган таомлар, ширинликлар, яхна ичимликлар ҳамда шўх базмларда қандай таомлар, ширинликлар, салкин ичимликлар

тортилгани хақида сўз юритадилар. Ўқувчилардан ўзбек ва турли миллат миллий таомларини тайёрлаш усуллари сўралади. Таомларнинг турлари санаб ўтилади. Ўқувчилардан сарой базмларида тортиш учун қандай таомлар тайёрлаш мумкинлиги хақида фикрлари, таклифлари сўралади. Энг яхши таклифлар учун ўқувчилар совға оладилар. Ошпаз таомларни тайёрлаш, уларни столга тортиш, столларни сервировка қилиш, шунингдек, шоҳ ва маликаларнинг қандай овқатланганликлари тўғрисида саволлар беради ва тўғри жавоб берган ўқувчиларга ширинликлар таркатади.

Дев қальаси (таълим муассасаси ёки ўқувчилар оромгоҳининг бирон ерида қалъа шаклдаги биносида ёки тошлар кўп бўлган ерда ўтиши мумкин) – ўқувчиларни *ялмоғиз кампир, ўлмас Кашей, девлар* кутиб оладилар. Ўзбек ва жаҳон халқлари эртақларида учрайдиган барча салбий қаҳрамонлар ва улар қилган ишлар хақида суҳбатлашадилар, шунингдек, эртақлардаги паҳлавон ботирлар салбий қаҳрамонларни қандай енгишгани хақида ўқувчилар билганларини сўзлаб берадилар. Ўқувчилар шу ерда эртақлардаги салбий қаҳрамонларни ўзларича тасаввур қилиб қоғозга туширишга, шу билан бир қаторда, дев қальасининг кўрикчиси – **Жин**нинг барча саволларига жавоб беришга, айтганларини қилишга ҳаракат қиладилар, акс ҳолда **Жин** берилган саволларга жавоб бера олмаган, унинг айтганини қилмаган ўқувчиларни шу ерда олиб қолади.

Миттивойлар шаҳри (таълим муассасаси ёки ўқувчилар оромгоҳининг соя-салқин жойларидан бирида ёки ўқувчилар майдончасида, ёки кўғирчоқлар мамлакати шаклида безатилган жойда ўтиши мумкин) – Ўқувчиларни *Қачат полвон, Нўхотвой, кичкина Мук, Билмасвой, Малвина, Буратинолар* кутиб оладилар ва улар ўзбек ва жаҳон халқлари эртақларидаги митти қаҳрамонлар билан учрашув ўтказадилар. Уларнинг қаҳрамонликлари хақида сўз юритадилар. Митти қаҳрамонлар билан ўқувчилар ўртасида зукколик ва топкирлик бўйича мусобақа ўтказилади, турли мавзуларда викторина ва топишмоқлар топиш ташкил этилади. Миттивойлар уюштирган мусобақаларда улар ғолиб келсалар, у ҳолда ўқувчилардан бирини ўзларида олиб қолишади, агар ютказсалар ўқувчиларнинг ҳаммасига совға улашадилар. Миттивойлар ўқувчилар билан халқ ўйинлари ўтказадилар.

Учар гилам (таълим муассасасининг ёки ўқувчилар оромгоҳининг спорт майдончасида ўтказилиши мумкин) – бу гилам устида ўзбек ва жаҳон халқлари қаҳрамонлари *Қилич ботир, Илья Муромец, Добриня Никитич, Мўқбил тошотар, Алтомши ва Барчинойлар* билан миллий кураш бўйича ўртоқлик учрашувларини ўтказадилар. Ғолиблар совға оладилар. ютказганлар полвонларга шогирд бўлиб қоладилар. Ўқувчилар шу билан бир қаторда полвонларни қандай курашганлари, кимлар ва нималарни қандай енганиликлари хақида сўзлаб берадилар, саволларга жавоб берадилар. Ўқувчилар шу ердаги эртақ қаҳрамонларидан эртақлар, достонларда ботирлар, полвонлар ўртасида қандай ўйинлар, мусобақалар ўтказилгани хақида гапириб беришларини сўрайдилар.

Сусамбил карвонсаройи (таълим муассасаси ёки ўқувчилар оромгоҳининг марказий дарвозаси олдида ўтказилиши мумкин) –

Ўқувчиларни карвонсарой хўжайини ва карвонбоши кутиб оладилар. Улар эртақларда айтилиши бўйича қандай карвонлар ва карвонсаройлар бўлгани, улар қандай карвонсаройларда тўхтагани, қайси эртақларда карвонсаройлар ҳақида сўз юритилгани тўғрисида суҳбатлашадилар. Карвонбоши ким, у нималарни билиши кераклиги ҳақида саволлар берилади. Куёш, ой, юлдузларга қараб карвон йўлларни аниқлаш, жазирама иссиқ кумли саҳроларда сув бор жойларни қандай билишганлари тўғрисида саволлар берилади. Узок йўлларда таомлар ва сувларни нималарда (мешкоп) сақланганлиги ҳақида маълумот бериш сўралади. Йўловчилар карвонсаройга келгач, улар қандай дам олганликлари, умуман, Карвонсарой қандай жой ва у нима учун хизмат қилади? каби саволларга жавоб берилади. Карвонсаройга келган ўқувчилар карвонбошининг суҳбатини ерда, гиламда ёки ўт-майсада ўтирган ҳолда тинглайдилар. Саволларга тўғри жавоб берганлар карвонбошидан совға оладилар. Карвонлар ҳақида расмлар чизадилар. Энг яхши расмлар таълим муассасаси ёки оромгоҳ кўрғазмасида намойиш этилади.

Зилол сув қўли (таълим муассасасининг ёки ўқувчилар оромгоҳининг бассейни ёки бирон оқар сув ёнида ўтказилиши мумкин) – ўқувчиларни *шоҳ Нептун ва сув парилари* кутиб оладилар. Ўқувчиларга энг қадимги байрамлардан бири бўлган сув байрами ва сув қаҳрамонлари ҳақидаги эртақлар тўғрисида гапирадилар: сув париси сувда сузувчилар ҳақидаги ривоят ва эртақлардан саволлар беради, масалан, «Оҳанграбо», «Олтин балик», «Баликчи ўғли», «Садко» эртақларидан, шунингдек, океан, денгиз ва дарёларда қандай кемалар сузгани, улар қандай сирли ва сеҳрли оролларга дуч келишгани, у ерларда қандай ажойиботларни кўрганлари ҳақида суҳбат ва савол-жавоблар ўтказадилар. Ўқувчилар кемалар расмини чизадилар, сув қароқчиларидан сақланиш йўлларини ўзларича баён қиладилар. Зилол сув ва уни сақлаш ҳақида сув париси сўзлаб беради.

Сув тўғрисида шеър, қўшиқ, хикоя, эртақ айтиб берган ўқувчилар сув парисидан совғалар оладилар. Океан, денгиз, дарёлар, қўллар, кичик ариқларда яшайдиган балиқлар ҳақида ўқувчилар ўз билганларини гапирадилар ҳамда уларни номма-ном санаб беришади. Ким энг кўп балиқларни тўғри топиб, санаб берса, сув парисининг совғасига сазовар бўлади.

Ўқувчилар, шу билан бир қаторда, уй шароитида аквариумдаги балиқлар ҳақида билганларини гапирадилар ёки сув париси берган саволларга жавоб берадилар. Аквариумни қандай тутиш, уни тозалаш, балиқларни қандай кўпайтириш мумкинлиги ҳақида сўзлаб берадилар, сув парисидан совғалар оладилар.

Сусамбил бозори (таълим муассасаси ёки ўқувчилар оромгоҳининг шарқ бозори кўринишида безатилган хиёбон ёки майдонда ўтказилиши мумкин) – ўқувчиларни *Насриддин афанди, Алдар қўса, Петрушка*лар кутиб оладилар. Улар эртақларда тасвирланган шарқ бозорлари ҳақида тушунчалар берадилар: дўппи бозори, чўпон бозори, маҳсидўзлар бозори, қандолатчилар ва ширинликлар бозори, сабзавот ва мевалар бозори, иссиқ нон ва таомлар бозори, тахтак ва шойи, кийим-кечаклар бозори, ҳунармандлар, яъни

мисгарлар, темирчилар, сандикчилар, турли уй-рўзгор асбоблари бозорлари ва ш.к.лар (юкорида номлари кўрсатилган бозорлар оромгоҳдаги ўқувчилар, катталар ижросида ташкил этилади ва кўрсатилади). Ҳар бир бозорнинг эгаси ўқувчиларга тушунча берар экан, уларга шу бозор ва ундаги маҳсулотлар, уларнинг аҳамияти, қасрларда шундай бозорлар борлиги ҳақида саволлар беришади, шунингдек, бозор энг гавжум жой бўлгани учун, бу ерда масхарабозлар, кизикчилар, кўғирчок ўйинлари ўтказилиши ҳақида гапирилади, саволлар берилди. Шу ердаги кўғирчокларни ўқувчилар кўлларига кийиб, кичик бир эртақ тўқиб кўрсатиб берадилар, Бозорда ишлатиладиган кийкириклар, ўз молини макташлар ижро этилади. Кизикчилар ўқувчилар билан «ўзбек бозори» ўйинини ўтказдилар. Ютқизган ўқувчиларни бозорда нарса сотиш учун олиб қоладилар. Шу билан бир қаторда бозорда бедана, хўроз, кўчкорлар жанги бўлиши ҳақида гапириб берилди. Ўқувчилар бедана, хўроз ёки кўчкорлар жангини роҳларга кириб ижро этишлари мумкин. Яхши роль ижро этган ўқувчилар совғаларга эга бўладилар.

Таълим муассасасининг ёки ўқувчилар оромгоҳининг ҳар хил жойида жойлашган Сусамбил мамлакатининг ажойиботлари, қасрлари, кўллари, боғ ва гулзорларини айланиб чиқиб, у ерлардаги турли мусобақаларда (ҳар бир жойда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда саволлар, гоншириклар берилди) иштирок этган ўқувчилар аста-секин тарқалишади.

Изоҳ: Байрам иштирокчилари навбати билан Сусамбил мамлакатининг 12 жойида бўлиб ўтадилар. Улар мамлакатнинг қаерда бўлмасинлар ҳамма ерда улар мамлакат пойтахти *Гулободда* кечкурун бўлиб ўтадиган тантанали базмга таклиф этиладилар.



Сусамбил мамлакатининг пойтахти *Гулобод шаҳридаги тантанали базм.*

Тантанали базм кунининг иккинчи ярмида кечки пайт таълим муассасасининг ёки ўқувчилар оромгоҳининг энг сулим жойларидан бирида (ёки кенг майдонида, сахнали зал ёки спорт залида) ўтказиш мумкин. Бу жой имкони борича катта ва чиройли шарқона сарой, гумбазлар ва миноралар шаклида безалган бўлиши ва меҳмонлар келгунга қадар турли шарқ куйлари, кўшиклари янграб туриши лозим.

Байрамга таклиф этилганлар белгиланган вақтда майдонга тўпланадилар. Уларни *Гулобод* шаҳри ҳокими ўз уламолари билан кутиб олади. Ўқувчилар тўплангунча, майдон марказида ёкимли куй, кўшик остида йигит ва кизлар рақс тушиб туришади.

Эшик оғаси Сусамбил мамлакатининг ҳукмдори майдонга яқинлашаётганидан хабар беради. Майдонда тўпланганлар ўринларидан туриб уни ҳурмат билан кутиб олишади.

Мамлакат ҳукмдори *Гулобод шаҳри* ҳокими ва уламолари билан биргаликда карнай-сурнай садолари остида майдонга кириб келиб, ўз тахтига ўтиради. Уни кузатиб келганлар ҳукмдор атрофига жойлашадилар.

Мамлакат ҳукмдори базмга келганларни кутлайди ва улардан мамлакат бўйлаб қилган саёҳатлари қандай ўтганлиги ҳақидаги фикрлари билан қизикади. Ҳукмдор ўқувчиларнинг жавобларидан мамнун бўлиб улар шарафига бугун катта базм берилиши, базм учун қирк қозонда турли-туман таомлар тайёрланаётгани, хилма-хил ширинликлар, яхна ичимликлар, ширин-шакар мевалар тортилишини айтиб ўтади. Ҳукмдор вазири базмга ташриф буюрган меҳмонлар билан барчани таништиради.

Изоҳ: *Ўзбек ва жаҳон халқлари эртақлари қаҳрамонлари мамлакат ҳукмдори ташриф буюришидан аввал майдоннинг энг тўрига жойлашиб оладилар.*

Вазир. Улуғ ҳукмдор! Сиз билан шодиёнада катнашиш мақсадида ушбу базмга ўзбек ва жаҳон халқлари дostonлари, ривоят ва эртақлари қаҳрамонлари ҳамда *Гулобод* шаҳрининг аҳолиси тўпланишган. Базмга таклиф этилган меҳмонлар ўзларига хос совғалари билан келишмоқда. Биринчи бўлиб табрик сўзини дoston ва эртақларнинг бош қаҳрамонлари сўрашмоқда.

Ҳукмдор розилик ишорасини беради. Вазир қаҳрамонлар номини бирма-бир эълон қилади, улар ўзларига хос кийимларда даврага чиқадилар ва меҳмонлар учун ажратилган жойга ўтадилар.

Қаҳрамонлар қуйидагилар бўлиши мумкин: *Алтомши ва Барчшой, Фарҳод ва Ширин, Равшан ва Зулҳумор, Баҳром ва Гуландон, Лайли ва Мажнун, Тоҳир ва Зухра, Орзижон ва Қамаржон, Ширин ва Шакар, Раъно ва Сухангўл, Гул ва Наврўз, Зулфизар ва Авазхон, Юсуф ва Зулайҳо, Ойгул ва Бахтиёр, Синдбад ва Малика* (байрам ташкилотчилари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, юқорида мисол тариқасида келтирилган қаҳрамонларни танлашлари мумкин ёки бошқа қаҳрамонларни тайёрлашлари мумкин). Қаҳрамонлар даврага чиқиб бўлишгач, ўзбек халқ куйларидан бирига рақс тушадилар ёки оммавий рақслардан бирини ижро этадилар. Рақс тугагач, улар ўз жойларини эгаллайдилар.

Эшик оғаси базмга хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар келганини айтади ва уларни таништиради.

Эшик оғаси: Рус халқ эртақлари қаҳрамонлари – *Илья Муромец, Добрыня Никитич, Алеша Попович, Василиса Прекрасная, Руслан ва Людмила, Василиса Премудрая, Аленушка ва Иван-царевич* ташриф буюрадилар.

Улар кириб келиб, ҳукмдорга таъзим айлаб, рус халқ эртақларидаги саломлашув сўзларидан айтиб, ўз совгаларини топширадилар ҳамда рус халқ кўшиқларидан ёки рақсларидан бирини ижро этадилар.

Эттик оғаси янги меҳмонлар ташриф буюрганларини эълон қилади.

Шу тартибда кетма-кет турли эртақ вакиллари кириб кела бошлайдилар ва ўз совгаларини топшириб, бирон бир кўшиқ ёки рақс ижро этадилар ёки ўз эртақларидан қандайдир лавҳаларни ижро этиб берадилар. Масалан:

- кавказ халқ эртақлари қаҳрамонлари «Қиличбозлар» рақсини шўх кўйи остида ижро этишлари мумкин;

- тожик халқ эртақлари қаҳрамонлари тожикча кўшиқ ёки лапар ёки олов устидан сакраш ўйинларини кўрсатишлари мумкин;

- хинд халқ эртақлари қаҳрамонлари турли хил фокуслар кўрсатиб, хинд рақсларидан бирини ижро этишлари мумкин;

- араб, эрон халқ эртақлари қаҳрамонлари рақс ёки кўшиқ ижро этишлари мумкин;

- япон, хитой, корейс халқ эртақлари қаҳрамонлари Дзю-до, Каратэ, У-шу кураши элементларидан намоён этишлари мумкин;

- Юнон халқ эпослари қаҳрамонлари Геракл, Одиссейлар турли Олимп мусобақаларидан намуналар кўрсатишлари мумкин;

- Андерсен, ака-ука Гриммлар эртақлари қаҳрамонлари ҳам ўзларича бирон бир кизикарли лавҳаларни кўрсатишлари мумкин....

Изоҳ: *Базмга меҳмон бўлиб келадиган турли халқ эртақ ва достонларининг қаҳрамонлари таълим муассасаси ёки оромгоҳининг имконияти ва шароитидан келиб чиққан ҳолда, яъни қаҳрамонларнинг кийимлари, керакли атрибутларини тайёрлаш ёки керакли мусиқа ва кўшиқларни борлигига қараб танлашнинг мумкин.*

Меҳмонларнинг ташрифи ва табриги орасида Сусамбил ҳукмдорининг амри билан майдон ўртасида шарқона кураш, камон отиш, тош кўтариш каби кичик мусобақалар ўтказилиб турилиши мумкин. Базмнинг якунига яқин мамлакат ҳукмдори барча байрам иштирокчиларига ширинликлар тарқатишини буюради.

Сусамбил мамлақати ҳукмдори барча меҳмонлар ва базм қатнашчиларига миннатдорчилик билдириб, оромгоҳ ўқувчилари ва ҳаммага тинчлик, осойишталик, омонлик тилайди. Ўз равнақи учун курашган мамлакат, унинг ҳар бир фуқароси ўз ватани фидойиси бўлган, ўз урф-одағлари, қадриятлари ва меросларини ўрганган, билган, қадрлаган, эъозлаган мамлакат ҳаминша гуллаб-яшнашини, унинг аҳолиси тинч-тоғув яшашини айтади ҳамда «Эртақлар ҳаминша яхшиликка етаклар» деб ўз сўзини тугатади.

Базм барча байрам иштирокчиларининг оммавий рақси билан тугайди. Оммавий рақс тугагандан сўнг Сусамбил мамлақати ҳукмдори ўз уламолари билан базмни тарқ этадилар. Эртақ қаҳрамонлари ўқувчилар билан қоладилар. Оммавий рақслар замонавий рақсларга уланиб кетади.

Изоҳ: *базмни ўтказиш сценарийси таълим муассасаси ёки ўқувчилар оромгоҳининг имконияти, шароити ва жойлашган географик ўрнидан келиб*

чиққан ҳолда қисқартирилиши (амалга ошириш мумкин бўлган бўлимларни қолдириб) ёки унга турли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

7.3. «Меҳржон» байрами

(байрам бир неча бўлимдан иборат бўлиб, журнал саҳифалари шаклида ўтказилади)



Байрам ўтказиладиган жой: майдон, хона, зал, боғ ёки гулзор байрамона безатилган. Байрам бошланиши олдидан шўх куй ёки қўшиқ янграб туради. Байрам ўтадиган жойга секин-аста меҳмонлар ва байрам иштирокчилари тўпланадилар.

Муסיқа садолари остида байрамни бошловчи йигит ва қиз миллий кийимларда саҳнага чиқиб келадилар.

Бошловчи йигит. Ассалому алайкум азиз меҳмонлар, байрам катнашчилари!

Бошловчи қиз. Хуш келибсиз, ўлкамизга кириб келган Меҳржон байрами тантанасига!

Шу вақт бир қиз ва бир йигит журналнинг биринчи саҳифаси мавзуси «Ўлкамизга қайтган Меҳржон!» деб ёзилган рангли расмлар безатилган плакатни олиб чиқиб махсус тайёрлаб қўйилган стенд ёки жойга олиб қўйишади.

Бошловчи йигит. Куёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон заминимизнинг икки кўзидир, икки узугидир. Қадимда ота-боларимиз Меҳржон кунларида дала ва боғларга узум ва қовун сайлларига чиқиб, ўзларининг яқин кишилари билан кўришганлар ва уларни йўқлаганлар. Бир-бирларига совға-саломлар ва эҳсонлар улашганлар, қабристонларни зиёрат қилиб, уларни хас-чўплардан тозалаганлар.

Бошловчи қиз. Кўнгилочар сайллар ташкил этиб, куз неъматларидан бир-бирларини баҳраманд этганлар, полвонлар ва қиличбозларнинг чиқишлари ва турли сосхадаги мусобақаларни мароқ билан томоша қилганлар.

Бошловчи йигит. Ҳа, хайрли иш, бошланган яхши қадамга ҳар қанча тасаннолар айтса арзийди. Мана қарангки, халқимиз ўзининг яна бир нуқтилган байрамини – **Меҳржонни** тиклади.

Бошловчи қиз. Буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний «Қадимий байрамлар тарихи» асарида таъкидлаб ўтганидек, қадимда нишонланадиган энг катта байрамлардан бири – бир неча кун давом этадиган, Она заминга, меҳнаткашга таъзим сифатида нишонланадиган Меҳржон байрами яна ёруғ олам юзини кўрди.

Шу вақт бир қиз ва бир йигит журналнинг **иккинчи саҳифаси** мавзуси **«Меҳржон-Наврӯз – эгизак»** деб ёзилган рангли расмлар билан безатилган плакатни олиб чиқадилар ваб махсус тайёрлаб қўйилган стенд (ёки жой)га илиб қўядилар.

Ёқимли мусиқа остида **Наврӯз** чиқиб келади.

Наврӯз. Ассалом, эй менинг меҳнатсевар, заҳматкашларим! Мен Сизлардан жуда ҳам хурсандман, чунки **Меҳржон**ни ҳам байрам қилиш анъанасига айлантирибсиз. Бу жуда яхши.

Меҳржон кириб келади. **Наврӯз** ва **Меҳржон** кучоқлашиб кўришадилар ва биргалликда рақс ижро этадилар.

Рақс тугагач, гуллар ва қушлар қуршовида **Бободехқон** кириб келади.

Бободехқон. Наврӯз ва Меҳржон менинг набираларимни кўрмадингизми? Бу ерга келишмадимми? Сабзавот-у мевалар фарқ пишган вақтда улар каерда юришган эканлар?

Сабзавот ва мевалар қурновида Бободехқоннинг набиралари **Ҳосилой** ва **Ҳосилбек**лар кириб келадилар ва барча байрам қаҳрамонлари билан кучоқлашиб кўришишадилар.

Ҳосилой ва **Ҳосилбек** томошабинлар билан биргалликда меҳнат ҳамда деҳқонларга бағишланган шеърлар ўқийдилар.

Байрам давом этади.

Бошловчи йигит.

Она замин бағрида,

меҳнатдан топдим ошим.

Мангудир, азалийдир,

маконим-тоғ-у тошим.

Уларга таянаман,

улар суянч – бардошим.

Бугун Наврӯзга эш тўй –

ҳосил тўйим – Меҳржон.

Бошловчи киз:

Эл-улусим боғида

табиатдан саховат.

Бағри бепоён юртим,

меҳнатимдан бут, обод.

Олма-ю, шафтолиси,

узуми, ноки новвог.

Юртдошларим келингиз,

энди кўшиққа навбат.

Шеър тугагач, **3-саҳифа бошланади.** «**Бободехқоним менинг**» ёзувли плакатни стендга илиб қўйилади. Сўнгра Охунжон Мадалиевнинг «**Бободехқоним менинг**» қўшиғи янграйди ва кизлар рақси бошланади.

Ҳосилдор далалар, мевалари фарқ пишган боғу-роғлар, сабзавотлар тўла поллизларни аке эттирувчи «Куз пейзажи» рақс пантомимаси бошланади. Рақс пантомимаси охирида рақс иштирокчилари томошабинларни мевалар билан меҳмон қиладилар.

4-саҳифа бошланади. «*Меҳржон маросимлари*» плакати олиб чиқиб илиб қўйилади.

Карнай-сурнай садолари остида сахнага масхарабоз чиқиб келади ва ҳаммани куз сайлига чорлайди.

Сахнада ҳосил байрами эпизодлари: «Аския», «Фольклор кўшиқлар», «Дорбозлар ўйини», «Хўроз уриштириш», «Тонишмоқлар», «Миллий кураш» ва ш.к.лар ижро этилади.

5-саҳифа «Меҳржон таомлари» саҳифаси бошланади. Стендга «Меҳржон таомлари» ёзувли плакат илиб қўйилади.

Куз таомларидан намуналар кўрсатилади ва даврада «Куз нафаси» номли салат тайёрланади. Куз таомлари билан томошабинлар меҳмон қилинадилар.

6-саҳифа «Меҳржон либослари» саҳифаси бошланади ва шу ёзувли плакат мўлжалланган жой илиб қўйилади.

Сахнада кузги либослар намоён бўлиши бошланади. Байрам бошловчилари ҳар бир либоснинг фасони, матоси, муаллифи, қандай маросимга мўлжалланганлиги ва ш.к.лар ҳақида маълумот бериб борадилар. Либослар кўриги охирида байрамнинг барча иштирокчилари сахнага чиқадилар ва оммавий рақс ижро этадилар. Байрамнинг тантанали тугаши байрам бошловчиларининг хайрлашуви билан тугайди.

Байрам сайли иштирокчилар ва томошабинларнинг биргаликдаги оммавий рақс ва дискотекасида давом этади.

Изоҳ: *Меҳржон байрамини ўтказишнинг ушбу кўриниши тарбиячилар томонидан бир вариант сифатида қабул қилиниши мумкин. Байрамни ташкил этувчилар, унинг мазмуни, кетма-кетлиги, саҳифаларини ўз имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлари мумкин. Шунингдек, Наврўз байрамини ҳам шу тартибда ўтказиш мумкин.*

Ташкилотчиларга тавсиялар:

1. Байрам ўқувчилар ёшига қараб бир соат ёки ундан кўпроқ бўлиши мумкин.
2. Саҳифалар ёзилган плакатлар илинаётган ва қисқа танафус вақтларида қуй ва кўшиқлар ижро этилиши мақсадга мувофиқ.
3. Саҳифалар орасида узилиш бўлмаслиги керак.
4. Байрам қатнашчилари имкони борича миллий кийимларда ва байрамнинг барча безаклари куз фасли кўринишида бўлиши лозим.
5. Наврўз, Меҳржон, Бободехқон, Ҳосилой ва Ҳосилбекларда уларнинг номларини англлатувчи ленталар тақилган бўлиши керак.
6. Имконияти мавжуд бўлган муассасаларида саҳифаларни экранда ҳам намойиш қилиб борилиши яхши тарбиявий самара бериши мумкин

7.4. Таълим муассасаларида «Халқ сайли» байрамини тайёрлаш ва ўтказиш



Ўзбекистонда янгича ижтимоий-сиёсий, меҳнат, турмуш ва оила, халқ анъаналарига бағишланган миллий урф-одатлар ва маросимлар кенг қўлланилмоқда. Шу мақсадда таълим муассасалари шароитида тайёрлаш ва ўтказиш мумкин бўлган «Халқ сайли» байрамининг тахминий услубини келтирилади. Бу байрамга ўқувчилар гуруҳларида олиб бориладиган тайёргарлик ишлари услубиёти батафсил ёритилади. Таклиф этилаётган «Халқ сайли» байрами фақат ўзбек халқининг урф-одатлари, маросимларига бағишланиб қолмай, балки турли Ўрта Осиё давлатлари халқларининг урф-одатлари маросимларини ёритишга йўналтирилган.

Байрамни ўтказишдан асосий мақсад:

1. Ўқувчиларни Ўрта Осиё ва Ўзбекистон вилоятлари аҳолисининг ҳаёти, маданияти, санъати, халқ ижодиёти билан яқиндан таништириш.
2. Байрамга тайёргарлик вақтида ўқувчиларни мустақил равишда зарур маълумотлар тўплаш, суҳбат, танлов ва учрашувлар ўтказишга ўргатиш.
3. Байрам тайёрлаш ва ўтказишга жойлардаги ижодиёт марказларини жалб этиш.
4. Байрам тайёргарлигига ўқувчилар, тарбиячилар, ота-оналар ва жамоат ташкилотларини жалб этиш.
5. Байрам ўтказишга тўғарак раҳбарларини жалб этиш, уларнинг фаолиятини намойиш этиш.

Байрамга тайёргарлик. Байрамга тайёргарлик асосан ўқувчилар гуруҳларида бошланади. Тарбиячилар ва ташкилотчилар байрамдан бир неча hafta (бир неча кун) олдин тарбиявий ёки ахборот соатларида Ўзбекистон вилоятлари, Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари, маросимлари ҳақида сўзлаб берадилар. Суҳбат вақтида ўқувчилар: ўзбек ва бошқа миллат халқлари ҳақида маълумот тўплаш, халқ ўйинлари, қўшиқ ва рақсларини ўрганиш; урф-одатлар, маросимлар ҳақида суҳбат ўтказиш ва ш.к. байрам ўтказиш учун зарур бўлган тадбирларни келишиб оладилар.

Байрам ташкилотчиси «Халқ сайли» байрамини ўтказиш учун ўқув гуруҳи тарбиячилари ёки ташаббускорлардан ижодий гуруҳ тузиб олади. Бундай гуруҳга байрамни қизиқarli, кувнок ва тантанали ўтишига қизиққан ўқувчилар, ота-оналар, тарбиячилар, тўғарак аъзолари ёки раҳбарлари кириши мумкин. Ҳар бир гуруҳдаги ижодий гуруҳ вакилларида таълим муассасаси бўйича байрамни тайёрлаш ва ўтказиш ижодий гуруҳи тузилади. Бу гуруҳ қачон, қаерда, қимлар ёрдамида ва қимлар иштирокида, қандай безаклар ва атрибутлар ёрдамида ўтказиш мумкин? деган саволга жавоб

топишга ҳаракат қилади. Шу ижодий гуруҳ томонидан байрамнинг кизикарли, қувнок, жозибали, тантанали ўтиши учун энг яхши ғоялар, таклифлар, байрам бошловчиси танлови эълон қилиниши мумкин (бундай танловлар «Халқ сайли» байрамини бошқа байрамлардан фарқлироқ ўтказишга катта ёрдам беради). Кўпчиликнинг таклифларини тўплаш учун алоҳида кути ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Байрамни ташкил этиш ва ўтказиш учун амалий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида таълим муассасасининг кутубхонаси (ёки кафедралар)да маълумотномалар бўлими – маслаҳат пунктлари ташкил этилиши мумкин. Бу бўлимда Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари, маросимлари, халқ ижодиёти, миллий кийимлари, шунингдек, «Наврўз», «Қовун сайли», «Ҳосил байрамлари», «Меҳржон», «Сув, олов байрамлари», ўқувчилар фольклори, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳақида маълумотлар тўпланади, шу билан бир қаторда, замонавий урф-одатлар, маросимлар тўғрисида фотомонтаж, видеоматериаллар, фильмлар, фото кўргазмалар тайёрлаб қўйилади. Бўлимда миллий кийимлар нусхаси, ўқувчилар гуруҳларида суҳбатлар ўтказиш учун тарқатма материаллар, халқ фольклори кўшиқлари, куйлари ёзилган дисклар, аудио-видео кассеталари тайёрлаб қўйилади. Шаҳарлар, вилоятлар, республикамиз ҳаётини аке эгтирувчи кино лавҳалар байрамнинг мазмунини кенгайтиришга катта ёрдам беради.

Таълим муассасасида «Халқ сайли» байрамини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тузилган ижодий ишчи гуруҳи томонидан барча ўқув гуруҳларига байрамнинг сценарийси асосида тахминан куйидагича топшириқлар берилиши мумкин (топшириқлар яқка гуруҳга, ёки икки гуруҳга битта, ёки параллел ўқувчилар босқич гуруҳларига, яъни I курснинг барча гуруҳларига битта (иккита) берилиши мумкин):

- чойхона учун жой танлаш ва уни безаш;
- сумалак тайёрлаш учун жой белгилаш, ўчоқ қазниш, қозон ўрнатиш ва бу жойни керакли жиҳозлар билан безатиш;
- бадний хаваскорлик гуруҳлари, аниқ иштирокчилари учун жой тайёрлаш ва безатиш;
- миллий кийимдаги кизлар ва ўқувчилар: кийимларни тикиш ёки топиш (улар байрам давомида байрам қатнашчиларига сумалак, шарқ ширинликлари, палов ва иссиқ пон тарқатадилар);
- кўкон аравасини тайёрлаш ва уни безатиш, байрамнинг бошланганини эълон қилувчи жарчиларни тайёрлаш;
- фехрий меҳмонларни, қарияларни таклиф этиш ва улар учун таклифиомалар тайёрлаш;
- байрамга бағишлаб ўтказилган фотогазеталар, деворий газеталар, «Икэбана», расмлар, турли моделлар, шёрлар, гуддаста ва варрақлар, қандолат маҳсулотлари ёлибларининг ишлари, тўгарак аъзоларининг ишлари кўргазмаси учун жой тайёрлаш, уларни тўплаш ва жойлаштириш;
- байрамни ўтказиш тартиби (сценарийси)ни тузиш, байрам бошқарувчиларини танлаш ва тайёрлаш;

- таълим муассасаси радиогазетасининг байрамга бағишланган сонини танлаш, тайёрлаш ва эшиттириш;

- фотомонтаж тайёрлаш учун байрам давомида суратга олиш;

- байрамга керакли барча техник воситаларни тайёрлаш, ўрнатиш ва ишлатилиши текшириш ва назарат қилиб бориш;

- байрам давомида эшиттириш учун байрамона куй, кўшиқлар танлаш ва ишлатилиши;

- байрам давомида сценарий асосида ўтказиладиган турли мусобака ва танловлар учун жой танлаш, тайёрлаш ва уларни безатиш;

- байрам ғолиблари учун мўлжалланган совға ва кубоклар тайёрлаш ва ш.к.лар.

Ўқув гуруҳлари тарбиячилар ёрдамида тайёргарликни бошлайдилар. Тайёргарлик даврида ҳар бир ўқув гуруҳида байрам мавзуси бўйича суҳбатлар, ахборот соатлари, баҳс-муозаралар ўтказилади. Уларнинг мавзулари куйидагича бўлиши мумкин (ўқувчилар мавзуларни ўзлари ёки тарбиячининг таклифига биноан танлаб оладилар):

1. Янги маросимлар ҳаётга! (баҳс-муозара);

2. Ўрта Осиё халқлари ижодиёти (халқ кўшиқлари, куйларини тинглаш, халқ амалий санъати намуналари билан танишиш);

3. Ўзбекистон вилоятлари бўйлаб сиртдан саёҳат;

4. «Ўз шахрингни биласанми?» (викторина);

5. «Таълим муассасаси бугун ва эртага» (раҳбарлар билан давра суҳбати);

6. «У нима, бу нима?» (савол-жавоб кечаси);

7. «Ўзбекистон юлдузлари» (учрашув ёки суҳбат);

8. «Шарқ ва Европа маданияти» (баҳс-муозара) ва ш.к.лар.

«Халқ сайли» байрамини ўтказишнинг тахминий тартиби.

Таълим муассасасининг ҳовлиси ёки боғи байрам ўтиши учун чиройли қилиб безатилади. Барча тайёргарликлар тугаб, ташриф буюрган меҳмонлар ва байрам иштирокчилари ўз жойларини эгаллаганларидан сўнг карнай-сурнай ёки радио орқали берилган мусикавий сигнал байрамнинг бошланишидан дарак беради. Байрам бошлангунга қадар байрамона кўшиқлар, куйлар, ёшларни сеvimли хонандалари ижросидаги кўшиқлар янграб туради.

Байрам безатилган кўкон араваси (ёки усти очик енгил автомашина) ва унда жойлашиб олган кизиқчилар, жарчиларнинг боғ ёки ҳовли бўйлаб ҳаракатлари мобайнида ҳаммани байрамга таклиф этишлари билан бошланади. Кўкон араваси (ёки енгил автомашина) байрам ўтадиган жойни айланиб юриш вақтида радио орқали бошловчиларнинг куйидаги сўзлари эшитилади:

Сўхандон:

Дўстлар! Бугун сиз қаерга борманг –

Кураш майдони-ю, шарқ бозорига,

«Хумор» чойхонасигами, аттракционга.

Ҳамма ерда сизни шўх кўшиқлар,

Ракслар кутади, кутар зўр томошалар.

Халк севган қизикчилар – улар хизматингизда,
Дорбозлар, полвонлар бизнинг байрамимизда.

Сухандон:

Бизнинг бугунги байрам,
Барчани килса ҳамдам.
Бўлингиз шод, олингиз ором,
Бу кун сизга, катта эхтиром!

Шундан сўнг, суҳандонлар барчани байрамнинг асосий майдончасига таклиф этадилар. Бу майдончада сценарий асосида байрам концерти, меҳмонларнинг чиқишлари, табриклари, хонандалар кўшиқлари, раккосалар рақслари ижро этилади, сўнгра барча байрам майдончасидан ташқарида жойлашган турли мавзу ва йўналишлардаги кичик майдонча (масалан, спорт майдончаси, аттракционлар ва кизикарли тортишувлар майдончаси, танлов ва мусобакалар майдончаси, кўргазмалар ва «Модалар театри»)ларига тарқалишади.

Изоҳ: бу майдончаларда намоёниш этиладиган ва ўтказиладиган ижодий ишлар таълим муассасасининг имкониятига кўра байрамнинг ижодий ишчи гуруҳи томонидан белгиланган режа асосида таъкил этилади. Шу сабабли, қўйида уларнинг ҳар бири ҳақида эмас, балки баъзиларини ўтказиш ҳақида тавсиялар берилади.

«Қувноқлар давраси». Қувноқлар давраси байрам ўтаётган жойнинг энг соя-салқин жойига жойлашгани маъқул. Бу даврага келувчиларни халк кизикчилари Насриддин Афанди, Алдар Қўса кизик-кизик хангомалар, кўшиқлар айтиб кутиб олишади. Майдон бўйлаб ҳар ер, ҳар ерда турли халқларнинг ҳаракатли ўйинлари учун жой ажратилади. Бу ерда байрам қатнашчилари, ишқибозлар ўзаро куч синашадилар, голибларга турли рангдаги жетонлар берилади. Ютукка олинган жетонларни ўқувчилар, шу майдоннинг бир чеккасида жойлашган «Байрам совғалари» киоскасида турли ўйинчоқ совғалар, шарк ширинликлари, қандолат маҳсулотлари, иссик ёпилган майизли нон, шарбатли ичимлик ёки ўқув қуролларига алмаштиришлари мумкин (буларнинг ҳаммаси бир киоскада бўлиши шарт эмас, уларни майдончанинг бир неча бурчакларига тарқатиб юбориш мумкин). Жетонлар турли рангда бўлгани маъқул. Масалан, жетонни шарк ширинликларига алмаштириш учун ўқувчи мусобақалар, танловларда қатнашиб, камида 4 та қизил жетон ютиб олиши, шарбатли ичимлик учун 5 та сарик жетон, ўқув қуроллари учун 3 та яшил жетон ва ш.к. ютуб олиши лозим. Бундай ҳолат ўқувчиларнинг қизикишларини ортиради, баъзан уларни барча мусобақада иштирок этишга жалб этишга ундаши мумкин. Шунингдек, майдоннинг бир чеккасида «ютукли лотерея» ўйинини ўтказиш мумкин. Майдончадаги кизикчилар, бошқарувчилар байрам радиоси орқали вақти-вақти билан голибларни эълон қилиб турадилар, улардан интервьюлар олиб радиорепортажлар эшиттириб борадилар. Қувноқлар давраси авжига чиққан бир вақтда майдончанинг марказига таълим муассасасининг полвонлари-курашчилар таклиф этилади ва курашчилар, боксчилар мусобақалари бошланади. Бундай мусобақада ўқувчилар, тарбиячилар, ота-

оналар иштирок этишлари мумкин. Кувноқлар даврасидаги халқ ўйинларининг давомийлигини байрам ижодий гуруҳи аъзолари кузатиб борадилар.

«Муסיқа жавони» майдончаси. Бу ерда тўпланганлар ўзбек халқ кўшиқлари, рақслари, жаҳон халқлари кўшиқлари, рақслари танловларида иштирок этиб, ўз қобилиятларини намойиш этадилар, ёш шoirлар ўз шеърлари билан қатнашадилар, турли халқ ва ўзбек халқи миллий урф-одатларидан намуналар кўришади ёки ўзлари ижро этишади. Иштирокчилар, асосан, фольклор кўшиқ ва рақсларига кўпроқ эътибор қаратадилар, шу билан бир қаторда, замонавий кўшиқ ва рақслар танлови ҳам ўтказилади. «Муסיқа жавони»да СМС саволлари ёки викторина саволлари бўйича мунозара ўтказилади.

«Ўзаллик салони» майдончаси. Бу салонда ёқимли куй ёки кўшиқ оҳангида бошловчилар ёрдамида тарихий миллий либослар, жаҳон халқлари либослари, замонавий либослар, шунингдек, соч турмақлаш ёки турли матолар ва улардан тикиш мумкин бўлган либослар намойиши ўтказилади. Албатта, намойишда ёшлар (ўғил ва киз ўқувчилар) ёки катта ёшдагилар (эркак ва аёллар)га мос келадиган либослар ва соч турмақлари намойиш этилиши керак.

Намойиш давомида ёки туганида байрам қатнашчиларидап хошловчилар шу ерни ўзида кўнгилиларига ёққан либослар, соч турмақлари ҳақида мутахассисларнинг маслаҳатини ҳамда янги либосларнинг андозасини олишлари, шу билан бир қаторда, сартарошлар байрам қатнашчиларига турмақ килдиришлари, тикувчилар эса кичик либослар тикиб беришлари мумкин.

Изоҳ: албатта, «Халқ сайли» байрамнинг бўлимлари, майдончалари, уларнинг турлари байрам ижодий гуруҳи ўқувчилари томонидан тузилган таклифлар ва таълим муассасаси имконияти асосида режалаштирилади. Бундай байрамни ўтказишдан асосий мақсад – байрам тайёргарлигидан тортиб, токи ўтказилгунга қадар, унинг барча элементларида ўқувчиларнинг иштирокчини таъминлашдир.

Байрам дастурида белгиланган барча тадбирлар, танлов ва мусобақалар тугагач, оммавий рақс учун куй ёки кўшиқ ижро этилади ва барча оммавий рақсга таклиф этилади (оммавий рақс учун ўзбек ва чет эл, замонавий эстрада юлдузлари ижросидаги куй, кўшиқлар танланиши мумкин).

Байрам якуни. Байрамнинг эртаси куни таълим муассасаси бўйича тузилган ижодий ишчи гуруҳ аъзолари тўпланишиб байрамнинг тайёргарлик ва ўтказилиши жараёни бўйича фикр алмашадилар, дастлабки фаол иштирокчиларни, гуруҳларни аниқлайдилар, уларни тақдирлаш йўлларини белгилайдилар. Байрам ҳақидаги фикрларни тўплаш учун радио (ёки тарбиячлар, гуруҳ фаоллари) орқали таълим муассасаси ўқувчиларига мурожаат қилиб, уларга фикр-мулоҳазаларини оғзаки ёки ёзма равишда байрамнинг ижодий ишчи гуруҳига топширишларини сўрайдилар. Ўқувчилар ва ижодий гуруҳларнинг фикрлари асосида ўтказилган байрамга

яқун ясалади ва унинг натижаси, тақдирланувчилар таълим муассасасининг навбатдаги йиғилишларида бири (ёки линейка)да эълон қилинади.

7.5. «Бўлажак Ватан посбонлари» ўйин-мусобақа (тахминий дастур)



Бу ўйинни хонада, залда ёки очик ҳавода ўтказиш мумкин. Саҳна (ёки давра)га ўйин бошқарувчиси чикиб келади.

Бошқарувчи – ўйин-мусобақада иштирок этишни хоҳлаган ўқувчиларни саҳна (давра)га таклиф этади. Мусобақада иштирок этишни хоҳловчиларни танлаш учун муסיқачилар ҳарбий кўшиқлар ёки уларнинг куйларини эшигттиришлари сўралади.

Турли кинофильмлар, концертлар, клиплардан ҳарбий кўшиқлар, куйлар янграйдн. Ўқувчилар куй ва кўшиқларнинг мазмунига қараб саҳна (давра)га чиқадилар. Масалан, «Танкчилар» кўшиғи ижро этилганда, ўйин-мусобақада «танкчи», «Чавандозлар» кўшиғида «чавандоз», «Учувчилар» кўшиғида «учувчи» бўлиб иштирок этмокчи бўлган ўқувчилар ва ҳоказо (ёки фақат ўйинда иштирок этишга хоҳиш билдирган ўқувчилар) саҳнага чиқишлари мумкин. Иштирокчилар саҳна (давра)га тўпланишгач (20 тача), улар икки гуруҳга ажратилади. Гуруҳлардаги иштирокчилар сони бир хил бўлиб, ҳарбийлар ҳар иккала гуруҳда бир хил сонда, масалан, ҳар икки гуруҳда биттадан учувчи, биттадан оддий аскар, танкчи, ошпаз ва бошқалар бўлиши керак. Иштирокчилар сони 20 нафардан ошмаслиги мақсадга мувофиқ.

Ўйин бошланиши олдидан бошқарувчи хайъат аъзолари билан таништиради.

Бошқарувчи: Иккала гуруҳ тайёр экан, ўйин давомида биз уларни ҳарбийчасига «гуруҳ» деб номлаймиз. Энди Сизларга биринчи топширикни бераман. Мен учгача санагунимча, ҳар бир гуруҳ бўй-бўйи билан бир қаторга саф тортини зарур.

Ушбу вазифа бошқарувчи томонидан берилади. Гуруҳлар саф тортадилар. Бошқарувчи ҳар бир гуруҳ аъзоларидан бирини гуруҳ каттаси (командири) этиб тайинлайди (ёки гуруҳ аъзолари томонидан сайланиши мумкин. Хайъат аъзолари гуруҳларнинг сафланишини баҳолайдилар. Баҳолар кўйиб бериладиган махсус стендда биринчи баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи: Ҳар иккала гуруҳ ўйин-мусобақани бошланишига тайёр. Энди биз уларни ҳарбий хизмат бўйича билимларини текшираимиз. Қани айтингчи, ҳар қуни ҳарбий хизмат нимадан бошланади?

Ўйин иштирокчилари: Эрталаб махсус сигнал ёрдамида ўриндан туриш ва бадан тарбия қилишдан бошланади.

Бошқарувчи: Биз ҳам ўйин-мусобакани бадан-тарбиядан бошлаймиз.

Бошқарувчи ҳар бир гуруҳга аркондан қилинган халкани беради. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси навбатма-навбат аркон халкани ўзларидан ўтказиб бир-бирларига узатишлари керак. Аркон халка бир томондан настга қараб қийилади сўнг оёқдан ўтказилиб кейинги аскарга узатилади. Ҳайъат аъзолари ғолибларни аниқлайдилар. Махсус стендда баллар қўйилади.

Бошқарувчи: Бу ўтказилган мусобақа гуруҳларнинг ўйинни давом эттиришга тайёр эканликларини кўрсатди. Хўш, бадан тарбиядан сўнг нима қилинади?

Ўйин иштирокчилари: Ювиниш.

Бошқарувчи: У ҳолда ким тезроқ ювиниб артинади? Гуруҳ аъзолари аскарларнинг эрталабки ювиниш ва артиниш ҳолатларини пантомима (овозсиз ҳаракатлар) шаклида намоиш этадилар.

Ҳайъат аъзолари пантомима ҳаракатларини кўрадилар ва баҳолайдилар. Махсус стендда мос баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи: Аскарлар кейин нима қиладилар?

Ўйин иштирокчилари: Ошхонага эрталабки нонуштага борадилар.

Бошқарувчи: Аскарлар, одатда, ошхонага қандай борадилар?

Ўйин иштирокчилари: Аскарлар ошхонага саф тортиб, кўшиқ айтиб борадилар.

Бошқарувчи: У ҳолда ҳар бир гуруҳ алоҳида-алоҳида бўлиб ошхонага саф тортиб, кўшиқ айтиб боринг. Қайси гуруҳ бу топшириқни яхши бажарар экан? (ҳар бир гуруҳ саф тортиб кўшиқ айтиб саҳнада юрадилар)

Топширик бажарилади, баҳоланади, махсус стендда баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи: Хўш, эрталабки нонуштадан сўнг аскарлар нима билан шуғулланадилар?

Ўйин иштирокчилари: Турли машғулотларда катнашадилар.

Бошқарувчи: Мен ҳам ҳозир Сизларни турли машғулотлар ўтказиладиган хоналарга таклиф этаман. Биринчи бўлиб алоқачиларни таклиф этамиз. Ким арконни тезлик билан ёғочга ўрай олади? (бошқарувчи 5-6 метр узунликдаги икки томонига ёғоч ўрнатилган арконни алоқачиларга беради ва берилган сигнал асосида уларнинг икки томондан марказга ҳаракат қилиб юришлари учун ўртада учрашув жойларини белгилаб беради. Арконни ёғочга ўраб белгиланган марказга биринчи бўлиб егиб келган алоқачи ғолиб ҳисобланади).

Топширик бажарилади, баҳоланади, стендда баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи даврага пиёда аскарларни таклиф этади (2 киши). Ким кимни торта олади – тортишмачок вазифасини қўяди

Топширик бажарилади, баҳоланади, стендда баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи энди десантчилар машғулотини кўришни таклиф этади ва десантчиларга ҳар бир десантчи қўлидаги шарни ўзидан узокрокка пуфлаб учуриш топшириғни беради.

Шарни пуфлаб энг узоққа учира олган десантчи ғолиб хисобланади.

Топширик бажарилади, баҳоланади, стендда баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи снайперлар машғулотиға ўтиш мақсадида уларға кичик коптокчани доира (ёки ҳалқа) ичига тушириш топширигини беради. Бу топширик уч марта бажарилади.

Бошқарувчи: Менимча, тушки овқатланиш вақти ҳам бўлди. Демак, навбат ошпазлар мусобақасиға. Мусобақаға ҳар бир гуруҳдан биттадан ошпаз таклиф этилади ва улар ошхонада аскарлар учун тайёрланадиган таомларнинг турларини кетма-кет тўхтамай айтиши лозим. Тўхтамай таом турини кўп айта олган ошпаз ғолиб хисобланади.

Топширик бажарилади, баҳоланади, стендда баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи давраға ҳар бир гуруҳдан биттадан мина қўювчи ва биттадан сапер (минадан тозаловчи)ни таклиф этади. Мина қўювчилар кубиклар ёки «Городки» ўйинида фойдаланиладиган предметларини ерга ҳар хил тартибда қўйиб чиқадилар. Саперчилар эса кўзлари боғланган ҳолда юриб, уларни териб чиқадилар, яъни ерни минадан тозалайдилар.

Топширик бажарилади, баҳоланади, стендда баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи: Кечки дам олиш вақти ҳам бўлди. Ҳар бир гуруҳ дам олиш вақтини қандай ўтказиш мумкинлигини ўйлаб кўриб, кўрсатсалар яхши бўлади. Аскарлар бирон-бир воқеа ёки эртакни ёки аскарлар ҳаётидан лавҳа ижро этишлари, кўрсатишлари, пантомима қилишлари мумкин.

Топширик бажарилади, баҳоланади, стендда баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи: Аскарлар кечки уйкуға кетди (гуруҳ аскарлари стулларға жойлашиб уйкуға кетади)лар. Улар ухлаб ётган вақтида ҳарбий зонада қандай қутилмаган воқеалар бўлиши мумкин?

Ўйин иштирокчилари: Чакирик!

Бошқарувчи: Демак, бизнинг аскарлар учун ҳам – ЧАҚИРИК!

Гуруҳ аскарлари чакирик эълон қилиниши билан ўринларидан турадилар ва стулларға илиб қўйилган ҳарбий кийимларни тезлик билан киядилар. Тез ва тўғри кийина олган гуруҳ аскарлари ғолиб хисобланади.

Топширик бажарилади, баҳоланади, стендда баллар пайдо бўлади.

Бошқарувчи: Энди барча аскарлар саф тортинг! Сўз ҳайбат аъзоларига!

Ҳайбат аъзолари тўпланган балларни эълон қиладилар. Мукофотлайдилар. Яқун ясайдилар. Аскарлар ўз жойларига қайтадилар.

Изоҳ: *Бир соатлик ўйин-мусобақада мўлжалланган мусобақалар мусиқа садолари остида ўтказилади. Ўйиниға мўлжалланган топшириқларни жойлардаги имконият, ўқувчиларнинг қизиқиши ва ёшларига қараб танлаш керак. Заруратға қараб мусобақаларнинг сонини кўпайтириш ёки камайитириш, осонлаштириш ёки қийинлаштириш мумкин.*

7.6. Оммавий ракс



Ўқувчиларда гўзаллик ҳиссини тарбиялаш – жиддий олийжаноб вазифа. Ўқувчиларда бундай ҳисни тарбиялаш, уларнинг ахлоқий кифёсини шакллантиришга ёрдам беради, маънавий жиҳатдан бойитади, маданиятини оширади. Оила ва таълим муассасаларида доимий равишда ўқувчиларнинг эстетик дидини ривожлантириш, шунингдек, уларга гўзалликни тушуниш, сезиш, севиш ва дидсизликка танқидий муносабатда бўлишни ўргатиш ҳамда бадий ижодиётга жалб қилишга ҳаракат қилиш лозим.

Ёш авлодни эстетик тарбиялашда ракс муҳим аҳамиятга эга. Ракс ҳозирги пайтда аста-секин кўпчилик кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг энг хордиқ чиқарувчи сеvimли фаолияти сифатида кенг ёйилмоқда. Ўқувчилар бўш вақтларини ўз хоҳишларига кўра кўпроқ раксга бағишламоқдалар. Рақснинг мусикий таъсирчанлиги, уни бошқа санъат туридан ажратиб туради. Таълим муассасалари шароитида рақснинг барча жанрларини турли мусикий – эстрада, оммавий ракс тадбирларида, байрамларда кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни бирлаштиради, гўзаллик оламига олиб қиради, уларда яхши кайфият уйғотади, бўш вақтларини қизиқарли ташкил қилишга шароит яратади.

Оммавий ракс – ўқувчилар турар жойларида ёки кўнгил очар боғларда уларнинг бўш вақтларидаги дам олиш шаклларида биридир. Бундай дам олиш шакли, ўзига хос тартиб-қоида асосида ташкил қилиниши мумкин ва ҳар бир оммавий ракс махсус тузилган мусикий-ракс дастурида олиб борилади. Бундай дастур ижодий гуруҳ ёки ташкилотчилар томонидан тарбиячилари ёрдамида тайёрланади. Педагогик нуқтаи назардан оммавий ракс, нафақат, ракс ёки кўнгил очар, балки ўқувчиларнинг мусиқа остида ракс ритмида чиройли, шодон ҳаракат қилишини ўргатувчи аниқ жараёндир. Ўқувчилар бундай жараёнда ўзларини эркин сезадилар, бир-бирларини кузатадилар, ўзаро мулоқотда бўладилар, шунингдек, ўзларини қандай тутишлари, ракс этикети қоидаларига риоя қилиш ҳамда ракс тушиш маданиятини ўрганадилар. Яхши ташкил қилинган оммавий ракс жўшқин кўтаринки кайфиятни яратади, ўқувчиларда мусиқага, раксга ва бир-бирларига нисбатан муҳаббат уйғотади.

Бундай тадбирлар ўқувчиларда чидамлилик, самимийлик, мулоийимлик, ўзини тута билиш ва бошқара олиш ҳисси, оддийлик, камтаринлик, атрофдагиларга эътибор қилиш, уларнинг кайфияти, хайрихоҳлик, ҳушмуомалалик каби сифатларни шакллантиришга имконият беради ва

уларнинг таълим муассасасидаги кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланишига асосий сабабчисидан бири бўлиб қолади.

Яхши ва тўғри танланган оммавий рақс репертуари ўз ритми, чиройли мулоқот шаклини яратиш имкони борлиги билан барча ўқувчиларни ўзига тортади ва уларда рақсга нисбатан янада қизиқиш уйғотади.

Оммавий рақс жамоавий ижод бўлганлиги боис, у ўқувчиларда жамоавийлик, бошқалар олдида жавобгарлик, уларнинг қизиқишлари билан ҳисоблашиш каби хислатларни ривожлантиради. Ҳар бир оммавий рақс дастури мақсадли ва мазмунли бўлиши керак. Таълим муассасалари шароитида ташкил этилиб, ўтказиш мумкин бўлган кечки оммавий рақсларнинг жуда кўп турлари мавжуд. Лекин амалиёт шуни кўрсатадики, таълим муассасаларида фақат рақс массовкалари ўтказилади, яъни мусикага жавобгар шахс қайси мусикани топиб келса ва уни эфирга берса, ўқувчилар шунга рақсга тушаверадилар. Бундай оммавий рақснинг дастури жавобгар шахснинг ихтиёрида қандай магнит тасмалари борлигига боғлиқ бўлиб қолади. Лекин оммавий рақс – фақат замонавий мусикага рақс тушиш дегани эмас. Ўқувчилар дам олиб ва рақсга туша туриб, танлиқли қўшиқчилар, мусикий-эстрада гуруҳлари, турли рақс жанрлари ҳақида маълумот олишлари керак (имконят бўлган ҳолларда мусика соҳаси бўйича мутахассисларнинг чиқишларини ҳам ташкил этиш мумкин).

Таълим муассасаси шароитида энг кенг ёйилган оммавий рақс – рақсли оммавий рақс, дискотекали оммавий рақс ва аралаш оммавий рақс.

Оммавий рақсни тайёрлаш ва уни ўтказиш: тайёрлаш, бажариш, яқунлаш ва таҳлил каби 3 та босқичдан иборат.

Тайёрлаш босқичида гуруҳ лидерлари, тарбиячи билан бирга оммавий рақс характери ҳисобга олган ҳолда унинг дастурини тузади. Агар бу рақс оммавий рақс бўлса, эстрада қўшиқлари репертуаридан турли гуруҳларнинг турли жанрдаги куйлари ва қўшиқлари танланади; агар бу дискотекали оммавий рақс бўлса, у ҳолда дастурни тайёрлайдиган ижодий гуруҳ тузилади; агар бу аралаш оммавий рақс бўлса, гуруҳ лидери, тарбиячи ёки бошловчи оммавий рақсни бошлаш йўлларини олдиндан уйлайди ва замонавий ритмдаги дастурни тузади.

Бажариш босқичида бошловчи тарбиячи билан келишган ҳолда оммавий рақсни белгиланган дастур бўйича олиб боради ва ҳаммага қизиқарли, ҳаммабоп бўлишини кузатади.

Оммавий рақс тугагандан кейин тарбиячи ўқувчилар билан биргаликда *натижалар яқун таҳлилинини ўтказадилар*. Таҳлил натижаларига кўра кейинги ўтказиладиган оммавий рақсни қандай қилиб янада яхши ва қизиқарлироқ ўтказиш бўйича фикр алмашадилар.

Одатда, оммавий рақслар тарбиявий жараённинг давоми сифатида мазмунлидир.

Кўп жойларда таълим муассасаси шароитида энг кенг ёйилган оммавий рақс – рақсли оммавий рақс, яъни замонавий ритмдаги рақслар бўлиб, ундаги дастурда фақат эстрада ва рақс ритмлари бўлади. Бундай оммавий рақсларда ўқувчилар ўз билганларича рақсга тушадилар, гавда, қўл,

оёк ҳаракатларига, шунингдек, куйнинг ритмига ҳам эътибор бермайдилар. Баъзан, улар рок, джаз, блюз, шейпинг рақсларининг ҳаракатларини бузиб ижро этадилар. Агар оммавий рақс дастури ижодий, услубиёт жиҳатдан тўғри тузилса, кўшиқлар ва куйларнинг кетма-кетлиги, жанрлар турлитуманлиги, миллий эстрада, ўқувчиларнинг ёши ва қизиқишлари ҳисобга олинса, бундай оммавий рақслар ижобий самара беради. Дискотекачи оммавий рақс катта тайёргарликни талаб қилади, шунинг учун у камроқ ўтказилади. Бундай оммавий рақсни ўтказишнинг кийинлиги шундаки, дискотеканинг дастури битта рақс жанри ёки эстрада гуруҳи ёки эстрада юлдузлари ижодига бағишланган бўлади. Рақсли дискотека давомида уни тайёрлаган ижодий гуруҳ эстрада гуруҳининг ижоди, рақс жанрлари билан иштирокчиларни таништиради. Масалан, дискотеканинг бирор дастурини ўзбек эстрадасига бағишлаш мумкин. Дастур давомида ўзбек эстрада юлдузлари ҳақида гапириб бериш, уларнинг кўшиғини эшиттириб, ҳаммани рақсга таклиф қилиш ёки дискотекани рақснинг бирон-бир жанри (масалан, классик рақслар, рок, джаз ва ш.к.лар)га бағишлаш мумкин. Унда ўқувчиларга рақснинг барча гўзаллигини, грациясини ва рақсга таклиф қилиш этикетини кўрсатиш, шунингдек, имконият бўлса дискотекани ўтказишда иштирок этиш учун рақс мутахассислари ёки гуруҳини чақириш ҳам мумкин.

Ўқувчилар дискотекада рақс ва эстрада гуруҳлари ҳақида кизиқарли маълумотларни билиб оладилар, янги кўшиқ ва куйларни тинглайдилар. Дискотекага эстрада гуруҳини таклиф қилиш имконияти бўлган ҳолларда оммавий рақсда улар ҳақида ҳикоя қилиш сўнгра ўқувчиларни рақсга таклиф қилиш мақсадга мувофиқ.

Дискотека – кўшиқ, рақс, ҳикоя, кўрсатув ва ўқувчиларнинг маданий дам олишидан биридир.

8-§. ПЕДАГОГИК НИЗО ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ДЕТЕРМИНАНТ(АНИҚЛОВЧИ)ЛАРИ

Педагогик низонинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда турли мақом(мавқе)га эга бўлган, турли ижтимоий гуруҳга мансуб вакиллар тўқнашадилар. Спорт тили билан айтганда, тарбиячи билан тарбияланувчилар турли вазниклар бўйича мусобақалашадилар. Тарбиячи-рахбарнинг мақсади тарбияланувчини енгил, унга ўз қарорини ўтказиш эмас, балки, аксинча, унинг иродаси ва онгини мустаҳкамлаш, хайрихох хиссиётлар уйғотиш бўлиб ҳисобланади.

Педагогик ҳамкорликка ички (субъектив) ва ташқи (объектив) сабаблар билан боғланган муайян ривожланиш динамикаси ҳосил. Вақти-вақти билан юзага келувчи психологик таъсирланиш мувозанат билан алмашилиб туради. Гуруҳлар ҳаётида ҳам мувозанат ва унинг бузилиш ҳолатининг алмашилиб туришини кузатиш мумкин бўлади.

Психологик нуқтаи назардан *низо* — *ҳўтёжлар, йўналишлар, қизиқишлар ва фикрларнинг тўқнашувини* ифодалайди. Низони зиддиятдан *фарқловчи асосий белгилар* карама-қарши туришнинг *эмоционал жиодийлиги*, шунингдек, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг салбий кечинмалари — *ғазаб, шаънининг таҳқирланиши, камситилиши, кўркүв, нафрат ва бошқа енгил ўтиш ғоят оғир бўлган жажлнинг кескинлиги* билан ифодаланади.

Ички ва ташқи зиддиятлари енгил ўтиш ҳам тарбияланувчи, ҳам тарбияловчиларнинг шахсий такомил манбаи бўлиб хизмат қилади.

Назорат қилинувчи зиддиятлар мулоқот субъектларининг бир сифат ҳолат (интеллектуал, ҳиссий, иродалилиқ)дан бошқа сифатга ўтишига имконият беради ва субъектлараро ҳамкорликни ривожлантиришга ижобий ёрдам беради.

Шахслараро **зиддиятлар чуқур** ва **юзак**, **узок** ва **киска муддатли** турларда бўлиши мумкин.

Тарбиячидан тарбияланувчилар билан кундалиқ фаолияти мобайнида дуч келувчи турли зиддиятларни енгил учун ундан юқори даражадаги мулоқот қилиш тажриба ва малакалари талаб этилади. Бундай малакаларнинг асоси бўлиб **инсонпарварлик технологияларини** қўллаш, кўркўроналикдан қочиш, тарбияланувчилар билан яқиндан **мулоқот** ўрнатиш ҳисобланади. Агар тарбиячи томонлар орасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш йўлини изламаса, тарбияланувчилар орасидаги муносабатларни бир-бирига яқинлаштирмаса, юзага келувчи муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишга йўналтирмаса, фикрда муштараклик изланмаса, у ҳолда шахслараро низо сақланиб қолаверади. Тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг вазифалари ва ижтимоий ролларидаги фарқ бўлишига қарамай, уларни ҳамкорликдаги фаолият шакли умумлаштириб туради. Субъект — субъект мавқеидаги тенг шериклик ҳамкорлиги таълим ва тарбия жараёнларини мустақил ўрганиш ва мустақил тарбиялаш билан бирлаштиришга имкон беради.

Низо келиб чиқиши учун шерикларнинг карама-карши йўналтирилган мақсадлари ва ҳолатларининг мос келмаслиги етарли эмас. Бунинг учун ўзаро муносабатларни кескинлаштирувчи педагогик вазият мавжуд бўлиши лозим. Бундай педагогик вазиятни ишга солиш механизмини аниқ **тўқнашув** (лотинча *incidentes* – нохуш воқеа, ҳодиса сўзидан) бажаради ва зиддиятли ўзаро ҳаракатларни вужудга келтиради. Бундай ҳаракат мулоқотдаги кўнгилсиз ташқи сигнал бўлиб, булда томонлардан бири иккинчисининг қизиқишларини чеклаган ҳолда ҳаракат қила бошлайди.

Тарбиячи ўзининг «Мен»лигини тасдиқлашга интилиши низоли вазиятларни юзага келишига субъектив омил бўлиши мумкин. Бу эса унинг **касбий кучсизлиги** ва ночорлигини ифода этади. Ш.А.Амонашвили педагогик низолар асосида ўқув-тарбиявий жараённинг муқаррар мажбурийлиги ётганини таъкидлайди, чунки унинг мақсади, мазмуни ва услубиётлари жамоатчилик томонидан берилади, унинг эҳтиёжлари билан белгиланади. Фаолиятнинг таклиф этилаётган кўринишлари ва мазмуни, ўқув тартиби (усули) тарбияланувчининг шахсий қарашлари ва эҳтиёжларига мос келмаслиги, шу сабабли уларда норозилик ва қарши ҳаракатлар уйғониши мумкин. Низоли вазият педагогик раҳбариятнинг катъий талаби билан кучайиши ҳам мумкин. У низоларни бартараф этишни тарбияланувчилар билан бўладиган мулоқот характериға боғлиқ қилиб қўяди.

Педагогик низо ҳамкорлик фаолиятидаги зиддиятнинг шъикоси ҳисобланади. У қанчалик мураккаб бўлса, ўзаро муносабатларнинг таркибий қисмларга (дезинтеграция) ажралиш хавфи шунчалик кучайиб боради.

Тарбиячи ва тарбияланувчи орасида рўй берадиган ҳар қандай тўқнашув (низо)лар ҳам психологик нуқтан назардан бузувчилик даражасида бўлмайди. Зиддият каби *низо* ҳам *ижобий* ва *салбий томонларни* бирлаштиради.

Зиддиятларни бартараф этиш маданияти ҳамкор томонларнинг интеллектуал, ҳиссий ва иродавий фаоллигини оширади, ўзаро муносабатларни янада юкори даражага кўтаради.

Педагогик низо мураккаб жараён бўлиб, унга объектив ҳамда субъектив омиллар билан шартланган ривожланишини ўзига хос маъна хосдир.

Низоли юзага келтирувчи ҳолатларнинг мажмуи сифатида низоли вазиятлар таркибига низолининг объекти, предмети, субъекти, яъни унинг иштирокчилари қиради. Мунозара объекти улар томонидан қандайдир ташқи омил сифатида идрок этилади. Бу тарбиячи ва тарбияланувчи ҳар қандай мулоқот лаҳзасининг расмий, кағъий белгиланган ва эркин томонларни бўлиши мумкин. Низода вазиятни шахсан мушоҳада этиш ва оқшениётини ҳаракатлари устун келади. Идрок этишнинг субъектив ўзига хослиги қадриятлардан хабардорлик, ўз-ўзини баҳолаш, шахснинг психологик ўзига хослиги, мавқе. ёш, адекват (мос) ҳиссий ҳолат ва ш.к. омиллар билан шартланган.

Вазиятни даъво қилиш ва қизиқишларни қаноатлантиришга хавф солувчи низо сифатида аниглаш – хафагарчилик, камситилиш, гашыш каби

зиддиятни уйғотувчи, шеригининг *номақбул ҳаракатларини тўсувчи* кескин хиссий кечинмалар тарзида содир бўлади.

Ҳар қандай низоли вазият низога айланмайди. Агар мулоқот вазиятини *можаро юзага келгунча* ўзгартирилса, тўкнашувни жуда кам *психологик йўқотиш* билан енгиб ўтиш мумкин. Низоли вазиятларни ўзгартириш усуллари айнан уни ҳал этиш усуллари бўлиб ҳам ҳисобланади. Тўкнашув уни юзага келтирган ҳолатни бартараф этиш билан йўқолади.

Шаҳс томонидан юзага келтирилган низоли вазиятлардан ташқари узлуксиз низо *маибалари* сифатида кўринувчи *объектив низоли вазиятларни* алоҳида ажратадилар.

Низо субъектларининг муомаладан таъсирланиши ранг-баранг бўлиб, уларнинг шахсий хусусиятлари билан узвий боғлиқ. Бундай хусусият сифатида очик, ёпик (яширин) ва суэт эътирозлар чиқиши мумкин.

*Тарбияланувчилар низоли ҳулқининг асосий шакллари*га қуйидагиларни киритиш мумкин:

- **кишининг гашига тегадиган ҳаракатлар ва қилиқлар** (педагогик талабларни инкор қилиш, тарбиячи фикрига қизикмаслик, машғулотларга қатнашмаслик);

- **суэт порозилик** (индамай узоқлашиш, хафалик, кўз ёшлари);

- **иғвогарлик ҳаракатлари** ва **қилиқлари** («қилмоқли») саволлар, беғараз шўхлик қилиш ва тарбиячинини ноқулай аҳволга қўювчи шафқатсиз қилиқлар).

Педагогик жараёнда тарбиячи ва ўқувчи ўртасида турли низоларни келиб чиқишига, нафақат, тарбияланувчи, балки тарбиячининг ўзи ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Унинг **низони юзага келтирувчи** феъл-атвори ҳам ўзига хос турларга эга. Бу турлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- **қўполлик** - ўқувчи шаънини оёқ ости қилиш, лақаб қўйиш (масалан, «бефаҳм», «дангаса», «иккичи» ва ш.к.лар);

- **ўқувчиларни жамоат олдида обрўсизлантириш** - ишонган сирларини ошкор қилиш; қилинган танқидни қабул қилмаслик;

- **шаҳсни яширин тарзда камситиш** (киноя қилиш, масхаралаш);

- **ғаразли муносабат** (ўқувчиларни «севимли»лар ва «гуноҳкор»ларга ажратиш);

- **педагогик ахлоқ-одоб меъёрларининг аянчли тарзда бузилиши** - (масалан, қимгадир номини айғиб, мулоҳим муносабат, бошқаларга эса фамилияси орқали расмий муносабат кўрсатиш;) тўғридан-тўғри буйруқ («Мен айтдимми, демак, бажарининг шарт!»); бевосита ёки билвосита муносабат;

- **қасос олиш** («Сенга бори-шу», «Мен огоҳлантирган эдим, аммо сен қулоқ солмадинг»);

- **қўрқитиш** («Сен ҳали афеусланасан!», «Мен сўзимни қайтариб олмайман, унутма», «Бу гаплардан отанг хабар топса, ўйлайманки, хурсанд бўлмайди»);

- ўзининг интеллектуал, ахлоқий жиҳатдан устунлигини намойиш этиш (масалан, «Тушунмайман, оддий нарсаларнинг ҳам фаркига бормайсан», «Сенинг ёшингда мен...»);

- тарбияланувчиларнинг ўқишдаги ютуқларига **лоқайдлик** билан қараш;

- **гаплашмаслик** («пўм» чиқиш);

- **икки юзламалик** – сўз билан ишнинг мос келмаслиги, жазолаш учун учинчи шахс (синф раҳбари, ота-оналар, маъмурият) номидан фойдаланиш; ўқувчини яқкалаб қўйиш (бошка гуруҳга ўтказиш).

Тарбия иши мобайнида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги низоларнинг **олдини олиш**, тарбиячининг ўқувчилар билан **педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ муносабатларни** ўрнатиш маҳорати билан бошланади. Бу мураккаб жараён, чунки тарбиячи ўзига бўлган турли-туман: ижобий ва салбий, тесқари ижобий, тесқари салбий, лоқайд-киёфасиз каби муносабатлар билан тўқнашувларга дуч келади.

Низони фақат **ижобий муносабатгина бартараф** этиши мумкин. Шундай муносабатгина юзага келувчи шахслараро зиддиятларни осонлик билан енгилга имконият беради, чунки бунда тарбиячи ҳам, ўқувчилар ҳам мақсад сари интилишда ҳамкор сифатида бирлашадилар. Келишмовчилик ҳамкорликдаги изланишларни ва юзага келувчи муаммоларни бартараф этиш имкониятларини яратиш ҳам мумкин.

Салбий муносабат, шубҳасиз, низони юзага келтиради. Ўқувчиларнинг тарбиячини ёқтирмаслик, унга салбий муносабатда бўлиш каби ҳислатлари мулоқот чоғида доимий кескинликни вужудга келтиради. Бундай ҳолатда ўқувчиларнинг хулқий таъсирланиши жараёнга мос бўлмайди. Уларнинг рақибларга каби қарашларини енгил ўтиш ва ишонч, ҳурматларини қозониш учун тарбиячига чидам, қатъият, доимий таҳлил зарур бўлади.

Тесқари ижобий муносабат мобайнида, гарчи, ўқувчиларда тарбиячига нисбатан симпатия (ёқтириш), антипатия (ёқтирмаслик) оралиғида иккиланиш сезилиб турса ҳам, ҳамкорлик қилиш учун реал асос мавжуд бўлади. Низони бартараф этишда тарбиячига одоб, чидам, қатъийлик қатта ёрдам беради.

Тесқари салбий муносабат яширин хавfli бўлишига қарамай, тарбиявий ишларда амалга ошириладиган ҳамкорликда қилишув ва бирлашув имкониятлари мавжудлигини инкор этмайди. Тарбиячига ўқувчилар билан яқинлашиш ва ҳамкорлик қилишнинг смарали усулларини топиш, уларнинг ижобий томонларини қучайтириш, нотўғри тушунчага эга бўлишни ва безовталиқни енгил ўтишга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг тарбиячига бўлган **лоқайдлик, мужмаллик муносабати** зимдан **бузувчилик вазифасини бажаради.** Ўқувчидаги руҳсизлик қайфияти, ҳиссий турғунлик ташқи томондан қутилмаган тажовуз билан алмашиш имкониятига эга.

Тажрибаларнинг натижаларига кўра шахслараро низоларни педагогик мулоқот чоғида **психологик услуб** билан ҳал этишнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган.

Авторитар услуб тарбиячига ўқувчи томонидан, унинг ҳолати қабул қилинган тақдирдагина низодан чиқиш имкониятини беради. **Ўзгарувчан (бекарор) услуб** тарбиячининг ҳиссий ҳолати билан боғлиқлиги туфайли синфда асабий вазиятнинг юзага келишига имконият яратади. **Бетараф услуб** ташқи хотиржамлик билан характерланса-да, чуқур низоларни ҳал этишни қийинлаштиради. **Хайрихоҳ услуб** – ниҳоятда хайрли (муваффақиятли) бўлиб, тўқнашувни енгил, тез ва оқилона бартараф этиш имконини беради.

Жалб қилувчи (чалғитувчи) услуб авторитар услубнинг акси сифатида ҳам низоли бўлиб характерланади, мулоқотнинг шахсий аҳамиятини олдинги ўринга суради.

Педагогик мулоқот раҳбари ва буйруқ беришга вақолатли бўлган тарбиячи-ўқувчилар билан бўладиган ҳар қандай тўқнашувнинг натижаси учун жавобгардир.

Педагогик мулоқот чоғида юзага келувчи зиддиятли ҳолатларнинг олдини олиш, мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш, тарбиявий ҳамкорлик услубини демократлаштириш ва инсонларварлаштириш орқали таъминланади.

8.1. Ўзаро низоларни бошқариш технологияси

Педагогик низоларни *бошқариш* педагогик жараёнда содир бўлиши мумкин бўлган коммуникатив мушқулликларни **олдиндан кўра билиш**, ўз вақтида унинг *олдини олиш чораларини кўриш*, *зиддият кескинлашувининг объектив ва субъектив сабабларини аниқлаш* ва *уларни асосли равишда бартараф этишдан* иборат.

Педагогик низо сифатида **охиста ўтаётган жараёнга** қуйидаги **босқичлар** ҳосил:

- 1) зиддиятларнинг пайдо бўлиши;
- 2) уни англаб етиш;
- 3) кескинлашиши;
- 4) тартибга солиш йўллариини излаш;
- 5) ҳал этиш.

Низони муваффақиятли ешиб ўтишнинг **стратегик ва тактик бирлиги** сифатида **бошқариш мукобил технологияси танлашни** кўзда тутлади. Стратегия тарбиячининг узок муддатли тарбиявий мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган принципиал хулқий йўлини белгилаб беради. Тактика унинг таркибий қисми сифатида бевосита ўзаро ҳамкорлик мажмуини, муайян низоли вазиятда педагогик таъсир доирасини танлашни белгилайди.

Стратегия ва тактика мавжуд вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш, субъектларнинг ўзига хос шахсий хусусиятлари, низонинг объекти ва предмети хусусиятларини ҳисобга олиш билан белгиланади.

Ўзаро низоларни бошқаришни: *мослашиш, бош тортиш, чекиниш, муроа қилиш, ҳамкорлик, устуи бўлиш* каби педагогик стратегия турларига ажратиш мумкин.

Тарбиячи коммуникатив маданиятининг ёркин кўрсаткичидан иборат бўлган *педагогик назокат*, унинг тарбияланувчилар билан содир бўладиган ўзаро зиддиятларни енгиб ўтишининг универсал қуролидир.

Тарбиячининг касбий хулқининг мезони сифатидаги *назокатнинг ўзига хос жиҳати*, унинг қўлланиш соҳаси *мулоқот бўлиб ҳисобланишидадир*. Назокат тарбияланувчилар билан ўзаро тарбиявий муносабатларни ўрнатиш шарти бўлиб майдонга чиқади. Педагогик мулоқот жараёни тарбиячидан турли даражадаги коммуникатив муаммоларни асосли ҳал этишни талаб этади. Назокат тарбиячини қўпол касбий хатоларга йўл қўйишидан ҳимоя қилади.

Педагогик категория сифатида назокат мураккаб таркибга эга. Унинг асосий *компонентлари сифатида психологик, ахлоқий-этик, эстетик, инструментал ёки технологик жиҳатларни* кўрсатиш мумкин.

Педагогик мулоқотлар – вазмин, низосиз ҳамкорликдир. Шунинг учун, у ўзаро зиддиятларни бартараф этиш билан эҳтиёжлар, ҳиссиётлар, фикрлар, интилишлар ва мақсадларнинг доимо юзага келувчи номувофиқлиги билан алоқадордир.

Тарбиячининг коммуникатив билимдонлиги ўқувчининг шахсий ривожланишини такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган зиддият ва низоларда, кўнмаслик, кулоқ солмаслик, бўйсунмаслик ҳолатларида, уни онгли равишда куч ишлатишдан тийилишга олиб келади. Мухими – мулоқот кескинлашган вақтларда қарор қабул қилиш, турли педагогик технологиялардан ижодий фойдаланиш маҳоратидир.

8.2. «Зиддиятларни ечиш услубингиз» тренинги

Мақсад:

- ҳар бир қатнашчига зиддиятни ечишда ўз услубини топнишга ёрдамлашиш;

- тарбиячида зиддиятнинг ечимини излаш ва аниқлаш малакаларини шакллантириш.

Қўтиладиган натижа: ҳар бир ўқувчи зиддиятларни ечишда ўз услубини аниқлайди, тарбиячи ўқувчилар ва уларнинг зиддиятларга муносабатларини билиб олади.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Машғулот бошланишида тарбиячи иштирокчиларни тренинг ўтказиш қоидалари билан таништиради ва у уч босқичдан иборатлигини айтади.

*Биринчи босқич*да ҳар бир қатнашчи алоҳида карточка олади ва уни яқка тартибда тўлдиради, *иккинчи босқич*да ўз ишининг натижалари билан бошқаларни таништиради ва *учинчи босқич*да натижалар бўйича умумий маслаҳатлар беради.

Тушунтиришдан сўнг тарбиячи ҳар бир ўқувчига куйидаги мазмундаги карточкани таркатади.

1-карточка. Зиддиятларни ечишда Сизнинг услубингиз...

Карточканинг пастдаги сатрларига ёзилган бўлимлар ўқилгандан сўнг, шу ёки бошқа хулқ Сизга ҳам тааллуқлими ёки тааллуқли эмаслигини кўрсатинг ва жавобингизга мос равишда керакли баллни қўйинг (жавоб вариантлари: тез-тез – 3 балл, баъзан – 2 балл ва камдан-кам – 1 балл).

1. Сиз зиддиятли ҳолатларда, масалан, уришганингизда ўзингизни қандай тутасиз?

2. Душманимнинг нуқтаи назарини тушунишга ва у билан ҳисоблашишга ҳаракат қиламан.

3. Ечим кидираман.

4. Охиригача ишонмасамда, ноҳақ бўлишим мумкин, деб ўйлайман.

5. Душманимдан қочаман.

6. Нима бўлса ҳам ўз мақсадимга эришишни хоҳлайман, шунга интиламан.

7. Мен нимани маъқуллайман-у, нимани мутлако маъқулламаслигимни аниқлашга ҳаракат қиламан – бу зиддият майдонини торайтириши мумкин.

8. Мурасага бораман.

9. Енгиламан.

10. Мавзуни ўзгартираман.

11. Ўз мақсадимга эришмагунимча енгилмайман.

12. Зиддиятнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш (тушуниш)га ҳаракат қиламан.

13. Озгина ён босаман ва бошқа томоннинг ҳам ён босишига туртки бераман.

14. Тинчликни таклиф қиламан.

15. Ҳаммасини ҳазилга буришга ҳаракат қиламан.

Энди қўйилган балларни саволларнинг тартиб рақамига биноан чизмага туширинг.

A	B	C	D	E
1.	2.	3.	4.	5.
6.	7.	8.	9.	10.
11.	12.	13.	14.	15.

Қайси устундаги умумий балл энг юқори бўлди? Бу Сизнинг зиддиятларни ечиш услубингизга қўйилган баллдир.

Ўқувчилар карточкаларни тўлдириб бўлишгач, тарбиячи машгулотнинг иккинчи босқичига ўтади ва 2-карточкани таркатади. Бу карточка орқали ҳар бир ўқувчи устунларга қўйилган жавобларнинг умумий балл энг юқори бўлгани ва кейингиларига қараб зиддиятларнинг ечиш услубларини аниқлайдилар ва шунга тегишли бўлган тавсиф билан танишадилар.

2-карточка. *Зиддиятларни ечишда сизнинг услубингиз* (аниқлаб олинг):

А – «**қаттиққўл**» услубига мос.

Сизнинг фикрингизда ҳеч қандай хато ва камчиликлар йўқ, ўз нуқтани назарингизни химоя қиласиз ва охиригача ўз фикрингизда турасиз.

Б – «**келишув**» услуби.

Сиз ҳамма вақт келишиш мумкин деган фикрга амал қиласиз.

«Икки бош биттадан афзал» мақолига риоя қиласиз. Баҳс пайтида Сиз альтернатив (яна бошқа) фикр таклиф қиласиз. Иккала томонни кониктирадиган ечимни қидирасиз.

С – «**муросавий**» услуб.

Бошиданок сиз мурасага розисиз.

Д – «**юмшоқ**» услуб.

Ўз душманингизни юмшоқлик билан енгасиз. Душманинг фикрини маъқуллайсиз, ўз фикрингиздан қайтасиз.

Е – «**кетувчи**» услуб.

Сизнинг акидангиз – вақтида кетиш. Сиз ҳолатни чигаллаштирамасликка ва очик тўқнашувга сабаб бўлувчи зиддият руи бермаслигига ҳаракат қиласиз.

Кўпчилигингизга зиддиятли ҳолатларда турли усулдаги хулқ хосдир. Раҳбар билан бўлган зиддиятда биз «кетамиз»; уй ва шахсий муаммоларнинг сечётганда эса охиригача ўз фикримизда турамиз.

Зиддиятларни ечишни беш турининг ҳар бири аниқ ҳолатларда ўзининг плюс ва минусларига, яъни ижобий ва салбий томонларига эга.

«**Қаттиққўл**» услуби – ўзингиз ҳақ эканлигингизга ишонч ҳосил қилмаган ва асослашга вақт бўлган, тез ҳаракат қилиш зарур бўлган ҳолатларда яхши услубдир.

«**Келишув**» – иккала томон учун ҳам фойдали, зиддиятнинг ечимига ёрдам беради, баҳслашувчилар орасида самимий муносабатни саклайди.

«**Муросавий**» – икки турли кучни тўқнашувининг олдини олади. Душман фикрини маъқуллаб, кўп нарса ютқазилмайди.

Услубларнинг охириги иккитасининг мазмуни ўз номларидан аён бўлиб турибди.

Албатта, келтирилган тест натижалари ўқувчи хулқини олдиндан билиш учун асос бўлади ёки шундай бўлиши шарт деб айтиш кийин, лекин Сизнинг муаммоларингиз, зиддиятли ҳолатларингизнинг баъзиларини ечишда ёрдам бериши мумкин.

Машғулотнинг учинчи босқичида тарбиячи ўқувчилар билан ютқазилган тренинг тўғрисида фикр алмашади, муҳокама қилади ва яқинлайди.

9-§. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАРБИЯВИЙ АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ СЕМИНАРНИ ЎТКАЗУВЧИ ТАРБИЯЧИЛАРГА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Таълим муассасалари тарбиячилари учун тренинг машғулотларини ўтказиш бўйича бериладиган услубий тавсиялар педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилган, яъни натижаларга оддий ўқитиш йўли билан эмас, балки машқлар, тренинглар йўли билан ўргатиш орқали эришиш кўзда тутилган. Тарбиячилар машқда ўрганган технологиялари ва қўшимча материаллардан ўзларининг амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Баён қилинадиган услубий тавсияларда таълим муассасалари тарбиячиларини тарбиявий ишларга жалб этиш, уларни таълим муассасаси фаолиятига тайёрлаш, тренингларни ташкил қилиш ва ўтказиш, тренерлар тайёрлаш ва тренингларни ўтказишга бўлган маслаҳат, шунингдек, уларга қўйиладиган талаблар ўз аксини топган. Тез ва самарали ўқитиш курси дастурида ҳар бир тренингнинг мақсади, мазмуни, кутиладиган натижалар, тренингни ўтказиш босқичлари ва тузилиши очиб берилди. Ҳар бир тренингни ўтказиш услуби турлича ва унинг самараси тренернинг машғулоти аввалдан ўтказишга тайёргарлигига ва мазкур тўпламдаги тавсияларни яхшилаб ўзлаштирганлигига боғлиқ.

Тарбиявий амалий-услубий семинарда таҳсил олган тингловчилар машқ қилиш орқали ўрганган технологияларини ўз иш жойларида – педагогик жамоада кўрсата олишлари, ўз иш фаолиятларида қўллай олишлари ва бошқа ҳамкасбларини ҳам педагогик технологияларга, ноанъанавий дарс ўтишга ўргатишлари учун улар тажрибали ўқитувчи ёки методист бўлибгина қолмай, балки тренер-ўқитувчи даражасидаги билим ва тажрибаларга эга бўлишлари керак, чунки тренер-ўқитувчилар – тингловчилар учун бир печа ёки барча ўқув машғулотлари, тренингларни режалаштирувчи ва амалга оширувчи ҳамда олдиндан ҳар бир ўқув машғулоти, тренингни лойиҳалаштириб, ажратилган қисқа вақт ичида энг мукамал ва қафолатланган натижага эришувчи эксперт ҳамдир. Амалий-услубий семинарнинг самарадорлиги тренер-ўқитувчилардан семинарни ташкил этиш ва ўтказишга керакли тажриба, билим, кўникма, малакани ҳамда катта ёшдагиларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур билишни талаб этади.

9.1. Катта ёшдагиларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари



Педагогика – болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги фан.

Андрогогика – педагогика фанининг алоҳида йўналиши бўлиб, катта ёшдагиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий, амалий муаммоларини ўрганади.

Катталар таълимининг туб мақсади иктисодий, ижтимоий ва шахсий ҳаётда фаол, самарали, масъулиятли иштирок этувчи шахсни шакллантиришдан иборат.

Катталар таълими – назария ва амалиётга асосланган, тан олинган барча ёндашувлар ҳамда жамиятда мавжуд бўлган расмий ва узлуксиз, норасмий ва кўшимча таълим турларини камраб олади.

Катта ёшдагиларни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари:

- педагогик вазифаларни муваффақиятли ечимини топишга керакли бўлган билимларни бериш;

- ўз фаолиятини самарали бошқаришга керакли бўлган кўникма, малакаларни шакллантириш;

- тингловчиларга бор тажрибаларини тизимга солиш ва таҳлил қилиш олишларига ёрдам бериш;

- тингловчиларга ўз фаолиятларини яна бир қайта тушуниб етишларига имконият яратиш;

- тингловчиларда белгиланган мақсадни самарали нагигага олиб келиш малакасини ривожлантириш.

Андрогогика – катталарни ёшнинг ҳисобга олган ҳолда ўқитиш санъати ва илми. Андрогогика – катта ёшдагилар таълими

Андрогогика – катталарни ёшнинг ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнида унга функцияни бажаради:

1. Адаптация – тингловчиларни таълим тизимидаги ўзгаришлар, янгиликлар, педагогик ёндашувларга мослаштириш, кўниктириш.

2. Компенсация – педагогик технологиялар, интерактив таълим ва интерактив методлар бўйича билим, кўникма, малакаларини янги фикр, амалий машқлар, тренинглар орқали тўлдириш, бойитиш.

3. Ривожлантирувчи – ўқув жараёнини ташкил этиш методикаси ва техникаси, педагогик фаолият ва маҳорати бўйича тажрибаларини ривожлантириш.

Катта ёшдаги тингловчилар билан ишлайдиган тренер-ўқитувчилар ўқув материали мазмуни, гуруҳ лидерлари, ташкилотчилари ва гуруҳдаги амалиётчиларнинг тажрибаларига, билим, кўникма, малаklarига таяниб иш тутишлари ўқув машғулотининг самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Катта ёшдагилар билан ишлаш қандай бўлиши керак? Мақсадли, асосли, ёркин, динамик, завқли, қизикарли, бирлаштирувчи, фойдали, фаол, ижодий, қувноқ, зақоватли бўлиши керак.

КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ – (adult learning, adult education) – жамият гомонидан катта ёшли деб ҳисобланган кишиларнинг ўз қобилиятларини ривожлантириш, билимларини ошириш, техник ва касбий маҳоратларини такомиллаштириш ёки шахсий эҳтиёжлари ва жамият эҳтиёжларини қондириш учун янги йўналишда қўллашни ўрганишни мақсад қилган расмий ёки бошқа шаклдаги ўқиш жараёни.

9.2. Таълим муассасаларида ўқув семинарини тайёрлаш ва ўтказиш



Ўқув семинарини ташкил этиш ва ўтказишда унинг ташкилотчилари ва тренерлари ўз фаолиятларини бир неча кун (ёки ҳафта) олдин тайёргарлик ишларидан бошлашлари лозим. Қуйида тренер-тарбиячининг ўқув жараёнини ташкил этиш олдидан зарур тайёргарлик ишларини амалга ошириш йўллари келтирилади.

Ўқув жараёнига тайёргарлик:

- ўқув курсининг вазифаларини аниқлаш;
- тингловчилар учун рағбатлантирувчи омил ва унга қўйилган талабларни аниқлаш;
- имконият ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда тингловчилар учун ўқув вақтини режалаштириш;
- ўқиш ўтказиладиган жойни тайёрлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш;
- тингловчиларнинг дастлабки билимларини баҳолаш варақаларини тайёрлаш;
- ўқишдан кутилган натижаларни аниқлаш;
- фаоллият турлари ва ўқув жадвалини тайёрлаш;
- ўқув жараёни учун зарур бўлган материалларни топиш ва тайёрлаш (ватман, экран, магнитли доска, проектор, магнитофон, видеоматериаллар, фломастерлар, маркерлар ва ҳоказо).

Таркатма материалларни тайёрлаш:

- таркатма материалларнинг режалаштирилган мавзу ва кутиб олиш натижаларга мос келиши;
- тингловчиларнинг ўқув машғулотида фойдалана олишлари учун зарур бўладиган материалларни тайёрлаш ва киритиш;
- барча тингловчилар учун старли микдорда материалларни тайёрлаш;
- барча тингловчиларнинг исми, фамилияси, манзили кўрсатиладиган рўйхат ёки зарур буйруқни тайёрлаш.

Материаллар ва асбоб-ускуналар:

- ватман ва экран;
- маркерлар, фломастерлар ва бўр;
- ручкалар ва қаламлар;
- қайчилар ва елим ёпиштиргич;
- қоғоз ва кистиргич;
- таркатма материаллар, китоб ва услубий материалларни намойиш этиш учун мослама, флипчарт;
- магнитофон (кассеталар), видеоматериаллар;
- видеомагнитофон (телевизор), проектор, слайдлар;
- видеокамера (видеотренинг учун);
- электрон дарсликлар, ўқув материаллари;
- оммавий ахборот материаллари: газета, журналлар, интернет материаллари ва б.

Ташкилий масалалар:

- ўқув машғулоти ўтказиладиган жойнинг тингловчилар жойлашиши учун старли эканлигига ишонч ҳосил қилиш (назорат қилиб кўйиш);
- ўқув хонасида тингловчиларнинг ҳамма нарсани яхши кўра олиши, эркин ҳаракат қилиши ва катнашишлари учун шароит яратиш, хона ичидаги нарсаларнинг машғулот ўтказиш учун халақит бермаслигини текшириш;
- ўқув хонаси ичида ва ташқарисида шовкин даражасини текшириш;
- асбоб - ускуналарнинг ишлашини текшириш: товуш тизими, экран, радио (музыкавий пауза учун);
- ўқув хонасида мебеллар ва техник воситаларнинг қулай жойлашувини назорат қилиш ва ташкил этиш;
- ички ва ташқи тартиб қоидаларининг мазмунини текшириш ва керакли ўзгартиришлар киритган ҳолда «Тингловчилар, диққат!» иш стендига илиб қўйиш.

Ўқиш жадвали:

- кириш (тингловчиларни ўзаро таништириш);
- танаффусларга мос вақт;
- тушлик вақти;
- барча хоналарнинг жойлашиши билан танишини;
- машғулотлар вақти;
- баҳолаш вақти (кунлик, ҳафталик, якуний назорат);

- маданий ҳордик учун вақт: кизикарли учрашув, экскурсия, бадий чикишлар ва б.ни белгилаш;

- дасрдан ташқари маданий ҳордик дастурини кўриб чикиш ва керакли ўзгартиришларни киритиш.

Ўқишга бир кун қолгандаги ҳаракатлар:

- тренер-ўқитувчиларнинг машғулотга тайёргарлигини яна бир бор текшириш;

- дафтар, таркатма материаллар, қоғоз ва бошқа материалларни текшириш;

- таркатма ва бошқа материалларни комлектлаш;

- ўқув хонаси ва асбоб-ускуналарнинг тайёрлигини, узатгич симлар, керакли техник воситаларни текшириш.

Ўқиш кундаги ҳаракатлар:

- дарс бошланишидан 15-20 дақиқа олдин келиб хонани шамоллатиш, дарсга керакли барча ёрдамчи материалларни, техник воситаларни текшириб чикиш;

- ўқув хонаси ҳароратини текшириш;

- материаллар турларини ташкил қилиш ва тайёрлигини текшириш;

- говуш тизимининг ишлашини текшириш.

Ўқишдан кейинги ҳаракатлар:

- ўтказилган ўқув машғулотлари бўйича тингловчиларнинг якуний фикрларини билиш учун сўровнома ўтказиш;

- ўқув машғулотларининг самрадорлигини янада ошириш ва такомиллаштириш бўйича кейинги фаолият режасини тузиш;

- ўқув семестри даврида мониторинг ташкил қилиш;

- кунлик, ҳафталик ва якуний назоратларни ўтказиш.

9.3. Тренер-ўқитувчиларнинг фаолияти ва касбий имиджи



Тренер-ўқитувчилар хақида гап юритилганда доимо ўқув машғулоғида берилган материал муҳимми ёки тренер-ўқитувчимиз? каби баҳсли савол туғилади. «Сценарий муҳимми ёки актёрми?» деган саволга жавоб бериш каби бу саволга ҳам жавоб бериш қийин. Лекин, агар материал ҳам, тренер – ўқитувчи ҳам юқори даражада бўлса, ўқитиш албатта муваффақиятли якунланиши аниқ.

Тренер-ўқитувчининг вазифаси. Тренер-ўқитувчи тингловчилар учун бир неча ёки барча ўқув машғулотларини режалаштирувчи ва амалга оширувчи экспертдир. У бир вақтнинг ўзида барча «мушиқачиларнинг

кузатувчиси, ансамбл йўналиши ва назоратини қўллаб қувватловчиси» оркестр раҳбаридир.

Тренер-ўқитувчининг фаолияти қўйидагилар билан белгиланади:

➤ Ўқув машғулотларини ўтказиш тартиби ва дарс жадвали билан танишиш.

➤ Танланган мавзу бўйича гуруҳ билан муҳокама қилишни олдиндан лойиҳалаб, технологик харитани тузиб олиш.

➤ Тушуниш кийин бўлган мавзу, тушунчалар, атамаларни тушунтириш йўллари танилаш.

Ўқув машғулотининг давомида:

➤ Қўллаб-қувватлаш ва барча тингловчиларга руҳий куч-қувват бағишлаш.

➤ Одамлар ва уларнинг ғояларини қабул қилиш.

➤ Ҳамма ғояларни ўрганиб чиқиш.

➤ Ҳар бир тингловчига старли шароитни яратиш.

➤ Гуруҳ жараёни бўйича қарор қабул қилиш, фикр билдириш.

➤ Ҳамиша ижодий кайфиятда бўлиш.

➤ Гуруҳ қабул қилган қарорни таққослаш ва қарорни тўғри тузишга ёрдамлашиш.

➤ Гуруҳ томонидан қабул қилинган қоидаларни тартибга солишга кўмаклашиш.

➤ Гуруҳ қўйилган мақсаддан четга чиқиб кетган ҳолларда вазиятни қайтадан тушунтириш.

➤ Тренер-ўқитувчининг вазифаси гуруҳни аниқ бир фикрга келтириш. аниқ хулоса чиқариб, муҳокамага эришиш.

➤ Тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларининг ўзаро фикр алмашишлари ва ўқитиш жараёни самарадорлигини оширишни ташкилотчиси.

➤ Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар ишининг самарадорлигига жавобгардир, у бирон-бир гуруҳга ёки шахсга ён босмаслиги лозим.

➤ Тренер-ўқитувчи ҳар бир муҳокама жараёнида муаллақ ҳолатда бўлиши керак ҳамда ўзининг фикрини ўтказишга ҳаракат қилмаслиги лозим.

Шундай қилиб, *тренер-ўқитувчи фаолиятининг асосий мазмуни – ўқув машғулотларида мақсадга эришиш учун берилган аниқ топшириқ атрофида гуруҳ аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишдан иборат.*

Тренер-ўқитувчининг бажариши зарур бўлган вазифалар:

➤ Эшитиш ва тинглай олиш;

➤ Кучли ҳис-ҳаяжонини бошқара олиш;

➤ Гуруҳни ўзаро қелишишга олиб қелиш;

➤ Гуруҳни қўйилган мақсад сари олиб бориш.

Баҳс- мунозарани олиб боришда, тренер-ўқитувчи:

- мавзу муҳокамасини тартибга келтириш;

- нотўғри вазиятларни тушунтира олиш;

- ҳар бир кишининг қатнашишига имкон яратиш;

- ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш;

- билдирилган турли фикрларни умумлаштириш;

- гуруҳ аъзоларининг ўзаро ҳаракатлариға ёрдамлашишни билиши керак.

Муҳокамани бошлаш учун:

- муаммо ва у нима учун муҳокама қилинаётганлигини ҳар бир киши аниқ тушуниши шарт;

- гапириб бериш учун қулай шароитни ҳис қилиш;
- бошқаларға ҳар томонлама намуна бўлишға ҳаракат қилиш;
- муҳокамада рағбатлантириш саволларидан фойдаланиш;
- айтилган фикрлар, ғояларни ёзиб бориш;
- ҳамманинг қатнашишини назорат қилиб туриш;
- ҳазил-мутойибалардан фойдаланиш;
- олдиндан сеза билиш лозим.

9.4. Тингловчилар навбатдаги топшириқ билан қандай таништирилади? (амалий тавсия)

1. Машқнинг мақсадини тушунтиринг.
2. Керакли шароит яратиб олиш учун тингловчиларни гуруҳларға ёки жуфтликларға (агар шунга эҳтиёж бўлса) ажратиб чиқинг ва шунга яраша машқни бажариш учун шароит, имконият яратинг. Ҳамма тайёр бўлишини кутинг.
3. Шарт-шароит ва қондани тушунтиринг.
4. Топширикни бажариш бўйича фақат кўрсатмалар берибгина қолмасдан, балки бундан кейин бажариладиган вазифаларни ҳам тушунтиринг. Масалан, натижалар муҳокама қилинадими ёки гуруҳ аъзоларидан бири гуруҳ номидан тақдимот қиладими, шуни олдиндан айтиб ўтиш жоиздир.
5. Ёзма тарқатма материаллар бўлса, уларни тарқатинг ёки унда нима ёзилганлигини ўқиб беринг. Агар оғзаки тушунтирилса, ҳамма диққат билан Сизни тинглаётганини назорат қилиб туринг.
6. Гапиришни бошлаш ёки давом эттиришдан олдин ҳамма саволларға жавоб беринг.
7. Агар зарур бўлса, сўралган нарсани намоёиш қилинг.
8. Агар Сизнинг берган топширигингиз ҳамманинг қатнашишини талаб қилса, Сиз ўзингиз биринчилардан бўлиб бунга тайёр бўлишингиз лозим.
9. Топшириқ қанчалик тўғри бажарилаётганлигини билиш учун ҳар бир тингловчининг олдига келиб туринг. бажараётган иши билан кизиқинг.

9.5. Тренер-ўқитувчиларга маслаҳатлар



Фойдали маслаҳатлар (ёндашув):

- Ҳар бир кишининг бирон фойдали нарса қўша олишига ишонч ҳосил қилиш;
- Ҳар бир гуруҳ ўз муаммосини ўзи ҳал қила олишига ишонч ҳосил қилиш;
- Ҳамма тингловчиларнинг кизиқиши ва талабларини ҳурмат қилиш;
- Энг муҳими – жараён экаплагига ишонч ҳосил қилиш.

Зарарли ёндашувлар:

- Кишилар ва уларнинг қарашларини танқид қилиш;
- Гуруҳ билан келишмасдан туриб хулоса чиқариш;
- Гуруҳ хоҳишига қарши уларни бирон ишни бажаришга мажбур қилиш;
- Ўзининг қўп гапириши;
- Гуруҳнинг ўзини хулоса чиқаришга ундаш.

Саволларга жавоблар:

- тўғри бўлиши керак;
- иккиланмасдан ўйлаш учун вақт сўранг;
- саволга қўниқиб ва вақтдан ютиш учун саволни бошқача шакллантиринг;
- гуруҳда берилган саволлар бўйича уларга ўз фикрларини билдиришни таклиф қилинг;
- саволларга жавобни билмаслигингизни тап олишдан қўрқманг;
- сизнинг жавобингиз тўғри қабул қилинганлигига ҳамиша ишонч ҳосил қилинг.

Қўшимча маълумот олиш учун саволлар қўйиш қобилияти:

- саволни биттадан беринг;
- саволлар қисқа ва аниқ бўлсин;
- очик саволлар беринг (яъни, тушунтиришлар билан тўлиқ жавоблар талаб қиладиган);
- мазмунини чуқур ўрганинг;
- жавобга вақт беринг;
- суҳбатдошингиз ўйлаб қўришни ва Сизга қўпроқ маълумот бериши учун хотиржамлик билан сукут сақланг;

Фаол эшитиш қобилияти:

- кулай мухит яратинг;
- имо-ишора, пантомима, тана «тили» ёрдамида ўз диққатингизни таъкидланг;
- кўриш алоқаларидан керакли даражада фойдаланинг;
- бир оз ўзгартириб ифода қилинг;
- асосий ғоя бўйича ўз мулоҳазаларингизни билдириг.
- изоҳловчи саволлар беринг;
- асосий ҳиссиётлар бўйича ўз мулоҳазаларингизни билдириг;
- қисқача қилиб асосий ғояни тушунтириг.

9.6. Тренингни ўтказиш методикаси ва уни олиб бориш малакалари



Тренинг – мазмундаги янги бўлимлар ва янги методларни катталарга ўқитиш учун интерфаол формадири.

Тингловчилар билан новербал (сўзсиз, мимика, пантомимика, қараш ва ҳоказо) **алоқа ўрнатиш:**

1. Гапираётганингизда ҳар бир тингловчини кўз остингизда тутинг. Ҳаммага бир хил эътибор беринг, Сиз гуруҳдаги баъзи одамларга хайрихоҳ бўлиб қолманг.

2. Хонада гуруҳнинг диққатини бузмасдан ҳаракат қилинг (тез-тез ва мақсадсиз юришлардан қочинг, шунингдек, гуруҳга ўзингиз кўринмайдиган жойдан туриб гапиринг).

3. Тингловчиларнинг бош қимирлатиши, табассуми ва ҳатти-ҳаракатлари, ниманидир айтишга хоҳиши борлигига эътибор беринг.

4. Гуруҳ қаршисида туринг. Ўқиш ва тренинг бошланганда ўтирманг (хотиржам, шу билан бирга мақсадли ва катъий бўлинг.)

Вербал (нутқий) алоқа ўрнатиш:

1. Саволларни шундай тузингки, тингловчилар гапирсин. Бунда Сизга очик саволлар ёрдам беради: «Сиз бу ҳақда нима дейсиз?», «Нимага?», «Қандай? «Агар? ва ҳоказо. Агар тингловчи «Ҳа», «Йўқ» деб жавоб берса, «Нега шундай гапиряпсиз?» деб сўранг.

2. Бошқа тингловчилардан тасдиқланган фикрларга қўшилиш ёки қўшилмаслигини сўранг?

3. Ўз овозингиз оҳангига эътибор беринг. Айниқса, тингловчилар ичида педагогик маълумоти бўлмаган кишилар бўлса, у ҳолда аста-секин ва аниқ гапиринг.

4. Тингловчиларни ўзингиздан кўпроқ гапиришга унданг. Ўзингиз ва тингловчиларнинг сўзга чиқиш вақтларини ҳисобга олиб боринг.

5. Ҳамма саволларга фақат ўзингиз жавоб берманг. Тингловчилар бир-бирининг саволларига жавоб бериши мумкинлигини унутманг. Бу Сизнинг захирангизни кўпайтиради. «Кимдир бу саволга жавоб бера оладими?» деб сўранг.

6. Тингловчиларнинг фикрини ўз сўзингиз билан такрорлаб, бир оз ўзгартириб ифода қилинг. Бу Сизга гапирувчини тушунишингизни етарли даражада назорат қилишга имконият беради ва муҳокама саволларини тушунишни кучайтиради.

7. Баҳснинг умумлаштирилган натижалар моҳиятини ҳар бир тингловчи тўғри тушунганига ва тўғри йўналишда кетаётганлигига амин бўлинг. Бу қарама-қаршиликларни кўриш ва хулоса чиқариш учун қулай фурсатдир.

8. Шахсий тажрибангиз мазкур баҳсга мос келса, тингловчилар фикрларини мустаҳкамланг. «Бу менга ўтган йилги воқеани эслатади», дейишингиз мумкин.

Самарали тренинг ўтказишнинг таркибий қисмлари (элементлари)

1. Изюминка (жозоба – тингловчилар билан ишлашнинг ўзига хос ажойиб томони) тингловчиларнинг тренингга кизиқишини уйғотиш учун қисқа баҳс бошлаш, саволлар бериш, тингловчилар фикрини чалғитувчи (провакацион) таъкидларни илгари суриш ёки қандайдир фаолият турини фараз қилиш. Ўқув машғулоти тингловчиларининг дастлабки билимлари ва уларнинг ҳаётий тажрибаларини боғлашга ҳаракат қилиш. Тренинг аҳамияти нимадан иборат эканлиги сабабларини тушунтириш.

2. Тингловчилар учун натижаларни таъкидлаш. Тингловчиларга тренингдан қандай мақсад кутилаётганини аудиторияга тушунтиринг. Тингловчилар тренинг натижасида: «Бу тренингдан кейин нималарни билишим ва нималарни қилишим лозим?» деган саволга жавоб беришлари керак.

3. Тренернинг хиссаси. Тренинг учун зарур дастлабки маълумотлар, зарур билимлар (матн, маъруза, ҳужжатлар, ўқиш) ва бирор фаолият турини ўтказиш учун фан мазмунини намойиш қилиш.

4. Интерфаол стратегия – тренингнинг юрагидир. Интерфаол услубиётда фойдаланадиган иш тартибини қисқача баён қилиш. Интерфаол услуб – бу жамоавий муҳокамани ташкил этиш, фикрларни эркин айтиш, муҳокама, таҳлил ва фаолиятни баҳолашдир. Умуман, тренингдаги фаолиятнинг ушбу турида қатнашишнинг барча қадамларини қизиқ чиқиш, гуруҳда ишлаш учун аниқ ва қисқа тушунтиришлар олиб бориш, тингловчилар тушунганлик даражасини мунтазам назорат қилиб бориш, тренингни яқунлашга вақт етиши учун, унинг ҳар бир қисмини диққат билан ташкил қилиш, бу ерда тренингни ўтказиш учун мўлжалланган саволлар

муҳим аҳамиятга эгаллигини эътибордан четда қолдирмаслик, тренер машқларни тингловчилар томонидан бажарилиш жараёнида топшириқларни тўғри бажарилишининг кузатиб бориши лозим.

5. Дебрифинг (хулоса) баҳолаш. Тингловчилар ўзлари ёд олган ва ўзлаштирган билим(йўналиш)лари бўйича хулоса қиладилар, ўзлаштирган маълумотлар ва малакаларни бошқа ҳолатларда, ўқувчилар билан ишлашда қўллашни муҳокама қиладилар.

Бу – тренингни баҳолаш қисмидан иборат бўлиб, бунда «Тингловчилар нимани ўргандилар?» саволига жавоб олинади. Тренинг давомида тингловчилар ўрганган ёки кўрсатган билимлари натижалар билан мос келишини текширилади.

9.7. Гуруҳ билан ишлаш ва уларга раҳбарлик қилиш



1. Тингловчиларнинг ўқув машғулотига тайёргарлиги:

- тингловчилар муваффақиятли ишлаши учун етарли таянч маълумотларга эга ёки эга эмаслигини синаш;
- қайсидир фаолият турини киритишдан олдин барча керакли мазмун ва таянч маълумотларни қайта кўриб чиқиш;
- баҳс учун жавоблари фақат «ҳа» ёки «йўқ» дан иборат бўлмайдиган саволлар тузиш масалалари киради.

2. Гуруҳда ишлашда тренер-ўқитувчи:

- тингловчиларга тушунарли бўлган тушунчалардан фойдаланиш;
- тингловчиларни диққат марказига қўйиш ва материални тушунишни енгиллаштириш;
- тингловчиларни гуруҳда ва ўзаро ишлашда таъсирларини ривожлантириш;
- тингловчилар чиқишларида ва машқлар бажарилишида зал бўйлаб юриш керак.

3. Кичик гуруҳларда ишлашда раҳбарлик:

- уч нафар ёки беш нафар тингловчилардан ошмайдиган кичик гуруҳлар тузиш;
- гуруҳнинг ҳар бир катнашчисига вазифа бериш (ёки ҳамманинг катнашишига шароит яратиш);
- топшириқни аниқ тушунтириш ва тушунганлигини текшириш.
- ёрдам беришга ҳамиша тайёр бўлиш, лекин тингловчилар ўз ишларини мустақил бажаришига эришиш;

- интерфаол методни амалга ошириш учун стол ва стулларни суриш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш;

- тингловчилар бир-бирини «елкама-елка», «кўзма-кўз» кўришига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

4. Тренинг, баҳс, машқларнинг бошланиши:

- тингловчиларнинг аниқ ҳаётий ва педагогик тажрибасига мос мавзулардан бериш;

- саволни бошқача қилиб бериш;

- мисоллардан фойдаланиш;

- жавобни биладиган тингловчиларга савол бериш йўли билан амалга оширилади.

5. Тингловчиларга саволлар бериш тартиби:

- савол бера туриб, сўровнинг турли босқичларидан фойдаланиш. Масалан, тингловчилар нима дейди? Нега ушбу усул ёки услубдан фойдаланилади?

- тингловчилардан «нималарни ўйлайсиз?» деб сўраш;

- савол бера туриб, тингловчиларга жавоб учун вақт ажратиш («кутиш вақти»);

- тингловчиларни ўз фикрларини ифодалашга, уни тушунтиришга ва асослашга ундашдан иборатдир.

6. Тингловчиларнинг хатоларини тузатиш учун:

- танкиддан қочиш;

- тузатишдан олдин ижобий фикрлардан айтиш;

- уларга жуда ҳам кўп эътибор бермаслик;

- бирор тингловчининг хатоси билинмаслиги учун бирваракайига бир неча нотўғри жавобларни таҳлил қилиш лозим.



9.8. «Муаммоли» тингловчилар билан мулоқот мобайнида зарур бўладиган фойдали маслаҳатлар

➤ Белгиланган мулоқот маданияти, муомала одоби – қоидаларидан фойдаланиш.

➤ Одамлар қандай бўлса, уларни шундайлигича қабул қилиш. Бунда тренер-ўқитувчи тингловчиларни ўзгартириш учун келмаганлигини унутмаслиги лозим.

➤ Бир хилдаги ишчанлик ва тинчгина ҳолатни ушлаб туриш. Ҳис-туйғуга берилиб кетмаслик.

➤ Мулоқот мобайнида ҳар бир тингловчи билан суҳбат қилишга эришиш.

➤ Бирон зиддият келиб чиққан ҳолларда тингловчи билан яккама-якка гаплашиш ёки гуруҳ аъзоларидан биридан илтимос қилиб, ушбу вазифани топшириш.

➤ Муҳокама қилиш ва баҳо беришга иштилмаслик.

➤ Вазиятни тушунтириш. Вазият сизга ва гуруҳ аъзоларига қандай таъсир қилишига эътибор бериш.

➤ Кейинги ҳаракат қандай бўлишини «Муаммоли» тингловчи ёки гуруҳдан сўраш.

➤ Таклиф бериш. Бу таклиф гуруҳни кониктирганлигига ишонч ҳосил қилиш.

«Муаммоли» тингловчилар билан ишлаш

Ўқув машғулоти ёки тренинг машғулоти давомида «муаммоли тингловчилар», одатда, ўз кайфиятлари ва «муаммолилиқ даража»ларига қараб тренер-ўқитувчига турли саволлар ва ғайритабиий фикрлар билан муружаат қиладилар. Тренер-тарбиячи бундай саволларга жавоб беришда ўта педагогик назокат билан, юкорида берилган тавсиялардан фойдаланган ҳолда жавоб берса ўртадаги самимийлик сақланади. Бундай тингловчилар берадиган совоплари ва билдирадиган фикрлари қуйидагига бўлиши мумкин:

➤ Сиз машғулотни ногўғри олиб боряпсиз?

➤ Менга гапиришга ҳеч имкон беришмаяпти.

➤ Мен бу саволга бошқача қарайман... Ўзаро фикрлашишга руҳсат беринг?

➤ Нима учун биз бу топширикни бажаришимиз керак, бу одоб-ахлоққа зид-ку.

➤ Нима учун бу тингловчи доим гапиради, менга эса сўз беришмайди?

➤ Танаффуснинг қисқалиги менга ёқмаяпти. Мен чой ичишга улгурмаяпман.

➤ Ҳа, мен кеч қолдим. Сизнинг машғулотингиздан ташқари, менинг кўп ишларим бор, барибир ўз вақтида бошламайсизлар.

➤ Бу методика бизнинг шароитимизга тўғри келмайди. Нимага Сиз бу методикани бизга бераяпсиз. Нима, Сиз мени тушунмаяпсизми?

➤ Мен буни ҳаммасини биламан. Бу ерда мен учун ҳеч қандай янгилик йўқ.

➤ Сиз бизга кам топширик берапсиз. Биз бу ерда зерикиб қоляпмиз.

➤ Айтинг-чи, нима учун биз дарс жадвалини ўзгарттирдик?

➤ Сизнинг тарқатма материалларингизда етарли тушунча берилмаган.

Улардан фойдаланиш мумкин эмас.

➤ Машғулотлар жуда узоқ давом этишидан чарчадик.

➤ Гапиринг, гапиринг, биз эшитяпмиз-ку.

➤ Буни янада аниқроқ ва тушунарлироқ қилиб айтиб бера олмайсизми?

➤ Нима учун бизни алоҳида баҳоламайсиз.

**«Муаммоли» тингловчиларнинг дарс жараёнидаги
холатлари бўйича типлари:**

- Мен қаршиман!!!
- Индамас.
- Дайди (хаёли бир жойда эмас), «келинг, муҳокама қилайлик...»
- Бу ерда менинг душманам бор!
- Йўқ, мен рози эмасман...
- Биз нотўғри йўл танладик
- Келинг гурунглашамиз...
- Менинг назаримда...
- Сиз бунга қандай қарайсиз?
- Сергап.
- Тортишувчи.
- «Келинг, мен ёрдамлашаман!»
- «Кечирасиз, менинг кетадиган вақтим бўлди...»
- «Мен чиқиб телефон қилишим керак...»
- Гапни бўлувчи.
- Таржимонлар.
- Ғийбатчи.
- Билагон.
- Маслаҳатгўйлар.
- Фаросатсиз.
- Қўрқок.
- «Менинг ўз ишларим бор!»
- Пичирлаб гаплашувчилар.
- Қаттиқ гаплашадиганлар.
- Мақтов талаблар.
- Лукмачилар.
- Ўта билагонлар.
- Ўта тажрибалилар.
- Бузғунчилар ва б.

9.9. Тарқатма материаллар ва амалий машқларни тайёрлаш



Таълим бериш – бу ижро санъатидир. Энг яхши артист – бу ўз аудиториясининг эҳтиёжларини, уларнинг кизиқишларини, қандай ҳикоялар ва метафоралар уларга маъқул эканлигини, нималар уларни хушнуд қилишини яхши билган артистдир.

Тренер-ўқитувчи ўз ролини, предмети мазмунини ёки ўз сценарийсини яхши билиши, яхши тайёргарликка эга бўлиши учун баъзи тавсияларни сизнинг эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Сукрот услуги асосида (очик саволлар, ўзгача ифодалаш, қайта тузиш, қушимчалар киритиш, ёзиб бориш), яъни иштирокчиларнинг фикрини гуруҳларга ажратиш, бўлиш ҳамда флипчартга ёзиш воситасида «Нима учун?», «Сиз нима қилган бўлардингиз?», «Қандай амалга ошириш керак?», Бу ҳақда нима деб ўйлайсиз?... каби саволлар ёрдамида мунозара қилиб боринг.

Тарқатма материаллар – барча материаллардан фойдаланиш қулай бўлиши учун уларнинг номерланган эканлигига ишонч ҳосил қилинг; варақларни ажратиш осон бўлиши учун рангли қоғозлардан фойдаланинг; энг муҳим слайдлардан нусха кўчириб, тарқатма материал сифатида иштирокчиларга бериш керак. «Тарқатма материал» билан бир вақтда визуал ахборот материаллари: слайд, дианозитивларни ишлатиш керак эмас, чунки фикрларнинг чағишига олиб келиши мумкин.

«Антураж» («Декорация») – кўрғазмалилик, (рангларнинг танланиши, шрифт, фон, размер) плакатлар, чизмалар, кўрғазма материаллари, слайдлар.

Слайдларга рамкалар қилинг. слайд сарлавҳаларини (1-2 см.) ва матнни (0,5-1 см.) катга ҳарфлар билан ёзиш керак, камида 1 та расмдан, турли ранглардан фойдаланиш лозим, ҳар бир ишни ниҳоятда қисқа ва оддий усулда бажариш керак – матнлар 6 та сўздан иборат, 6 та қатордан ортиқ бўлмаслиги керак, яъни берилаётган материал аниқ-равшан ва содда бўлсин.

«Мизансцена» – мебеллар ва техник воситаларнинг жойланиши. Экрандаги тасвирларнинг аниқ, равшан бўлишини, нурнинг тўғри тушишини таъминлаш, қушимча чирокларнинг мавжудлигини текшириб кўриш, шнурларни шундай тортиш керакки, токи ҳеч ким қоқилиб тушмасин. Мебеллар, техник воситаларнинг жойланиши ўқитувчи ва тингловчиларнинг ўқув жараёнидаги фаолияти учун қулай бўлиши керак.

«Ўқитувчи маршрути» – аудитория ва ундан ташқари машғулотларда (маъруза, семинар, амалий, лаборатория машғулотларида), шунингдек, доска, экран, кўргазмалар олдида, синф хонасида ва б. ўқитувчининг ҳаракатлари.

Флипчарт ва оқ доскадан фойдаланиш.

Флипчарт ўқитувчи учун ўқув жараёнидаги асосий воситалардан бири ҳисобланади. Унга муҳим сўзларни, янги терминларни ёзиш, расмлар ва диаграммалар чизиш мумкин. Флипчарт ёрдамида инсоннинг учта туғма қобилиятидан, яъни эшитиш, кўриш ва кинестетик (ҳис этиш, сезиш) қобилиятидан фойдаланиш мумкин. Ақлий ҳужум воситасида пайдо бўлган ғояларни ёзишга тингловчиларни жалб этиш натижасида уларнинг фаоллиги ошади. Ақлий ҳужум машғулоти масала счимини топиш бўйича берилган топшириқнинг муҳим бир қисми сифатида режалаштирилади. Тингловчиларга маълум бир концепцияни ифодаловчи рамзий расмлар чизиш тавсия этилганда улар ўз тасаввурларини ишга соладилар, кўтаринки руҳда ишлайдилар. Сўзлар ва расмларни ифодалаш учун рангли қаламлардан фойдаланиш маъқул. Флипчарт учун қимматбаҳо таглик зарур эмас, чунки оддий дурадгор ҳам бу тагликни ясай олади.

Флипчартлар – улар барча учун кўринарли эканлигига ишонч ҳосил қилинг, аудиторияга орқа ўгирган ҳолда флипчартга ёзиш учун 10 секунд вақт берилади, ҳар бир варақ номланиши керак, камида 2 та қора рангдан фойдаланинг, флипчартга ёзилганлар 10 метр наридан кўриниши мумкинлигига ишонч ҳосил қилинг; муҳокамаси тугагач, варақларни йиртиб олинг ва осиб қўйинг. Замонавий таълим воситаси бўлган флипчарт ҳар бир ўқув хонасида бўлгани маъқул.

Оқ синф тахтаси – аввал фломастерларни текшириб кўринг, Сизга бошқа керак бўлмаган сўзларни ўчириб ташланг (флипчартларга доир тавсияларга қаранг).

Доскада бўр, маркер билан ишлашда доскани талабанинг дафтари саҳифаси каби тасаввур қилиб, гўёки у ўқув материални консепт қилаётган дек ёритиш керак. Доскада дид билан ишлаш: белги, формула, чизма, диаграммаларни аниқ, кўринарли, тушунарли қилиб ёзиш ёки чизиш уларни мантиқий кетма-кетликда чизма орқали баён этиш лекин тугалланган ҳолда кўрсатиш керак эмас.

III БОБ

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР

1. Ҳар хил чизмалар ёрдамида амалга ошириладиган интерфаол услублар.....	232
2. Баъзи интерфаол услуб ва инновацион технологияларнинг қисқача таърифлари.....	244
3. Таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган интерфаол услублар, ноанъанавий дарслар, педагогик технологиялар ва усуллар рўйхати.....	246



Матн билан ишлашга йўналтирилган интерфаол методлар

ЭССЕ

CASE STUDY

БЛОК-СУРОВ

ИНСЕРТ

SWOT – таҳлил

SCORE

КОЛДАЖ

БУМЕРАНГ



СИНКВЕНТН шакли

ВЕНН ДИАГРАММАСИ

ИДРОК ХАРИТАСИ

ЧАЙНВОРД

АССЕСМЕНТ

T - чизма

ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ

БЛИЦ - СЎРОВ

БЛИЦ - ЎЙИН

ЧАРХАЛАК

КЛАСТЕР

ВБВ (3/3/3)

ЧИЗМАТИ ОРГАНИЙЗЕР ва б.

Хар хил чизмалар, жадваллар,
чизмалар органиклар ёрдамида
амалга ошириладиган
интерфаол методлар



ВЕНН ДИАГРАММАСИ



Натюрморт

Нарвэ хэргэвэл

“Куз мевалари”







ЧАЙНВОРД

WORD дастурида гайёрланган ҳужжатни мангкий саклаш бу – (4 та)	файл
WORD дастурида матнлар ва абзацлар билан ишлашда нимадан фойдаланилади? – (7 та)	линейка
WORD дастурида матн билан ишлашнинг қулай усули бу - ... (9 та)	втотекст
WORD дастурида ҳужжатга нимани киритиш мумкин? – (10 та)	таблицалар
WORD дастури 4 хил ... да ишлайди. (5 та)	режим
WORD дастури қандай муҳаррир ҳисобланади? - (4 та)	матн
WORD дастурида сошлаш ишларини Сервис менюсининг қайси буйруғи ёрдамида бажариш мумкин? – (9 та)	настройка
WORD дастурининг асосий тушунчаларидан бири бу - ... (5 та)	абзац

“Ассесмент” техникаси

(Ассесмент (assessment) – уз-узини тақдимот қилиш, маълум бир синовдан ўтиш).

 <p>ТЕСТ</p>	<p>МУАММОЛИ ВАЗИЯТ</p> 
<p>СИМПТОМ</p> 	<p>АМАЛИЙ КЎНИКМА</p> 

Нақд пулсиз ҳисоб китобларни амалга ошириш











<i>Пластик карточкалар</i>		<i>Банкоматлар</i>		<i>Терминаллар</i>	
<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>	<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>	<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>
Хулоса:					

“Резюме”

МАВЗУ:



T - чизма

Тушунча	Мазмуни
	
	
	
	
	
	
	
	
	
	
“Тушунчалар тахлили”	

Тўшунчалар	Мазмуни
Иероглиф	
Ном	
Подшо тирсаги	
	Катга уй
	Фиръавнлар жасадлари сақланадиган даҳма
	Мумиё ва марҳумлар илоҳи
Осирис	
Исида	
Тот	
	Сахро ва бўрон илоҳи
	Адолат илоҳаси
	Севги ва мусиқа илоҳаси
Бастет	
Саркофат	
Мумиё	Тўшунчалар тахлили

Мавзу: Темурийлар даври

Гuruh bahosi	Guruh xatosi	To'g'ri javob	Yakka xato	Yakka haho	Temuriylar davridagi tarixiy sanalar
					Shohruxning vafot etishi
					Ulug'bek rasadxonasining qurilishi
					"Loy jangi" ning bo'lishi
					Xalil Sultonning hokimiyatni egallashi
					Amir Temurning Xorazmni to'liq egallashi
					R. G. Klavisoning Samarqandga kelishi
					"Besh yillik" urushning tugashi
					Samarqandda Ulug'bek madrasasining qurilishi
					Amir Temur davlatining tashkil topishi
					Amir Temurning vafot etishi


6 та "кониқарли", 7-8 та "яхши", 9-10 да "аъло"

Тўшунчалар ва Мавзулар


"Билим-сўров"

Guruh bahosi	Guruh xatini	To'g'ri javob	Yakka xato	Yakka hato	Temuriylar davridagi tarixiy sanalar	Yillar
		10			Shohruxning vafot etishi	1447
		9			Ulug'bek rasadxonasining qurilishi	1428
		1			"Loy jaangi" ning bo'lishi	1365
		7			Xalil Sultonning hukmiyatni egallashi	1405 mart
		3			Amir Temurning Norazmni to'liq egallashi	1388
		5			R. G. Klavtoning Samarqandga kelishi	1403
		4			"Besh yillik" urushning tugashi	1396
		8			Samarqandda Ulug'bek madrasasining qurilishi	1420
		2			Amir Temur davlatining tashkil topishi	1370
		6			Amir Temurning vafot etishi	1405 fevral

«Кластер» технологияси (методи)



Билимларни фаоллаштиришни а йнналтиради, фикрловчи жараёнга мавзу бўйича янги ассоциатив тасаввурни эркин ва очик жалб килишга ёрдам беради. Уқув машғулотининг ҳамма босқичларида кулланилади.



Мавзу: Мен оштахта тайёрлайман

Якка лаги	Тўғри жавоб	Якка баҳо	Оштахтанинг тайёрланиш кетма-кетлиги
			Тахтани иш столига маҳкамлайман
			Силлиглайман
			Безак бераман
			Тахта ганлайман
			Оштахта кўринишини режалаштираман
			Тахтани қирқиб шаклга келтираман
			Оштахта чизмасини қоғозга тушираман
			Асбоб -ускуналар ҳозирлайман
Б.иш-уйин			Жами

Мавзу: Мен оштахта тайёрлайман









Якка лаги	Тўғри жавоб	Якка баҳо	Оштахтанинг тайёрланиш кетма-кетлиги
	5		Тахтани иш столига маҳкамлайман
	7		Силлиглайман
	8		Безак бераман
	4		Тахта ганлайман
	1		Оштахта кўринишини режалаштираман
	6		Тахтани қирқиб шаклга келтираман
	2		Оштахта чизмасини қоғозга тушираман
	3		Асбоб -ускуналар ҳозирлайман
			Жами

«Зинама-зина» ТЕХНОЛОГИСИ ЭЛЕМЕНТИ



Homework

“Чархпалак” элементи

№	Animals	Domestic	Wild	Food	Colour
1	 Cat				
2	 Bear				
3	 Tiger				
4	 Cow				
5	 Wolf				
6	 Dog				
7	 Rabbit				
8	 Horse				
9	Lion				
10	Monkey				

Туҳфаи Р.Ишмухамедов

Ушбу вазифа Сизни мавзу юзасидан билган, билиб олган ва билмокчи булганларингизни тизимга солишни ургатади.

Мавзу: _____

Билардим (Знал)	Билиб олдим (Узнал)	Билмокчиман (Хочу узнать)

Б Б Б (З У Х) - методи

Ақлий ҳужум

- ахборот, гоёя, фикрларни гуллаш
- янги гоёяларни генерация қилиш, ажратиб олиш
- янги гоёяларни умумлаштириш, қийин масалаларни жамоавий ҳал этиш

Мозговой штурм

- сбор информации, идей, мнений
- генерация новых идей, творчество
- обобщение новых идей, коллективное решение сложных задач

Правила мозгового штурма:

- Выдвигаются **любые** идеи
- Идеи **не критикуются**, **не комментируются**
 - **Все идеи записываются**
- Работа продолжается до тех пор, пока **идеи не иссякнут**

ЗАМОНАНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ

Муаммо: _____

Симптом (S - symptom) – Бу муаммонинг симптоми (белгиси) қандай?

Сабаблари (C - cause) – Бу муаммо симптомининг сабаблари қандай?

Натижаси (O - outcome) – Бу муаммони ҳал қилишга нисбатан кутилаётган натижа ёки мақсад қандай?

Ресурси (R - resources) – Қандай ресурс ушбу сабабни бартараф этишга ёрдам беради?
Қайси ресурс натижа беради?

Самараси (E - effect) – Ушбу мақсадга эришиш узоқ кутилган қандай самарага олиб келяди?

Мавзу: SWOT - таҳлил

- **S - strength - кучли томони** -
ҳал этилаётган вазифанинг афзалликлари.
- **W - weakness - кучсиз томони** -
мақсадга эришишда ички муҳит омиллари таъсири
- **O - opportunities - имкониятлари** -
белгиланган вазифаларни ҳал этишдаги энг маъқул ҳолат
- **T - threats - хавф-хатар** - фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ташқи муҳит омиллари

Синквейн

1. Ном (от) - мактаб
2. Тавсифи (2 сифат) - катта чиройли
3. Харакат (3 феъл) - ўқитади ўргатади гарбиялайди
4. Мавзуга тегишли гап (4 сўз) - мактаб илм фан маскани
5. Синоним (1 сўз) - билимгоҳ

1. Название (существительное – Что?) -
2. Описание (2 прилагательных – Какой? –ая, -ое, -ие)
3. Действия (3 глагола – Что делает?)
4. Это фраза из четырех слов, показывающая отношение к теме -
5. Это синоним из одного слова, который повторяет суть темы.

Бола

Ёшлик

бетубор тавишсиз

бетубор гўзал

ўйнайди қувнайди ўсади

ўқийди ўрганади севишади

боласиз уй бозорга ўхшайди

ёшлик – умрининг гўзал баҳори

гўдак

навқиронлик

Баъзи интерфаол услуб ва инновацион технологияларнинг қискача таърифлари

«**Интервью**» – ўқувчини саволни тўғри тузиш, савол бера олиш, саволга тўғри жавоб бериш, бошқаларни тинглай олиш маданиятига ўргатишга қаратилган.

«**Иерархия**» – оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали ўқувчиларни мантикий, танқидий ва ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган.

«**Талаба**» – ўқувчилар билан яккама-якка ҳолда ишлаш ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўлларини ўргатишга қаратилган.

«**Ўқитувчи шахси**» – ўқитувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи «Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар» мавзусидаги мустақил фикрлашга қаратилган.

«**Мулоқот**» - дарс жараёнида ўқувчиларнинг диққатини ўзига жалб этиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

«**Бошқарув**» – ўқитувчиларнинг аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда ўқувчиларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништириш ва шунга ўргатишга қаратилган.

«**Танишув**» – ўқувчиларни бир-бири билан таништириш, дўстона муносабат ва ижодий муҳит юзага келтириш, уларнинг ижодий имкониятлари ва шахсий сифатларини очиш, жамоада ишлаш учун қулай шароитни вужудга келтириш ҳамда ўқувчилар ўртасида психологик тўсиқларни енгишга йўналтирилган.

«**Мураббий ва жамоа**» – мураббий ва жамоа билан ишлаш муаммолари моҳиятини аниқлаш малакасини шакллантириш, унинг ечимини излаш ва топишга йўналтирилган.

КБИ (кузатиш, баҳслашиш, ишонтириш) – фаол ҳаётий ҳолатни, лидерлик сифатларини, жамоада ишлаш кўникмаларини ҳамда ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда далиллаш, ишонтириш, асослаш, мунозара олиб бориш маҳоратини, мурасага келиш ва излаш қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган.

ИМАК (ишонтириш мактаби) – ишонтириш (мураса йўлларини топиш, уни асослаб бериш), ташкилотчилик қобилиятини, ноанъанавий вазиятларда ўзини ва жамоани бошқара олиш ҳамда мумкин бўлган муаммоли вазиятларни олдиндан кўра билиш, уларни ҳал қилиш йўлларини излаб топиш маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган.

«**Учлик**» (*САН-самарали, ахлоқий, назокатли*) – безак ишлари, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ижодий тасаввурни ривожлантириш, ташкилотчилик қобилиятларини, турли бадий эскизларни тайёрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган.

«**Сценарий**» (*«Саҳна»*) – ижодий фикрлашни ривожлантириш, тадбирнинг режа-сценарийсини тузиш кўникмаси ҳамда саҳна ва актёрлик

асослари, маданият, режиссура, тадбирни ташкил этиш, нотиклик маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган.

«АЖИЛ» (амалиётда жамоавий ижодий ишлар) – жамоавий ижодий ишни ташкил қилиш, тайёрлаш ва ўтказиш услубларини ўрганиш ҳамда ижодий фаолиятни шакллантиришга йўналтирилган.

«Баҳслашув» – ўқувчилар ўртасида баҳс, мунозаралар ўтказиш ва баҳслашув клубларини ташкил этиш ҳамда уларни баъзи янглиш фикрлар, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга қарши курашиш, ноўрин фикрларга ўз вақтида қаршилиқ кўрсатиш ёки билдирилган фикрни тўғри, нотўғри эканлигини аниқлаб олиш, ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш, таъсир эта олишга ўргатиш ва баҳслашиш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган.

«Танқид қилишни ўрганиш» – танқид кўринишларининг таснифи, уларни ишлатиш йўллари билан таништириш, танқидни тўғри қабул қилиш кўникмаси ва танқид қилиш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган.

«Келишув ва зиддият» – мантикий ва танқидий фикрлаш, муроасага келиш маҳоратини шакллантириш ҳамда асосли баҳслашиш қоидалари билан таништириш, зиддиятларни ечишда ҳар кимнинг ўз услубларини топа олишларига қўмақлашишга йўналтирилган.

Иерархия техникаси – мураббийларнинг шахсий ва касбий фазилатлари ҳамда мураббий фаолияти учун зарур бўлган фазилатларни аниқлаш ва уларни тарбиялашга йўналтирилган.

«Лойиха» – ўқувчиларни мустақил фикрлаш, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни эслаш, уларни ёзма баён этиш, фикрларни умумлаштиришга ўргатишга йўналтирилган.

Таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган интерфаол услублар, ноанъанавий дарслар, педагогик технологиялар ва усуллар рўйхати

Интерфаол услублар	Ноанъанавий дарслар	Ўқитиш технологиялари	Ўйин технологиялари	Педагогик усуллар
Брейнсторминг-«Ақлий ҳужум»	<i>Янги билимларнишақллаштирувчи дарслар:</i>	Айланма хат	Ишчан-ролли ўйин «Агар мен...»	Музёра
Метаплан	Саёҳат	Лойиҳа	Сюжетли-ролли ўйин	Коммуникатив ҳужум
Кластер (тармоқлар)	Экспедиция	3x4	Ишбилармонлар ўйини	Бурчаклар стратегияси
Инсерт	Тадқиқот	Бумеранг	Ижодий ўйин	Интрига
Аквариум	Саҳналаштирилган	Блиц-суров	Матбуот анжумани	Иссиқ копток
БББ -биламан, билиб олдим, билмоқчиман	Ўқув анжумани	Галерея	Блиц-ўйин	Бу Ким?..
Венн диаграмма	Экскурсия	Резюме	Тақдимот	Даврадаги интервью
Дельфин	Мультимедиа	Концептуал харита	Давра суҳбати	Интеллектуал чархи
Занжир	Муаммоли	Мозаика	«Хоккей» имитация ўйини	Очик интервью «Битта савол – битта жавоб»
6x6	<i>Кўникма ва малакаларга ўргатувчи дарслар:</i>	Скарабей	Аник вазиятлар таҳлили	Қоидани таклиф эт
Арра	Амалиёт	ФСМУ	Педагогик вазифаларни ечиш	Викторина
6 та шляпа	Иншо	Чорраҳа	Кашфиётландия	Қор уюми
АРИЗ-ТРИЗ	Мулоқот	Зиг-заг	Ойга учиш	Арқонча
Қора кути	Ишчан (ёки ролли) ўйин	Чархпалак	Паст малакали мутахассис (суд)	Интеллектуал ҳужум
«АС»- asses-ment center (баҳо, фикр, мулоҳаза)	Аралаш	Видеоландия	Интеллектуал футбол	Луғат викторинаси (глоссарий)
Матбуот пакети	Саёҳат (ёки экспедиция)	Педагогиада	Ўқув шаҳри	Калейдоскоп
Брейнрайтинг (ёзув, хат)	<i>Билимларни амалиётда қўллаш дарслари:</i>	Муаммо	Касблар танлови	Жумбоқлар бозори

Светофор	Ролли ва ишбилармонлик ўйин	Лабиринт	ҚСҚ – қизиқарли саволлар кечаси	«33 гача санюк»
Мойчеча»	Практикумлар	Бурчаклар	Диспут	
Тушунчалар таҳлили	Лойихалар ҳимояси	Иерархия техникаси	Ёзма ва оғзаки давра столи	
Шахмат	Саёҳат ва экскурсия	Джигсо	ЗОМ(МВП) – зарарли одатлар музейи	
Мунозара	Экспедиция	Мулоқот	Тик-так	
Вокс Поп (лат. – «vox populi» - «Одамлар овози») – аниқ саволлар асосида одамлар фикрлари	Билимларни такорлаш, тизимлаштириш, умумлаш тириш, мустақкамлаш дарслари:	ИМАК – ишонтириш мактаби	Баҳгли ҳодиса (ўйин шаклидаги билимлар аукцион)	
Дебатлар	Баҳс	Муносабат	Лото (Бинго)	
SWOT – таҳлил S – strength- куч W- weakness - заифлик O – opportunities – имконият T - threats – (хавф-хатар)	Интеллектуал ўйинлар: (КВН, танлов, викторина ва б.)	САН (Три-Э)- самарали, ахлоқли, назокатли	Бошқарув вазифасини бажаришга йўналтирилган модель ўйини	
ЭССЕ	Театрлаштирилган	Танишув «Ким Ким экан?»	Буриме (франц.) - шеър тузиш	
МўМС – мустақил ўрганиш, муҳокама синов	Такомиллаштириш	Атмосфера – ўқув хонасини жойланиши	«Муомала чамбараги» - ишчан-ролли ўйин	
Саволлар кутиси (сандиги) «Олтин кути»	Яқуний анжуман	КБИ – кузатиш, баҳслашиш, ишонтириш	Телефонда гаплашиш ва меҳмон кутиш ўйини	
Балиқ суяги	Ёзма ишлар таҳлили	АЖИЛ – амалиёт даги ижодий ишлар	Глобинго – (берилган белгиларга мос келадиган кишиларни топиш)	
Ҳаёлий харита	Сухбат		«Ринг»	
	Билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолаш дарслари:	Зинапоя – тайёргарлик ўтказиш, таҳлил, тажриба	Адбий карнавал	
Видеоуслуб	Билимлар кўриги	Саҳна		
Кубиклар	Фестиваль	Бир-биримизга	«Етти мўжиза»	

		Ўргатамиз		
Пирамида	Мусобақа	Олмос		
«Ўткир кўз» - экранда (доскада) хатоли матн қўйилади	Ижодий ишлар ва лойиҳалар ҳимояси	«Нурлар» – маълумотларни тўлиқ ёритиш		
СИНКВЕЙН- фр.сл. «беш» номи (1 от.) қандайлиги - (2 сифат.) ҳаракат -(3фезъл.) тасаввурдаги гап (4 сўз) номнинг синоними -(1 сўз)	Ижодий ҳисобот (ота-оналар ва ҳамкасблар олдида ўқитувчи-ўқувчи фаолияти даражаларининг намоёниши)	FEEDBACK – (ингл.сўз – тесқари алоқа)		
Кўприк модели	Ёзма иш	Ойна		
Нарвон	Тест			
Зинама-зина	Ўзаро суҳбат	Тарози		
Гуруҳий изланиш	Коллоквиум	Танқид қилишни ўрган!		
Мураккаб ўқитиш	Бинар	Келишув ва зиддият		
Вазиятли услуб	Ўзаро диктант			
Брейн-ринг	Аукцион			
Ўз-ўзига баҳо бериш	Матбуот-анжуман			
Кейс-стади - (ингл. case- staid- ҳаётий аниқ вазиятларни ечиш орқали бўлажак фаолият моделини ишлаш	Медиация- низоларни ечиш жараёни	Пинборд – доскага фикрлар ёзилган коғозлар бириктириш		
Гарвард услуби- аниқ вазиятларни ечиш	Симуляция	ЯН – билимларни текшириш, баҳолаш		
Вазият ва вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш				
Блиц-сўров (занжир)				
Микроўқитиш				
Континиум – узлуксиз занжир				
«Раунд робин» - баҳс-тортишув				
Коллаж				

IV БОБ

ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. «Инновацион технологиялар» ўқув хонасининг кўриниши.....	250
2. «Инновацион технологиялар» ўқув хоналарининг тавсифлари.....	252
3. Маъруза мавзуларини тушунтиришга керакли бўлиши мумкин бўлган тақдимот материаллари.....	254

1. «Иновацион технологиялар» ўқув хонасида мебелларни жойлаштиришнинг кўринишлари


Ўқув жараёнини кизиқарли ташкил этиш, унда фойдаланилаётган интерфаол метод ва педагогик технологияларнинг самараси ўқув хоналарининг қай даражада жихозланганлигига боғлиқ. Таълим муассасаларида, малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари, институтларида инновацион технологиялардан, интерфаол услублардан, шунингдек, ахборот технологияларидан фойдаланиб ноанъанавий дарслар ташкил этишда ёки «Педагогик технологиялар» курси таълимида гуруҳни ўқитиш учун мўлжалланган ўқув хоналари жихозларини, айниқса, хонадаги столларни, магнитли доска ва стулларни жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ўқитиш технологияларидан дарсларда фойдаланиш, ўқув хоналарининг жихозларини махсус кўринишга олиб келиш, талаба (ёки ўқувчи)ларни хонада эркин ҳаракат қилишлари, фикр билдиришлари, ҳамкорликда ишлашлари учун шароит ва имкониятлар яратишни такозо этади.

Хонадаги жихозларнинг жойлашган тартиблари, ўтказилаётган машғулотларнинг шакли (яккама-якка, кичик гуруҳларга ажратган, гуруҳийлиги)га, характери ва фойдаланилаётган ўқитиш технологияси (ёки услуги)га мос равишда ўзгартирилиш имкониятлари бўлмоғи керак. Ана шундай машғулотларни ташкил этаётган таълим муассасалари ўқитувчиларига ёрдам сифатида қўлланмада назарий ва амалий ўқув машғулотларни ташкил этишга ёрдам берувчи ўқув хоналарининг 17 та кўринишлардаги жихозлаш намуналари муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган жойлашуви эскизларини ифодаловчи «Иновацион технологиялар ўқув хоналари кўриниши намуналари» тақдимотини ҳамда уларни мақсадли ишлатиш тавсифномаси жадвалини келтирамиз.

А




Я здесь главный



Круглая стена



Полном к лицу



ДОСКА


А



Треугольник




ДОСКА





Гостиная



ДОСКА



ДОСКА



2. «Иновацион технологиялар» ўқув хоналарининг тавсифлари

№	Номи	Қўлланилиши (машғулот тури)	Ишни ташкил этиш шакли	Жихозлар	Қўшимча жихозлар
1	«Аудитория» (Синф)	- маъруза - суҳбат - маслаҳат	- жамоавий	стол (парта)лар	- магнитли доска - аудио- видео- аппаратлар - мультимедиа - экран - проектор
2	«П» ҳарфи - (1-вариант)	- маъруза - амалий машғулот - коллоквиум	- гуруҳ бўлиб - жуфтликда	стол(парта) лар - стуллар	- магнитли доска - ЎТВ - мультимедиа - экран - проектор - компьютер
3	«Т» ҳарфи	- амалий ва лаборатория машғулотлари - коллоквиум - ишчан ўйин - имиция ўйини	- якка тартибда - жамоавий	- мажлис столлари - стуллар	- аудио- видеоаппарат. - магнитли доска
4	«Доира-1»	-суҳбат - мулоқот	- жамоавий - якка тар- тибда	эркин ҳаракатлан адиган (енгил) стуллар	- магнитли доска - видеомагни- тофон
5	«Мунозара клуби»	- муаммоли машғулот - суҳбат- мунозара - савол- жавоблар - амалий машғулот - семинар машғулоти - лаборатория машғулоти	- гуруҳ бўлиб - кичик гуруҳларда	- думалок столлар - стуллар	- магнитли доска - телевизор
6	«Аквариум» (ичма-ич	- амалий машғулот	- занжирси- мон иш	- якка тартибда	- аудио- видеоаппарат.

	доира)	- лаборатория машғулоти - занжир- симон иш	- жамоавий - якка тартибда	ишга мўлжаллан ган столлари - стуллар	- магнитли доска
7	«Думалоқ стол»	- назарий - суҳбат ва мунозара - муаммоли машғулотлар	- жамоавий - якка тартибда	- катта думалоқ стол - стуллар	- экран - аудио- видеоаппарат. - проектор
8	«Доиралар»	- семинарлар - имитация ўйинлари - вазиятли ижодий иш	- кичик гуруҳларда - кесишма саволлар	- кичик думалоқ столлар - стуллар	- аудио- видеоаппарат - магнитли доска
9	«Иккита кичик хона»	- назарий машғулот - амалий машғулот	- гуруҳий - аниқ вази- фалар бажар ганда	- мажлис столи - стуллар	- магнитли доска - экран - проектор - мультимедиа
10	«Шахмат»	- назарий машғулот - якка тартибдаги машғулот - коллоквиум - лаборатория машғулоти	- мустақил иш - якка тартибда - ижодий иш	- якка тартибда ишга мўлжаллан ган столлар - стуллар	- экран - проектор - мультимедиа
11	«Доира-2»	- мустақил иш - муаммоли машғулот - ижодий машғулот	- ҳужжатлар билан ишлаганда - материал - ларни ўрга- нишда - гуруҳий	- стуллар	- магнитли доска - мультимедиа - телевизор - видеоаппарат
12	«П» ҳарфи (2-вариант)	- амалий машғулот	- жамоанинг иши (ўқув гуруҳлар) да	- мажлис столи - стуллар	- магнитли доска - экран - телевизор
13	«Тақа»	- назарий машғулот - амалий машғулот	- якка тартибда - жуфтликда - гуруҳ бўлиб	- мажлис столи - стуллар	- магнитли доска - экран - проектор - видеоаппарат

3. Маъруза мавзуларини тушунтиришга керакли бўлиши мумкин бўлган тақдимот материаллари.

Таълим мазмуни


- стандарт, режа, дастур, дарслик, методик;
- маҳаллий материал, анъана, комусий олимлар, чет эл

Таълим шакллари:

- кундузи, сиртки, экстернат, масофали;
- маъруза, семинар, амалий, лабор. машгулот, муст. таълим (дарс тип.);
- стандарт, ностандарт, виртуал

Таълим воситалари:

- ўқитувчи нутқи, сўзи;
- ТСО, аудио-визуал аппаратлар, электрон доска, дарслик, кутубхона, почта, интернет



Таълим турлари:

- анъанавий, ривожлантирувчи, масофали

Таълим методлари:

- оғзаки, ёзма, курғазмали, амалий;
- пассив, актив, интерактив;

Кафолатланган натижа

Замонавий ўқув машгулотлари шакллари

Маъруза

- визуал маъруза
- маъруза - мулоқот
- суҳбат - маъруза
- маъруза - мунозара
- маъруза - семинар
- маъруза - диспут
- маъруза-конферен.
- муаммоли маъруза
- хатоли маъруза
- кириш маърузаси
- ахборот маърузаси
- бинар - маъруза


Семинар машгулотлари

- семинар - унинг
- аниқ вазиятларни таҳлил этиш семинари
- семинар «давра столи»
- муаммоли семинар
- семинар - тренинг
- семинар - мунозара
- интенсив семинар
- интерактив семинар
- семинар - дойиҳа

Амалий ва лаборатория машгулотлари

- Тақдимот
- Мустақил ижодий иш
- Амалий машқ
- Виртуал технологик тақдимот
- Ижодий лаборатория иши
- Технологик лаборатория
- Махсус лаборатория иши

ЎҚУВ МАШГУЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ ТЕХНИКАСИ



БОШҚАРИШ - бу

Йўналтириш

Маслаҳат бериш

Раҳбарлик қилиш

Ўргатиш

Вазифа қўйиш

Баҳо бериш

Назорат қилиш

Талаб қилиш

Ёрдам бериш

Кўрсатма бериш

Қўллаб-қувватлаш

Рағбатлантириш



ЎҚИТУВЧИ ВА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ТҮРТ ТИПФАСИ

фикрловчилар

мулоҳазалилар

амалиётчилар

эксперимент-чилар

Кучи – инновация ва гоялар Аҳамиятига кўра иш тутади
Мақсад – муҳим ишларга қизиқиш ва ҳамоҳангликка интилиш
Яхши кўрган саволи –
 Нима учун?

- **Кучи** – концепция тузиш ва модель яратиш
 -Мулоҳаза билан иш юритади
Мақсад – ақл-заковатини аниқлаш
Яхши кўрган саволи – Нима?

- **Кучи** – гояларни амалиётга тадбиқ этиш. Амалий ва кинестетик тажриба маълумотлари асосида ҳаракат қилади
Мақсад –бугунга ва келажакка ишонч
Яхши кўрган саволи –Бу қандай ишлайди?

-**Кучи** –жараёни ҳаракатга келтириш
 -Тажрибани текшириш билан ҳаракат қилиш
Мақсад – гояларни ҳақиқатга айлантириш
Яхши кўрган саволи – агар шундай бўлса...



Педагог олимлар йиллар давомида
- нега ўқитамиз?
- нимага ўқитамиз?

- қандай ўқитамиз?
саволларига жавоб қидириш билан бир қаторда
- қандай қилиб самарали ва натижалли ўқитиш
мумкин? - саволига ҳам жавоб қидирдилар.

Бу эса олим ва амалиётчиларни ўқув жараёнини
технологизациялаштиришга, яъни ўқитишни ишлаб-
чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган
технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш
мумкин деган фикрга олиб келди.

Бундай фикрни туғилиши педагогика фанида янги
педагогик технология йўналишини юзага келтирди.





ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ –бу ўқув жараёнини ташкил этишда инсон ва техник имкониятлар ҳисобга олинган, **оддидан лойихалаштирилган, аниқ мақсад, кафолатланган натижага йўналтирилган** яхлит педагогик жараён.



У ёки бу технологияни амалиётга ёки ўқув жараёнига қўллашдан аввал унинг барча хусусиятлари ва имкониятларини (нимага йўналтирилган, нима мақсадда қўлланиляпти, қайси педагогик концепцияга мос келади, муайян бир шароитда қандай вазифаларни ечишга ёрдам беради ва х.к.) ўрганиб чиқиб кейин уни қўллаш керак

ГУРУХ БЎЛИБ ИШЛАШ МОДЕЛИ

МУҲИТ

- Психологик
- Педагогик
- Ижодий
- Ўзига ишонч
- Ишчанлик
- Масъулият

ТАЛАБ

- Бевосита тажриба
(Ўзaro, мақсадли кузатиш ва б.)
- Ўрганиш
(мустақил, семинар, малака ошириш, гуруҳларда ишлаш)

ТАМОЙИЛ

- Меҳнат
(НОТ ва маҳорат)
- Интеллект
(ақл-заковат, маданият)
- Мотив
(бошқариш)

ҲАРАКАТ

- Вербал ва невербал алоқа
- Мунозара қилиш
- Ижодий ва кўп қиррали фикрлаш, консенсусни қидириш, қарор қабул қилиш, баҳолаш ва уни ақс эттириш

Учебная проблема
Ўқув муаммоси

Поиск способов
ее решения

**Ечиш йўллари
излаш**

**Муаммоли
ўқитиш
технологияси**

Проблемная
ситуация

Решение
проблемы

Муаммоли вазият

**Муаммонинг
ечилиши**

“ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР” курси

Ахборотчилар

- назарий билимлар хақида ахборот берадилар

Ижодкорлар

- амалиётдан ҳаётий мисоллар келтирадилар

Коррекциячилар

- уқитувчи вазифасини бажарадилар – аниқлаштирадилар, тулдирадилар ва айтилган фикрларга яқун ясайдилар

Экспертлар

- жадвал асосида бошқа гуруҳларнинг жавобларини баҳолайдилар

Педагогик технология ўзини оқлайди!

Педагогическая технология оправдывает себя!

Ф – Фикрингизни баён этинг.

М – Изложите своё мнение.

С – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

П – Приведите одну причину своего мнения.

М – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг.

П – Приведите пример для пояснения причины.

У – Фикрингизни умумлаштиринг.

О – Обобщите своё мнение.

Муаллифлар ён дафтаридан...

Таълим – бойлик, уни қўллай билиш – мукамаллик.
(Араб мақоли).

Ҳар нарсанидурки қилсанг қазо,
Сенга ҳам еткүзгусидир жазо.

Билимга эга бўлиш, билимли бўлиш бу жуда муҳим, лекин уни қаердан,
кандай қилиб излаб топишни билиш, ундан ҳам муҳимроқдир.

Илмли бўлиш учун билим керак,
Касб эгаси бўлиш учун устоз керак.

Биз бир йилга режалаштирганимизда, дон сочамиз.
Ўн йилга режалаштирганимизда дарахт экамиз.
Агар бутун умрга режалаштирсак, кишиларни ўқитамиз ва тарбиялаймиз.
(Хитой мақоли).

Одатда бошқара туриб, бошқаришга ўрганилади.

Бошқармок, демек, бошқаларни ишга ундамок!

1. **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.**-Т.: Ўзбекистон,1992.
2. **Каримов И.** Юксак маънавият – энгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 б.
3. **Миллий истиқлол ғояси:** асосий тушунча ва тамойиллар/Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари учун қўлланма.-Т.: Янги аср авлоди, 2001.- 176 б.
4. **Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.**-Т.: Шарқ, 1998.- 64б
5. **Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х.** Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография.- Т.: Фан, 2009.-145 б.
6. **Айсмонтас Б.Б.** Педагогическая психология: Схемы и тесты. М., 2006.
7. **Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказиладиган удумлар ва асосий тадбирлар тизими (1-китоб) –** Бобобеков Х, Давлетшин М.Г., Ишмухамедов Р.Ж. ва бошқалар.- Т.: Фан, 1999.-32 б.
8. **Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказиладиган удумлар ва асосий тадбирлар тизими (2-китоб) –** Бобобеков Х, Давлетшин М.Г., Ишмухамедов Р.Ж. ва бошқалар.- Т.: Фан, 2005. - 90 б.
9. **Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари.** Т.: Фан, 1990.-170 б.
10. **Баубекова Г.** Педагогическое мастерство.- Т., 2000.
11. **Гоноболин Д.Н.** Ўқитувчи ҳақида қисса. -Т.: Ўқитувчи, 1975.
12. **Грехнев В.С.** Культура педагогического общения. – М.,1990.
13. **Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А.** Педагогик технология асослари.- Т, 2001.
14. **Имомназаров М., Эшмухамедова М.** Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: Тошкент ислом университети.- 2001.
15. **Ишмухамедов Р.Ж.** Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида).- Т.,УДАП, 2004. – 233 б.
16. **Ишмухамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А.** Директорнинг иш китоби (амалий тавсиялар). – Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 122 б.
17. **Ишмухамедов Р.Ж.** Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.-Т.:Низомий номидаги ТДПУ, 2004, 2008 (қайта нашр). - 44 б.
18. **Ишмухамедов Р.** Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. Услубий кўрсатма. - Т.: РБИММ, 2008. – 68 б.
19. **Ишмухамедов Р.** Инновации в образовании и воспитании.- Т.: ТГПУ, 2009 - 97 стр.
20. **Ишмухамедов Р.** Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2 китоб).-Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – 108 б.

21. **Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А.** Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.-180 б.
22. **Ишмухамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А.** Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2010.-140 б.
23. **Жуманиёзова М.Т., Ишмухамедов Р.Ж** .Таълимда педагогик технологиялардан фойдаланиш. Устоз ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланма.-Т., А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, 2010, - 218 б.
24. **Ишмухамедов Р.Ж. Туляганов А.А.** Инновационные технологии в учебно-воспитательном процессе военно-образовательных учреждений. – Т., Академия ВС РУ, 2011, 110 с.
25. **Хасанова М.Б., Голишников О.Н., Ишмухамедов Р.Дж.** – Методические рекомендации по организации партийно-политической учебы и политпросвещения на всех уровнях. – Т. НИМФГО, 2012, 48 с.
26. **Коджаспирова Г.М.** Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах./ М.:Айрис-пресс, 2006.
27. **Натанзон Э. Ш.** Приемы педагогического воздействия. - М, 2002. - 202 с.
28. **Натанзон Э.Ш.** Психологический анализ поступков ученика. М., 1991.-126 с.
29. **Натанзон Э.Ш.** Трудный школьник и педагогический коллектив: пособие для учителя / Натанзон Э.Ш. - М.: Просвещение, 1984.-96 с.
30. **Махмудов Р.** Дегонимни улусқа марғуб эт .- Т.: Ўзбекистон, 1992. - 88 б.
31. **Подласый И.П.** Педагогика. Новый курс: в 2-х кн.-М.:Владос, 1999.
32. **Профессиональная культура учителя.** /Под ред.В.А.Сластенина - М., 1993.
33. **Расмий ва норасмий учрашувлар одобномаси.**- Т.: Адолат, 1992. - 13 б.
34. **Рыбакова М.М.** Конфликт и взаимодействие в педагогическом процессе.- М.,1991.-128 с.
35. **Сергеев И.С.** Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004.
36. **Толипов У., Усмонбоева М.** Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.-Т.: 2006.
37. **Ҳикматнома.** Тўплам//Тўпловчи Н.Эшонкулов – Т:Чўлпон, 1992. - 112 б.

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ АШЁЛАРИ

1. «Ўқитувчи фаолияти, маҳорати ва маданияти» мавзусида слайдлар тўплами (Ўзбек ва рус тилларида).
2. «Ўқув жараёнида педагогик технология» мавзусида слайдлар тўплами. (Ўзбек ва рус тилларида).
3. «Интерфаол таълим ва интерфаол услублар» мавзусида слайдлар тўплами (Ўзбек ва рус тилларида).
4. «Таълим муассасаларида ўқув машғулоти услубиёти ва техникаси» мавзусида слайдлар тўплами (Ўзбек ва рус тилларида).
5. «Бошқарув педагогикаси» мавзусида слайдлар тўплами (Ўзбек ва рус тилларида).
6. «Замонавий дарс» мавзусида видеофильм.
7. «Бокс поп» ўқитувчилар ҳақида фикрлар (фоноёзув).
8. «Дарс ва дарсдаги педагогик вазиятлар» мавзусида ўқитувчиларнинг дарсларидан видеолавҳалар.
9. «Тарбиявий технологиялар» мавзусида слайдлар тўплами (Ўзбек ва рус тилларида).

ДИДАКТИК ВОСИТАЛАР

- жихозлар ва ускуналар: магнит синф тахтасиси, флипчарт синф тахтасиси, магнитлар, таркатма материаллар, маркер ва фломастерлар, ўқув кўлланмалари ва ш.к.
- видео-аудио ускуналар: видеомагнитофон, проектор, видеофильм, видеодисклар, фоноёзув ва ш.к.
- компьютер ва мультимедиали воситалар: видеотренинг ўтказиш учун махсус мосламалар.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА МАСОФАДАН ТУРИБ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

«Юксак маънавият – енгилмас куч» (2008 й), «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»(1998 й.), «Баркамол авлод орзуси» (1998 й.) китобини ўқиб чиқиш ва асосий фикрларни конспект қилиш. Шарқ мутафаккирлари, чет эл ва Европа, Ўзбекистонлик педагог олимларнинг ўқитувчи ва унинг маҳорати ҳақидаги фикрларини ўрганиш ва тўплаш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» Жамғармаси томонидан чоп этилган «Директорнинг иш китоби», «Таълимда инновацион технологиялар», «Тарбияда инновацион технологиялар», «Ўқитувчи ҳақида қисса» (Гоноболин Д.Н.) китобларини ўқиб таҳлил этиш ва асосий жойларини конспект қилиш. Таълим муассасасидаги дарс ва машғулотларда ўқитувчилар томонидан аудитория диққатини жалб этиш, тингловчиларга таъсир этиш, улар билан муносабатга киришиш, ўрнатиш бўйича

қўлланилаётган усулларни ўрганиш, тўплаш, ёзиб бориш. Мулоқот жараёнини бошқариш усулларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш. «Муаллим - қалб меъмори» (Малла Очилов) китобини ўқиш, асосий фикрларни ўрганиш. Дарс жараёнида учрайдиган низоларни ўрганиш ва ечимини таҳлил қилиш. Ўқитувчи касбини акс эттирувчи тамға тайёрлаш. «Нутқ маданияти асослари» (Кудратов Т.) китобини ўқиб ўрганиш. Таълим муассаса (умумий ўрта мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи) ўқитувчиларининг дарсларини кузатиш ва дарс лавҳаларини яратиш. Танланган мавзу асосида жамоавий ижодий ишнинг режасини, сценарийсини тузиш. Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексини ўқиб ўрганиш. Ўз-Ўзини тарбиялаш ёки ўз устида ишлаш шахсий дастурини тузиш. Таълим муассасасида танланган ўқитувчининг иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш. Иш тажрибаси тақдимотини тайёрлаш. Дастур сўнггида берилган адабиётлар рўйхати билан танишиш ва улар билан танишиб чиқиш.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўқитувчи атамаси, унинг шахси ва касби ҳақида тушунча.
2. Педагогик маҳорат фани нимани ўрганади?
3. Ўқитувчи меҳнати, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий аҳамияти.
4. Ўқитувчилик касбининг тарихий тараққиёти ва жамиятда туган ўрни ҳақида қандай билимга эгасиз?
5. Шарқ мутафаккирлари ва донишмандларининг ижодий меросида ва асарларида мударрисларни танлаш ва уларнинг маҳорати, мулоқот, муомала маданиятига қўйилган талаблар.
6. Педагогик адабиётларда педагогик маҳорат ва педагогик техниканинг моҳияти ҳақида билдирилган фикрлар.
7. И. Каримов асарларида ўқитувчилар ва уларнинг вазифалари ҳақидаги фикрлар.
8. Педагогик назокат масалаларининг тарихий тараққиёти.
9. Ўқитувчининг диққати ва дарс жараёнида ундан фойдаланиш йўллари.
10. Ёш ўқитувчи ҳаракатида тез-тез учраб турадиган хатолар ва уларни тузатиш йўллари.
11. Ўқитувчи табиати ва унинг шахсий хусусиятига қараб тоифага бўлиниши.
12. Педагогик маҳорат фанининг амалий аҳамияти.
13. Энг қадимги даврлардан XXI асрнинг бошигача бўлган даврда ўқитувчи-устоз, шогирд ва уларнинг жамиятдаги ўрни, маҳорати ҳақидаги педагогик фикрлар.
14. Ҳозирги замоннинг илмий-педагогик адабиётларда педагогик маҳорат, педагогик техника (унинг тизими ва моҳияти ҳақида олға сурилган ғоялар).

15. Қобилиятларнинг педагогик-психологик таснифи. Педагогик қобилиятларнинг асосий турлари. Эмпатия ва перцептив қобилиятлари. Ташкилотчилик, билиш, англаш қобилиятларига тасниф.

16. Ўқитувчининг иродаси, сабр-тоқати, мақсадга интилиши ва бошқа таъсир ўтказиш қобилиятлари.

17. Қобилиятлар ҳақида шарқ мутафаккирларининг фикрлари.

18. Ўқитувчининг мулоқот қобилияти. Мулоқот тушунчаси, унинг моҳияти, мақсади ва усуллари.

19. Ўқитувчининг талаба юз(табиат)ини ўқиш санъати, ўзгалар ҳолатини тушуна олиши ва ўзини намоён қила олиш санъати.

20. Ўқитувчининг мулоқотга киришишида учрайдиган педагогик низолар, камчиликлар, уларнинг олдини олиш йўллари.

21. Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси.

22. Педагогик мулоқотнинг ташкилий босқичлари.

23. «Ўқитувчи-ўқитувчи», «Ўқитувчи-ўқувчилар жамоаси», «Ўқитувчи-мактаб раҳбарияти», «Ўқитувчи-ўқувчиларнинг ота-оналари» орасидаги мулоқот маданияти.

24. Педагогик назокат ва педагогик одоб-ахлоқ.

25. Дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ўқитувчи назокатига қўйилган талаблар.

26. Турли хилдаги мулоқотларни ташкил этишда миллий маданий асослар ва умуминсоний қадриятлар устуворлиги.

27. Шарқона мулоқотга киришишда мимика, пантомимикага ҳослик.

28. Ўқитувчи ва ўқувчининг мулоқот маданияти.

29. Мулоқот жараёнида ишонтириш ва таъсир этиш усулларидан фойдаланиш.

30. Хизматдаги мулоқот одоби. Ёқтириш ва ёқтирмаслик, психологик муҳит. Чиқиша олмаслик. Муносабатдаги қийинчиликлар.

31. Ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг билими ва ҳаракатларини баҳолашда ўқитувчининг назокати ва одоби.

32. Педагогик фаолиятда бошқарув услублари.

33. Нутқ техникаси, нафас олиш, талаффуз, техника ва нутқ. Ўқитувчи нутқининг мантикийлиги, грамматик жиҳатдан тўғри бўлиши.

34. Ўқитувчининг нутқ маҳоратини такомиллаштириш йўллари.

35. Ўқитувчининг дарсдаги маҳорати. Ўқувчилар билимини эгаллаш ва билим фаолиятини бошқаришда ўқитувчининг фаолияти.

36. Дарсга тааллуқли бўлган техника воситаларини танлаш ва уларни қўллашга қўйилган талаблар.

37. Ўқитувчининг ижодкорлиги, ижодий ҳолати ҳақида тушунча.

38. Ўқитувчининг дарсгача бўлган фаолиятидаги ижодий ҳолатини ташкил этиш, дарс андозасини тузиш, дарсни яхши ўтишига ўзида ишонч ҳосил қилиш.

39. Ўқитувчининг дарс давомида қийинчиликларни енгитишга бўлган хоҳишини уйғотиш, дарс давомида мимика, пантомимикадан моҳирона фойдаланиш.

40. Ўқитувчининг кийиниш маданияти ва унга қўйилган талаблар.
41. Тарбиячилик маҳорати, унинг педагогик моҳияти
42. Ўқувчиларни ўрганиш бўйича ташхис.
43. Тарбиячи маҳоратининг тизими: ижтимоий-эстетик, ахлоқий-технологик.
44. Тарбиячининг асосий қўникмалари.
45. Педагогик фаолиятни режалаштиришнинг асосий қонунлари.
46. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш.
47. Ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг руҳий-педагогик асослари.
48. Ўзини-ўзи тарбиялашда ўзига баҳо бериш, ўзини кузатиш, ўзини ишонтиришдан фойдаланиш.
49. Илмий-педагогик тажрибани оммалаштиришда педагогик технологияларнинг аҳамияти.
50. Мактабда ёш битувчиларнинг иш услублари. Дарс ва унинг тахлили.
51. Ўқитувчи психологияси (табиати, дикқати, идроки, тафаккури, иродаси, хотира уйғунлиги).
52. Замонанинг глобал муаммолари ва уларни ҳал этишда Сизнинг ҳаракатларингиз.
53. Глобал фикрлаш, глобал компетентлик, глобал профессионаллик тушунчалари бўйича фикрларингиз.
54. Педагогик квалиметрия – бу... (фикрни давом эттиринг)
55. «Дидактик эвристика» ҳақида маълумот беринг.
56. Аниқ вазият, ҳаётий ҳодисага асосланган «Кейс-стади» ўқитиш услуби.
57. Педагогик технологиянинг йўналишлари.
58. Ўқитувчининг инновацион фаолияти қайси масалаларни ечишга қаратилган?
59. Бизнинг кундалик ҳаётимиздаги мақсадга йўналтирилган хусусий билуш фаолияти норасмий (информал) таълими ҳақида.
60. Космополитизм - бу....
61. «Интерфаол» сўзининг луғавий маъноси.....
62. Педагогик инновация нима?
63. Олий таълим муассасаси таълим жараёнида фойдаланиладиган ва кенг тарқалган педагогик технологиялар.
64. Ўқитувчининг инновацион фаолияти самарадорлигини оширишга тегишли бўлган ёндашувлар.

Педагогик атамаларнинг қисқача луғати

Автократлик – ҳокимлик, кишининг буйруқбозлик, кўрсатмалар бериш ва жазолаш каби шаклларда бошқаларга (масалан, тарбиячининг ўқувчига) нодемократик усуллардан фойдаланган ҳолда таъсир этишга мойиллиги.

Агрессивлик – душманлик, бошқаларга, атрофдагиларга зарар етказиш, тажовуз қилиш, ноқулайлик туғдириш мақсадини амалга оширувчи шахснинг хусусияти.

Аутотренинг – ўзини-ўзи ишонтириш, шахснинг ўзини-ўзи бошқаришига қаратилган махсус машқлар тўплами. Аутотренингдан шахснинг ўз руҳий ҳолати ва ҳулқини бошқаришда фойдаланилади.

Ахборотли малака – таълим ва тарбия масалаларига ахборотларни мослаштириш ва талқин қилиш малакаси.

Ахлоқ – шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий ҳулқ қоидалари, у ижтимоий онг шаклларида биридир.

Баён қилиш – тарбиячи томонидан ўрганилаётган материал мазмунини изчил сўзлаб бериш услубиёти.

Билиш фаолияти – идрок қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги.

Бошқариш – ташкил этиш, қарор қабул қилишга қаратилган фаолият, объектни ўз хизмат вазифаси доирасида назорат қилиш, тартибга солиш, ишончли ахборотлар асосида таҳлил қилиш ва яқун ясаш.

Бурч – муайян ахлоқий мажбуриятларни ҳис қилиш, унинг зарурлигини англаш.

Вазифа – мақсад ва уни амалга ошириш босқичларининг ойдинлаштирилиши.

Вербал – ифодали, оғзаки.

Гуманизм – 1) инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати, унинг қадрини ҳурмат қилиш, киши манфаатлари учун қайғуриш ғоялари билан суғорилган ва кишилар ўртасидаги тенглик, ҳалоллик, инсоний муносабат тамойилларига асосланган дуёқараш; 2) инсонийлик ва инсонпарварлик, инсонларнинг бунёдкорлигига ишончи.

Дунёқараш – шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс этирувчи қарашлар, эътиқод ва фикр-ўйлар тизими.

Идеал – олий мақсад, бирор нарсанинг намунаси, шахс, гуруҳларнинг ҳатти-ҳаракатлари, интилишлари интиҳоси.

Ижтимоий идрок этиш – кишилар томонидан ижтимоий объектларнинг идрок этилиши, тушунилиши ва баҳоланиши.

Изоҳлаш, тушунтириш – оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган турли материалларни изоҳлаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

Индивидуаллик – шахснинг бетакрор биосоциологик хусусиятлари.

Интеллект (ақл) – шахснинг турли фаолият турларини муваффақият билан ўзлаштиришни белгилайдиган туғма ва ўзлашма барча ақлий қобилиятлар тўплами.

Ишонтира олиш – ахборот оқимининг шахс томонидан танқиддан холи, эркин равишда ўзлашишига эришишни кўзлаган руҳий таъсир этиш услубиёти.

Ишонч ҳосил қилиш – шахснинг муайян қонда ва талабларини онгли равишда ўзлаштириш воситасида тарбиялаш услубиёти. Тегишли маълумотлар ва далилларга асосланиб, шахснинг ўз ҳукми ва хулосалари тўғрилигига ишончни юзага келтириш жараёни ва натижалари.

Ичиқоралик – ўзгаларнинг муваффақиятсизлигидан севиниш.

Ички ҳолат (мавқе) – шахснинг кундалик эҳтиёжи билан узвий боғлиқ ва ҳаётининг муайян даври фаолиятининг асосий мазмуни ва йўналганлигини белгиловчи ижтимоий кўрсаткичлари тизими.

Истиқболни белгилаш малакаси – ижтимоий ва билиш жараёнларини режалаштириш ва бошқариш.

Калокагатия – гўзаллик ва олижаноблик ҳамда жисмоний ва маънавий бойликлар бирлиги.

Касбий – педагогик мулоқот – педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий-психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади.

Касбий билимдонлик – педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёрлик бирлиги.

Когнитив – билиш жараёни.

Коллектив – жамоа, умумий мақсад йўлида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, ташкилийлиги ва интилишлари билан бир-бирига монанд турғун социал (ижтимоий) гуруҳ.

Коммуникация – кишиларнинг ўзаро мулоқотларида ахборотлар алмашиш тавсифи.

Коммуникатив кўникма – муомала қила олиш ва педагогик техника малака ва кўникмаси.

Коммуникатив фаолият – педагогнинг тарбияланувчилар, бошқа педагоглар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар билан мақсадга мувофиқ ўрнатган муносабатлари.

Конфликт (зиддият) – қарама-қарши қарашлар, фикрлар тўқнашуви, жиддий зиддият, кизгин баҳс.

Креативлик – бетакрор кадриятлар яратувчи, ностандарт ечимлар қабул қилувчи шахснинг ботиний қобилияти.

Кузатиш – бирор педагогик ҳодиса бўйича аниқ далилий материал олиш мақсадини кўзлаган идрок этиш шакли.

Мафкура – ғоя ва қарашлар тизими.

Мақсад – фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш.

Мақтов – фойдали иш қилган шахсни ёки жамоани оғзаки тақдирлаш.

Услугиёт – бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган услублар йиғиндиси.

Мифология – қадимги дунё халқларининг дунё ва табиат ҳодисалари, уларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, худолар ва қаҳрамонлар ҳақидаги ривоятлари, афсоналари, бу афсонада қадимий халқларнинг дунё ва худолар ҳақидаги ибтидоий тасаввурларининг акс этганлиги.

Мотив – маълум эҳтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.

Мотивация – шахсни фаол ҳатти-ҳаракатларга ундовчи сабаблар, асослар тўплами бўлиб, у айни замонда киши хулқини физиологик ва психологик бошқаришнинг динамик жараёнини ҳам билдиради ва фаолиятининг йўналиши, фаоллиги, уйғунлиги ва турғунлигини белгилайди.

Муаммоли вазият – ўқув вазияти бўлиб, у машаққат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

Мулоқотнинг етакчи тури – ривожланишнинг маълум бир даврида атрофидаги кишилар билан муомалада етакчилик қиладиган мулоқот тури бўлиб, унинг натижасида шахснинг асосий сифатлари шаклланади.

Мунозара – 1) матбуотда, суҳбатда бирор баҳсли масалани муҳокама қилиш, баҳс; 2) муайян муаммо бўйича фикр алмашишга асосланган таълим услубиёти.

Одат – кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий меъёрлардан келиб чиқиб амалга оширадиган онгли фаолияти.

Педагог – тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

Педагогика – ёш авлод таълим ва тарбияси ҳақидаги фан.

Педагогиканинг технологик вазифаси – диагностик сатҳ – педагогик ҳодисалар ҳолатини аниқлаш; башорат қилиш сатҳи – педагогик фаолиятни экспериментал тадқиқ қилиш ва шу асосда педагогик воқеликни яратиш моделларини ўрнатиш; лойиҳа сатҳи – педагогик фаолиятнинг назарий концепцияси, унинг мазмуни ва характери асосида уларга мувофиқ услубий материаллар (ўқув режа, дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаси, педагогик тавсияномалар) ишлаб чиқиш; яратувчилик сатҳи – педагогик фан ютуқларини такомиллаштириш ва қайта режалаштириш мақсадида таълим амалиётига татбиқ этиш; рефлектик ва тузатма (корректировка) сатҳи – илмий тадқиқотлар натижаларининг таълим ва тарбия амалиётига сингиб кетишини баҳолаш.

Педагогик жараён – таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

Педагогик масала – педагогик жараённинг асосий бирлиги, ўзига хос тизимидир. У воқеликни билиш ва қайта яратиш зарурияти билан боғлиқ тафаккур қилинадиган педагогик вазиятдир. Таълим қатнашчиларининг маълум бир мақсадни кўзлаган таълим ва тарбиядаги моддийлаштирилган вазиятдир.

Педагогик маҳорат – педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С. Макаренко), педагогик жараённинг

юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтети.

Педагогик мулоқот – таълим олувчиларнинг максадлари ҳамда уларнинг биргаликдаги фаолиятлари мазмунидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришни, бир-бирини англаш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этишнинг қўп киррали жараёни.

Педагогик такт – ўқувчилар фаолиятининг турли доираларида улар билан мулоқотда бўлишнинг педагогик тамойили, ўлчови, ўқувчилар билан уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри мулоқотда бўла олиш малакаси.

Педагогик техника – 1) ҳар бир таълим олувчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказишда самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар мажмуаси; 2) ҳар бир таълим олувчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар.

Педагогик технология – 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараёни амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимидир; 2) таълим ва тарбия услубиётларининг у ёки бу тўпланини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизимидир; 3) педагогнинг ютуқларига кафолат берадиган аниқ ишлаб чиқилган ва катъий илмий лойиҳалаштирилган педагогик ҳаракат; 4) таълим шакллари муқобиллаштиришга қаратилган ва техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубиётидир.

Педагогнинг коммуникатив маданияти – педагогнинг кишилар билан қисқа муддатда мулоқот ўрната олиши, улар билан мулоқот ўрнатишга бўлган доимий интилиши.

Педагог нуқтаи назари (позицияси, ҳолати) – педагогнинг дунёга, педагогик воқеликка ва педагогик жараёнга бўлган интеллектуал ва ҳиссий муносабати.

Педагогик ҳаққонийлик – тарбиячининг ҳаққонийлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

Психология – 1) шахснинг ҳақиқий борлиқни фаол акс эттириш жараёнини ўрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган психик жараёнлар тўплами; 3) психика, характер хусусияти, кўнгил ҳазинаси.

Рефлексия – тақорлаш, акс этиш, ўз ҳаракатлари ва ҳолатларини таҳлил қилиш.

Роль ижро этиш – қатнашувчиларнинг якка ва гуруҳ бўлиб турли ролларда (саҳнада) чиқиши, образга кириши.

Сардор – гуруҳ аъзоларига лозим бўлган вазиятларда сезиларли таъсир ўтказа оладиган шу гуруҳнинг аъзоси.

Суггестия – уқтириш, тўла ишонч ҳосил қилиш.

Сухбат – кузатув чоғида етарли даражада аниқ бўлмаган зарур ахборотни олиш учун қўлланадиган тадқиқот услубиёти.

Тазйиқ ўтказиш – уятга қўйиш, айбдорлик ҳисси ёки кўнгли чўкканларнинг фикри, ҳиссиёти, интилиши ва майлини уларнинг онгидан халос қилиш.

Талқин қилиш – бирор ҳодиса ёки нарсани изоҳлаш, тушунтириш.

Такаббур – ўз манфаатларини юқори қўювчи, манман шахс.

Такт – мисли қўрилмаган тарзда ўзини тута билиш.

Тарбия – 1) шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиш; 2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти.

Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни билиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни ҳис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воқеа ҳодисаларни қидириш, келажакни кўра олиш. Тафаккур, тушунча, ҳукм, хулоса шаклларида намоён бўлади.

Темперамент – 1) шахснинг психик фаолияти динамикасининг турли жиҳатларини билдирадиган турғун шахсий хусусиятларининг қонуний муносабатлари; 2) шахснинг динамик хусусиятлари: жадаллик, тезлик, даража, психик жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

Технология – ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ашёнинг ҳолати, хусусияти, шаклини ўзгартириш услубиётлари тўплами.

Фаолият – 1) онгли мақсад билан бошқариладиган кишининг ички (руҳий), ташқи (жисмоний) фаоллиги; 2) атроф-муҳитнинг кишилар томонидан мақсадга мувофиқ қайта бунёд этилиши.

Хайрихоҳлик – кишиларга очик кўнгли бўлиш, илтифотли, марҳаматли бўлиш.

Шахс – 1) кишиларнинг ижтимоий ҳулқи, инсонлар орасида ўзини тутишини акс эттирадиган руҳий сифатлари мажмуини билдирувчи тушунча; 2) турли-туман сифатлар тизимидаги кишининг руҳий, маънавий моҳияти; 3) ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган киши.

Шахсий фазилат – шахс томонидан ўзининг ахлоқий-руҳий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиши.

Эътиқод – шахс амал қиладиган билим, тамойил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати.

Эстетик тарбия – гўзалликни ҳис қилиш, атроф-муҳитдаги гўзалликни пайқай олиш ва тушунишга бўлган қобилиятни тарбиялаш.

Эҳтиёж – шахснинг бирор нарса-ҳодисага муҳтожлиги ва кишининг руҳий қуввати ва фаоллиги манбаи ҳисобланадиган асосий хусусияти.

Ўйин – у фаолиятнинг шундай бир турики, у ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришга ва бунёд этишга, ўз ҳатти-ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Ўз-ўзини баҳолаш – кишининг ўз психологик сифатлари, хулқи, ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, кадр-қиммати, камчиликларини баҳолай олиши.

Ўз-ўзини тарбиялаш – 1) шахсга хос бўлган маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолияти; 2) шахснинг ўз жисмоний, рухий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириш.

Тарбиячининг инновацион фаолияти – социал-педагогик феномен бўлиб, ижодий имкониятни акс эттириш, кундалик фаолиятдан четга чиқишдир.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш – ўқувчи ва ёшларга келажакда ўз касбларини аниқлаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, психологик, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш – техник тадбирларнинг асосланган тизими.

Қаноат – маълум мақсадга эришиш йўлида ижобий туйғу билан боғланган шахснинг психологик ҳолати.

Қизиқиш – шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналишининг онгли шакли.

Ғайри ихтиёрийлик - ташқи ҳолат ёки шахсий кайфиятлар таъсирида дастлабки ишончларга мойил киши хулқининг хусусияти.

Ҳалоллик – шахсий ва ижтимоий мажбуриятларни, ахлоқий меъёрларни ростгўйлик билан сақлаш.

Ҳасад – ўзгаларнинг муваффақиятларини кўра олмасликдан келиб чиқадиган туйғу.

Яхлит педагогик жараён – тарбия жараёнида таълим ва таълим жараёнида тарбия беришнинг ўзаро сингиб кетган, яхлит ҳолга келган жараёни.

КИРИШ.....	3
I БОБ. ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	6
1. «Инновацион технологиялар» тушунчаси.....	9
2. Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда технологик хаританинг аҳамияти.....	13
1-§. ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ.....	17
1. Таълим технологиялари.....	18
1.1. Зинама-зина.....	18
1.2. Чархпалак.....	20
1.3. Бумеранг-1.....	28
1.4. Бумеранг-2.....	32
1.5. Учга тўрт (3x4).....	33
1.6. Резюме.....	35
1.7. Муаммо.....	38
1.8. Лабиринт-1.....	39
1.9. Лабиринт-2 (Кейс-стади асосида).....	41
1.10. ФСМУ.....	43
1.11. Мулоқот.....	45
1.12. КБИ (кузатиш, баҳслашиш, ишонтариш).....	47
1.13. ИМАК.....	49
1.14. Скарабей.....	50
1.15. Елпигич.....	52
2-§. ТАЪЛИМДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ.....	53
2.1. Танишув.....	53
2.2. Келинг, танишайлик.....	54
2.3. «Ассесмент» техникаси.....	55
2.4. Интерфаол суҳбат.....	59
2.5. Блок-сўров.....	61
2.6. Тушунчалар таҳлили.....	63
2.7. Блиц-сўров.....	65
2.8. Ёзма баҳс(дебат)лар.....	68
3-§. ЎЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	70
3.1. «Консенсус ва конфронтация» ролли-ишчан ўйини (келишув ва зиддият).....	70
3.2. Чорраҳа.....	72
3.3. САН.....	74
4-§. ДАРСГА КИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ЭТИШ ТЕХНИКАСИ.....	76
Дарсга кириш ва уни таҳлил этиш зарурати.....	76
Дарс таҳлилининг асосий таркибий қисмлари.....	77
4.1.Таълим шакллари ва услубларига қўйиладиган замонавий талаблар.....	83
4.2. Дарсни таҳлил қилиш бўйича ёрдамчи материаллар.....	85

3. Ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш турлари.....	87
II. БОБ. ТАРБИЯДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	90
Ўқувчилар тарбиясига оид ҳикматлардан намуналар.....	91
Кириш.....	92
1-§. МИЛЛИЙ МАРОСИМ ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	93
1.1. Асосий тушунчалар ва уларнинг маънолари.....	93
1.2. Маросимларнинг гуруҳлари.....	97
1.3. Ўзбек халқ байрамларининг жадвал-йилномаси.....	99
1.4. Ҳаётимизда кўп учраб турадиган маросим (ритуаллар) рўйхати.....	102
2-§. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	103
2.1. Ўқувчилар фаолиятининг дардан ташқари тизимини лойиҳалаш.....	103
2.2. Тарбиявий ишларнинг манбалари.....	107
2.3. Тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар.....	108
2.4. Тарбиявий ишларни режалаштириш босқичи.....	109
2.5. Тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий қоидалари.....	110
2.6. Тарбиявий ишларни ташкил этишни бошқариш.....	111
3-§. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁН ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	113
3.1. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар.....	114
3.2. Тарбиявий ишлар жараёнида қўлланиладиган педагогик таъсир этиш усуллари.....	115
3.3. Бузгунчи ғоялар ва ёвуз кучларга қарши курашда ишонтариш услубиётининг ўрни.....	118
3.4. Педагогик таъсирда тарбиячи, мураббийларнинг маҳорати.....	120
4-§. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ УСЛУБИЁТИ.....	125
4.1. Тренинглар.....	125
4.1.1. «Контакт - 1» - жамоавий ҳикоя тузиш.....	125
4.1.2. «Контакт - 2» - «Пиёла» (ўйин).....	126
4.1.3. Хоккей (ўйин).....	127
4.1.4. Қадамба-қадам.....	130
4.1.5. Педагогиада.....	131
4.1.6. Панорама.....	132
4.1.7. «Муаммоли ўқувчи» тренинги.....	135
4.1.8. «Оғзаки журнал» тренинги.....	138
4.1.9. Зарарли одатлар музейи.....	141
4.1.10. Саҳна.....	143
4.1.11. «Ўйин» тренинги.....	144

4.2. Интерфаол улублар.....	146
4.2.1. Баҳслашув.....	146
4.2.2. Муносабат.....	149
4.2.3. Ташвиқот гуруҳи.....	152
4.2.4. АЖИЛ.....	153
4.2.5. Сценарий.....	155
4.2.6. «SCORE» – интерфаол услуб.....	156
4.2.7. SCORE-1.....	157
4.2.8. SCORE-2.....	158
4.2.9. Ахборот соати.....	160
5-§. СИНФ РАҲБАРИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.....	162
5.1. Синф раҳбари ишларининг мазмуни ва шакллари.....	162
5.2. Синф раҳбарларининг касбий маҳоратлари.....	168
5.3. Синф раҳбарининг хизмат вазифалари.....	169
5.4. Тарбиявий соат, ахборот соати ва тарбиявий тадбирларни кузатиш ва таҳлил қилиш мезонлари.....	171
5.5. Танқид қилишни ўрганинг.....	172
6-§. ЖАМОАВИЙ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ – ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ СИФАТИДА.....	174
7-§. ТАДБИРЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	178
7.1. «Рақслар базми» байрамини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби.....	179
7.2. «Сусамбил мамлақати» ижодий- ташкилий ўйин.....	183
7.3. «Меҳржон» байрами.....	193
7.4. Таълим муассасаларида «Халқ сайли» байрамини тайёрлаш ва ўтказиш.....	196
7.5. «Бўлажак ватан посбонлари» ўйин-мусобақа.....	201
7.6. Оммавий рақс (массовка).....	204
8-§. ПЕДАГОГИК НИЗО ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ДЕТЕРМИНАНТ АНИҚЛОВЧИЛАРИ.....	207
8.1. Ўзаро низоларни бошқариш технологияси.....	211
8.2. «Зиддиятларни ечиш услубингиз» тренинги.....	212
9-§. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАРБИЯВИЙ АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ СЕМИНАРНИ ЎТКАЗУВЧИ ТАШКИЛОТЧИЛАРГА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР.....	215
9.1. Катта ёшдагиларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	216
9.2. Таълим муассасаларида ўқув семинарини тайёрлаш ва ўтказиш.....	217
9.3. Тренер-ўқитувчиларнинг фаолияти ва касбий имиджи.....	219
9.4. Тингловчилар навбатдаги топшириқ билан қандай таништирилади? (амалий тавсия).....	221
9.5. Тренер-ўқитувчиларга маслаҳатлар.....	222
9.6. Тренингни ўтказиш методикаси ва уни олиб бориш малакалари.....	223
9.7. Гуруҳ билан ишлаш ва уларга раҳбарлик қилиш.....	225
9.8. «Муаммоли» тингловчилар билан мулоқот мобайнида зарур	

бўладиган фойдали маслаҳатлар.....	226
9.9. Таркатма материаллар ва амалий машқларни тайёрлаш.....	229
III БОБ. ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР.....	231
1. Ҳар хил чизмалар ёрдамида амалга ошириладиган интерфаол методлар.....	232
2. Баъзи интерфаол услуб ва инновацион технологияларнинг қисқача таърифлари.....	244
3. Таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган интерфаол услублар, ноанъанавий дарслар, педагогик технологиялар ва усуллар рўйхати.....	246
IV БОБ. ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	249
1. «Инновацион технологиялар» ўқув хонасида мебелларни жойлаштиришнинг кўринишлари.....	250
2. «Инновацион технологиялар» ўқув хоналарининг тавсифлари.....	252
3. Маъруза мавзуларини тушунтиришга керакли бўлиши мумкин бўлган тақдимот материаллари.....	254
Муаллифлар ён дафтаридан.....	261
Адабиётлар.....	262
MУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА МАСОФАДАН ТУРИБ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.....	264
Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар.....	265
Педагогик атамаларнинг қисқача луғати.....	268

УДК: 372.862(075)

ББК 74.202.4

И96

Р.Ишмухамедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма) -Т.: 2013. -278 б.

УДК: 372.862(075)

ISBN 978-9943-23-075-0

ББК 74.202.4

Равшан Жўраевич Ишмухамедов
Максуджон Абдуллаевич Юлдашев

**ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА
ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

(таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар,
тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма)

Муҳаррир М. Жуманиёзова

Мусаҳҳиҳа М. Шодмонова

Муқова дизайнери М. Раҳмонов

Саҳифаловчи Ҳ. Максудова

Нашриёт лицензияси АІ № 219, санаси: 3.08.2012 йил.

Босишга 26.11.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 60x90 ¹/₁₆.

Офсет қоғози. Офсет босма. «Times New Roman» гарнитураси.

Шартли босма табағи 11,2. Босма табағи 11,2.

Адади 2000 нусха. Буюртма №207.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Ofset print» МЧЖ босмаҳонасида босилди.

Босмаҳона ва нашриёт манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,

Махтумкули 1,уй

Тел.: 228-90-14.

ISBN 978-9943-23-075-0



9 789943 230750